

Шарқ юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN' AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK



Sharq yulduzi



Ўзбекистон халқ ёзувчиси
Шукур ХОЛМИРЗАЕВ
(1940 – 2005)



Шарқ юлдузи

Адабий-бадий, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид	Хайриддин Султонов
Мухаммад Али	Махмуд Тоир
Кенгесбой Каримов	Гулистон Матёкубова
Иқбол Мирзо	Шерзод Ирзоев
Қахрамон Қурнобоев	Нурбой Жабборов
Минхожиддин Мирзо	Тоштемир Турдиев
Жумакул Қурбонов	Шухрат Маткаримов
Фармон Тошев	Адхамбек Алимбеков
Исажон Султон	Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф

Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Иқром Отамурод

Наср бўлими мудири – Саид Анвар


Адабиётшунослик бўлими мудири – Ориф Ҳожи



УШБУ СОНДА:

НАСР

Эркин АЪЗАМ



НОВ БОШИДА ИККИ МОМОКМОНИМ

Билмайман, эллик-олтмиш йилдан буён каерда, нима килиб юрган эканман, келиб-келиб энди, ёш қайтганда қизиқадиган бўлиб қолибман: қай тарзда туғилганиму тепамда кимлар тургани, ўша куни осмонда булут бўлган-бўлмагани ва хоказо. Бахтимга, онагинам барҳаёт, Бойсун борганимда ижикилаб суриштираман, у кишиям эринмай хотирлайдилар.

НАСР

Дилфуза ЎРОЛ



ЮР, НАСТЯРИН ҚУЧАСИГА

Адашбой ортига ўгирилди. Эшик ичкаридан ил-гакланиб, қулфланган экан. Адаш бу ерга қандай келиб колганини ўйламоққа фурсати йўқ эди, қизни тезроқ муздай ва ҳўл кафелли полдан кўтариб, турғизишга ҳаракат қиларкан, бу уринишларининг бари беҳуда эканини пайқамас, чунки ё унинг ўзи ва ёинки Моҳира бир рўё, бўшлиқ мисол, йўқлик каби эди...

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН



УЧАЁТТАН УЛКАН ТЮШ

У адабий ҳаётда ўта жиддий. Китобларида ҳазил шеър ёки ҳажвий маънодаги наср деярли учрамайди. Балки, адабиётга факат жиддий мезонда қарар. Аммо даврасида бир бор бўлган киши унинг дилкаш, дилбар ҳазилкаш инсонлигини дарров англайди. Ҳар қандай аудиторияни осонлик билан “қўлга олиб” оғзига қаратиши, тагдор, кулгили латифалари билан “қизикчи”ларни-да орта қолдириши мумкин.

Низомжон ПАРДА

**ОЛИС-ОЛИС ЮЛДУЗЛАРДА ЯННАРАБ
ҚОЛАР ОВОЗИМ**

Қайда ёмғир сепалаб ўтган,
Қайлардадур зарра намлик йўқ.
Сархадларда тўкилган қондай
Алвон бўлиб кизарган уфқ.

Оппок танли бўйчан тераклар
Тизилишиб турар сокчидай.
Қалдирайди юксак-юксаклар
Кунни ерга тушурмоқчидай.



Хосият РУСТАМОВА

НАЪМ

**ҒАМГИН НОБДАЛАРГА
КЎЗ БЕРАР САБОҚ**

Шамол аччиқланиб гоҳ,
Тесқари бурар юзин.
Қарайди бошдан-оёқ –
Кўзи сузилган узум.

Кўлмакларда қуш ини,
Хазонла ётар чириб.
Куз ўтади кўксини –
Пуч ёнғокка тўлдириб.




Шерхон ҚОРАЕВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҲУЗУРИДАГИ
МАЖЛИСЛАР**

Алишер Навоий ҳузуридаги бундай кечаларга қатнашиш ҳаммага ҳам насиб этмаган: “Олимларнинг улуғлари қачонки, унинг олий даражадаги йиғинларида қатнашиш имкониятини қўлга киритишса, унинг самимий қалби сирлари саҳифаларидан фойдали марваридлар йиғишар, фозилларнинг машҳурлари қачонки, ул ҳазрат ўтирган муборак гиламнинг бир четида ўтириш шарафига эга бўлишса, нозик фикрлар ва нафис сўзлар гавҳарларини теришарди.





Теша
САЙДАЛИЕВ

Ҳаёт кўрки бўлиб қолар борлиғи

Ҳайрат

Бир кун гул гунчасин такиб ўтдинг сен,
Бир кун ҳаё билан бокиб ўтдинг сен,
Бир кун дарё каби окиб ўтдинг сен,
Ҳар гал ишқ гулханин ёкиб ўтдинг сен.

Билмадим, қандайдир кўйга қолдим мен,
Билай деб, ўзимни уйга олдим мен,
Бу не деб, тунлари ўйга толдим мен,
Қалбимнинг уришин куйга солдим мен.

Олисада

Сахролар бўлса ҳам ташна,
Бағрида йўл олар на бирор чашма.

Буни буюклик деб, атар аллаким,
Шунда бўғилгандай бўлар нафасим.

Тоғ борки, йилдан-йил букчаяр қадди.
Элга-элман деса, сиғади қадди.

Бағрида не бўлса, бахш этар элга,
Умри ҳам чўзилмас, балки, юз йилга,

Балки бир тубсиз жар бўлади ўрни.
Қора тупроқ билан тўлади ўрни,

Аммо, бу қисматдан қолмас дод, йиғи.
Ҳаёт кўрки бўлиб қолар борлиғи.

Бундай буюкликдан баҳра олмас ким,
Шундай тоғ умрига келар ҳавасим.

Теша САЙДАЛИЕВ – (1933–1972). Самарқанд давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Ижодкорнинг “Тухфа”, “Сурхон садолари”, “Кўнгли гавҳари” шеърӣй тўпламлари нашр этилган.

Дарак бўлмай жавобингдан

Куним тундир, дилим хундир,
Дарак бўлмай жавобингдан.
Ё ўрташ завқи авломи бу шайдон
Кавобингдан?

Ҳолимдан гулларим йиғлар,
Куйиб булбулларим йиғлар,
Буку мен, тоғ чўкиб кетгай раво кўрган
Азобингдан.

Хатинг малҳам бу хастанга,
Ҳамон кўнгли шикастанга,
Жонимга-жон кўшилмай ишқ аталмиш ул
Китобингдан.

Хатинг олгач, олиб борсам,
Хатингдан ўргилиб борсам,
Жудо бўлмасми бу кўнгил: “Келинг!” деган
Хитобингдан.

“Келинг!” десанг, ғамим кетгай,
Куёшга кўлларим етгай,
Пойимда лола унгай бир табассум, минг
Савобингдан.

Аланга

Ишқим, аввал, бўлса ҳам учкун,
Ҳарорати жон эди танга.
Сирлашдиму сенла ўша кун,
Бу учкундан ёнди аланга.
Алангаки, толмас кўл билан
Сенга боғлаб кўйди дилимни.
Уни минг йил ловулластгайман,
Ёрицин деб, ҳаёт йўлимни.

Тўртлик

Кўзим дер, дилбаринг кўрган ўзимман,
Йўлингни ул томон бурган ўзимман.
Бу йўлдан қайтмагин, асло, адашма,
Шудир бахтинг, кўриб турган ўзимман.

* * *

Нурга шайдо одамзодга
Нур сочмаса ҳар босган изинг.
Безътибор бўлсанг ҳаётга,
Эътиборсиз коларсан ўзинг.

Сиз ўтган кўчаларда

Хох эрталаб, хохи тушда, хохи оқшом
 Кўчаларда сафларингиз дарё мисол.
 Боксам, чуқур канотига олар илҳом,
 Ҳар бирингиз: шеъриятга нурли тимсол,

Сизни кўриб, гул чечаклар кўп сирлашар,
 Таъзим қилсак дейди, келиб ёнингизга.
 Ғуж-ғуж бўлиб япроқлар ҳам шивирлашар,
 Кулоқ тутсам, олқиш ёғар шаънингизга.

Булутлар кўк ойдинлатар ранг-рўйини,
 Дейди, ана ўтмоқдаку нурзодалар.
 Шундай гўзал гулбаҳорлар хуш бўйини,
 Олам узра ёяй дейди шаббодалар.

Эй, туғишган сингилларим, барноларим,
 Илму одоб гулшанида раъноларим:
 Санобару, Адолату, Зухроларим –
 Зебо қадду қоматингиз бир кўрсалар,
 Онажонлар дил орзуси ҳаволанар.
 Ёшлиқларин эслаб қолар “оҳ” десалар,
 Нор йигитлар юрагида гулхан ёнар.

Кўнгилбардор хислатингиз бунча кўпа,
 Ўтаркансиз, яшаргандай бўлар ҳар ёк.
 Сезасизми, сиздаин дилбандларни деб,
 Такдирига таҳсин ўқир она тупрок.

Интизордир қалбимда ўйим

Деразам ортидан ой қарар ёввош,
 Сенмисан деб, боқаман унга?
 Тун пардасин йиртиб, жилмаяр қуёш,
 Сенмисан деб, боқаман унга?

Гулларнинг атрини пурқар шаббода,
 Дейман, сочи силкинар чоғи.
 Сен – менга: қуёшсан, ойсан дунёда,
 Сен – умримнинг гуллаган боғи.

Шунинг-чун ҳам тезроқ келгин, севгилим,
 Гар келмасанг тўлмайди ўйим.
 Сенга интизордир кўзларим, дилим,
 Интизордир қалбимда ўйим.

Юрагим

Дилбарни юлдуз атаб
Куйлаган сен, юрагим.
У куйласа, булбул деб,
Ўйлаган сен, юрагим.

Ўша юлдузни кўзлаб,
Жарга учдинг, юрагим,
Булбул изидан бўзлаб,
Сароб кучдинг, юрагим.

Ерда колса сўзгинанг,
Ёрилгин, эй, юрагим.
Ўз ўтинга ўзгинанг
Қоврилган, эй, юрагим.

Ёрилсанг ҳам барибир,
Уни дерман, юрагим.
Қоврилсанг ҳам барибир,
Уни дерман, юрагим.

Ўтли ишқим кул бўлиб,
Ўчмас сендан – қалбимдан.
Агар унсам, гул бўлиб,
Униб чикар қалбимдан.

Бу қўллар

Йўқ, ипакдай эмасдир юмшок,
Қадоклидир сенинг қўлларинг.
Қачон,
Қайда бўлмасин
Ҳар чоғ
Сабоклидир сенинг қўлларинг.
Уларда йўқ
Маникюр,
Узук,
Жозибаси – меҳнат қадоғи.
Дўстлар деркан:
“Бу қўллар тузук!” –
Бу таърифнинг борми адоғи?
Очилсин деб, кенг, янги йўллар,
Шод этай деб, Ватан, халқимни,
Бахт яратар,
Қурар бу қўллар,
Шу қўлларга берай қалбимни.



**Тўра
БОБОЛОВ**

Ислохотларда юксалаётган диёр

*Сурхондарё вилояти ҳокими,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати аъзоси Тўра БОБОЛОВ билан
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими
Тоштемир ТУРДИЕВ суҳбати*

Тоштемир Турдиев: – *Тўра Абдиевич, суҳбатимизни, аввало, Президентимизнинг жорий йил 17–18 октябрь кунлари Сурхондарёга қилган ташрифи ва ушбу ташриф доирасида белгиланган муҳим вазифалар, вилоятда яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида бошласак.*

Тўра Боболов: – Муҳтарам Президентимиз жорий йилнинг ўзида уч бора ташриф буюрдилар. Бу, албатта, мамлакатимиз раҳбарининг Сурхон элига бўлган чексиз меҳри, хурмати туфайлидир. Негаки, Юртбошимиз ҳар галги ташрифлари давомида вилоятда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёни билан танишиб, вилоят аҳли, фаоллари билан бўладиган учрашув, мулоқотларида шу элнинг нафақат бугуни, эртаси, балки узоқ тарихи билан ҳам кизиқадилар, бизни янада фаолликка, жонкуярликка даъват этадилар.

Шу боисдан ҳам Юртбошимизнинг кейинги ташрифлари давомида ўтказган йигилишида “Ҳар бир вазир, соҳа ҳамда тармоқлар раҳбарларига йил якунигача ва келаси йилда Сурхондарё учун нималар қилишини аниқ ёзиб, вилоят ҳокимлигига тақдимот қилиш бўйича” топшириқ бердилар. Ва яна вилоятимиз иқтисодиётининг бугунги ҳаётини чуқур таҳлил қилиб, уни ривожлантириш бўйича муҳим йўналишларни белгилаб бердилар.

Жумладан, шу пайтгача режалаштирилган лойиҳаларни бажариш билан бирга, келгуси икки йилда умумий қиймати 13 триллион сўмликдан зиёд янги инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилгани қайд этилди. Насиб бўлса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, 3–4 йил ичида Сурхондарёда таниб бўлмас даражада ўзгаришлар бўлади.

Шуни айтишим керакки, бунга Сурхон халқининг танти ва меҳнаткаш эли асло шубҳа қилаётгани йўқ. Яна ғурур билан айтишимиз мумкин, бутун юртимизда, жумладан, бизнинг вилоятимизда ҳам сўнгги йилларда рўёбга чиқаётган янгиланиш ва ўзгаришлар бунинг яққол далили, исботи бўлмоқда.

– *Ҳақиқат рақамларда ифода этилса, янаям салобатли бўлади. Шу манънода кейинги йилларда қандай ёруғ ўзгаришлар рўёбга чиқди?*

Тўра БОБОЛОВ – Сурхондарё вилояти ҳокими. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси. 1970 йилда туғилган. Тошкент давлат иқтисодиёт университетини тамомлаган.

– Вилоятимизда ўтган бир-икки йил давомида жуда катта ишлар амалга оширилди. Термиз шаҳри, Шеробод, Жарқўрғон, Денов, Сариосиё каби туманларимизда пахта кайта ишлайдиган йирик текстил корхоналари ишга туширилди. Хусусан, давлатимиз раҳбари шу йил 30 апрель – 1 май кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Термиз шаҳрида иш бошлаган “ZIF TEXTILE” корхонасининг тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси билан танишган эдилар. Ҳозирги кунда берилган топшириқлар асосида корхонада 94 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, йилига 6 миллион дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 400 та янги иш ўрни яратилди.



**Тоштемир
ТУРДИЕВ**

Ёки Сариосиё тумани марказидан қарийб 60 километр олисда жойлашган Сангардак қишлоғи ва унинг атрофидаги ўндан ортиқ аҳоли пунктида хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун беш ташаббус ижроси доирасида “Сангардак чеварлари” тикув-трикотаж мажмуаси қурилиб, ишга туширилди.

Вилоятда чорвачилик, балиқчилик, замонавий иссиқхоналар барпо этиш ва бошқа соҳаларда ҳам қатор лойиҳалар ўзлаштирилди. “Ёшлар – келажагимиз”, “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурлари ижроси доирасида кенг қўламли ишлар рўёбга чиқарилмоқда.

Вилоятнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, янги хизмат турларини кенгайтиришга тўғридан-тўғри хорижий сармояларни жалб этиш бўйича берилган топшириқ ижроси доирасида жорий йилда 103,7 миллион доллардан зиёд миқдордаги тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилди. Мазкур лойиҳаларнинг асосий қисми саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришга қаратилган.

Сўнгги вақтларда вилоятимиз йирик қурилиш, бунёдкорлик майдонига айланган. “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” дастурлари ҳудудлар кифасини тубдан ўзгартириб, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига муносиб шароит яратилмоқда. Бунинг учун кенг, раво йўللар барпо этилиб, мавжуд кўп қаватли уйлар, таълим, тиббиёт, маданият ва бошқа ижтимоий соҳа объектилари реконструкция қилинмоқда, янгилари қурилаётир.

Сариосиё туманидаги Шарғун – тоғли шаҳарчаси вилоятнинг кўмир, оҳак-тош, кумуш, фосфорит каби ноёб қазилма захираларига бой ҳудудларидан бири. Шарғун кўмир конини қайта тиклаш ва самарали фойдаланиш учун “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳамда Хитой давлатининг Эқсим банки томонидан

Тоштемир ТУРДИЕВ – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Дўстлик” ордени соҳиби, филология фанлари номзоди. 1942 йилда туғилган. Бухоро давлат педагогика институтини (ҳозирги БДУ) тамомлаган. Унинг “Ўзбек достончилигида халқ ахлоқий қарашларининг бадиий ифодаси”, “Фозил Йўлдош ўғли”, “Субҳидам қалдирғочи”, “Мингбоғ шамоли”, “Талтин, юрак”, “Муддоа: янгича яшаш, кураш”, “Чағонийн тараннуми” каби йигирмадан ортиқ илмий-оммабоп ва бадиий китоблари нашр қилинган.

ажратилган маблағлар эвазига 2021 йилгача йирик ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари бажарилиб, бу ердан йилига 900 минг тонна кўмир казиб олиш йўлга қўйилади. 600 иш ўрни яратилади. Ҳозир конларни қайта тиклаш баробарида кўмир казиб олиш ишлари давом этмоқда.

Бунёд этилган ва этилажак йирик корхоналар хусусида тўхталадиган бўлсам, ўтган йили Шеробод туманида цемент заводи ишга туширилган эди. Жорий йил Жарқўрғон туманида “Сурхонцементинвест” хорижий корхонаси барпо этилди. Бу ерда Германия, Австрия, Россия ва Хитойдан келтирилган замонавий технология ва ускуналар ўрнатилди. Лойиҳа қиймати қарийб 144 миллион АҚШ доллари бўлган корхонанинг биринчи босқичи якунланган. Завод тўлиқ қувват билан иш бошласа, йилига 1,1 миллион тонна цемент ишлаб чиқаради. Унинг 750 минг тоннаси экспорт қилинади. 1125 киши иш билан таъминланади. Юртбошимиз навбатдаги ташрифлари давомида ушбу завод билан ҳам танишиб, “Сурхондарё вилоятининг иктисодий имкониятлари жуда катта. Бу ерда ер ости бойликлари кўп. Менделеев даврий жадвалидаги деярли барча элементлар бор. Бундан оқилона фойдаланишимиз, халқимиз манфаати учун ишлатишимиз керак”, дея юкори баҳо бердилар.

Вилоятимизда бир қанча ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорликда келгуси икки йил давомида 90,2 миллион долларлик 47 та истикболли инвестиция лойиҳаси амалга оширилиши кўзда тутилган. Хусусан, Денов тумани иктисодиётини ривожлантириш, туманда эркин иктисодий зона ташкил этиш, вилоят экспорт салоҳиятини ошириш бўйича мамлакатимиз раҳбари томонидан қатъий топшириқлар берилди.

– *Яхши биламиз, Сурхондарё ўзининг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари билан ҳам машҳур. Хусусан, бир пайтлар пахтачиликда ингичка толали пахта кўп етиштирилар эди. Аммо...*

– Саволингизни тушундим. Чиндан ҳам Сурхон воҳасида узок йиллар давомида пахта етиштириш, ундан мўл-кўл ҳосил олишни йўлга қўйган тажрибали деҳқонлар, зироатшунослар мактаби яратилган эди. Аммо бу борада ҳам йиллар давомида қатор муаммолар йиғилиб қолганлиги ҳақиқат. Лекин барибир, Сурхон деҳқонлари турли қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришда турли ташаббусларни ҳаётга тадбиқ этишмоқда.

Ингичка толали пахта хусусидаги мавзуга келсак, чиндан ҳам сурхондарёлик деҳқонлар ингичка толали пахта етиштириш бўйича катта тажрибага эгадилар. Мамлакатимиз раҳбари бу борада йиллар давомида эътибордан маълум даражада четда қолиб келаётган ингичка толали ғўза навларини кўпайтириш ва эркин майдонларини кенгайтириш, олимларни рағбатлантириш бўйича топшириқлар берди. Жорий йилда вилоятимизда қарийб 5 минг гектар ерда ингичка толали пахта етиштирилган бўлса, келгуси йилдан бу кўрсаткич кескин оширилади. Юртбошимиз 2018 йил январь ойида вилоятимизга сафари чоғида пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди.

Шу асосда вилоятда 6 та тўқимачилик кластери ташкил этилган. Улар ҳозирча вилоятимиз жами пахта майдонининг 67 фоиздан зиёдрогини камраб олган бўлиб, келгуси йилда бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш режалаштирилмоқда.

– Маълумки, бугун мамлакатимиз бўйлаб туризм соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда ва бу республикаимиз иқтисодиёти учун сезиларли самара беради. Сурхондарёда экотуризм, этнотуризм ва зиёрат туризмини ривожлантириш учун имкониятлар юқори. Бу йўналишида олиб борилаётган ишлар хусусида тўхталсангиз?

– Ҳа, вилоятда туризм соҳасини, йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш учун қатор вазифаларни амалга оширишга киришилган. Айни пайтда вилоятимизда 384 та тарихий обида мавжуд. Буларнинг ҳар бири мамлакатимиз фуқаролари ва юртимизга келаётган сайёҳлар учун қизиқарли. Ал-Ҳаким ат-Термизий, Имом Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота номлари билан аталадиган зиёратгоҳларимизга ҳам ўзимиздан, ҳам чет эллардан келаётган зиёратчилар оқими кўпаймоқда. Демак, зиёратгоҳларимиз шунга яраша таъмирланган, зарур шарт-шароитлар яратилган бўлиши керак. Бугун Термизий боболар зиёратгоҳларига элтувчи инфратузилмада барча шароитлар бор, қолганларида ҳам шундай шароитларни яратиш режалаштириляпти.

Сурхондарёнинг ўзига хос иқлими нуқтаи назаридан экотуризмни ривожлантириш учун имконият эса жуда етарли. Ҳудудда шундай гўшалар борки, ёз ўртасида ҳам тўрт фаслга гувоҳ бўлиш мумкин. Бу ерларнинг ҳавоси экологик жиҳатдан тоза, мусаффо. Бундай жойларга, хусусан, Сангардак ва Бойсунга хориждан ташриф буюрувчилар сони ортиб бормоқда. Айни вақтда ушбу манзилларга элтадиган йўللарни реконструкция қилиш, зарур инфраструктура объектларини яратиш устида иш олиб боряпмиз.

– Йўллارни мамлакатнинг қон томирлари деймиз. Демак, ўз навбатида бу ҳудудларга ҳам тегишли. Йўл равон бўлса, манзилимиз бехатар, ишимиз осон бўлади. “Алмата – Термиз” трассасининг вилоятдан ўтувчи қисми таъмирланибди. Аммо вилоят марказидан ўтувчи ички йўллар, айниқса, “Бойсун-Сариосиё” йўллари аҳволи жуда ачинарли аҳволда. Уларга қачон навбат келади?

– Тўғри, йўл масаласи Сурхондарёдаги энг оғриқли масалалардан биридир. М 39 халқаро йўли Термиздан Дехқонobodгача халқаро стандартлар талаби бўйича мукамал таъмирдан чиқарилди.

Ҳозир Бойсундан Сариосиёгача бўлган ички йўлни икки чизикли қилиб, халқаро стандартлар даражасида таъмирлаш бўйича аниқ дастур тузилган. Бу борада ишлар аллақачон бошлаб юборилган.

М 41 “Термиз – Душанбе” йўлининг Сариосиёгача бўлган қисмини капитал таъмирлаш ишларига келгуси йилнинг февраль ойидан киришилади. “Ўзавтойўл” давлат кўмитаси мутахассислари билан биргаликда ишляпмиз. Мана шу йўл тўрт чизикли йўл қилиб кенгайтирилади. Яъни, бу нафақат вақт ва масофани қисқартириш, балки хавфсизликни таъминлаш учун Жарқўрғон, Қумқўрғон ва Шўрчи туманлари марказларини четлаб ўтадиган йўл бўлади.

– Сурхон элининг қадим-қадимдан полвону паҳлавонлари, чопагон чавандозлари маълум ва машҳур. Улар ҳақида кўплаб дostonлар битилган...

– Ҳа, дostonларда қуйланган паҳлавонлар авлодлари бугун ҳам юртга доврўғ олиб келяпти. Мисол учун, шу йил 9–21 сентябрь кунлари Россиянинг Екатеринбург шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича жаҳон чемпионатининг ўта оғир вазн бўйича чемпиони ҳамда чемпионатнинг энг яхши спортчиси деб топилган сурхондарёлик

мохир чарм кўлқоп устаси Баҳодир Жалолов бутун халқимизнинг фахрига айланди.

Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида Баҳодирнинг ютуқларини алоҳида эътироф этиб, бу муваффақиятлар ортида тинимсиз меҳнат ва катта матонат ётганлигини таъкидладилар. Бизни катта спортга кадам қўйган ҳар бир ўғил-қизнинг иқтидори, маҳоратини ўз вақтида қўллаб-қувватлашга, спорт билан мунтазам шугулланиши учун етарли шароит ва имконият яратиб беришга даъват этдилар. Ва бу фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади.

Сурхондарёда спортнинг барча турлари тизимли равишда ривожланиб бораётган бир пайтда энди ҳарбий хизматчилар, аҳоли ва ёшлар ўртасида от спортини ривожлантириш ва тарғиб қилишга, улар ўртасида ушбу спорт тури бўйича турли мусобақаларни ташкил этиб боришни мақсад қилганмиз. Вилоятдаги ҳарбий қисмлардан бирининг негизида кўп тармоқли от спорти мажмуасини ташкил қилиш ҳам режалаштирилган.

Хабарингиз бор, Президентимиз воҳамизга ташрифи чоғида Денов туманидаги ҳарбий қисмда бўлиб, Ватанимиз ҳимоячилари билан мулоқот қилди. Уларнинг маънавиятини, жанговар шайлигини ошириш бўйича тегишли топшириқлар бердилар. Шунга мувофиқ ҳозирда ҳарбийлар қисмларни учқур ва насли отлар билан таъминлаб, аскарларни от минишга ўргатиш, воҳанинг қадимий мусика асбоби – дўмбира чертиш кўникмасини шакллантириш, мардлик, жасорат, садоқат ва вафо каби буюк қадриятлар улуғланган “Алпомиш” сингари ноёб дostonлар мутолаасини йўлга қўйишга эътибор кучайтирилади.

Албатта, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган улуғвор ғоялар, ташаббус ва вазибалар ижросини бекаму кўст адо этиш, бу нафақат иқтисодиётда, балки илму фан, спорт, адабиётда, мухтасар айтганда, маънавият ва маърифат соҳасида буюк боболаримиз сингари улуғ ишларга кодир эканлигимизни амалда намоён этишимизга шубҳа йўқ.

– Сурхон замини азалдан улуғ авлиёлар, шоиру алломалар, бахшилар юрти. Бугунги авлод ҳам бу доврўғни қўлдан бермай келяпти шундай эмасми?

– Маълумки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Бу борада вилоятимизда ҳам салмоқли кадамлар ташланмоқда. Янгиланаётган Сурхондарёмизда барча соҳалар каби маданий, маънавий, адабий муҳит ҳам янгиланиб, кенгайиб бормоқда. Зеро, бу табиий, чунки ҳар қандай улкан таракқиётнинг пойдеворида юксак маънавият туради.

Сурхондарё деганда, аввало, азиз авлиёлар, алломаларга Ватан бўлган, мард ва олижаноб эл яшайдиган табаррук замин, унинг ноёб маданий ёдгорликлари, бетакрор табиати билан бирга, ўлмас бахшичилик санъати, асрлар бўйи яшаб, одамларни руҳлантириб, улуғ ишларга илҳомлантириб келаётган “Алпомиш” дostonи кўз олдимизга келади. Халқ бахшилари, бу дoston орқали Сурхон элининг мард, ориятли ўғлонларини Алпомиш, гўзал, садоқатли ва ҳаёли қизларини Ойбарчин тимсолларида тасвирлаб, миллатимизнинг Ватанга бўлган буюк мухаббати ва жасоратини қаҳрамонона ҳаётини бутун дунёга тараннум этиб келишган. Ҳа, она заминимиз азалдан бахшилар юрти сифатида ном қозонган. Воҳа, хусусан, Шеробод дostonчилик мактаби бутун минтақамизда маълум ва машҳур. Давлатимиз раҳбари томонидан бу қадим санъат ривожига юксак эътибор

қаратилиб, 2019 йил апрель ойида Термиз шаҳрида Халқаро бахшичилик санъати фестивали ташкил этилди. Санъат ва мусиқани чин дилдан севадиган, ижод аҳлини юксак кадрлайдиган Сурхон эли ушбу анжуманни катта шоду хуррамлик билан кутиб олди. Дунёнинг 20 мамлакатидан меҳмонлар ташриф буюрган ушбу йирик халқаро маданий байрамда, Гран при Қозоғистон вакили Улжан Бойбўсиновага насиб этган бўлса, Туркменистон вакили Керван Ёвбасаров, Ўзбекистон вакили, Ўзбекистон Халқ бахшиси, воҳадошимиз Абдуназар Поёнов фестивалнинг 1-ўрин соҳибларига айланишди.

Бахшичиликка кўрсатилаётган бундай улкан эътиборни, биргина Термиз шаҳрида фаолият олиб бораётган бахшичилик мактаби мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Халқимизда оққан дарё оқаверади, деган пурмаъно нақл бор. Бу нақлни Сурхон адабиёти мисолида ҳам таъкидлаб ўтсак, аини муддао бўлади. Сурхон заминининг етук фарзанди, аллома ва шоир адиб Собир Термизийдан бу ёққа минг йиллик тарихга эга Сурхон адабий мухитини улуг аждодларимизнинг муносиб издошлари Шукур Холмирзаев, Теша Сайдалиев, Менгзиё Сафаров, Жамила Эргашева, Нодир Норматов, Шафоат Раҳматуллаев каби Сурхоннинг қайноқ қуёшини қалбига жо қилган дарёдил шоир, ёзувчи ва ижодкорлар давом эттиришган бўлса, ҳозирги кунда бу олтин ҳалқанинг шодасида Эркин Аъзам, Усмон Азим, Сирождин Саййид, Эшқобил Шукур, Кўчқор Норқобил, Абдуракул Жумакул, вилоятимизда яшаб ижод қилаётган Тоштемир Турдиев, Менгнор Олломурад, Нарзулла Сўфиев, Болта Ёриев, Искандар Фолькин, Исроил Шомиров ва бошқа бир қатор ёзувчи-шоирларимиз ўзларининг самарали ижоди билан жонажон адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Вилоятимизда Президентимиз ташаббуси – бешта муҳим ташаббус кенг қулоқ ёймоқда. Айниқса, унинг тўртинчи йўналиши – китобхонликни ривожлантириш, ёшларда мутолаа маданиятини, китобга бўлган муҳаббатни ўстириш мақсадида бевосита вилоят ҳокимлиги раҳбарлигида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими, вилоят ҳокимлиги маънавият ва маърифат бўлими, халқ таълими, Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармалари ҳамкорлигида аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида турли кўрик-танловлар, китобхонлик байрамлари ташкил этилаётгани, бу тадбирларда ижодкор ёшларга бир миллиондан ошиқ китоблар совға қилинаётгани ўзига хос маънавият байрамига айланмоқда. Бу эътиборнинг самараси ўлароқ фарзандларимиз ўз йўналишларида вилоят, Республика танловларида ғолибликни қўлга киритаётганлари бизни қувонтиради, албатта.

Биргина мисол. Ёш шоирамиз Музработ туманидаги 7-сонли умумтаълим мактабининг 7-синф ўқувчиси Шаҳрибону Турсунова ўтган йили “Йилнинг энг истеъдодли ёш шоири” кўрик-танловининг Республика босқичида фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

Шу каби ижодий ютуқларга эришаётган яна бир гуруҳ ёш ижодкорларимизнинг Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими ҳомийлигида китоблари чоп этилди. Маънавий ҳаётимиздаги кўнгилни нурафшон қилувчи бундай янгиликлар ҳақида қўплаб гапириш мумкин. Чунки вилоят бўлими қошида фаолият юритаётган “Илҳом”, “Сурхон”, “Ҳилол”, “Сурхон мушоираси” каби адабий клублардан Доноҳол

Жумаева, Наргиза Одинаева, Садоқат Эргашева, Алишер Собир ўғли, Нурмухаммад Абдузоиров, Камола Амирова, Лобар Бердиева, Муборак Ўсарова, Давлат Нетьматов, Темурбек Отахонов ва бошқа ўнлаб истеъдодли ижодкорлар адабиёт осмонига парвоз қилиб, ўз ижод намуналари билан нафақат вилоятимиз, балки республика, Марказий Осиё, жаҳон мабтуоти саҳифаларида, адабий жараёнларда фаол иштирок этиб келишмоқда. Воҳамиз ёшлари орасида бундай истеъдод ғунчаларини кўшалаб санасак бўлади.

Юртбошимиз томонидан маънавиятга, адабиётга ҳар қандай иқтисодий-ижтимоий шароит бўлишига қарамасдан, устувор аҳамият қаратилаётганлиги бежиз эмас. Чунки, адабиёт яшаса, миллат яшайди. Маънавият – инсоннинг ички оламини покловчи, ўзида инсоннинг хулку-одоби, илм-маърифати, дунёқарашини мужассам этган кенг тушунчадир.

Ана шу бебаҳо бойликнинг чашмаси – китоб. Бугун воҳамиз ёшлари ўртасида китобга қизиқишнинг ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Бизнинг анъанавий “Ҳоким ва ёшлар” учрашувларида ана шундай китобхон, маънавияти кун сайин кенгайиб бораётган ёшлар, фарзандларимиз билан уларнинг ўқиётган китоблари, сеvimли қаҳрамонлари, келгуси режалари ҳақида гаплашамиз. Бу ёшлар орасида ўзлари ҳам ижод қиладиган, шеър, хикоя ёзадиганлари кўп. Истеъдодли ёш ижодкорларнинг китобларини чоп этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, биргаликда иш олиб бориш юзасидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими билан ҳамкорликда ишлар олиб бораёпмиз.

Китоб – инсоннинг энг улуғ дўсти. Ҳар қандай дамда у сизга йўлдош, яқиндан кўмакчи, қалбингизга таскин, ҳаловат бағишлаб турувчи нурдир. Масалан мен Эрнест Хемингуэйнинг “Чол ва денгиз” асарини ўқувчилик йилларимда ўқиган эдим. Китоб қаҳрамонлари, улардан олган таассуротларим ҳамиша менга яқин суҳбатдош, оқил маслаҳатгўйдир. Яқинда ушбу китобга яна бир бор мурожаат қилдим. Шу кунларда Сурхон воҳасидан етишиб чиккан буюк адиб Шукур Холмирзаев асарларини муталаа қиляпман.


Мухтарам Президентимиз “Адиблар хиёбони”даги учрашувда таъкидлаганлари каби, адабиёт халқнинг қалбидир, қалбсиз бу ҳаётнинг нуру тароватини ҳис қилиб бўлмайди, юксак қалб билангина юртни ҳар томонлама юксалтириш мумкин.

Сурхон ёшларининг кенг дунёқарашини кўриб, илғор фикрларини эшитиб, ютуқларига гувоҳ бўлиб, шахдам қадамларини кузатиб, бугун ёш авлод адабиётга, китобга тобора яқин келаяпти деган ёруғ ўйдан кўнглимиз мунаввар бўлади. Бу мамлакатимизда маънавиятга, китобга ва китобхонликка Президентимиз томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор мевасидир.

Бейхатиёр Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Ориповнинг гўзал бир шеърдаги “Буюк набира” орзуси кўз олдимизда гавдаланади.

Дарҳақиқат, теварак-атрофни кузатсангиз, улуғ йўлни тўлдириб, китобни кўксига маҳкам босган юксак маънавиятли авлод етишиб келмоқда. Улар янги Ўзбекистоннинг бунёдкорларидир. Бу оловқалб янги авлод сафида Сурхон ёшлари ҳам борлиги қалбимизни чексиз фахр-ифтихорга тўлдиради.

Ним шуълам милтирар туннинг қаъридан



Усмон АЗИМ

* * *

Денгизга! Денгизга бораман ҳали,
Киссамни пул йўқлаб келган маҳали.

Куч-қувват киради синган кўлимга,
Мададкор бўлади узоқ йўлимга.

На бошим оғрир, на ҳориб қоламан –
Жамадонни ўзим судраб оламан.

Менга тенг келолмас сайёҳат иши –
Навбатлар, юк қутмок, улов ташвиши.

Тош териб ўйнайман, мавж билан бирга,
Соҳилда тик туриб, кўчаман шеърга.

Шовқин сукут аро юсам кўзимни,
Кўраман денгиздан тошқин ўзимни.

Мен эдимми ўша – тошқинли бола –
Дунёни кўтармок ишқида вола.

Дилимда, тилимда сўнгсиз ташаккур:
– Ўзимни кўтариб юрибман, шукур!

Кўтариб юрибман, ҳатто, сўзимни –
Ўзимни, дунёдан оғир ўзимни.

Усмон АЗИМ – Ўзбекистон халқ шоири. 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Инсонни тушуниш”, “Ҳолат”, “Баҳишёна”, “Уйғонши азоби” каби қатор шеърӣй тўпламлари, “Жоду” номли насрий китоби, “Адибнинг умри” драматик асари чоп этилган. “Алишер Навоӣй” киноқиссаси, “Севги” ва “Алпомиш” фильмлари сценарийлари муаллифи.

Бахт ҳақида баллада

Мен бахтни кўрганман. Кўрганман. Аник.
 Ўртада ногаҳон келган рўбарў.
 Қиш куни. Пальтога олган ўраниб,
 Бесас бир хайратга қотганман: – Войбў!

Йўлақлар четида баланд чинорлар,
 Қатор тизилишган. Беҳаракат. Жим.
 Донг қотган бекатлар, қорлар, шиорлар,
 Аммо, бахт эканин билмаган ҳеч ким.

Бахт жуда чиройли эди. Чиройли,
 Чиройли. Совуқда юзин яшнаши.
 Ҳатто, қор пойида ғирчиллар эди,
 Танини эса ҳам ўткир пошнаси.

Юзи теграсида рўмоли – туман,
 Бир учи кифтига ташланган эди.
 Лолликдан бошқа ҳол бўлган эдим ман –
 Уни кўриб бу иш бошланган эди.

Мен бахтни кўрганман. Кўрганман. Аник.
 Ҳатто, кўзларимиз учрашган бир зум.
 Ўртада бўлган йўк салому алик,
 Фақат лабларига қўнган табассум.

Шу тарз ўтиб кетган ёнимдан. Ташхис:
 Жоним чиқмасликка у дам яраган.
 Ўғрилиб қарасам, ортимга илқис,
 Ишонинг-ишонманг, бахт ҳам қараган.

Шундан буён менга, бу дунё бир пул,
 Номард ғалвалари беролмас озор.
 Юрагим эрта-кеч шеър билан машғул –
 Бахтни учратганман, нима ғамим бор?

Ёниб, кириб келсам (юришим-сарбаст) –
 Фасод давраларга ғийбат тинади.
 Ахир, менга ҳеч ким келолмайди, бас,
 Бахтга дуч келганим барча билади.

Мардлигим билишар (дўсту ёв оғох),
 Нечун юр деб, бахтни кистамаганман.
 Бахтни этмаганман не учун ҳамроҳ,
 Бебахт бўлишини истамаганман.

Дўмбира нолаларини англаш

Бу нола – дунёнинг охири,
Бу нола – дунёнинг бошидир,
Бу нола – бахтнинг энг огири,
Бу нола – уйсизнинг ёмғири –
Томчиси тақдирнинг тошидир.

Бу нола – “Ё, Ҳақ!” деб кечган жанг,
Бу нола – бобомнинг лошидир,
Бу нола – хасратдан кўчган ранг,
Бу нола – Ватанда беватан –
Барчининг ноилож ёшидир.

Бу нола – баҳорнинг келуви,
Бу нола – кузакнинг етуви,
Бу нола – умрнинг ўтуви,
Бу нола – дард ичра буралиш,
Бу нола – қайтадан яралиш,
Бу нола – паймона тўливи,
Бу нола – жасаднинг ўливи –
Рух ичра дунёга таралиш.

Бу нола кўнгилни тузатар,
Бу нола Ҳақ жомин узатар –
Минг қават осмонга етаман,
Мингидан бир онда ўтаман...
Хайр, энди! Жўралар кузатар,
Товушим титраниб не дедим?
Келувда биргина кас эдим,
Қайтувда бир халқдай кетаман...

Ёмғир ҳақида яна бир баллада

Дашту тоғлар узра учдим, соғиниб-васлинг учун,
Тушларимда бор эдинг, келдим бироқ аслинг учун.

Айро тушдим сен учун парвозларимнинг сайридан –
Гул, мана, ёғдим тамом, ёмғирлигимдан айриман.

Ерга сингдим. Етди ёз, қисмат ёниб, бўлгай адо,
Айрилиқда йўқ бўлиб мен, қовжираб сен, хасрато!

Қанчалар соғинч эдик, гул, интизорлик қанчалар,
Биргина кўрдим сени, ох, бахтга ёрлик қанчалар.

Бул висолнинг шодлиги тотлиғ эди, додлиғ эди –
Иккимизнинг умримиз шу лаҳзага тортиқ эди.

Туш

Бир осмон
 булут.
 Ўмганини кўтаролмас.
 Қилт этмас.
 Қанотлари кесилган.
 Оғир харсанглардай қалашиб ётар –
 йикилса,
 пажмурда
 бўлади замин.
 Дунё эса дим.
 Яшаб бўлмаяпти.
 Нафас йўк.
 “Шамолларни
 қаманглар!”
 деб айткандимку
 дунёга.
 Эй!
 Ўлдирмадингларми ишқилиб?
 Бирор
 шамол тирик бўлса,
 бўлди.
 Келади.
 Ҳаракатни унутмаслиги керак булутлар.
 Шамол қайда?
 Шамол қайда, деяпман?
 Сабрим тугади.
 Шамол.
 Югура бошлайман.
 Бошим булутларга чувалар.
 Ҳаволар
 ўралар оёқларимга.
 Тобора тезман.
 Тобора учқурман.
 Тобора...
 ...Булутлар чарх урар...

– О, шамол келди!

– О! Шамол!

– О-о-о!

Мен уйғонмайман энди.

Булутлар менсиз қолмасин –

Ҳеч қачон

Уйғонмайман энди.

Ғоя

Яралиш – олдинда. Мени имлайди,
Менинг ҳаётимдан ҳаёти кизик.
Ўзин қиёфасин ҳали билмайди,
Сирли бунёдликда тўзғиб тинмайди –
Қисматимдан турфа аъмоллар тўзиб.

У, асли, умримдан кўчган, аслида,
Бугунимдан қочган девона орзу –
Мастон шовуллайди эртам фаслида,
Мамнун қаноатнинг гашти қасдида,
Сўзга кўчмоқ бўлган даҳшатли ёху.

Ҳозир у губорлар ичинда элас,
Ҳозир у туманлар ичинда соя,
Ҳозир у дилимни орзиқтирган сас –
Аммо, тақдир ила олганча нафас,
Бир ёниб “оҳ” урсам, топади ғоя.

Мен уни танийман: бу тирик ҳаво,
Бу дунё ҳақинда тушу ўнгимдир.
Бир боқсам: дунёдан гўзалроқ дунё,
Бир боқсам: эви йўқ дардимга маъво,
Бир боқсам: дунёдан қолган кўнглимдир.

Шоир қисмати. “Чўли ироқ”

Бунча йиғлади куй,
Бунча қийнади.
Азоб жондан ўтди –
Ёрди сийнани.
Нечун тугамайди
Видо саҳроси –
Айрилиқ балоси,
Соғинч савдоси?
Найчи, созинг тинди –
Куй бўлди адо.
Фақат мен бу куйга
Мангу мубтало.
Хонумоним ёнган,
Тақдирим толган –
Шеър мени шу кўйда
Чалгани-чалган.
Муғанний тоабад
Ўртаниб, оҳким –
Шу додда бўзлашга
Маҳкумман-маҳкум.

Ярим тун. Чироқлар ўчади бир-бир –
 Уйқу ва бедорлик муросалари.
 Хушёр чироқчи ким? Сенмисан, тақдир
 Ё чарчок одамлар хулосалари?

Жумлаи жаҳонни унутиб бу дам
 Чўкиб ўлтираман тубсиз ботинга –
 Ёдимга тушади кетган дўстларим,
 Шавқу шан давралар тушар ёдимга.

Ним шуълам милтирар туннинг қаъридан,
 Ёруғим безабон, ёруғим жимдир.
 Ёлғиз ёниб қолган чироқ кабирман –
 Кимдир ўчиришни унутган, кимдир.

Тоғда

Собир ака хотирасига

Юрагимда ўлтирибман
 Афтода бир куш монанд.
 Дўстим бор эди менинг –
 Барча тоғлардан баланд.

Пастликлар талошида
 Адо бўлганда жоним,
 Мени тоққа бошларди
 Ул азиз кадрдоним.

Абас эди барча ғам,
 Барча ташвишлар бекор.
 Фақат сўзга рух ҳамдам,
 Фақат янграрди алёр.

Гурунг қандай оқарди –
 Ҳар мавжига кўнгил зеб.
 (Дўстим тоғни курганди –
 Усмон бир юксалсин деб!)

Шундай дўст кетди бу кун,
 Мени ташлаб рўёга.
 Бир ўзимман – бир ўзим,
 Тоғ қолмади дунёда...

Бойсун билан таништириш

Бу даштларда бўзлаб-бўзлаб Барчин кезган,
Алпомишнинг тириклигин шу дашт сезган.

Вужудларин қирмиз рангга котган қирлар –
Ёдгорнинг қон ноласидан кўчган сирлар.

Бу дарада мудом достон униб турар,
Бойчиборнинг кишнашига тўлиб турар.

Хув тоғдан бок: шарқлар, ғарблар кўринади,
Чохда ётган барча алплар кўринади.

Ана, тошлар, бари тирик оламлардир,
Бу дунёда сабр айлаган одамлардир.

Бу қумлар ҳам сойлардаги сочкин додлар,
Дунё билан баҳс айлаган улуг зотлар.


* * *

Қайларга бошлади бизни бу тақдир,
Қайси синовларнинг тошлари эзди?
Икки айри умр учрашди охир –
Юрагим сезди.

Учиб ўтди қанча турналар оғир,
Қанча гулбаҳордан кунларим безди.
Айрилиқдан чиқди иккита тақдир –
Юрагим сезди.

Ёлғизлик – суянчу сирдошдан жудо –
Беадад кузларда соғиниб кезди.
Аммо, борлигингни ҳар лаҳза, ёр-о –
Юрагим сезди.

Музлатди! Музлатди хижроннинг рўзи,
Жонимда изғирин бетиним эсди.
Бизни учраштирган Тангрининг ўзи –
Юрагим сезди.



Эркин АЪЗАМ

Нов бошида ИККИ МОМОКАЛОНИМ

Эссе



“Келинг, Эркинбой, бир гурунг қилайлик...” Ғойибона суҳбатдош савол-сўроғини нимадан бошлаган бўларди дейсиз? Албатта: қачон, қаерда туғилгансиз? Ота-онангиз ким? Болалигингиз қандай ўтган? Эсингизда қолган бирор ёрқин, мароқлироқ воқеани айтиб берсангиз? Адабиётга кизиқшингиз нимадан бошланган? Илк машқларингиз нима ҳақда эди? Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бу каби саволларга мен бирда ёзма, бирда оғзаки (радио ва телевизор орқали) кўп марталаб жавоб қилганман. Илк севги, вафо-бевафоликка ўхшаган нозикроқ мавзуларга келганда эса ҳеч қачон тўғридан-тўғри жавоб берилмаган – одоб-ахлоқ ва шаън масаласи бор ўртада; мушкулроқ эса-да, буларни бадийий ёзмалардан “пайпаслаб” билиб олса бўлар. Дарвоқе, кимга зарил денг – минг йиллик савдолар!

Тўғриси, ушбу шарҳномани бирор адабиётшунос дўстимга, дейлик, фан дўхтирими, профессорга ёздирсам ҳам бўларди. Овора қилгим келмади: шунча нарсани ўқиб чиқиш керак, кейин илмий таҳлил, аллақайси китоблардан такқосу иқтибослар қидириш азоби... Турган-битгани машаққат! Менингдек фақир ҳақирнинг қачондир, нимадир қилганим ёки деганим кимга қизик, нима даркори бор ўзи?! Расмияту китобийликка азалдан тоб-тоқатим йўқ. Шусиз ҳам “меншунос”лар етарли, бири қамина тўғрисида китоб-рисолалар битган, яна бири диссертация ҳимоя қилган (Куллуқ уларга, Оллоҳ рози бўлсин!). Ҳатто бир тўпламнинг маълумотномасида кишини хижолатларга ботириб “аззамшунослик” деган ибора ҳам қўлланганки, эсласам, доим уятдан юзим ловиллаб кетади. Яна бир шундай китобга (ўзим ҳақимдаги) анчайин кўз ташлаб бериш таклиф қилинганида қўлга олмоққа ҳам ийманганман: биров кўриб қолса уят бўлади-ку! Камтарликданми бу ё димоғдорликми? Билмадим, билмайман.

Хуллас, шугина битикни “шунос” биродарларимга ташвиш орттирмасдан ўзим ёзиб қўяқолай дедим. Илк, саҳиҳ манба дегандек. Эрта бир кун биров даъво қилолмайди – боримиз бор, йўғимиз... Тўғрими?

Алқисса – қачон, қаерда туғилган эканман? Киндигимни ким кесгану танглаймни ким кўтарган?

Эркин АЪЗАМ – Ўзбекистон халқ ёзувчиси, кинодраматурги. 1950 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. “Отойининг туғилган йили”, “Олам ям-яшил”, “Жавоб”, “Шоирнинг тўйи”, “Шовқин”, “Кечикаётган одам” каби бир қатор китоблари чоп этилган. “Дилхирож”, “Эркак”, “Сув ёқалаб”, “Паризод” ва бошқа кўплаб бадийий фильмларнинг сценарий муаллифи.

Буларни кўп бора қайд этганман, келинг, такрор бўлмасин, илгаригилардан кўчириб олаколай:

“Раҳматли бибим, “Асад ойида, айни қовун пишиғида туғилгансан”, деб гапирардилар. Онамнинг эслашларича, пода қайтар маҳали дунёга келган эканман... Қачон, қай палла ёки қаерда туғилиш одамзоднинг қўлида эмас. Лекин менинг пода қайтар маҳали таваллуд топганим аниқ – буни мени дунёга келтирган зот айтган. Бу воқеа 1950 йилнинг 10 август куни Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида содир бўлган экан. Мен бундан асло пушаймон эмасман: туғилган санамдан ҳам, кўз очган жойимдан ҳам”. (“Эрталабки хаёллар” китобига сўзбошидан. “Ўзбекистон”, 2015; 3-бет.)

Қавс белгиларию манба маълумотларидан тадқиқотга тортиб кетяпти-я? Майли, сўзбоши сўзбошига ўхшасин-да: изоҳу иқтибослари билан!

Мана, эсон-омон туғилиб ҳам олдик. Оиладаги ўн бир фарзанднинг тўнғичи ўларок биргина мен туғуруқхонада кўз очган эканман, қаранг.

Онамизнинг истамайроқ, ирим билан тилга олишларича, биздан салгина аввал Худонинг суйган бандаси Фарид дунёга келган экан – Фарид тентак, Фотма тентакнинг кимданлиги номаълум ёлғиз фарзанди. Мактабимизда фаррошлик қилган семиз, қип-қизил юзли асабий Фотма хола, қап-қатта бўлганида ҳам кўча-кўйда телбагинасининг белидан чилвир ўтказиб, ўзининг белига боғлаб юрарди. Она бирон сабаб билан йўлда тўхтаса, бола шартта ерга ўтирволиб тупроқ ўйнамокқа тушар, ҳовучидаги гилни бошидан ҳам сочар эди. Жўнаётиб она, “Фарид, қил мунда!” деб чинқирар, сўнг пинак бузмай ўтирган боласининг бошига бориб гурзидек мушти билан аямай солар эди...

Худойимнинг меҳрибонлиги! Ажаб эмаски, ўша лаънати соатда туғилганинда... Астағфирулло, астағфирулло. Кейин ҳам умр бўйи каминага халоскорлик қилган фаришталар – меҳрибон муаккалларим ўшанда илк бора бошимда туриб олган кўринади...

Билмайман, эллик-олтмиш йилдан буён қаерда, нима қилиб юрган эканман, келиб-келиб энди, ёш қайтганда қизиқадиган бўлиб қолибман: қай тарзда туғилганиму тепамда кимлар тургани, ўша куни осмонда булут бўлган-бўлмагани ва ҳоказо. Бахтимга, онагинам барҳаёт, Бойсун борганимда ижикилаб суриштираман, у кишиям эринмай хотирлайдилар.

Анов бадҳаёл гапларимни айтсам, волидам жеркиб берадилар:

– Қўйсанг-чи, балам, у замонлар бир палатада саккиз-ўн кишилаб ётарди. Ўша куни туғилган битта сен билан Фарид эканми?! Фотма холанг азалдан девона эди, палатада ётиб ҳам эркак дўхтирлардан попирис сўраб чекарди. Шу онадан соғ бола туғилсинми?!

– Киндигимни аниқ ким кесган, эна – Давид дўхтирнинг онасими ё хотини?

– Неча марта айтдим-а, балам, шу қайнона-келиндан бирови кесган-да, ишқилиб. Бўйим бир қаричгина етим киз эдим, ўзим қириллаб ётибман, эсимда қоптими!

– Демак, момомиз яҳудий экан-да, эна?

Иш тикиб ўтирган бечора кекса онам мунғайиб қарайди:

– Ўша пайтда мен сенга тўғри момони қайдан топаман, балам? Яҳудийми-бошқами, кесган-қўйган-да.

Гап шундаки, биз томонларда чақалоқнинг киндигини кесган одам унинг момоси ҳисобланади. Момонинг унча-мунча феъл-хўйи болага ҳам ўтармиш...

Бир йили кўп киночисини эргаштириб Масковдан режиссёр дўстим Юсуф Розиков съёмкага келди. Фильм воқеалари Бойсундан бошланар экан, бирга

юрмайсизми, деди, йўқ деёлмадим. Юмшоккина, рохатижон автобусда “натура кидириб” Бойсуни кезарканмиз, йўл-йўлакай меҳмонларни зериктирмаслик учун билган ҳар баломни вайсаб кетдим: киною киноарбоблар ҳаёти хангомалари, тарих, этнография, жаҳондаги ажойиботлар дегандек; умрингиз ўтган сари кўп нарсани кўрар, билар экансиз-да. Шунда бояги меҳмонлардан бирови бунча факту маълумотни қаёқдан билишимни сўраб колди. Шўхлигим кўзиб, тилимга келган гапни айтворибман: “Негаки, менинг момом яхудий бўлган!” Ҳамма бирдан жимиб колди. Машинада бойсуник жўралардан ҳам бир-иккитаси бор эди, улар хайратда денг; меҳмонларнинг икки-учтаси кўзи чакнаб, мен томонга эхтиром биланми, илиқлик биланми қараб қўйганини сездим.

Бойсуник жўралар уч-тўрт кун шуни кулги қилиб ҳам юришди. Ҳатто бир кун қаёқдандир қайтиб келаётувдик, Бойсунга кираверишда машинани тўхтатиб, “Момонгиз шу ерда ётибди, юринг, зиёрат қилиб ўтайлик. Яхудийми-баломи, киндигингизни шу доя кесган экан-ку”, дея йўлдан пастга бошлаб ҳам тушишди. Йигирма чоғликча қабр, саранжом-саришта, кўрасимон қилиб ўраб қўйилган. Кўкиш мрамрларда иброний ёзув. Қани буларни ўқий билсанг! Девонахаёл олиб қочади: бир томчи бўлсаям қонинг шулардан бирининг бармоғига сачраган-да! Ўзинг кечиргайсан, Оллоҳим!

Илк болалигим ўтган бобомнинг ховлиси туман касалхонасига яқин, деярли девор-дармиён эди. “Гули-гули” киссасида тасвирланмиш каллар хангомасини мен ўша ерда кўриб ёзганман. Катталар, “Давид дўхтир, Давид дўхтир”, деб кўп гапиришарди, шунданми, ўзимча уни биладиганга ўхшардим. Холбуки, у мен тўрт ёшлигимда Денов туманига кўчиб кетган экан – қаёқдан кўраман? Асли бухор яхудийси бўлган Юрий Соломонович Давидов хотини ва онаси билан касалхона боғининг ичкарасидаги оқ уйларда яшаган; кейинчалик ҳам бош врачлар бари шу бинода истикомат килди.

Демак, шу икки аёлдан бири кесган бизнинг киндикни! Ўша момомиз туфайли “ғиж-ғиж ақлга тўлиб” юрганзимизда мисимиз чикди денг. Бойсунга навбатдаги боришимда эшитдим, жўралардан бири аниқлабди: Давид дўхтирнинг хотини яхудий эмас, ўрис бўлган экан! Бунга энди чидаб бўлмасди. “Не хасратда бичиб-тўкилган чўпчагим” чишпақка чиқадиган! “Ўрис аёл ҳеч қачон бухор жухудини эр қилмайди, жухуд ҳам ҳеч қачон ўрисга уйланмайди!” дедим, бунга қарши бир дунё мисол борлигини билсам-да. Дўстлардан бири ишонди, бошқаси эса ишонмоққа мажбур: Тошкентларда яшайдиган ёзувчи одам билмасдан сўзламас, боз устига – момоси жухуд!..

Худоба шукр, ўзимнинг қўша-қўша момоларим бор, бари муслима. Анови бир томчи қон масаласига келсак... Худойимнинг даргоҳи кенг!

Буни ўқиган баъзилар, “Эркиннинг пишиқлик сабабини энди билдик!” дея жиртак чалиши мумкин. Аслида содда, ишонувчанлигимдан доим куйиб юраман. Ёшлиқданок шундай эдим, ҳамон “ақлим киргани” йўқ. Кўмак беринг, жухуд момом!

Баъзи тарихлар эса мен туғилмасдан йигирма йиллар олдин бошланган.

Оилада уч-тўрттамининг ё кулок, ё бурун, ё томокдан шикоятни бор. Раҳматли отамиздан ўтган эмиш. Неваралардан биронтаси пинқиллаб, бурни битганидан нолигудек бўлса, бувисининг “ташхиси” тайёр: “Бобонгдан ўтган!” Бобоси – биз. Одам ўзи тугул, аждодларининг гуноҳи учун ҳам умр бўйи тўлов бериб яшайди.

Бибимизнинг боласи турмаган экан. Туғилгани бир балога учраб, ўлиб қолаверибди. Шунинг учун отамиз туғилган заҳоти нажот истаб фолбинга олиб чопишибди. (Ҳозир замонда дўхтирга ишонч бўлмаган-да; дўхтирнинг ўзи ҳам йўқ

экан.) Фолбин, боланинг бешигини икки кечами-уч кеча боболарининг гўри устида тикка қилиб қўйинглар, арвоҳлар тўйиб олсин, чақалокнинг ўзини эса Қизил айзонда (Бойсунимизда шундай қадамжо бор, анови “қизил”ларга алоқаси йўқ, тупроғи қизғиш, холос) ўтирадиган шайхнинг этагига солиб олиш керак, қолганини ўша шайхдан билиб оласизлар, дея йўл-йўригини берибди. Чиллали онани уйда қолдириб, икки момокалонимиз – Жангил биби билан Зиёда биби чақалокни кўтариб Қизил айзонга боришибди. Шайх таомилани қилиб болани этагига солиб берибди-да, учта илму амал буюрибди. Биринчиси – боланинг қулоғидан нўхатдек этни кесиб олиб онасига едирмоқ; иккинчиси – тарозининг бир палласига болани қўйиб, бир палласини тоза чимга, кейин эса буғдойга тўлдириб, бараварлаштирмоқ; учинчиси – зиён-захматдан фориг бўлсин дея йўргакни уч бора оқар сувда оқизиб олмоқ.

Дастлабки икки тадбирни адо этгач, икки камшир болани кўтариб этакда оқадиган анҳор бўйига келади. Сувнинг тегирмон новига яқин тезоқар бир шайини танлаб илму амални бошламоқ бўлиб турганларида, ҳаяжонданми ё ўзи эпсизрок эканми, Зиёда момомиз қўлидаги болани сувга тушириб юборади. Хайтовур, бошқа момо чаққонлик қилиб ўзини саёзрок ерга ташлаб, жикка хўл йўргакни сувдан олиб чиқади. Бир четга ўтказиб қарашса – чақалокнинг оғиз-бурни сувга тўлган, базўр нафас оляпти. Худо раҳмат қилгур Зиёда момо (“қахрамонимиз”, бул кечмиш ўша кишининг оғзидан эшитиб олинган, Жангил момомизни эса кўрмаганмиз ҳам) бир панага ўтиб шартта қўйлагини ечади-да, устки куртасини ёпиниб, аксира-аксира қизариб кетган чақалокни қуруқ матога ўраб олади; йўргакни хув нарироқдаги тош устига ёйиб қуритадилар.

Икки момо бир-бирига қараб сурат бўлиб ўтирганмиш, буниси: “Қизимга нима дейман энди?”, униси: “Келинимга нима дейман энди?”

Уйга келгач, чақалок ўн кунча иситмалаб ётибди-ю, хартугул, Худойим меҳрибонлик қилибди.

Бу – отамизнинг омон қолиш тарихи.

У киши олтмиш олти йил умр кўрдилар. Ўн бир фарзандни тарбиялаб вояга етказиш, уларни ҳалол луқма билан боқиш осон бўлмаган, албатта. Катта-кичик вазифаларда юриб, ўзларига яраша обрў-эътибор топдилар. Лекин доим ё қулоқ, ё томоқ, ё бурундан нолиб ўтдилар. Чақалокликдаги ўша “ғаввослик” касригамикан? Энди шунисига ҳам шукр деймиз. Мабодо ўшанда йўргак тўғри тегирмон новига қараб кетганида... наузанбилло, наузанбилло, ушбу сатрларни ёзаётган қўллар ёруғ дунёни кўрмасди, сиз ҳам бу гапларни ўқимас эдингиз...

Ўша дардлардан биз ҳам азоб чекиб юрамиз, шу жиҳатдан бизни-да қисган демок мумкин. Лекин Худога шукрки, берганлари ҳам кам эмас.

Азал бошлаб бергани – Бойсундек жойда туғилганим. Бир ёзувчи дўстим, “Сенинг Бойсунинг бор!” деб ҳавас қилгани эсимда. Ўзи нақд тошкентлик! “Бойсун, Бойсун” деб ваҳима қиласизлар, намунча, қафтдеккина жой экан-ку?!” дейди яна бири лаб буриб. Ана шу “қафтдеккина жой” менга бутун бир олам бўлиб туюлса нима қилай? Алмашгусиз олам. Сир-синоатга, киёмат кечмишларга тўлиқ олам. Тошкентда яшаётганимга эллик йиллардан ошди, ўн етти ёшга тўлар-тўлмас Бойсундан чикиб кетганман. Ажаб, олис-олис юртларда юрганимда уйни эса олсам, нечундир ҳар гапга эллик йиллик Тошкент эмас, болагигим кечган Бойсун тилга келаверади. Нега бундай экан-а?

Бойсулик уфқ нималигини билмайди. Бойсулик туғилибоқ тоғни қўради; офтоб чўққилар оша чикиб чўққилар ортига ботади – осмонни конга бўягувчи шафак-ку бор, лекин кенг-кенг уфқлар қани?

Ўзим илк бор бобом билан момоннинг пастак деразасидан караб кўзим тушгани – тоғ эди, тоғ. Тикилиб ўтиравериб-ўтиравериб чарчаблар кетганман: анови чўккиларга тирмашиб бораётган қўй-эчкилар галаси қачон тамом бўларкан? Бола фаҳмимга қўй-эчки деб ўйлаганим аслида арча, арчазорлар экан. Улғайгач эса кўп замон таажжубда юрганман: одам ҳам тоғсиз, адирсиз, теп-текис жойда туғиладими? Туғилса, у ерларни қанақасига ватан атаб бўлади? Бегоналар билиб қолмасин деб секингина ичимда ўйлайман: биз бойсунликлар ана шу жонибдан ҳам андак ўроғу ўжарроқ, андак бодироқ эмасмиканмиз? Юксакликларга бокиб ўрганган кўзга теп-текис манзиллар писанд эмас-да!

Ҳадеб Бойсунингизни мактайвермасдан сал пастроқ тушсангиз-чи, бурунбойу қорабой дўстим! Бойсунингизнинг тоғлари баланд, табиати кўркам экан – билдик, саратонда салкину қахратонда бекаҳр, тўрт тарафи кўрғондек берк экан – эшитдик. Нега бўлмаса, дейлик, Тошкентдан борган бежиримгина мехмон икки кундаёқ... нима деса бўлади... алланечук чуйкаброқ, қорайиброқ қоладими-ей?

Бунинг сабабини бизнинг тўксон яшар энамиздан сўранг. “Шу эчки кунгинада рангинга ранг кирди-я, балам, – дейди у киши “офтобда тобланган” бетларингизни сийлайтириб. – Бойсунимиз пича осмонга яқин-да, ўлай сенга, осмонларга яқин!”

Мен бу сатрларни қалам тутган бойсунликки бор, барига устоз саналган отахон журналист Очил Пардаевнинг Бойсун аҳлини нақл қилиб ёзган “Эхтиром” китобларига ўзим битган камтарин сўзбошидан териб-териб кўчирма қилдим. (“Осмонларга яқиним”, 3–8 бетлар. “Тафаккур” нашриёти, Тошкент – 2017.)

Осмонларга яқиним! Сени гоҳ Боғболо, гоҳ Зарангу Жийдали деб васф этдим, мусофир ўғлингдан рози бўлгайсан. Сен туфайлидир, дунёнинг Тошкент ёки Париж аталмиш донгдор мадиналарида туғилмоқни ҳавас қилмаганман, шукр, бунинг иложи ҳам йўқ...

Энди илк болалик хотираларидан бир-икки шингил.

“Беш-олти ёшларда эдим чамаси. Бобомнинг ўттиз сотихча келадиган каттакон ҳовлисида турардик. Ҳовли қолхоз боғига туташиб кетган. Ҳатто ўшанда кийган кийимим ҳам эсимда: отамнинг “пўрим” костюм-шимидан онам бўйимга мослаб бир нима тикиб берган эди. У замонларда ёш болаларга яраша бунақа кийим-бошни дўконлардан топиш амримаҳол эди-да.

Хуллас, костюм-шим кийиб, ясанволиб аммаларим билан қолхознинг боғига тушганмиз. Олчазор, ўрикзорлар оралаб кетаётганимизда адашиб, ёлғиз қолганман. “Энди бутунлай шу ерда қолиб кетдим” деган ваҳимада шунақа кўрққанманки, ўтириб олиб роса йиғлаганман.

Кейинчалик ўша боғ билан уйимиз ўртасидаги масофани чамалаб кўрсам, бор-йўғи икки юз-уч юз кадам келар экан. Лекин дарахтзор жуда қуюқ бўлган-да. Шу ҳодиса хотирамга маҳкам муҳрланиб қолган. Гарчи бу гапга эллик беш йил бўлаётган эса-да, ҳозир ҳам баъзан ўшандай ҳолатга тушаман. Мени ҳеч ким тушунмаган дамлар кўпинча шундай бўлади. Сизни ҳеч ким тушунмаса, йўқолгандай гап-да, тўғрими? Гоҳо ўйлайман: йўқолиш ҳодисаси менинг қисматимга уйқаш бир ҳол экан-да”. (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2011 йил 4 ноябрь сонидagi “Қалби бедор қахрамонлар” суҳбатидан кўчирма.)

Бу лавҳага қўшимча шуки, бозорбошидаги ҳовлимиз торлик қилиб, отамиз кейинчалик худди ўша мен бола чоғим адашган жойлардан томорқа солдилар. Энди бизнинг бориб-келадиган ота уйимиз шу.

...Ён-веримиздаги қўшни жўраларнинг барида велосипедча бор – бизда йўқ. Йингию хархашалар бефойда, отамиз олиб бермайди.

Ёз кунлари укам иккаламиз очик айвон этагидаги ёнма-ён қўйилган симкаравотларда ётамиз. Бир эрта одатдагидек кеч чошгоҳда уйкудан кўз очиб бундай қарасам, ҳовлининг нариёғидаги пастак бостирма лабида ҳар-ҳар жойи зар ҳалқали кип-кизил учоёқ “кувонч” чўгдек ёниб турибди!

Кечалари ётганда ҳам шу арзандамнинг ялтирок рулчасидан ушлаб ётардим десам ишонаверинг. Шундай қилмасам, ёнимдаги, мендан атиги бир ярим ёш кичик босилка укам Воҳид опқочиб кетиши мумкин-да! Қорда ҳам, ёмғирда ҳам тойчоғимдан тушмасдим. Эсимда, шундай бир ҳаво тунд, лойгарчилик кунда Самад жўрам билан эрмагимизни ҳовлида нари-бери суриб-сургаб юриб эдик, айвонда юзи чараклаб Малика бибим кўринди: “Ҳов бола, суюнчи бер, укачали бўлдин!” Фарҳоджон туғилган эди. Катта хонадонимизнинг доим тайёр дастёри, оиламизнинг тиниб-тинчимас балоғардони. “Яхши кунимда тукқан эканман сени, балам”, деб дуо қиладилар уни энам. Ҳаво расво, осмон хўмрайган, ҳаммаёқ лой, рутубатли кун эди, Фарҳоддек йигит дунёга келди... Худойимга шукроналар!

Демак, ўзим ўшанда етти ёшда эканман.

Мактабга чиққанимда ҳам, каттароқ бола бўлганимда ҳам “Кўча-кўйда мошин кўп!” дея қайтиб менга велосипед олиб берилмади. Ҳали-ҳамон эрталаб уйкудан бир илинж, бир умид билан кўз очаман. Худо берган умрда кўп рўшноликлар кўрдим, кўп олқишларга эга бўлдим, кўп нарсага эришдим, шукр, бироқ хув ўша болаликдаги кувончни қайтиб туймадим...

Бола эдим – пошшо эдим-да!

...Ҳозирги ёшлар билмайдиган, аммо биз тенги авлодга кадрли, серзавк Май байрами эди-ёв. Ҳамма кўчада, ясан-тусан. Ҳар ёқда даъваткор куй-кўшиқлар садоси, кўз тушган ҳар ёқ ловиллайди – алвон шиорлар. Туманнинг бош кўчасидан кетяпмиз. Отда. Отам билан мен. Падаримнинг белларидан маҳкам кучоқлаб олганман. Кўрган бизга ҳавас билан тикилади: ота-бола отда даврон қилиб юришибди; қаёққа кетишяпти экан?

Марказдан сал ўтиб, чап қўлдаги каттакон дарвозага буриламиз. Ланг очик дарвозадан отда тўғри ҳайхотдек ҳовлига кириб борамиз. Икки томон оқ иморатлар, хув этакда футбол-волейбол майдончаси; ҳозир ҳеч ким йўқ.

Дарвозадан кирган жойда сўл канотдаги бинонинг ярим айлана цемент зинасида бир кампир ўтирибди. Рўмоли ечилиб елкасига тушган, сочлари оппоқ. Бошини орқага ташлаб, чараклаб турган офтобга тик бокқанча қотиб қолган.

Шарпамизни сезиб, юзида жилмайиш пайдо бўлади.

– Нормамат, сенми? – дейди аллақандай жавроқи оҳангда.

– Ўзим, она, ўзим, – деб жавоб берадилар отам.

– Празник қилиб юрибсан?

– Празник қилиб юрибман. Сизни табриклагани келдим, она!

– Ҳа-а, шундай де? Отни комсомолнинг бердими? Сен ҳам катта одам бўлиб кетдинг-да энди. Кимни мингаштириб юрибсан, улингми? Эркинингми, Воҳидинг?

– Эркин бу, она, сизни кўргани келди.

Кампир кўк сатин халати чўнтагини кавлаб, печакқанд олади.

– Ма, Эркинбой. Момонгдан празникка совға. Нормамма-ат, эрта бир куни ўлсам, жанозамга шу улингди ҳам опкеласан, ҳайми?

– Сиз ўлмайсиз, она, кўрқитманг.

– Ўлмайман, ўлмайман...

Марказий кўча бўйлаб уйга қайтяпмиз. Ота-бола. Отда. Ҳамма бизга қарайди. Ҳавас билан. Қаёқдан келяпти булар?

“Онани кўриб келяпмиз”, дегим келади уларга. Айтгандай, нега она? Отамнинг оналари – бибим-ку, нега бу кампирни “она” дедилар? Шунни сўрайман.

– У киши ҳаммага она. Бутун детдомга. Эҳ-хэ, боласи юздан ошади бунинг. Лекин ўзи фарзанд кўрмаган, эр ҳам қилмаган. Хеч кими йўқ, безот-бесойиб. Шу детдомда ўсиб, шу ерда қолиб кетган. Энди ҳамма она дейди. Қариб, кўзи кўрмай қолган бечоранинг, кўр.

– Кўр бўлса, бизни қандай таниди?

– Ҳа, шундай, ҳамма нарсани кўради. Ҳамма шунисига хайрон.

– Мени билди-я! Воҳидниям биларкан.

– Бу ерда ишлаганимда ўзим айтган бўлсам керак.

Кўчамизга қайрилганимизда олдимиздан бир тўп туя минган коп-қора ҳабаш чиқди. Туяларни дарров танидим: Рашидларники, Равшан туякашнинг жониворлари. Бошларида ҳар турли калпок, ажабтовур кийинган “туякашлар” эса – тоғ мактабида муаллимлик қиладиган амакимнинг ўқувчилари. Кечаси билан пойабзал мойини баданларига сурқаб, ўзлари ҳам маъносини билмайдиган ажнабий сўзларни ёдлаб-такоррлаб чиқишди. Улар орасидан Ойсоат дегич ширингина кизча эсимда қолган. Аълочи экан. Мен ҳам аълочи эдим-да, биринчи синфнинг маҳмаданаси!

Қориштириб юбордим-ов. Демак, ўшанда Май байрами эмас, жаҳон ёшларининг дастлабки доврўқдор фестивали кунлари экан.

Ия, манний каша масаласи кетибди-ку!

Ўша замоннинг хизматчи зиёлилари, хотинлари уйда бўлатуриб, таомилга кўра, фарзандларини бокчага беришарди. Бокчада таълим-тарбия русча эди (ўзимиз томонларни айтяпман). Бокчадан сўнг болалар рус мактабига борарди. Бойсуннинг пешкадам фаолларидан саналган отамиз ҳам шунини хавас қилибми, Воҳид укам билан мени бокчага топширдилар. Бунинг завқли томони шуки, эрталаблари бизни бир қадам йўлга “виллис” мошиналарида ташлаб ўтардилар. Лекин кўпга бормадик. Укам эмас, мен. Воҳид нима берса аралаштириб ураверар, нима буюрилса ювош туриб бажраверар эди. Агар ўшанда мен ҳамма қатори бокчада қолиб кетганимда, Худо биледи, ким бўлиб етишардим. Ҳарҳолда мана шу сатрларни ёзмаслигим муқаррар эди; собиқ бокчадошларим кейин бошқа кўчаларга кириб кетишди-да. Бунинг учун камина манний каша деганлардан миннатдор бўлмоғим керак. Табиатим қурсин, мен у бўтқани оғзимга ололмасдим. Тарбиячи эса тепангизда туриб, “Ешь, ешь, кушай!” дея зуғум қилади.

Эрталаблари, “Дод, бормаيمان!” дея ҳўнгиллаб туриб олардим. Хайрият, бу гавгога бобом аралашиб, бокчадан ҳам, манний кашасидан ҳам қутулдим. Менга қараб, итотқор Воҳид ҳам бормаи кўйди. Ўшанда билиб-билмай, бола ҳолимизга тўғри қилган эканмиз – келажак кўрсатди. Манний кашага раҳматлар! “Тафаккур” журналидаги “Манний каша соғинчи” деган фикрамда ҳам катта сиёсатга боғлаброк шу хангомани ёзганман (2007 йил, 2-сон).

“Ким кўп китоб ўқиса, рубоб олиб берамиз”, “Мана шу, мана шу китобларни ўқиб чиқсанг ёзда лагерга борасан”, “Айт-чи, ёзги таътилда нечта китобни ўқиб туширдинг?” Биз болалиқда ана шундай савол-муомалалар билан ўсганмиз.

Қани, ўқиган китобларингдан гапир... Ўзимиз билган Бойсуннинг дараю дашту далаларини ёдга солувчи “Алпомиш”дан бошлаймиз. Бу дostonни ўқимаганим бойсунлик деб бўладими?! Кейин – хайратомуз “Тўрўгли”, Юнуслари, Мисқолпарилар, ғиркўқлар; ҳазин “Қунтуғмиш”, “Равшан ва Зулҳумор”у “Маликаи айёр”лар; буларни асли магазинчи Йўлдош язнамизнинг гўянда оҳангга солиб

хониш қилишлари. Кейин – Том Сойерга қўшилиб ғордан Беккини қидиришлар, аслзода Гринёв ва маъсума Машага ҳамдардлигу тўпори “ижобий қаҳрамон” Пугачёвдан нафратланишлар...

– Қани, катта бўлсанг ким бўласан? – дея саволга тутуди Тошкентда ўқийдиган амакимиз.

Тап тортмай жавоб қиламиз:

– Ёзувчи бўламан!

– Ёзувчи? Зўр-ку! Шукурга ўхшаган-да? Шукур Холмирзаевни биласан-а? Ўзимиздан чиққан. Ҳали китобчасини бераман сенга, ўқийсан.

Бойсундан ёзувчи чиққанми?! Чиксаям... Мендан кейин чиқиши керак эди-ку! Шукур Холмирзаев. Ёзувчи деганинг номи Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Ойбегу Абдулла Қаҳҳор бўлмасмиди?..

Китобча юпқагина эди. 38 саҳифа. “Оқ отли”. Муқовасида кўзлари катта-катта, коп-кора қошлари туташ мен тенги бола барра кўзичокни кўйнига олиб, от устида ўтирибди. Воқеаси чорва фермасидаги кингирликлар ҳақида. Аллақандай яқин, таниш бўю манзаралар...

Ўзим тўртинчи синфда ўқийтуриб, аллақачон ҳикоя ёзиб мактаб деворий газетасида чиқарган вақтларим. Ҳикоя синфдошлар ўртасидаги кингирликлар ҳақида, бош қаҳрамони ўзимиз, албатта, номи – “Ҳақиқат бор жойда туғишганини ҳам аяма!” “Гулхан”у “Ленин учкуни” нашрларида чиқиб турадиган пионерона лофларнинг ўнинчи, балки юзинчи такрори!

Ўша даврда роса жаранг топган бу шиорсимон даъват (отабозори Павлик Морозовни эсланг!) кейин ҳам кўп замон кулоғимдан кетмай, менга ҳамроҳлик қилди. Бошдаги кўп ғурралар шундан. Асли йўқ жойдан пайдо бўлган айрим нодўстликлар ҳам шу туфайли. Айни чоқда, бул даъватнинг инсоний ҳам ижодий сажияга қатъият бағишлаганини-да инкор этсак бўлмас.

...Шифти пастак чокқина хона. Кундузи бўлишига қарамай чирок ёниб турибди, аммо барибир нимқоронғи. Ўртада хонани энлагудек катта емак столи. Тўрда ота-онасини зиёрат қилгани уч-тўрт кунга келган арзанда ўғил – Шукур Холмирзаев. Эгнида ихчамроқ пальто (демак, хона салқин, намгарчилик кезлари экан-да), бошида “кубанка” аталмиш сервикор телпак. Уй эгасининг ёнбошида доимий ҳамдам жўраси, маҳаллий журналист Исмат Норбоев. Хона тутаб кетган, икковлон басма-басига чекади. Пойгакда, уларга рўбарў ўтирган 7-синф ўқувчиси ярим соатлардан ошдики, ўзи ёзган “повесть”ни ўқиб бермоқда. “Повесть” зolim бой кўлидаги бир етимчанинг аччиқ қисмати ҳақида.

Ниҳоят, қўлёзма ўқиб битирилади.

– “Ўқитувчи” романини яхши кўриб ўқиган экансиз-а? – дейди ёзувчи сигарет тутуни орасидан жилмайиб.

– Ҳа, ўқиганман, икки марта, – дейсан гапнинг нимкосасидан беҳабар, хозиржавоблик билан.

– Ўзингиз яхши билган, ўзингизга яқин мавзуларда ёзиб кўрсангиз бўларкан. – Ёшингни сўраб билгач, мезбон хулоса ясади: – Ничево. Деталларни тасвирлашни ўрганинг.

Шу. Тамом. Бунгача Шукур акани туман маданият уйи олдида бир тўда курдошлари даврасида кўрган, кимдир, чамаси мана шу Исмат ака таништирганида ёзувчи ўзига ярашиқли бир табассум билан “ёзавер, бўшаштирма” деган каби акаларча шўх им қоқиб кўйган, ана шу илиқлик бугун мени бу ерга бошлаб келган эди.

“Повесть”имни эшитиб бўлгач, Шукур ака “э, маладес” дея ўрнидан туриб пешонамдан ўпишнини кутган эканман шекилли, бирдан хафсалам пир бўлди: бу одам менинг ҳам ёзувчи бўлишимни хохламайди, битта ўзим бўлсам дейди!

Ўзинг яхши билган нарсаларни ёз, деталларни тасвирлашни ўрган... Бир ёш хаваскор болага бундан ортик яна қандай хайрихоҳлик бўлиши мумкин? Ўқиган романидан таъсирланибгина, ўзи кўрмаган-билмаган нарсаларни қоралаб, яқин бир соатдан бери шуни ўқиб бошимни котирса, унака тирранчани мен бўлганимда ҳайдаб солмасмидим?!

Шундан сўнг талай йил ёзган-чизганимни Шукур акага кўрсатмай юрдим. Иккинчи курсдалигимда ёзганим “Кечирасиз, ўртоқ муаллим”нинг дарагини эшитган экан, ўзи сўраб олди. Кўлёмани ўқигач, акамиз менга бошқача ишонч билан қарай бошлади. Унча-мунча таъриф-тавсиф қилинди-ю, аммо бирор жойда чиқариш тўғрисида гап бўлмади. У кезлар бакувватроқ даллолсиз ишингиз битмасди.

Мақтовлардан рухланиб, учинчи курсда ёзган “Серзарда оила” деган киссани кўтариб бордим устознинг хузурига. Тиши оғриб, иягини чангаллаб ўтирган экан. Шу ахволда менинг сурбетларча ўқиб берган нарсамга кулоқ тутди ва киссани “Отам, онам ва мен” деб аташни маслаҳат берди.

Воқеан, университетни битириб радиода иш бошлаган кезларим ёзган бир хикоям маъкул келди чоғи, Шукур ака уни “У хотинини уйғотди” дея қайта номлаб, ёнига илиққина сўз ҳам битиб вилоят “Ленин байроғи” газетасига тавсия қилган эди. Раҳматли устозимизнинг бир қанча китобларимга ёзган мақолаю очик хатлари эса адабий жамоатга яхши маълум.

“Кечирасиз, ўртоқ муаллим!” киссасидан гап очилди, айтиб ўтай. Бир йили ўсмирларга аталган тўплам тайёрлаётиб, стол тортмаларидан ёшлик машқларига дохил шу кўлёмза чиқиб қолди. Кўз югуртириб қарасам, “еса бўлгулик”. Бир-икки ҳамсухбатларга кўрсатган эдим, улар ҳам маъқуллади, хатто, “Қайтага, ўша вақтда дуруст ёзар экансиз”, дея ўзларича лутф қилгандек ҳам бўлишди. Улардан бири ана шундай китмирона ҳазиллардан сўзбоши ясаб, болалар газетасида сонма-сон эълон ҳам қилдирди. Шундан сўнг ўйлаб ўтирмай уни “Эртак билан хайрлашув” китобига киритдим.

Бу нарсани мен Тошкентда ўқиётганимга бир йилдан ошган бўлса-да, ҳамон Бойсундан узилолмай, юрсам ҳам, турсам ҳам Бойсун хаёли билан яшаётган илк талабалик кунларимда ёзганман. Иккинчи курснинг бошларида уч кунлик кузги таътил берилди-ю, мен нечундир қишлоққа кетолмасдан қолиб, ижарахонамга бикиниб олганча шу уч кунда ёзиб битирдим. Болалик соғинчию мактаб хотираларидан дунёга келган ушбу эсдалик машқ менга шуниси билан ҳам кадрлики, кейинчалик қанча нарса ёзган бўлмайин, ўшандаги завқ ва ҳаяжонни камдан-кам ҳоллардагина туйдим...

“Кўлёмзани машинкадан чиқаргач, ҳадиксирай-ҳадиксирай ҳамшаҳар-ҳамхонам Неъмат Қурбонга ўқишга бердим. У киши мендан уч-тўрт ёш катта, санъатшуносликка ўқир, ўзбек адабиёти билан унча иши йўқ, нуқул “Юность”, “Дружба народов” журналларини қўлтиклаб юрар, ўзининг ҳам бир-икки хикояси “Ленин учкун”ю “Шарқ юлдузи”ларда чиққан пўримнамо, “культурний” йигит эди. Мен тирмизакни у кўпам менсийвермас, ёзиб-чизиб юришимга ҳам беписанд эди.

Неъмат Қурбон киссани ўқиб бўлди-ю, индамай кўчага чиқиб кетди, ҳаял ўтмай бир шиша мусаллас кўтариб келди. Икковлон ўтириб янги асарни “ювдик”. “Буни

“Юность”га юбориш керак! – деди тажрибакор ҳамхонам бир маҳал мени хангманг қилиб. – Афсус, бизда таржима масаласи чатоқ-да. Ке, мен буни Асқад акага кўрсатай. Фақат шу одам тушунади”.

Кейин, ўзининг айтишича, Неъмат акамиз қўлёзмани кўтариб бир-икки марта Ёзувчилар уюшмасига борган, лекин Асқад Мухторга учрашолмаган. Ёзувчи гоҳ меҳнат таътилида бўлган, гоҳ Москвада пленумда.

Шу тарика икковимиз ҳам бу ташаббусдан совидик. Бора-бора ёзганим кўзимга бирёкламароқдек кўрина бошлади. Бундай бўлмаганда ҳам мен – кишлоки бир қаламқаш Асқад Мухторга рўпара кела олармидим!

Кейинчалик билдим: бир иш чикса-чикмаса ўшанда бораверсам бўлар экан – харкалай ютқазмас, кўп замон йўл кидириб улоқиб юрмас эдим”. (“Асқад Мухтор замондошлари хотирасида” китобига 2003 йил ёзилган мақоладан кўчирма.)

Андак кечикиб бўлса-да, сўнрок тўрт-беш йил унутилмас устоз Асқад Мухтор паноҳида юриш насиб этди. Ул табаррук одамдан кўп нарса, аввало, тубанликдан ҳазар қилмокни ўргандик, кўп беғараз мурувватлар кўрдик. Мен учратган бутун одамлар даврасининг бошида шу зот туради. Ёш умрнинг дастлабки аччиқ-чучуқлари шу киши раҳбарлик қилган донгдор журналда кечди. Муаллифига кўп мукофоту шу баробари кўп маломатлар ҳам келтирган “Отойининг туғилган йили” асари “Гулистон” қуллаарида ёзилган, “Гулистон”да босилган...

Яна мактаб даврига қайтсак, яқинда эски бисот қавланганда маълум бўлди: юқори синфларда ўқиётганимизда бир эмас, бир неча пьесанамо машқлар битган эканмиз. “Бир тўп мактабдош йиғилиб, ўзимизча спектакль ҳам қўймоқчи бўлганимизни айтинг. Негадир ҳеч кимга овоза қилмай, яширин-пинҳона. Безорилик кўчасига кирган бир ўспириннинг тарихи. Номи – “Максуднинг йўли”. Ўқиган-кўрган асарларимизга ўхшатиб, ўшаларга таклидан ёзилган. Муаллифи ўзимиз, режиссёри ҳам ўзимиз, бош ролда ҳам ўзимиз чиқамиз, албатта. Шукшин бўл-а, э дод-эй!

Ажаб томошамизни илк бор (ва сўнгиси!), Янги йил байрами арафасида эди чоғи, аллақандай тантанали йиғиндан кейин, хайрихоҳроқ бир ўқитувчимиздан чала-чулпа рухсат олиб, негадир (сабаби эсимда йўқ) туман болалар уйининг клубида намойиш этадиган бўлдик. Ёпиқ кўрик: яккам-дуккам томошабин, олдинги қаторда ҳакамлар – муаллимларимиз.

Ўзимизча спектаклни қотириб ўйнадик, яқунда сахна олдида туриб олқишу чапакларга кўмилдик. Лекин шу чоқ мактаб партташкilotчиси бўлмиш математика муаллимимиз югуриб сахнага чиқди. “Автори ким бунинг? – деди хатарли гезариб. – Автор ким деб сўраяпман?!” Мен, “сиёсий хатога йўл қўйган”, ўзим ёзган қахрамондан ҳам баттар безори сифатида ерга қараб гангиб туриб қолдим...” (“Валлакат ака-укалар”. “Маърифатга бахшида умр” тўплами, Тошкент – 2011 йил.)

Ҳеч кимдан рухсат сўрамай асар битганим ва уни ўзбошимчалик билан сахнага қўйганим учун мактабдан ҳайдалмадим, лекин ёзган пьесам шу бўлди! Орадан қирқ йиллар ўтгачина пьеса ёзаман деб қўлга қалам олдим – “Жаннат ўзи қайдадир” дунёга келди. Кейин – “Шажара”, “Фаррош кампирнинг туши”, “Хонадон эгаси”, “Танҳо қайик”...

Талабалик – “олтин даврим”дан гапирсам, куним Навоий кутубхонасию бесаноқ ижара хужраларда қоғоз қоралаш билан ўтган деса бўлади. Кўпчиликка аралашавермас, қайсидир китоб қахрамонидами, кино қахрамонига ўхшаб бир ўзим аллақайларда тентираб юрар, шаҳарнинг олис гўшаларидаги кинотеатрларга бориб фильм кўриб келар, курсдошларим “Пахтакор” стадионида завқ билан

чувиллашиб ўтирганида ёки Пушкин боғида ошхўрлик қилаётганида камина хужрамга биқиниб олиб киссаю ҳикоя машқ қилар, аммо худди нозик бир сирим фош бўлиб қоладигандек, уларни кимсага кўрсатмас эдим. Кечаги мудҳиш “чилла” (пандемия карантини) кунлари уйда ўтириб қоғоз бисотимни титкилаганимда даста-даста киссаю ҳикоя чикди. Кўплари тамом хотирамдан кўтарилиб кетган, хатим танишлигини айтмаса, айримларини ўзим ёзганимга ҳам ишонолмадим. Ўзиям кип-кизил графومان – ёзагон бўлган эканман-да! Шу даражадаки, университетга киришга имтихон топшириб, натижасини кутаётган кунларим ҳам эринмасдан ҳикоя ёзганимга нима дейсиз! (Тагидаги санаси: “Тошкент, 1967 йил 20 август”. Айнан натижа эълон қилинадиган кун!) Нималарни ёзмаган эканман! Яна бир фурсат туғилганида уларни ўқиб чиқиш ниятим ҳам бор.

Ана шу беш йиллик “эъжод”дан тўпламларга кирганлари: хали айтганим “Кечирасиз, ўртоқ муаллим!”, “Шайтончалар кўчаси”, “Кўк эшик” ва “Эртак билан хайрлашув”. Кўпми, камми? Бори-да.

Шунча қоғоз қоралаб, бирор тахририятга кўтариб борилмагани кизик. Худди бирдан чиқиб оламни ҳайратга солмоқчидек! Устозимиз Шукур ака, “Матбуотда кўринсаларинг, серъёзний нарса билан кўрининглар!” деб Усмон шоир иккимизга уқтиргани-уқтирган эди.

Демак, ҳаммани ҳайратга соладиган нимадир ёзиш керак! Унақасини қаёқдан топасиз? Даъво зўр-у, дард йўқ. Ёзган нарсангиз кимниқигади ўхшаб қолавереди. Умумий қолипдан чиқиб кетолмайсиз-да. Бир вақтлардаги ўғитни эслайсиз: “Ўзингиз яхши билган, ўзингизга яқин мавзуларда ёзинг”. Одатда ёшларга айтиладиган шу маслаҳатни кейинчалик бошқа китобларда ҳам бот-бот учратгансиз.

Ўзингиз яхши билган, ўзингизга яқин... Хув “Кечирасиз...” шунақа эмасмиди? Унча-мунча маъкул бўлди-ку!..

Шунда илк бор Боғболони адабий макон кила танлаб, маҳалламиз аҳли, кўни-кўшнилариимиз ҳақида ёзмокқа чоғландим. Қарасам, бири-биридан кизик, ажабтовур характерлар. Менинг одамларим, мен яхши билган одамлар. Алоҳида-алоҳида, лекин ўзаро боғланган, бош-охирдан иборат, “Осмондан тушганлар” деб аталмиш ўзгача бир ҳикоялар туркуми. Ҳикояларнинг номлари ҳам ажаб-ажаб: “Яллама ёрим ялло”, “Инкилобчи билан сиёсатчи”, “Бой ака ва камбағал ука”, “Бошсиз чавандоз”, “Гулливер амаки”... Туркумнинг анча-мунча қисми ёзилди ҳам. Шунда ўзимга ўхшаган бир хаваскор опшамга мақтангим келиб, ўдоғ, тескари, аммо бири-бирисиз туролмайдиган икки чол ҳақидагисини гуллаб қўйибман. Кўп ўтмай у ўзининг кишлоғидаги шундай икки чолни олиб ҳикоя қилди, журналда ҳам бостириб чиқарди. Ана энди менинг ахволимни кўрсангиз! Тажанглигим панд бериб, ўша “кўчирилган” ҳикоядангина эмас, бутун туркумдан совидим-қолдим. Ҳолбуки, ҳикоялар ўртасидаги ўхшашлик анчайин юзаки, ёзаман деган одам ўзиникини тамом бошқа ўзанга буриб юбориши ҳеч гап эмас эди. Бирок икки чол ўша икки чоллигича қолади-да! Қолса қолар, сиз жуда унчалик кашфиёт қилганингиз йўқ, ана, буюк Флобернинг машҳур “Бувар билан Пекюше” новелласи ҳам икки қария тўғрисида-ку, дейдиган маслаҳатгўй топилмади. Топилганида ҳам мени кўндириб бўлмасди. Эҳтимол, каммаҳсуллимизга ана шундай бадгумонлигим ҳам сабабдир. Ҳали айтганим бисот тинтиш чоғи ўша қирқ йил бурунги қайдларга ҳам бир қур кўз югуртирилди. Тўғри, улардаги баъзи лавҳа, баъзи ҳолатлар кўп йиллар сўнг ёзилган “Гули-гули” киссасига сингиб кетган, лекин қолган тоза, оҳорли ўринлар ҳам кам эмас экан. Эсизгина! Алвидо, осмондан тушган-у, ланж,

бўшанг муаллифингизнинг айби билан манзилга – китобхон кўнгилларга етиб боролмаган қаҳрамонларим!

Хуллас, устоз Абдулла Қаҳҳор айтганидек, адабиётга лов этиб ёниб кириш орузи унча ушалмай, эл қатори имиллаб кириб келинди. Андак шопилмасга ҳам бўлар экан – “Отойининг туғилган йили” дунёга келгунча!..

Шунча ёзиб-чизиб, уч мартагина чинакамига тилга тушганман. Биринчи бор – “Отойи” “Гулистон” журналида эълон қилина бошлагач; иккинчиси – “Чантриморэ” илк бор телевизорда кўрсатилганда ва ниҳоят – “Ҳоким, ҳолва, ғурур ва андиша” деган мақолам газетада чиққанда.

Келинг, шунисидан бошлай.

Ҳоким алмаштириш важдан вилоятларда бўладиган фавкулудда сессияларда ўша худуддан сайланган Олий Мажлис депутатлари ҳам иштирок этади ва жавобгарлик мақомида гоҳо минбарга ҳам чиқади. Камина ҳам бир-икки дафъа сўз сўзлаб, қаранг, “машхури жаҳон” бўлган эканман.

Галдаги ана шундай сессиядан қайтгач, жума куни эди-ёв, “Халқ сўзи” газетасининг бош муҳаррири, кадрдон акахонларимиздан Аббосхон Усмонов кўнғироқ қилди.

– Юртга бориб келдингиз?

– Бориб келдик.

– Сессияларда қатнашдингиз?

– Худди шундай!

– Сўзларга ҳам чиққансиз, албатта?

– Ҳечам-да.

– Нечун?

– Бу сафар сўз тегмади.

– Унда, ана шунга – сўз текканида айтишингиз мумкин бўлган гапларни қоғозга тушириб берасиз!

– Ака-а!..

– Акангиз бўлсам – айтгани килинг! Сешанба сонига қўямиз, гап тамом!

Мақола шанба куни – саратоннинг сариғида ўтириб ёзилди, якшанба таҳрир қилинди, сешанба куни бир қулоч бўлиб газетада чиқди. Ана кейин кўринг-да киёматни! Кўнғироқ устига кўнғироқ! Олис-олис вилоятлардан! Танишу нотанишлар! Ҳамкасбларнинг олқишини айтсангиз!

Аммо уч-тўрт кун бош муҳаррир ҳам, мақола муаллифи ҳам юрак ховучлаб ўтиргани рост: юқоридагилар нима деркан? Бир мутасадди акамизнинг эътирофича, кун бўйи қалтираб ўтиришганмиш. “Худо деган жойингиз бор экан, оғайни, чакмоқ чакнади-ю, лекин момақалдироқ бўлмади...” Қалам билан чизиб-чизиб ўқилган, шубҳасиз, тиш ғижирлатилган, муштлар тугилган, ҳайтовур, муаккаллар – халоскор фаришталар орага тушибми, муҳаррир ҳам, муаллиф ҳам омон қолдик.

Мақола нима ҳақдалиги унинг сарлавҳасиданоқ аён: “Ҳоким, ҳолва, ғурур ва андиша”. Ўша йиллари бу сўзларнинг ҳар бирини, айникса, шу тахлит тилга олмоқ ўзи қалтис иш саналгани лоф эмас.

Камина гоҳида ана шундай қалтисликларга ҳам бош уриб қоламан. Ёв қочгач эса кизиги йўқ, ҳафсала совийди.

Сирдан уволгина “Чантриморэ” фильми қутилмаганда доврүк топди. “Отойи” туфайли осмонларда учиб юрган кезларимиз эди, шунча китоб-дафтаримиз бир бўлди-ю, бошда бизга аллақандай эришнамо, чала-чулпароқ туюлган “Чантриморэ”нинг телевизордаги илк намоиши бир бўлди! Эртасиёк киношухрат

тожини кийдик. Овора бўлиб китоб ёзиб юрганимизни каранг, гап бу ёқда экан-ку!

Кейинчалик биз бош кўшган бошқа фильмлар ҳам чакки чикмади – узоқ-яқин эллардаги киноанжуманларда эътироф этилди-ю, “миллий бозор”да шу назарногир “Чантриморэ”га етолмади деса бўлади. Бу ерда биз уларнинг бадий савиясидан баҳс очмоқчи эмасмиз, бироқ шуни таъкидлаш керакки, фильмлар ҳам одамзодга ўхшаб омадли ё омадсиз чиқар экан. “Чантриморэ”нинг ўзгирлиги шундан.

Ана энди бизга илк бор омад эшигини очган “Отгойнинг туғилган йили” қиссасига келсак. Ўзгачароқ туюлибми, танимаганлар бошда уни мен ёзганимга ишонмади. Қотма, қилтирик бир бола эдим-да. Қисса китоб бўлиб чиқар-чикмас, ўша кезларда хийла нуфузли саналган ёшлар мукофотига муносиб кўрилди. Бу ҳол айрим тенгдош дўстларимга эриш туюлганми, уч-тўрттаси қайдадир тўшланиб, “Биз шўро мукофотини олмаймиз!” дея ўзларича қасам ичганмиш (1981 йил!). Қасамхўрлар даврасида мен йўқ эдим, аммо кейинчалик балога қолдим. Ул эмас, бул эмас, “Отгой”ни улар туриб бошқа одам ёзган, мукофотни ҳам улар қолиб бошқа одам олган эди...

Хуршид Даврон камина ҳақида ёзиб, “Агар душмани бўлса, муҳаррир сифатида қаттиққўллик қилиб асарини қайтиб берганларгина унинг душманидир”, дебди. Ҳаҳ, содда шоир-а, ўша асарни машаққатлар билан “одам қилиб” чиқариб берсангиз ҳам нодўстлигича қоладиганлар топилади. Бешиқдаги боланинг ҳам ўрмалаган ғаними бўлармиш. Бировга сўзингиз ёқмайди, бировга – ўзингиз. Ҳатто дўришлоқ овозингиз ҳам кимнингдир тинчини бузиши, кимнингдир ғанини келтириши мумкин.

Яна бир адабиётшунос иним фақирнинг сабр-тоқатини сарҳовузга менгзабди. Таги чуқур, сатҳи сокин, бағрикенг сарҳовузга. Қуллуқ. Аммо бехос-бемаврид тошу кесак ёғилганда сиз айтган ҳовузнинг юзаси нечоғли беором жимир-жимирга тўлишини, туб-тублари нечоғли тугёнларга тушишини билсангиз эди! Хоҳ зимдан, хоҳ ошқора тош отила бошладим, билингки, отингиз бошқалардан илгарилабди, ўзибсиз. Энди сизга ҳам, ғанимларингизга ҳам тинчлик йўқ, омонлик – омонат. Начораки, бу норасо манфаат дунёсида ҳамма нарса ҳаммага етмоғи имконсиз экан. Куруқ қолгани эса нимагадир эришган қавмига қарши аламу аччиқда тош ота бошлайди: маломат тошини, бўҳтон, бахиллик тошини...

Биз ҳам хом сут эмганмиз, гуноҳларимиз бир бандга етарли, аммо сиз айтган қасамхўрлар даврасида бўлмаганмиз, сиз даъво қилаётган гирромликлардан хабаримиз йўқ, гапирсангиз Худога қараб гапиринг, эй мусулмон!

Бу азалий ва абадий муҳорабада жонимизга ора кирадиган ягона тадбир – ўша домангининг ўрнига ўзингизни кўйиб кўрмоқ! Ана шунда бари очилади-қолади: унинг бир жойи оғриятти, қаттиқ ачишяпти, шундай жойики, чидамоқ оғир, жуда оғир! Араз-гиналар бирдан абас, кўнглингизда унга нисбатан ачиниш пайдо бўлади: тўғри-да, бошқа нимаям қилсин у шўрлик?

Шафқат – нажоткор туйғу, кўнгилни юксалтиради, одамни сарбаланд қилади, Инсон қилади!

Тўғри айтасиз, шоир дўстим, каминанинг душмани йўқ, душман унга чикора, унинг энг қаттол ғаними – ўзи!

Шундай, шуҳрат – бамисоли банг, уч-тўрт кун одамни сархуш этади, ўтгач эса асорати чаток, оқибати ундан-да баттар: ҳамма сизга илжайиб қарай бошлайди – ким нега кулаётганини билолмайсиз...

Мухбир укаларим гоҳо китмирлик аралаш титкилаб қолади: “Адабиёт иши камписанд бўлиб, қалам ҳақи деганлари кепак пулига айлангач, сердаромадрок

соҳа деб кинога ўтгансиз-да, а?” Шунда бир хангома ёдга тушади. “Пақананинг ошиқ кўнгли” деган кисса “Шарқ юлдузи” журналида босилиб, тўрт минг сўм қалам ҳақи чиқди. Минг-мингларга ҳали кўниқилмаган, боз устига – тўрт минг! Ўша пулга кўчадан бир кутигина тоза навли сигарет сотиб олдим. (90-йиллар боши эди, қаҳатчилик-қимматчилик замони.) Ҳар куни шундан бир дона, кетидан эса хашакироғини улаб чекиб, йигирма кунда “Шоирнинг тўйи”ни ёзиб битирганман.

“Хўш, нима учун кино соҳасига ораладим? Ўрни келди, айтиб қўяй: моддий манфаатни, даромаднинггина кўзлаган одам бу ишларга қўнлашмагани маъқул. У ёғини сўрасангиз, ўндан ортиқ фильмга дахлдорлик қилган бўлсам, ҳар хил сабаб билан, айримларига бир чақа ҳам қалам ҳақи олмаганман! Бўлмаса нима, томсувоққа юрдимми? Кинокиссалар жамланган “Танҳо қайик” тўпламига (“Шарқ” нашриёти, 2017 йил) битилмиш “Кинога қандай келиб қолганим” деган сўзбошида шу ҳақда ёзганман. Келинг, ўшандан бир-икки кўчирма қилай.

“Унда-бунда, мени кўлимдан тутиб кинога етаклаб келган одам – Юсуф Розиков деб юраман. “Сиз менга киноустозсиз, таксир”, дейман ўзига ҳам. “Йўқ, ака, сиз менга устоз”, дейди ёшимни пеш қилиб, бугун энди жаҳон экран санъатида кўзга кўринган тажрибали кинорежиссёр.

Лутфу манзиратлар ўз йўлига, сценарий дегани мана бундай ёзилади, деб биров-бировга ўргатган жойи йўқ, албатта. Аммо “Пиёда”, “Дилхирож”, “Эркак” каби фильмлардаги ижодий ҳамкорлик жараёнида каминга нималардир юққани бор гап.

Қизиғи шуки, киночиликда махсус таълим кўрмаганимга ҳамон баъзиларни ишонтиролмаيمان. “Жаннат қайдадир” фильмини ишлаган машҳур кинорежиссёрларимиздан раҳматли Равиль Ботиров ҳар гал суриштириб қўймади: “ВГИКни қачон битиргансиз?” “Мен ВГИКда ўқимаганман, оқсоқол”. “Ҳа-а, бўлди-бўлди, сценарийнавислар олий курсида ўқигансиз, олий курсда”. Нима дейин? Эски бир хикоядаги ширакайф рассомнинг нолиш аралаш айтган гапи ёдга тушади: “Ўзим зўр бўлсам нима қилай?”

Ҳазилни қўйиб чинига кўчсак, киночиликда бирор нима билган-уққан бўлсам, ҳали айтганим Юсуф Розиков сабабчи, вассалом. Бироқ шу кунимга тўрт йил институтда талабаларга сценарийнависликдан сабоқ беришгача бордим – бунисига энди таҳсин айтмай иложингиз йўқ.

Берганини қаранг, киною киночилар атрофида юриб кўрган-билганларим қўл келди – “Шовқин” романи ёзилди.

“Бор-йўғи” бир сценарийнавис бўлатуриб, омад чопганими, менчалик фестивалма-фестиваль кезган киночи ҳам топилмаса керак. Ёзиладими-ёзилмайдими, “Киношок”даги қутилмаган ғалабага бағишланган “Фестиваль” аталмиш саргузашт ҳам каллада юрибди. Ҳамма “айб”ни Юсуф Розикка тўнқайвермайин яна бир сирни айтай – ана шу анжуманлар ҳам каминга бир кинодарс бўлган чиқар.

Қаердадир ёзувдим шекилли: “Кино – жафокор-у, лекин қуйдирмажон хотинга ўхшайди...”

Неча-неча фурсат ижодий иккиланишу журъатсизлик ҳамда танбаллиқлар исканжасида кечган бўлса, ўн йил депутатлик мажлису машваратлари ва “Тафаккур”ни йўлга қўйиш билан ўтди деса бўлади. Орада бир-икки фильмга бош қўшилди, тўрт-беш ҳикояю беш-ўнта публицистик мақола ёзилди, холос. Олиймақом давраларда ҳавойи от суриб юрилганда адабиёт-санъат юмушлари анчайин бир икир-чикир бўлиб кўринар экан... Аттанг!

Ўйлаб қаралса, шу йиллар ҳам беиз кетмабди. Кейинги ўн йилликда ўшанинг хиссасини чиқаришга баҳоли қудрат саъй қилинди. Кўнгилдаги бирмунчаси уддалангандек. Яна Худо ҳакам, бизни шугина вазифа билан дунёга келтирганмиди...

Умр ўтган сайин хув нов бошидаги икки момокалоним бот-бот ёдга тушавереди. Улардан бирови-ку ҳаяжонданми, ношудлик қилибми, қўлидаги чақалокни сувга оқизворибди; сал бўлмаса бутун бир авлоднинг заволига қоларди. Худойим ўша лаҳзаларда бошқа момомизга берган ёвқурликни қаранг – ўзини шартта сувга ташлаб, гўдакни омон олиб чиқибди! Андак сусткашлик қилганида борми, чақалок йўргак-пўргаги билан омонсиз дом сари кетарди. Новдаги шошқин сув шиддат билан пастга – тегирмонга отилиб тушади, ичкарида палахмон тоши беаёв чарх уриб ётибди... Алҳазар!

Фарид-чи? Мен билан сония талашиб дунёга келган Фарид тентак! Ўша бахтикаронинг қисмати менинг чекимга тушиши ҳам мумкин эди-ку!..

Туғилганда киндигингизни ким кесгани шунчалик ҳаёт-мамот масаласи эканми?! “Ўша пайтда мен сенга тўғри момони қаердан топардим, балам? Биттаси кесган-қўйган-да”.

Кейин яна қанча-қанча чоҳу давворларга дуч келди бу бош!..

Хорижда яшайдиган бир дўстим асли-наслини билмоқ бўлиб, аллақандай лабораторияга намуна топширибди. Маълум бўлишича, унинг қониди япон ҳам, ҳинд ҳам, ҳабаш ҳам, оврупо элларию бошқа элатлар қонидан-да нишона бор экан. “Қип-қизил дунё фуқароси экансиз-ку, бу аҳволда нимангиз ўзбек бўлади?” деб ҳазиллашсам, “Одамга ўхшайманми ишқилиб?! – деди ранжиганнамо. – Юрагим ўзбек менинг!”

Ўшанда бизни ҳаёт-мамот тегирмонидан қутқариб, омон сақлаб қолган инсон – Жангил момомиз. Бутун бир сулола аҳли ҳайкал қўйса арзийдиган зот! Яратганга шукроналар бўлсин! Лекин барибир қисмат тегирмонига тушмоқ муқаррар – унга чап бермоқ имконсиз экан. Хайриятки, бул беомон тегирмон тошлари аро гир айланаркансиз, гоҳо ёруғ шуълалардан кўзларингиз қамашади, гоҳо шодумонлик садоларидан юрак қинига сиғмайлар кетади. Бу азалий тегирмон шуниси билан-да азиз, шуниси билан-да тотли!..

– Иби-ий, оқиб кетди! – дея фарёд уради нотавон Зиёда момокалонимиз тиззаларига шапатилаб.


Даёв Жангил момокалонимиз эса ўйлаб ўтирмай ўзини сувга отади.

– Ташланг, моможон! Ҳа, ана – оқ сурп йўргак, ана!.. Яна бир ҳамла, яна! Ушланг, моможон, учгинаси қўлларингиздан чиқиб кетмасин, ушла-анг!..

Момогинамининг қўлларига қувват бергайсан, ё Оллоҳ!

2020 йил 10 августда – 70 ёшига
тўлган куним ёзиб битирилди.

Камалак рангида хаётим борур



Менгнор
ОЛЛОМУРОД

Нега жимсиз

Қаро булут қабоғин уйди,
Дўстим ётлар қабосин кийди,
Бодомзорнинг сабоси куйди,
Нега жимсиз, айтинг, дарахтлар?

Харсанг тошлар найсонлиман, дер,
Қаро қарға осмонлиман, дер,
Қузғун қушлар иймонлиман, дер,
Нега жимсиз, айтинг, дарахтлар?

Сим-сим бокиб кўнглим-оҳуга,
Жоним бериб ҳаёт жодуга,
Асир бўлдим сўнгсиз қайғуга,
Нега жимсиз, айтинг, дарахтлар?

Рўё-рўё ёнадир ол ранг,
Дарё-дарё оқадир найранг,
Ё сизнинг ҳам ҳолингизми танг,
Нега жимсиз, айтинг, дарахтлар?

Отам каби таянчимсизлар,
Онам каби суянчимсизлар,
Севгим каби соғинчимсизлар,
Нега жимсиз, айтинг, дарахтлар?

Менгнор ОЛЛОМУРОД – 1955 йилда тугилган. Унинг “Юрагимда йиглаб турган қиз”, “Севги дарахтининг гули”, “Арзимни ўғлимга еткар”, “Наврўз ёки сиз истаган келин келди” сингари китоблари чоп этилган.

Қуш – олов

Фалакда юракдай учади лов-лов,
Қоронғи кечада нажиб қуш-олов.
Тунда дуч келмишам мўъжизага мен,
Рух каби елмишам мусикада мен.

Минг йилки, муз эдим, тош эдим, ҳатто,
Олис юлдузлардан сирлар кутардим.
Нафис нурлар сингиб, жонимгача то,
Майса каби, кўксим ердан кўтардим.

Қуш – оловдан ёғар сийратима сир,
Саририм баҳорий гул оғоч каби.
Мен унга асирман, у менга асир,
Йиллардир йилдирим қалдирғоч каби.

Ғойиблардан келди учиб қуш – олов,
Алвонларда елди оташин гуллов.
Оташ гул кўнглида ўпдим бўзимни,
Ишқинг оловида топдим ўзимни.

Дунё ўтиб борур

Баҳорнинг тонгида баётим ёнур,
Камалак рангида ҳаётим борур,
Тупрокнинг охида фарёдим тўнур,
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Чақнаган чакмокни ўқиб, чўғдайман,
Олов-олов гулни ўпиб, шўхдайман,
Йўқотиб йиғлайман, топим шоҳдайман,
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Дарёдай тошаман, уммонлар сари,
Окқушдай шошаман, осмонлар сари,
Япроқдай тушаман, ҳазонлар сари,
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Қорларинг остида зор жаҳонимдур,
Баҳор бўстонимдур, ёз жононимдур,
Кузларда сарғайиб учган жонимдур.
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Гул очилди киру сайҳонларимда,
Дур сочилди обрў найсонларимда,
Тўрт фасл чуволди мезонларимда,
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Дунё азал-азал бир хурилико,
Пойида ётибди бақо-бебақо,
Ох, англай олмадим, асло, мутлақо,
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Минг йил ортга бокиб, изимни кўрдим,
Гулгун тонгда, ё Раб, юзимни кўрдим,
Минг йил олдга қараб ўзимни кўрдим,
Дунё ўтиб борур, сирли шамолдай.

Тошни ёриб тонгда оққан

Тошни ёриб тонгда оққан тошбулоқда куёшим,
Йиғлаб-йиғлаб шомга бокқан тош сўроқда кўз ёшим.

Охудайин дунёларга етай дейман, етолмам,
Бошим олиб сахроларга кетай дейман, кетолмам.

Дарёларда олмалардай сузиб-сузиб бормишам,
Нидоларда номалардай тўзиб-тўзиб бормишам.

Наво тонгнинг руҳларида ҳаёт бўлиб кезгайман,
Қаро туннинг оҳларида, ҳайҳот, бўлиб тўзгайман.

Дунё надир, жавоб излаб тополмайман, абадий,
Сўнгсиз-сўнгсиз, суқунатга тикилгайман, асабий.

Осмонларда ойнинг майи воласига қондим, мен,
Хазонларда ҳазин найнинг ноласида ёндим, мен.

Қай томондан келиб, жоно, қай томонга борурман,
Қандай ҳол бу, жон-жаҳоним най-нолонга қорурман.

Ҳаёт, сенинг кўксингга бош кўйиб, тўйиб йиғласам,
Кўнгилдан дард кетгаймидир, куйиб-куйиб йиғласам.

Бўзлайдирман, излайдирман, дўст қанию, ёр қани,
Бўғзимдаги ловиллаган сўз қанию, зор қани?!

Дунё сенинг ширин-ширин тонгларингдан тотдим, мен,
Дунё сенинг қаро-қаро шомларингга ботдим, мен.

О, сени соғиндим

Вулконлар ўтида тоғ ёнган каби,
Дарёлар айрода оғринган каби,
Дунёлар дийдорни соғинган каби,
О, сени соғиндим, жоним, муҳаббат.

Кушнинг тумшуғида кўз ёш юбордим,
Узугинг кўзига дур-тош юбордим,
Жонингга куёшда оташ юбордим,
О, сени соғиндим, моҳим, муҳаббат.

Туманлар йўлимдан адаштирдилар,
Сўнгагим оловга қалаштирдилар,
Танамга оташлар туташтирдилар,
О, сени соғиндим, оҳим, муҳаббат.

Юлдузий сўз айтмас сири сойирлар,
Гулмужда келтирмас қуши тайирлар,
Бошимда учади тоши ғайирлар...
О, сени соғиндим, руҳим, муҳаббат.

Ўт дардда бўз бўлиб, сени излайман,
Куз зардда сўз бўлиб, сени излайман,
Ҳар баргда кўз бўлиб, сени излайман,
О, сени соғиндим, жоним, муҳаббат.

Аламли кеча

Ҳаёт азал, алам чексиз, дунё кенг,
Нечун-нечун қисмат қаттик, қисмат менг,
Осмон эдим, тупроқлара бўлдим тенг,
Жовдирайман: гуноҳим не, айбим не?

Тонгни топмай, ахир, кетдим бош олиб,
Қаро итлар мени қувди бўшолиб,
Қийноқ борар юрагимга тиш солиб,
Жовдирайман: гуноҳим не, айбим не?

Сийратимни сиркиратар ситойинг,
Ёлвораман сенга етмас нидойинг,
Эй, дунёя, жафойингда, адоийм,
Жовдирайман: гуноҳим не, айбим не?

Сўйла, ҳаёт

Пушаймону, афсус, беҳуда,
Найсон-найсон афрўз беҳуда,
Хокда ётар ўтсўз беҳуда,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?

Тўлин моҳнинг юзи тўйдирар,
Нозик оҳнинг нози суйдирар,
Тийрамоҳнинг кузи қуйдирар,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?

Ўйнайдилар майхонада маст,
Гул-гул умр ловиллар абас,
Кул-кул бўлар оловли нафас,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?

Туйғуларим тинглай олмаслар,
Терс тақдирим ўнглай олмаслар,
Оғир оҳим англай олмаслар,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?!

Дўстларим бор юраклари чўк,
Кўзларининг тубларида ўк,
Айёр дунё сенда иймон йўк,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?

Сабристонда тоқат кезади,
Дардистонда фурқат кезади,
Қабристонда фарёд кезади,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?!

Кўнглим сирли қалов ичинда,
Тоғман, руҳим талов ичинда,
Жим боқаман олов ичинда,
Сўйла, ҳаёт, бу қандайин ҳол?



Гуландом
ТОҒАЕВА

Дил тубида қолган бир сўз бор

Сенинг альбомингга

I

Ҳеч қалбни сенчалик истамаганман,
Ҳеч кимга сенчалик очмаганман дил.
Ишқ дардин мардларга чиқарган экан,
Соғинчдан юрагим кул бўлди буткул.

Ол, кузнинг серхашам неъматларини,
Қишнинг пок қорлари, нози ҳам сенга.
Офтобни интизор-интизор кутган
Қор гулидек қўнсам иссиқ эгнингга.

Самарқандними ё Урганч берайин,
Юлдуз тўла сават, ол ганж берайин.
Сенга ошиқ шоҳу пиёдалари
Дунёи ажибдек шатранж берайин.

Фақат айт, кўксингни эзган сир нима,
Дилинг тилмоқдасан ким учун шеърда.
Ҳеч кимса севолмас сени менчалик,
Айт, бундай ишқ йўқдир энди ҳеч ерда.

Сўзласанг, сўзингдай асал топилмас,
Кўнглингдай сирга қон масал топилмас.
Ишқингда беморлар сафини кўргин,
Соғинчдан мен каби касал топилмас.

Гуландом ТОҒАЕВА – филология фанлари номзоди, “Шухрат” медали соҳибаси. 1972 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. Шоиранинг “Сувайдога йўл”, “Муҳаббат асри”, “Ўн етти ёшлар мамлакати”, “Чақмоқ хўрсиниқлари”, “Мен излаган кема” номли шеърӣй китоблари нашр этилган.

II

Ошиқлик – ёнингдан кетолмай қолиш,
Ҳар тонгда исмингни айтиб уйғониш.

Ишқ – бу фирок билан баҳру байт экан,
Висол – тушларингни сувга айт экан.

Сен – нурсан, осмондан бахт бўлиб тушган,
Мен – тонгман, шуълани ҳовучлаб ичган.

Мен сени соғиниб келдим дунёга,
Юр кетдик тоғларга – Сурхондарёга!

III

Етти қават бу осмон,
Беш юз йиллик йўл экан.
Уни яқин қилгувчи
Севилган кўнгил экан.

Сен – куёшсан, келасан,
Ҳар тонг шуъла, ўт бўлиб.
Яшайман шунчаки
Ёнингда унут бўлиб.

Беш юз йиллик йўлга ҳам
Дуом бормай колмайди.
Факатгина бир дилга
Севгим етиб бормайди.

IV

Севгувчи йўқ мени бунда –
Дунёсига алданганман.
Инсонликнинг ажиб кибру
Ҳавосига алданганман.

Умрим атрин сочдим елга,
Гуллар уни хидлармикан?
Асли меҳри йўқ зотларнинг
Даъвосига алданганман.

V

Севаман. Шу сўзда жам бўлди дунё,
Шу сўз етишмаса кам бўлди дунё.
Ширин табассуминг офтобдай иссиқ,
Бу офтоб олдида шам бўлди дунё.

Мени суйган елканларга шамол бўл,
Алишернинг дуосидан яралдим.
Умид оти ўрамоққа рўмол бўл,
Лермонтовнинг юрагига қаролдим.

Майли, паркут булутларда учиб кел,
Ёмғир бўп ёғ, чиқсин қалбга чечаклар,
Тоғларнинг қор тўлкинида кўчиб кел,
Вахшиворга ёпирилсин эртақлар.

Кўзларингнинг қароғига кокилдим,
Тонгларингни мен учун ҳам саклагин.
Юрагингнинг чойшабига йиқилдим,
Яхши-ёмон кунларимда йўклагин.

Татаббу

“Кўзларингни севаман, дединг,
Йўқ, жонгинам, бу сўзингдан қайт.
Ҳали сенга ҳеч тик бокмаган
Кўзларимни қайдан кўрдинг, айт.”

Бу кўзларга ҳикмат ярашгай,
Ўйчан мижгон беҳад ярашгай,
Дил тубида қолган бир сўз бор,
Бу сўзларга суҳбат ярашгай.

Эсимдадир ўша он, хиссиз,
Кетдинг айлаб юрагим вайрон.
“Ҳаётимсан!” девдинг, хаётсиз,
Қандай яшаяпсан паришон?

Ўтди йиллар, ўша хаяжон
Бу кўзлардан оқди дарёдек.
Севганини хор қилса ҳар ким,
Бўлсин менсиз қолган дунёдек.

Кўзларимда жо бўлган олам,
Шошқин йиллар, қайт, ортинга қайт?
Осмонларда турган бўлсанг ҳам,
Яна бир бор:
“Севаман!”, деб айт!

“Кўзларингни севаман, дединг,
Йўқ жонгинам, бу сўзингдан қайт.
Ҳали сенга ҳеч тик бокмаган
Кўзларимни қайдан кўрдинг, айт.”

Мактуб

Сен эй юлдуз нигоҳли,
Ёлғизликка хуморсан.
Лекин гизлию охли,
Умидимда сен борсан.

Дил ичра уйлар курдим,
Унга бир тахт йўнарсан.
Гоҳ хазин, гоҳ аламли,
Умидимда сен борсан.

Бу шаҳарда мен каби,
Бой йўк, қалбим ўмарсанг.
Энг бахтсиз кунимда ҳам,
Умидимда сен борсан.

* * *

Юрагимда ухлаб ётар бир қалдирғоч,
Қалдирғочнинг орзулари саноч-саноч,
Гунчаларни телба этган юзингни оч,
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

Асло, тушма ўзгаларнинг шевасига,
Учма, жоним, юлдузларнинг ишвасига,
Мендек кўнгил беролмайди эвасига
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

На қилайин дунёларнинг сийму зарин,
Тупроқларни олтин этар бир назаринг.
Битта кулгинг унуттирар ғам асарин,
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

Ёмғир бўлиб поқлар қалбни хаёлинг ҳам,
Рашкинг келиб берган юзлаб саволинг ҳам,
Суйса дейман сарвинг, юзингда холинг ҳам,
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!

Ҳамроҳ бўлгин умрим шому сабоҳига,
Бир дамгина етгин энди, дил оҳига,
Давот этсам кўнглим сочинг сиёҳига
Сени севгинг керак менга, сени севгинг!



Дилфуза ҶРОЛ

Юр, настарин кўчасига

Қисса



Мохира бир-икки қаттиқ ўқчиб, кўзини очгач, бир муддат шипга термилганча бакрайиб қолди. Сўнғ ҳамон барг каби титраётган, аммо қизларининг нохос ўзига келганидан гўё нафас олишдан ҳам тўхтаган каби тош қотган ота-онасига бир-бир, уларнинг кимлигини эсламоқчидек узоқ-узоқ тиклаб турди-да, овози ҳирқираб, нимадир дейишга уринди. Бояги шовқин-сурон ва ваҳимали йиғи-сиғи, дупур-дупурлар тиhib, хонада Мохиранинг бироз ингрокли нафасигина эшитилаётганига қарамай, онаси унинг гапини англамади. Кўзларидан унсиз ёш тўкканча, қизининг зўрға қимирлаган лаблари узра энгашди.

– Анув... – бу гап бироз эшитиладиган тарзда овоз берди қиз, – анув ерда Адашбой ака турибдими? Ишхонамиздаги...

Шундагина Адашбойнинг елкасидан тоғ ағдарилди. Ағдарилди-ю, аммо яна гурсиллаб қайта қулади гўё: демак, кўраётганлари туш эмас! Аммо қиз шўрликнинг шу аҳволга тушганидан кўра бунинг ҳаммаси ёмон туш бўлгани яхши эди.

– Эй, Худо! Болам-а, неча марта айтаман сенга чўмилишга токли нарсаларни олиб кирма деб! Неча марта! – изиллаб йиғлаб юборди қизининг қўлларини юзига босиб онаизор.

“...Оҳ гул кетган болам, ёниб кул бўлган болам!”

Қайдандир увиллади шу тоб бошқа бир аёл овози. Бу товушнинг азбаройи жуда танишлигидан дарҳол ортига ўгирилган Адашбой ўз онасини, сочлари ёйиқ, кўзлари қизариб, бағрини поралаганча хўнграётган Майрам опани кўриб, янада хайрон қолди. Онаси ўша, санаторияга жойлаштириб келганидаги ёқасига ялтирок нақш урилган қалин халат ва яшил зар симли рўмолида, аммо бу рўмол остидаги оппоқ сочлари ёйилиб, кўқиб кетган, салобатига сира ярашмайдиган тарзда тиззаларига муштлаб, юзларини тимдаларди.

– Сиз бу ерда нима қияйсиз, она? – Адашбой хаёлида минг бир ваҳима оралаганча кампирни ўзига қаратишга ҳаракат қилди.

– Вой, менгина ўлсам бўлмасмиди, қора ерларга менгина бахтиқаро кирсам бўлмасмиди! Мени, боламнинг жойига мени кўминглар! Танамни қуртлар есин, кўзларимни илонлар ўйсин, менинг! Боламга тегманглар, қолдиринглар боламни, до-од! Олиб кетманг шунқоримни, очади, кўзларини очади ҳозир, тур болам, уйғон! – ҳамон увилларди онаси.

Дилфуза ҶРОЛ – 1970 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Чумчуқ бола”, “Учинчи чизик” каби ҳикоялар тўпламлари чоп этилган.

– Она? – бир зумга Мохираани ҳам унутиб, яна онаси томон талпинди Адашбой.
 – Очинглар! Юзгинасини кўрай! Дийдорини кўрсатинглар менга! Кўларидан ўпай, сочларини силай, боламнинг! Беринглар, беринглар, бағригинамга босай, хидларига тўйай, до-од! – фарёд урарди онаси басир каби қаршисида турган ўғлини кўрмай.

Адашбой ҳарчанд онасини елкаларидан ушлаб, силташга, ўзига келтиришга ҳаракат қилмасин, бари бесамар эди.

“...Ажалга сўроқ йўқ, чеча, тақдирингизда борини кўрасиз энди...” хиркиради кулоклари тагида нотаниш эркак овози.

Адашбой овоз келган томонга ўгирилишдан олдин сергак тортди: Ким? Ким ўлди? Нега? Наҳотки Мохираани кутқаришолмади? Онам бу ерда нима қилияти? Ўзим-чи?

Ва бундан кўп эмас, ақалли бир-неча дақиқа олдин кўз ўнгида содир бўлган воқеаларни эслаган Адашбой аввалига уялиб кетди. Бундан ақалли бир неча дақиқалар олдин унинг оёқлари тагида, ваннахона полида ғалати питирлаб, кўлидаги соч қуритадиган фени ҳамон ғариллаганча, бутун танаси титраётган Мохира ётган эди. Юпка ич кийими ҳали қуришга ҳам улгурмаган танасига чиппа ёпишган кизнинг вужуди кучли варажага тушган беморники каби қалтирар ва у шу ҳолатида ҳам чалқанчасига ағдарилиб, жойидан ади кўтарилмоқчидек ҳаракат қилишга уринар, аммо уддалай олмай, яна чангак тортгандек тиришиб қоларди.

Адаш муқаррар ҳалокат ваҳмини англаб, ўзини кизга ташламоқчи ва уни қандай бўлмасини кутқармоқ учун у томонга интилган ҳам эдики, хона эшигининг қаттиқ тақиллаши эшитилди:

– Моҳи, Мохира кизим, нима бўлди? Тинчмисан?

Адашбой ортига ўгирилди. Эшик ичкаридан илгакланиб, қулфланган экан. Адаш бу ерга қандай келиб қолганини ўйламоққа фурсати йўқ эди, кизни тезроқ муздай ва ҳўл кафелли полдан кўтариб, турғизишга ҳаракат қиларкан, бу уринишларининг бари беҳуда эканини пайқамас, чунки ё унинг ўзи ва ёинки Мохира бир рўё, бўшлиқ мисол, йўқлик каби эди...

“Нега бундай бўляпти?” ҳамон кизнинг ҳеч бўлмаса сочлари юзини палапатиш чирмаб олган бошини ҳам бироз тепароққа кўтаришга ҳам қурби етмаётганидан хайратга тушаркан.

– Моҳи, оч эшикни! – бу гал энди эркак кишининг таҳликали товуши ва эшикни гурсса-гурсса тепа бошлагани, сўнг ички илгакнинг ўпирилиб тушганини кўрган Адашбой яна не киларини билмай питирлаб қолди. Ҳозир ичкарига отилиб қирганлар, “Сен бу ерда нима қилгансан?” деб қолишса-чи? Нима деган одам бўлади? Нима деб жавоб қилади? Ахир ўзи ҳам ҳеч нарсага тушунмаяпти-ку! Ва эшик ваҳимали қасирлаб, тилчиги қулф ғилофидан отилиб, очилиб кетгач, аёл кишининг чинқирғи эшитилди:

– Қизим!

Унинг ортидан ҳаллослаганча ичкарига отилган эркак ҳам ўзини Мохираининг устига ташлади-ю, пружинадай ортига сакраб тушди. Сўнг жон ҳолатда:

– Ток! Ток урганга ўхшайди! Фен! Кўлидаги фени ол, онаси, суғур токини, – деб бақирганча, кизнинг кўлида ҳамон ғариллаётган матоҳни юлқиб олиб, нарига отди-ю, уни чақалоқдай даст кўтарганча, ваннахонадан ташқарига отилди.

Адашбой ҳам ҳамон даҳшат ва англашилмовчиликдан довдираганча, уларнинг ортидан мехмонхонага югурди. Диванга ётқизиб қўйилган Мохира кўм-кўк бўлиб кетган, отаси эса жон ҳолатда унинг кўкрагини аёвсиз, боскон босаётган темирчи каби қора терига ботиб кафтлари билан қаттиқ-қаттиқ босар, қўйворар, оғзига кулоқ тутиб, нафас оляптими-йўқ текширар, қизнинг онаси “Тез ёрдам”га қўнғирок қилиб, нималардир деб бақариши асносида тинмай Мохираининг тиришган

оёқларини укалашга уринар, шундайгина ёнида уларга қандай бўлмасин бирор ёрдам кўрсатиш учун жонсарақлик билан ўзини ҳар томонга ураётган Адашбойни пайкамасди ҳам...

Ана шу паллада Моҳира кўзларини очганди. Аввал шипга маънисиз термилиб, кейин Адашбойга кўзи тушган, яна жойидан турмоқчи каби бир кўзғалиб, нимадир деб пичирлашга уринган... “Ишхоналаридаги Адаш акани” кўраётганини билдирган, аммо тўсатдан Адашнинг онаси йиғи-сиғиси билан дунёни бузиб юборганди...

* * *

Эндигина кириб келган 80-йилларнинг жазирама ёз кунларининг бирида, кеч тушиши ҳамон ҳамма телевизорларини очик деразаларидан ташқарига қаратиб, ярим тунгача Олимпиада мусобақаларини томоша қилиб юришган пайтлар, Адашларнинг чап ёнларидаги гиштли коттеж уй олдида бу кўчанинг болалари ҳали умрида кўрмаган улкан юк машинаси келиб тўхтаганди.

Бу пайтда Адаш, Бойи, Шерзоду Самар – тўрттовлон – баданлари офтобда қорайиб, лаблари гезариб, каникуль бошидаёқ тап-тақирга олинган сочлари тикандай бўлиб ўсиб чиқаётган бошлари сувнинг лойқасидан сутли қаҳва тусига кириб, ялангоёқ, трустикчан, “чув-чув”лаб, куннинг тиғидан бурниларининг устлари-ю пешоналари ғажжа-ғажжа терлаб, йилтираб, чўмилишдан қайтишаётганди. Болаларнинг кўзи бу бахайбат, узун кузовига ўқлоғдай-ўқлоғдай ҳарфлар билан “Азиятранс” ёзуви битилган “КаМАЗ”га тушиши ҳамон бир-бирларини турта-сурта ўша ёққа югуриб кетишган, ва биров айтса-айтмаса янги кўчиб келган кўшнинг нарсаларини ташишда кўмаклашишга тушишганди.

Одатда, ҳар сафар шаҳарчаларидаги нуфузли бирор лавозимга бошқа район ёки пойтахтдан бошлиқ вазифасига ишга ўтганлар давлатнинг ҳисобидаги шу маҳобатли уйга жойлаштириларди. Битта-яримта ана шундай “қатта” кўчиб келгандагина фойдаланиладиган бу уй баъзан ойлаб, йўқ, қоровули бор-ку, аммо тайинли яшайдиган одамсиз қолиб кетар, шунгами, то янги хўжалик бўлгунча, ўн-ўн икки сотихча чиқадиган томорқа-ю ҳовлиси қаров йўқлигидан янтоқ босиб кетар, фақат навбатдаги эгаларнинг шарофати билан бу ерда гуркираб, ободонлаштириш ишлари қайта бошланар, ҳовлининг ичи-ю таши сўнгги кўноқнинг ҳиммати ва дидига кўра қайтадан таъмирланиб, то эпакага келтирилгунча, ўша хўжайин яна бошқа худудгами ишга ўтиб кетиб, бечора уй-бино қайта шумшайиб қоларди.

Янги кўшнинг хотини Ақида опа ниҳоятда мулоим ва бамаъни аёл чиқиб қолди. Аммо эри ишига эрта кетиб, кеч қайтгани учунми, кўчадагилар уни бир-бир хизмат машинасида ўтганида кўриб қолишарди, холос. Бу ҳолат эса ҳадемай каникулга чиқиб, ғирт бекор қолган Адаш каби болаларнинг ҳаш-паш дегунча янги кўшни уйининг кунда-шундасига айланишига қўл кеп қўя қолганди. Чунки, одатда, бу ҳовлида бир муддатга яшаб кетадиган бегона кўноқлар ҳаёти уларга қизиқарли ва сирли туюлар, лекин кўплар янгилар билан ҳали тўла танишишга улгуриб-улгурмай, улар яна кўч-кўронини ортиб, қайларгадир жўнаб кетишарди.

Ақида опанинг оиласи эса, бултурги ижарачиларига ўхшаб кеча-ю кундуз уста ишлатиб, бинонинг ичу таши ва ҳатто кўчанинг ўзини ҳам текислаб, асфальтлаб созламади. Ўтган мавсум яшаган прокурордан фаркли ўларок, хонадонда фақат Ақида опанинг ўзи-ю унинг Ирода қизидан ташқари на бир қавму қариндош, на бир келди-кетди-ю, кеча-ю кундузги меҳманновозликлар ҳам бўлмади. Фақат баъзан-баъзан бозор-ўчарини ташлаб кетадиган поччанинг шофёрини демаса...

Эҳтимол шунгадир, Адашнинг шериклари янги кўшникидаги у бу югур-югурларга қўлдан келганча ҳашарлашиб, бу ерда уюлиб кетган, илгариги ижарачилар уйни таъмирлашда ҳовли четига уйиб ташлаганча қолдирган шағал бўлақлари-ю,

турли шох-шабба, эски мебеллар синикларини ахлатга ташиб, саранжомлашга ҳисса кўшиш учун биринчи кунданок “ҳиммат камар”ларини чаққонгина боғлаб олишди-ю, тез орада худди шундай тезликда барчаси кундалик ўйинқароқликларига берилиб кетишди. Фақат Адаш деярли ҳар кун бу хонадонга келишини қанда қилмади, гоҳ қосачада онаси ёпган тўртга сомса ё манти олиб чиқар, гоҳ Ақида онанинг илтимосига кўра магазинга ғириллаб бориб-келар, уйнинг ичи-ю таши унга бегона бўлмай қолган, қолаверса Ақида опа бу дўмбоқлигига қарамай, чаккон, қўл-оёғи енгил болақайни жуда ёктириб қолганидан, уни доим лиқ турадиган холодильникларидаги қолбаса-ю, пишлоқ ва турли оҳангжамо қоғозларга ўралган шоколадлар билан сийлашни яхши кўрарди. Бола экан-да, шуларнинг илинжида бурни терлаб, жон-жаҳди билан Ақида опага уй ишларида кўмаклашарди. Онаси аввалига унинг бу фавқулдат куйинчақлигидан жиғибийрони чиқиб, “Ҳей ўл-е, мешкорин! Сигирни ўтлатиб кел деса, ўн минг баҳонанг бор. Бир парча томоқ учун ҳамсонанида ётиб олиб, ер тирнайсан-е, тирранча!” деб қойиб юрса-да, кейин бунга аҳамият қилмай қўйди. Аксинча, бирор юмуши чиқди дегунча кўчага эмас, ён қўшнисининг баланд девори томонга қалла буриб, “Адаш-у-ув” деб қақирришга ҳам ўрганди-қолди.

Адашнинг Ақида опаларникидан чиқолмай қолганининг яна бир сабаби, уларнинг уйида ҳали ҳатто мактабининг, ўша – мороженоникигами ўхшаш чучмал-ширингина қоғоз иси элас-элас уфуриб турадиган нимқоронғи кутубхонасида ҳам кўрмаган, бир хил тизилган, чарм муқовали, зарҳал ёзувли ва тепаси то шипга қадар етган бақувват хориж жавонига бир текисда терилган китобларда ҳам эди. Адаш кўзлари тўймай уларга тикилишу, томоша қилишдан сира эринмас, аксарияти русча номларини пичир-пичир такрорлар, аммо афсуски бирортасини олиб, варақлаб, ўқиб кўришга ҳадди сизмас, чунки бу китоблар нафақат чиройли жилди ва қалинлиги, балки Адаш умрида эшитмаган муаллифлар номлари билан ҳам ўзига нисбатан ҳаттоки кир қўл билан тегиш ҳам гуноҳлигини таъкидлаган каби керилиб – терилиб турарди. Ўшанда шундай эди. Кейин эса Адаш бошқа дўстларидан фарқи равишда бутун ёзни мук тушиб, Ақида опа бемалол, кир қилиб ёки йиртиб қўйиши мумкин-ку, деб ўйлаб ҳам ўтирмай қўлига тутқазган китобларни ўқиш билан ўтказди. Опа Адаш қай китобни истамасин, ҳатто энг юқори тоқчада турганларидан бўлса ҳам, олиши учун оёқлари тагига эринмай курси ҳам қўйиб берарди. Яна бир яхши томони, опа Адаш уларни ўқидими, йўқ, суриштирмасди ҳам. Адаш ҳам аввалига уларни варақлар, қизиқ туюлганинигина ўқир, баъзиларига тушунолмай, яридаёқ ташлаб қўяр, аксариятини ҳатто очиб ҳам кўрмай қайтарар, аммо тан олиш керакки, ҳаётидаги энг гўзал асарларни ўша вақтда мутолаа қила олганди. Худди шу китоблар каби бу хонадонга уни Ирода ҳам боғлаб қўйганини қандайдир ҳис этар, аммо нега бундай эканлигини ҳали унча тушунмасди ҳам. Ҳа, илк кўрганларидаги рангпаргина, озгин, одамови Ирода кўча тугул хонасидан деярли чиқмас, ўйнамас, баъзида ўша узун кузовли “КаМАЗ” машинасида келтирилган пионинасини “данг-динг” чалиб қолишини демаса, уззукун шу ерда ўралашиб юрганига қарамай Адашга ҳам зарра эътибор қилмас, асарият вақтини фақат ўйку билан ўтказарди. Каникуль тугаб, сентябрь келгачгина қизнинг рус мактабида ўқиши маълум бўлгач, унинг нега ҳеч қимга эл бўлиб кетолмаётганининг сабаби бироз ойдинлашгандай бўлганди. Кейин эса гап аслида бунда ҳам эмаслиги англашилди. Ёдида, бир гал Адашнинг онаси Ақида опадан, “Қизингиз ҳеч ўзингизга ўхшамайди, бирам одамовики...”, деб сўраганда, аёл пичирлабгина айтган: “Сердцаси... яхшимас... дорилари... нукул ухлатади... шунга доим ланж... доим ғамгин...” деган ва пиқиллаб йиғлаб юборган. Адашнинг онаси – Майрам опа бефаросат аёллардан эмасди. Аввал бошданок, “Ана шу Иродачанинг бир дарди бор-ов, сира ранги чиқмайди”, деб юрарди. Шунгадир,

доим Адашни, “Бор, Ақида опанг уй йиғиштираётганга ўхшайди, полларини ювишиб юбор”, “Бор ҳамсояникига, кир ювишига сув ташиб бер”, деб ўғлини ўша ёққа ўзи ғизиллатадиган бўлганди. Аммо у пайтлар кимдир орадан кўп эмас, атиги бир йил ўтиб шу нозик киз ҳам худди улар каби ғирт тўпорига айланади-да, гоҳ кўшни туркман хола “чув-чув”лаб “Жамбил тўпи” ўйнаётган болаларни дарвозаси олдидан ҳайдаб, сўнг норози ғудрангача, бозоргами ёки Термиздаги кизиникигами кетиши билан унинг дарвоза оша кўчага салом берган каби бош эгиб турган, хали пишиб улгурмаган ўриklarини атайлаб баландроқ отилган коптоклари билан дув-дув тўкиб, этагу майкаларини мевага тўлдириб, териб қочишу, гоҳ фақат баҳор фаслидагина бир тўлиб-тошиб, бошқа пайтлар лойка ва қуйқага тўла, кадамласа, эни тўрт одимча келадиган кенгликдаги, боши берк маҳалла адоғидаги, Абдулла бобо аллақачон соҳилнинг энг кенгиш майдонини буқа боқиш учун ҳовлисига кўшиб олгани учун анча-мунча жойи темир тўрлар билан ихоталаб ташланганига карамай, барибир болаларнинг итбалиқдек уззукун чўмилишини чеклай олмаган ариқда ҳар сафар турлича, ранго-ранг “купальник”ларини кийиб чиқиб, Адаш каби чувриндилар билан кийкириб, сув сепишиб, чўмиладиган, кечалари эса кўча бошидаги карис қўшниникига уларга кўшилиб, чангалида юмалок кал каллали доҳий расми ўйиб ишланган бир сўмлик танга пул ва қўлтигида ўртгачароқ сирли товоқча кистириб, улар ҳатто исмини ҳам билмайдиган, аммо “Сашканинг момоси” деб аташувчи юз-қўли, бўйни қатор-қатор ажин қоплаб, букчайиб, килтиллаб, қоқ суякка айланиб, тиришиб қолганига карамай, ҳаракатлари чаққон, кўчада гоҳ у ёқ, гоҳ бу ёққа карам ортилган аравачасини ғизиллатиб судраб ўтиб қоладиган корейс кампирнинг келини бозорга чиқариб сотиши учун ҳар куни коврадиган узун-узун, мазали, шўртаккина оқ писталарни ҳали қўл куйдирар даражада қайноқлигида, шундоқ қатта қозоннинг ўзидан солдиришиб, аллақачон осмонига бодроклаган юлдузларини беаёв сочқилаб тун чўкканига карамай, ҳавонинг димлигига чидолмай, дарвозалари олдига ўринатилган ўриндикларда қаторлашиб ўтиргувчи оналарига келтириб беришга ҳам балодай ўрганади, деса, ҳеч ким ишонмаган бўларди. Балки бунга кўчаларида Ирода тенги киз бола деярли йўклиги, борлари ҳам бири ҳали бешиқдан чикмаган, бири боғчада, бошқаси эса эндигина бурнини торта-торта, ортидан қарасангиз, елкаларига тақволган папкасининг катталигидан фақат оппоқ ленталаригина “лип-лип” кўриниб, ўқишдан олган энг қатта таассуроти эса мактаб буфетидаги беш тийинлик повидлоли нон бўлиб келаётган мишики кизчалардангина иборат бўлгани ҳам сабабдир. Хуллас, Иродадек индамас ва одамови киз ўзи ҳам билмаган тарзда болаликнинг илгари унга тақиқлаб келинган жўшқин оламига боши билан шўнғиб кетган, атрофидаги ўғил бола тенгқурларининг шўхлиги таъсирида киришимли, шаддодгина, кўшни аёллар билан онасидан ҳам кўра апок-чапоқ бўлиб олганди... Бирок... Буларнинг барчасидан илгарироқ, яъни янги кўшинлар кўчиб келгандан кейин уч-тўрт ой ўтиб, аввал оналарининг ўзаро пичир-пичири ва таассуфла бош сараклатишлари, кейин локатор – Самарнинг ҳовлиқиб, топиб келган гапидан билишдики, Иродаларни отаси ташлаб кетибди, бутунлай! Ҳали ҳеч ким тузук-қурук танишишга ҳам улгурмаган, басавлат, жуда кўркам кийиниб, ажойиб атирлар сепиб юргани учун ҳам кишига янада сирли туюлувчи, “давлатнинг ўта махфий бир вазифасида ишларкан”, дейилган тусмолли пичир-пичирлардан бошқа на исми ва на феъл-атворини билиш у ёқда турсин, ҳатто товушини ҳам эшитишмаган бу кимса шу чоккача ҳукуматга қарашли бўлиб келган Иродалар яшаётган уйни Ақида опанинг номига ўтказиб, умуман бошқа шаҳарга ва ё мамлакатгами жўнаб кетибди, дейишганди ўшанда.

...Кимдир елкасига қўлини қўйгандек бўлди. Аниқроғи у на бировнинг кафти ва на тафтини ҳис этмаган бўлса-да, назарида елкасига маттигина бир куш қўнгандай ҳолатни туйиб, шарт ортига ўгирилди.

– Биз томонга ҳам қараб қўй, – шўхчан қуйлаб, ҳар доимгидек иржайиб турган Самар локаторни қўриб эса, кўзларига ишонмади. Наҳот? Йўқ, ҳа! Самариддин! Худди ўзи, ўнинчи синфдалик пайтидаги каби! Бўйи баланд, озгин, оқ-сарикдан келгани учунми катта-катта кулоқлари мудом шафақ рангида кизариб турувчи, аммо киприклари қизларники каби узун-узун, чиройли, кулганида яланғочланувчи катта-катта тишларига қўшилиб, кип-кизил милкларигача сўлагидан ялтираб, мудом бир бало гапларни топиб келиб, ваҳима билан кўз пирпиратиб тургувчи бироз довдир, салгина овсар, аммо энг оққўнгил Самар!

Адаш бодалигининг шу бир лаҳзаси дабдуруст хотирига келганига чалғибми қолганидан чоғи, билмайди-ю, аммо энди онасининг бояғи дийдиёси тиниб, ўзи ҳам аллаёққа ғойиб бўлганди. Унинг ўрнида эса ҳозиргина ёдига тушгани Самарни қўриб тургани ғалати эди. Жуда ҳам. Лекин Адаш энди бу ғайритабиийликларга қўникиб қолди чоғи кўзларини қисганча, худди шундай қилса Самар ҳам онасига ўхшаб ғойиб бўладигандек ёки ўзи уйғониб қоладигандек дўстига қаттиқ тикилди.

Самар кучоғини кенг ёйиб, у билан қўришмоқчидек бир ҳаракат қилди-да, аммо ортига тисланди.

– Буниси энди вапши ортикча бўп кетади-я, – деди кейин шалвираб узун қўлларини пастга тушираркан Адашдан узр сўраган каби.

– Ўзингмисан? – тилга кирди ниҳоят Адаш томоқлари қуруқшаб ва Моҳираларнинг уйида пайдо бўлган пайтидан буён илк бор бўғиқ бўлса-да, ўз овозини эшитаётганидан сесканиб тушди.

Кейин юраги шув-в этди: Самар... ўша... Худди ўша кундаги каби оқ қўйлақ, бўйнида ингичка қора галстук, чап кўксига кизил лентачали кўнғироқча таққан, усти боши шалоббо ҳўл эди.

– Ёмон қарибсанми, – унга ҳамон кўзлари кулганча роса синчиклаб термилди Самар. – Бошида танимабман де, Турғун тоғами деб ўйлабман, ўлай агар! Қарасам, қаршимда худди дадангнинг ўзидай одам турибди-да, рост. Лекин бундай яқинроғингга келсам – СЕН! Нима қиб юрибсан бу ёқларда? Ё бугун мактабга бормайсанми?

Адаш баданидаги ҳар бир мўй ғимиллаганини ҳис этганча Самардан кўз узолмасди. Орадан неча йил ўтди? Йигирма йилми ё ундан ҳам кўп? Наҳот, ростдан шунча вақт ўтганмиди ва ё унга шундай туюлиб келган?

– Мактаб қоптими... – бўғзига тикилаётган йиғини зўрға ютаркан, қаршисида турган мана шу ўспирин бола ҳар не бўлиши мумкин, аммо асло Самариддин эмаслигини тобора англаган сайин хўрлиги тошганча минғиллади Адаш.

– Шу.. бу.. ишхонамиздан бу қиз.. яхши қиз.. ўзи эндигина келган бизга, институтни битириб, уч ойми бўлди ишлаётганига, – деганча негадир ўзини оклашга тушди Адаш ўзининг имкон қадар Самарга қарамасликка ҳаракат қилаётганини пайқаб қолгандан кейингина қандайдир савки табиий билан офтобда унутилиб, очик қолдирилиб кетган шуури китобининг қуриб-қовжираган варақларини читир-шитир бир-бир очила ва унинг саҳифаларида “Алифбо” китобидаги сўзлар – йирик-йирик, дона-дона ҳарфли, унлилари қизилу, ундош ҳарфлари қўқ рангда бўлган сўзлар каби, онгининг қайбир пучмоғида “а х и р Самар ў л г а н... ў л г а н... ў л г а н...” деган ҳақиқатни миясида дўқиллата бошлаган, аммо Адашнинг ўзи бу ҳақиқатни на англаш ва на тан олишга ожиз эди, ожиз! Ҳамон Самариддиндан кўзларини олиб қочишга ҳаракат қилганча:

– Рости, бу ерга қандай келиб колганимни ўзим ҳам тушунолмаяман. Билганим, шундай қарасам, ток ураяпти бечорани... Ўзи жуда яхши қиз... ақллагина, – дея минғирлай олди, холос.

– Қанақа қиз? – ҳайрон бўлди Самар. – Икковимиздан бошқа ҳеч ким йўқ-ку бу ерда, анков! Юр, ундан кўра қилкўприкдан яна бир ўтамитиз.

...Ва ортига бурилиб, оёғидаги ивиған туфлиси ичида сувни ғилч-ғилчлатганча, ундан узоклаша бошлади.

Ва ана шундагина Адаш ортиқ ўзини ҳеч нарса бўлмаётгандек тута олмаслигини англади. Бир тушунисиз ваҳм, улкан ғусса ҳаприқаётган юраги устидан улкан тош каби босиб, тобора оғирлашаётган эди.

– Самар, – деди ахийри Адаш зўрға, овози хиркираб, – борма, Самар, йўк! Бўлди, ютказдим... бераман, олганинг бўлсин ўша фотоаппаратни, фақат қайт, борма!

Аммо хонада Мохирани текширишга тушган “Тез ёрдам” шифокорининг кескин айтган гапи уни ўша томонга ўгирилишга мажбур қилди.

– Юрак уриши суст. Истаган дақиқада қизингиздан ажраб коласиз, – шошилиб тушунтирди у Мохиранинг ота-онасига. – Зудликда реанимация қилиш керак, – кейин ўзи билан келган санитарларига Мохирани носилкага солишга имо қилди.

Адаш шошиб, яна қайта Самар кетган томонга ўгирилдию, қаршисида шоколад рангли улкан момоқаймоқ гулли сувқоғоз ёпиштирилган девору унга осилган “Девятой вал” суратидан бошқа ҳеч нарсани кўрмади.

“Айвазовскийники эди-я”, топқирлик қилди дарҳол мияси. Аммо ўзи саросимада қалтираганча чақирди.

– Самар?

– Ундай деманг, ажраб коласиз деманг, йўк, нима қилсангизам қизимни асраб қолинг, – ҳўнгилаб, силтаниб йиғларди энди Мохиранинг онаси.

Аммо на Самар ва на у кетган томонлар бор эди бу пайт.

...Уй ичидагиларнинг бариси тапирлашганча бирин-кетин ташқарига йўналиб, эшикни қулфлашди ҳамки, Адаш ҳамон не қиларини билмай хона ўртасида сerratийб турар, узокрок тикилса Самарни яна қайта кўрадигандек “Тўққизинчи долға”дан кўзини узмасди. Аммо йўқликка сингиб кетган дўсти ҳеч ерда йўқ эди.

– Самар!!! – бор овозда бақириб юборди бу гал Адаш.

Сукунат чўккан хонанинг ҳар бир бурчаги худди шуни кутиб турган каби унга жўр овозда акс садо қайтарди: Самар! Самар! Самар...

– Яна бир кўрин... Қаердасан ўзи? Мен билан гаплаш, Самар! Мен... Мен... Шундай бўлишини истаганди, деб ўйлайсанми, найнов! Бунчалик жинниликнингги билганимда борми, Самар! – у ёғи яна нималар деганини англамай, елкалари силтанганча ўз-ўзидан, худди ўша мудҳиш кундаги каби йиғлашга тушган Адаш тинимсиз бир сўзни такрорларди: Самар... Самар... кечир, Самар, кечир..

* * *

Ўшандан буён йигирма бешинчи май унинг учун қора кун, синфдошлари, дўстлари, назарида, ҳамма-ҳамма уларни билган-таниганлар учун ҳам...

Шундан буён улар параллел “А” синфининг болаларига ўхшаб ҳар беш йилда, айнан 25 май санасида эмас, фақат октябрь ва ёки ноябрь ойларидагина “Синфдошлар учрашуви”ни ўтказишади. Ҳар йил, ҳар 25 майда Адаш ўзини қайта ва қайта суд этиб, қайта ва қайта отувга ҳукм қилади. Аммо қанийди ростдан шундай бўлганида! Қанийди, унинг ўзи эмас, болалар – Бойи, Шерзод, Иро, ҳаммалари, Самарнинг онаси, унинг ўзига ўхшаган сап-сарик ва довдиррок уқалари, бари-барчаси унга олий жазо беришса...

“Палакат бу!” “Сен нега ўзингни ейсан?” “Кўлидан эргаштириб, ортидан итариб

юборганмидинг?” дейиша-дейиша охири ўзи ҳам шу юпанчга кўникди, ўрганди. Ва эл катори бу фалокатни ёдидан ҳам чиқарди гўё... Аммо кеча... кечагина... Латофатнинг саратон хасталигидан вафот этганини эшитиб, ҳамма азоблари қайта бошлаганди.

Адаш – синфидаги энг сўзамол, атрофидагиларини кулдиравериб юмалатадиган латифалар устаси, мактабда пилдираб, доим “беш” баҳоларни калаштириб “йиғиб” олувчи Адаш бақалоқ, ўша йили сўнгги таътилни кишлоқдаги бобосиникида ўтказиш учун бутун ёз бадар йўқолди-ю, бирдан мактабига хипча тортган, қорайган, хушбичим ва оғир-босик йигит бўлиб қайтиб келиб, ҳаммани лол қолдирганди. Қизиғи, энди бўйи ҳатто Самар найновга ҳам етиб олганди. Билмайди, балки кишлоқ ҳавоси ёққандир, балки бобосининг саҳар соат тўртдан уйғотиб, эшакка миндирганча, қанор-қанор ўт ўриб келишга мажбур қилганлари, балки ўша коп-қора, аммо ширинлигидан оғизда эриб кетадиган жайдари оби нонлар бўктириб ейиладиган, бобоси айтганидек, “жаннатнинг булоғидан оқиб келувчи” чучук сувнинг кучидир, аммо Адаш нафақат жисмонан, балки ақдан ҳам эр йигит бўлиб келганди кишлоқдан. Сингиллари энди уни “Адаш-кадаш” деб масхаралайвермай, чўзибгина, эркаланибгина “ак-кооов”лаб чақиришар, расмларини папкаларига солиб, дугоналарига мактаниб юришар, баъзида онаси ҳазиллашиб ўғлининг пешонасига тушган, узунлигидан мудом бир кўзини ёпиб турадиган, Адашнинг ўзи ҳам фахрланадиган сочларини меҳр билан бир тўзғитиб, “ҳай мешқориним-ей” деб кўяр, энг қизиғи қўшнилари Ирода унга энди чўчиброкми, олдингидек эмин-эркин эмас, қизаринқираб, бироз тортиниброк гапирадиган бўлганди.

Мактабни битиришларидан сал аввалроқ марказда мактаблараро волейбол мусобақасига ҳам тайёрланиб юришганди. Самар, аввалдан охир синфларидан битта ўзи қанда қилмай волейбол тўгарагига қатнар, ўша йили ҳатто мактаб терма жамоасининг капитани ҳам бўлганди. Бирин-кетин мусобақаларда яхшигина натижага эришиб келаётган Самар ҳар доимгидек энг охириги, ҳал қилувчи паллада қовун туширди. Эҳтиётсизлик қилиб, машқлар пайти оёғини қайириб олди-да, тўпни чиқиб, йигирма кунгами гипсда юрадиган бўлди. Ана бўлди ваҳима, бўлди таҳлика! Энди нима қиламиз? Самарнинг жойига ким капитан бўлади? Йўқ, бу ғирт “тепса-табранмаслар” йиғилган шўриш мактабда ўзи ким Самарчалик ўйнолади?! Яна Навоий мактабининг болаларига шарманда бўлишадими? Ахир улар эмасми ўтган галги мусобақада ҳам мутлақ ғолибликни қўлга киритиб, устларидан озмунча қулмаган? Бу масхара-аламларига чидолмай, Самар бошчилигида болалар рақибларини “разборка” – муштлашувга чақириб қўйиб, белгиланган жойга эса фақат Шерзод ва Бойи келиб, нарғи мактабдан чиққанлар кўпчилик эканлигини кўргач, орқа-ўнгига қарамай қочворишган, Навоийнинг “ёввойилари” (уларни Адашнинг мактабидагилар шундай лақаб билан аташарди) бемалол уларнинг синфдош қизлари билан гап олиб, гап берадиган, хат ёзиб, ўқишдан чиқишини кутиб ё кузатиб қўядиган бўлишган, бу мажоралар Адашга унчалик қизикарли бўлмаса-да, илло унинг бу мактабда дўстлари бисёр, уларининг кўпчилиги билан вилоятда ўтказиладиган фан олимпиадаларига бориб, анча иноқлашиб қолганди, “воқеалар ривожини” барибир уни ҳам эътиборсиз қолдирмаганди. Ё шунинг учун ва ё Самарнинг жаврашлари қор қилиб, Адаш ўзи бориб, жисмоний тарбия ўқитувчисидан команда капитанлигини сўради. Умуман, ўзи эсласа, ўша йили унинг ҳақиқий, ҳозир газеталарда ёзадиганлари каби “юлдузли палласи” бошланган чоғи, Адашнинг ҳаёти шунчалик тез ва шу қадар яхши томонга ўзгарардики, у ўзига, янги ўзига мослашишга улгуролмасди ҳатто. Ахир кетма-кет иккита мақоласи газетада чиқиб, қанча-қанча газетхон қизлардан “кел, дўстлашамиз” деган мазмундаги устма-уст хатлар олгани-чи? Уйнинг ҳамма юмушларидан батамом озод бўлиб, мавқен салкам отаси – Турғун аканинг

даражасига етиб колгани-чи? “Гулхан” журнали ўтказган кайсидир викторина саволларига тўғри жавобларни йўллаб, фотоаппарат билан тақдирлангани-чи? Хуллас, шу омадли пайтларнинг кучи биланми жисмоний тарбия ўқитувчилари Виталий Петрович ҳам, “Яхши ўйнолмасангам, зато, организаторлигининг бор, болаларни ортингдан эргаштироласан!” деб, кўп иккиланмай уни капитан қилишга рози бўлгани-ю, ванихоят ўша кунги мусобакада яхши туғул, ҳатто эски рақиблари Навоий мактаби билан ҳам ўйинда дуранг натижага эришганлари шу мўъжизавий ўзгаришлар исботи эмасми? О, бу Самарга, ҳақкалаб юрса-да мусобакага бориш, ҳеч бўлмаса залдан туриб ўйинни томоша қилишга имкон излаб юрган Самарнинг елкасига қоқиб, ҳеч нарсадан хавотирланма, олтин кубогингни олмасдан қўймаймиз, деб ваъда берганда ҳам барибир қаттиқ ташвишдалигини яширолмай, пешонаси тиришиб, кўзлари ғилтиллаб турган Самарга берган сўзини ошиғи билан бажарганининг исботи бўлганди, ҳа! Фақат бир нарса... Биргина нарсда хато қилди. Ўша, мактабни битиришларининг “Сўнги кўнғирок” кунинда дунё тескарисига айланиб кетса ҳам каналга бормасликлари керак эди, асло! Ҳа, мана энди ёши улғайиб, тушуна бошлади: Самарнинг ўрнида унинг ўзи, ё Бойи, ё Шерзод ҳам бўлиши мумкин эди, бу аниқ! Ахир ўша лаънати қилкўприк – каналнинг у қирғоғидан бу бошигача тортилиб, у ёғи ер остига кўмилиб кетган ўша қувурдан неча марта ўтиб-қайтишган, сувга қулашган, ўртасигача бориб, паस्ता калла ташлашган.

Аммо ажал ораларидан негадир Самарни танлаганди.

Нега ахир? Ахир у бор-йўғи тезроқ фотоаппаратли бўлишни ва... Латофатни... “А” синфдаги, қўли юпқароқ оиладан бўлгани учундир, ҳеч ким писанд қилмайдиган, доим ранги ўчган кийимларда судралиб келиб-кетиб юрувчи, ўқитувчиларнинг куйиниб гапиришларича “ҳатто исми-фамилясиниям ёзолмайдиган, дуб”, кўрimsизгина, сичқончадай елкасини кимтиб юргувчи Латофатни расмга олиш, кўп-кўп расмга олиш, кейин плёнкани ювиб, чайиб, негативлардаги суратларни энг қатга ва энг қиммат, ялтироқ фотоқоғозларда босиб, хонасининг тўрт деворига ҳам, ҳатто шипгача ёпиштириб ташлаб, кун билан ўша суратларга термилиб ётишни истаган эди!

Ўшанда Самар илжайибгина, ғулдираб шуларни айтганда ҳам, улар коринларини ушлаб, роса юмалаб устидан кулишди.

Ҳа, ўша кун охириги кўнғирок чалиниб, ўзларича қизлар билан парк-маркка бориб, уларни музқаймоқ билан сийлаб, ҳалинчақларда учиб ҳам кунни кеч қилолмаган Самар, Адаш, Шерзод, Бойи барибир зерикишганди. Улар мактабни битириш худди кинолардагидек бир умр эсда қоладиган бир кун бўлади деб ўйлашганди. Шунча тарадуд кўришибди-я! Кўкракка тақадиган кўнғирокчаларни излаб, Термизгача боришди. Кейин ўқитувчиларга совға, биринчи сифларга ўйинчоқлар ахтариб, бир ой фақат шу югур-югурлар билан овора бўлишди-ю, ҳаммаси ярим соатда юмалок ёстиқ қилиб ўтказилган линейка билан яқунланди. Битирув шарафига сочларига оқ ленталарни расамадига тақиб олган қизлар ҳам улар қутганидек увиллаб йиғлаб, юракни сел қилмади. Киприкларига қалин қилиб сурилган бўёқлари чаплаганидан кўркишди, чоғи. Кейин директор сўзга чиқиб, “Ҳар қандай гулянка, оқшом ўтказиш бекор қилинади. Кимда-ким ўзича кимнингдир уйда вечеринка-печеринка ташкил этганини эшитсам, атгестатини олмайди! Имтиҳонларга қў-йил-май-ди! Комсомолдан ҳам ўчирилади. Тамом!” деб энг зўр табрикни айтгач, барчалари шалвирабгина ҳар ёққа тарқалди. Эссиз, шунча ҳаракат!

Аммо улар бўш келмадилар. Қизларга морожний оберидан ортган пулларини ўртага ташлаб, дўконга боришди. “Домиллаларга, зўрроғи бўлсин”, дейишганди, Сайфи магазинчи тилла тишларини ярқиратиб, худди қизлардай чиройли илжайганча витрина тагидан назокат билан авайлабгина “Роял” деган арокни

чиқариб, уларнинг қўлига тутқазди. “Ўттиз кишигаям этади, сувни кўпроқ аралаштирсаларинг бўлди”, шипшиди кейин у. Ҳа ўша “Роял”ни олишиб, Адаш уйларида помидор, чакки-пакки, Самар иккита иссик нон, Бойи, яримлаб қолган бонкадаги, думба ёғига қовурилган гўшт, Шерзод эса оппоқкина дастурхонга пиёла, тарелкалар ўраб, ҳовликканча каналга қараб кетишаркан, негадир йўлайладей “Ирода ёшригада чададиган матох пионина эдими ё роялми ва мана бу қўлларидаги ароқ нега энди ўша пианинонинг бир тури бўлган роял номи билан аталгани” ҳақида баҳслашиб боришди. Шерзод, “менимча роялмас, “реал”, яъни аниқ, конкрет дегани бўлса керак”, деб мингиллаганими ҳам-ей...

Хуллас, улар бу йил ёз салқинроқ келганидан бир-иккита бекорчи чурвакалардан бошқа ит ҳам кўринмаётган канал бўйидаги тарвақайлаб ўсган чакалақлар орасидан сояси қуюқроқ, овлоқроқ жой топиб, “маёвка”ларига тайёргарлик кўришгач, аввал ароқни сотувчи ўргатгани бўйича граммларнинг томчисигача хато қилмай, минерал сув аралаштириб, ичишди. Олов! Йўк, жаҳаннам! Ичингни ёндирадиган бир ҳовуч жаҳаннам... Дастурхон бирпасда шип-шийдам бўлди-қолди, Бойининг банкиси қўл тикиб яланаверганидан яп-янгидай ялтирарди. Кейин... кейин Сайфи магазинчи ўргатган “дозировка”да адашибми ва ё қондага амал қилишга эринибми, ва ё ичилган бир пиёладан кейин катталардай жуда жасурлашиб кетишдими, билмайди, “Роял”ни энди қандай бўлса шундайича – пок-покиза ура-ура, яримлата бошлаганда, Бойи аллақачон чайналмай ютган помидору бодринглари қуса, Шерзод биринчи марта онасини эслаб, уни қандай соғинганларини ва қандай кутганларини айтиб йиғлашга тушган, Адаш ичи-таши ловуллаганча шунчаки ағанаб ётган пайти Самар, кунни кеча гипси ечилган оёғини чўп билан қашилаб ўтирган Самар ҳам ўз дардини буларга очган, “Юролмасдан уйда ётганимда тезроқ юриб кетишдан ҳам кўра фақат шуни орзу қилдим. Нимагадир фақат шуни истадим... Латофатни ҳеч бўлмаса расмларига термилиниб ўтиришни”, деганди хўрсиниб. Кейин эса дўстларининг ҳар ёқдан норозилик билдириб, “Эййй... Бээйй! Топганинг шу бўлдим-яй!” деган чуғуллашига жавобан:

– Ўйлай агар, шу қизни яхши кўраман, ўйлай агар жуда севаман! – деган дадил жавобидан ҳатто пикиллаб ўтирган Шерзод ҳам “ял” этиб, унга қараган эди. Бир муддат ҳаммалари жим қолишди. Бундай жасоратни ҳеч бири ким-ким, аммо Самариддиндан кутишмаган эди, чоғи.

– Хоп, майлини... – анчадан кейин гўлдиради ўзига келган Бойи. – Латофатнинг шунча расмини қаердан топасан?

Адаш пикиллаб қолди ва Самарнинг елкасига урди:

– Латошни ўртага қўшмай, шундай сўрасанг ҳам бериб турардим фотоаппаратимни...

– Ростданми? – бир зумда кўзлари чарақлади Самарнинг.

– Гап йўк, аммо шарт бор! Қилкўприкдан нарги томонгача сувга йиқилмай ўтсанг...

Бор-йўғи шу. Болаларнинг доимги шўхлиги. Аввалдан сувга ағанаб тушишни мўлжаллаган учовлон ечиниб, бирин-кетин у кирғоққа қилкўприк устидан боришаркан, ўртасига ҳам етмай, намоёйшкорона, қийқиришиб, турли қилиқлар қилиб, сувга қалла ташлаб, сўнг сузиб ўтиб олишди. Ивирибгина ечина бошлаган Самарга эса ҳатто туфлисини ҳам ечтиришга қўйишмади:

– Фуртлама! – бакирарди улар нарги кирғоқдан. – Фотоаппаратни ҳалоллаб ол! Кийимим ҳўл бўлмасин десанг, йиқилмасликка ҳаракат қил.

Аслида эса уларга ҳаммасидан ҳам кўра Самарнинг сувга қулаб, жикка ҳўл бўлиб чиқиши қизик эди шу тобда. Аммо Самар қилкўприкнинг ўртасигача бемалол этиб келганда, болалар энди унинг йиқилишини истамай қолишди, ҳуштак чалиб, қийқиришиб, охиригача шундай натижа билан юра олиши учун қўллаб-қувватлай

бошлашганди. Қўллари икки ёнига ёйиб, учишга хозирланаётган лайлакдек алпанглаб-талпанглаб қилкўприқдан ўтаётган, Шерзод, Бойи ва Адашнинг, “Ҳа, давай! Йиқилсанг, ҳисоб эмас!” деб чувиллашларига илжайиб, яп-янги туфлиси офтобда ялтираб-ялтираб, аста-секин одимлаётган Самар барибир пастга ағнади. Дўстлари ҳам баттар қийириб, юмалаб қолишди. Кула-кула ўзларига келиб, пастга қарашса, Самар йўқ, узокда эса уни шиддат билан олиб кетаётган оқим орасидан унинг оқ кўйлаги ва дамо-дам тегача кўтарилиб, яна ғойиб бўлаётган қўллари кўринарди, холос. Биринчи бўлиб Шерзод ўзини сувга отди. Кейин кирғок бўйлаб югурганча Адаш ҳам калла ташлади. Бойининг бақириб-чақирганча хув Самар оқиб бораётган томонда балиқ овлаб ўтирган чолга нималардир деяётгани эшитиларди. Аммо Самар ақл бовар қилмас тезликда улардан узоклашар, оқ кўйлакли гавдаси кўринмай кетгачина, йигитлар нима бўлганини тушунган эдилар. Шу билан бирга бу қандай юз берганига сира ақллари етмасди, йўқ. Ахир Самар яхши сузарди! Ахир Самар қилкўприқдан йиқилмаслиги керак эди! Шунинг учун атайлаб кийимларини, ҳатто туфлисини ҳам ечмаганди! Ахир бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди!

Самариддин ҳақида... “Балки оёғи энди гипсдан чиққани учун томири тортгандир? Балки оғриқ кучлилиги юракка бергандир? Балки бола шунинг учун ўзини бошқаролмай, сузолмай қолгандир?” дейишганди катталар ғаввослар ишини кузатиб туришаркан. “Балки аллақачон кирғокқа чиқиб олиб, дам олиб ётгандир?” ўйларди болалар аллақачон юракларини тошдай босиб олган тахлиқани ағдариб ташлаш учун. Аммо ҳар доим ҳам болаларнинг айтгани бўлавермас экан. Аммо ҳар доим катталарнинг тусмоли тўғри чиқаверар экан.

Самариддиннинг мурдасини эртаси кунигина топишди. Дўхтирлар оқ кўйлак, қора шим, қора ботинка, кўксидаги кўнғироқча аллақачон йўқолган, аммо бўйнидаги ингичка галстуги ечилиб кетмаган Самариддиннинг мурдасини онаси ва укалари дод-войига қарамай, қорнини ёриб, ўлими сабабини аниқлашга олиб кетишди ва ҳа, ростдан томир тортган, ҳақиқатдан ҳам кучли оғриқ юрак ва ўпкага таъсир қилган ва боланинг танасида катта миқдорда алкоголь моддаси борлиги аниқланганини айтишган эди....

* * *

– Падар-рига лаънат ҳаммасининг, – аллақачон сочининг ярми тўкилиб битганидан Антрактида музликлари каби ялтираб ётган кенг пешонасидаги терни байроқдек қатта қўлрўмоли билан артаркан, шофёрига “хайда!” деган имони килди Бойқобил. Сўнг ўзигами ва ё шофёрига нолигандек гўдранди: – Буларга тикиштирганинг сайин иштаҳаси очилаверади. Ўзи Адашнинг айтганича бор. Бу фирмангнинг номидаги икки катта ҳарфни топиб қўйибсан, Бойи, ана энди умринг дўзахга ўтин ташишда ўтади, деганди-я, укағар! У ёққа тўла, бу ёққа тўла, палоннинг бозор-ўчарини қилиб бер, писмадончининг кизи сепига ётоқ диван олиб бор, ором йўқ! Мажлислари-чи! Борсанг бир бало – гарданингга яна нимадир юклашади, бормасанг, чақиртириб, терингни шилиб олишади! Мана сенга ўша кайп!

Аслида Бойқобил бундан бир неча йиллар илгари, ҳаммадан эрта уйланганига қарамай, “дўхтири”часига қанча даволанишу “ўзбаки”ликка анча югуриб-елишлардан кейингина Худодан тилаб олган икки ўғли – Алиёр ва Донийёрнинг бош ҳарфларидан ташкил этиб, “АлДо” деган кичикрок хусусий ишлаб чиқариш фирмаси очганда, бегона қолиб, айнан энг яқин дўстининг шундай кулгисига қолишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Неки, “АлДо”даги “л” ва “о” ҳарфлари ташлаб ўқилса – бу ғирт ад – дўзах деганимиш, астафйрулло! “Умуман, бира-тўласи “Алда” деб номламабсан-да, пул аралашган жойда алдамай иложинг

борми?” ҳам деганди-я, ярамас! Камига бу фирманинг асл даромади бир одмироқ ошхона-ю, чўлда иш бошлаган кичикроқ охак цехи эканлигини билгач, Бойқобилга “Кочегар” деган янги лақабни ҳам ёпиштирди.

Эсласа, Бойқобил кичиккинадан ўрта тадбиркорга айлангани шарафига шахсий ошхонасида икки дўстига ўтказган зиёфатида айтганди Адаш шу гапларни. Албатта, Адаш ҳар доимгидек ҳазиллашганди, холос. Ахир Бойқобил шу фирмани очаётганда Адашнинг ўзи ҳокимиятдаги эски танишларини ўртага солиб, номини ҳам ўзи эмасми “Э, шунга бош қотириб ўтирасанми? Фирма дегани ўлмаса, сендан болаларингга қоладиган мулкнинг бир тури бўлади. Шунинг учун кўп катта кетавермай, анов икки меросхўрининг отини қўйда, қутул! Чўрига ким қўйибди ўзи чўнчайишни...” деб маслаҳат берган ҳам ўзи эмасмиди.

Кейин ўша кун биринчи марта Адаш билан Шерзод ўртасида у илгари англамаган қандайдир адоват борлигини ҳам пайқагандай бўлувди. Йўқ, ҳам она, ҳам отасидан эрта етим қолган Шерзодга ким-ким, аммо Адаш энг кўп куйинган. Бир тумга бўлсин Шерзоднинг ўзи ҳам, Самар ва Бойини ҳам ҳол-жонига қўймай, ёлғизланиб қолганини билдирмасликка уринган. Эҳ-хе, нималарни ўйлаб топмасди бу Адашбой ошнаси. Самариддиннинг ўлимидан кейин ҳам Шерзод ва Бойидан ҳам кўра шу Адаш ҳаммадан кўп адойи тамом бўлган. Билмайди, нега кейинги пайтлар Адаш бунчалик кескин ўзгарди? Хўп, Бойи учун, унинг ҳар қандай қалтис бўлмасин, ҳазили-ю чини кечиримли. Лекин Шерзод, тинчгина яшаб юрган, одмигина кун кўриб келаётган, улардан бошқа бирор яқин дўсту ёр ҳам орттирмаган Шерзод нима қилиб дўстлари учун жонини беришга ҳам тайёр Адашнинг кўнглини қолдирди?

Адашнинг баъзан аччиқ-тиззикигаям, ҳар қандай сассиқ гапигаям ўрганиб қолганига қарамай, Бойқобил барибир Адашдан кўра Шерзодни қандайдир ич-ичидан хурмат қилар, негадир шу ошнаси бамаънироқми ва ё энг тўғри маслаҳатни бера оладиганми, бўлиб туюлар, ва йўқ бу дегани билан у Адашни сал нари кўриб қолмасди, аксинча, шунчаки Адашни Шерзодга нисбатан жайдарироқ, тўпорироқ меҳр билан яхши кўрарди, холос.

– Уйга ҳайдайми? – шофёрининг бу сўроғидан ўз хаёлларига ғарқ бўлиб кетаётган Бойқобил бирдан хушёр тортди. Қўл телефонидаги соатга қарайман деб, бугунги санага кўзи тушди-ю, “ах-х” деганча шапаллади яна ярқироқ пешонасига. Бугун Шерзодникига, онаси вафот этган кун учун ҳар йили қанда қилмай ўтказадиган “ис”га ўтиш керак эди-ку! Адаш ҳам борармикин? Ва чиқиллатиб, дўстининг ёд бўлиб кетган телефон рақамини тера бошлади...

* * *

Кимдир эшик қулфини шикарлатиб, қалит солгандек овоз чиққандагина Адаш ҳамон Моҳираларнинг уйида эканлиги ёдига тушди. Нима қилсин, яширинсинмикин ёки келган одамдан ўзи бу ерда нималар бўлаётганини сўраб-суриштирсинми? Ҳа, майли Моҳининг ота-онаси-ку бояги фалоқатдан кўз кўр, қулоқ қар бўлиб, Адашни пайқашмаган бўлса, пайқашмагандир. Аммо шу ерда онасини, Самарни аниқ кўрди-ку? Ўйини ўйлаб бўлгунча назарида эшик очилмасданок остонада пайдо бўлган аёлга кўзи тушгач, сал бўлмаса хайронликдан хуштак чалворай деди! Ҳарҳолда онасини санаторияга ташлаб келганда соппа-соғ бўлгани хотиридан кўтарилгани йўқ, гарчи уни ҳам худди Самар каби шу хонада учратган бўлса-да, аммо қаршисида яна бир марҳум турарди!

Ҳа. Икки ўрим узун сочи ҳамишагидек чамандагул дўпписининг устидан чамбар қилиб ўралган, йирик-йирик тарокли атлас қўйлақда лов-лов ёнганча Ситора янга ҳозиргина очган эшигини ёпиб, унга юзланганди! Юзланди-ю, хайратдан кўзлари катта-катта очилиб, ваҳима билан сўради:

– Вой... Адашчик, сиз бу ерда нима қияпсиз? – аёл хув ўша – уларнинг болалик пайтларидагидек қалин қошларига “баргигул” шаклида ўсма қўйган, унга синчков қараб турарди.

Адаш беихтиёр қўлини кўксига қўйди:

– Ассалому алайкум, янга...

– Вой, яхшигинамисиз? Опамам яхши юрибдими? Мурабболарни ёпиб олдилами? Қаранг, ёрдамга чиқаман деб қўювдим, боролмадим, уят бўлди-да! Ҳеч бўлмаса анув Самар шакарни етказиб бордими? Тайинлаб-тайинлаб бериб юборувдим...

Нималар деяпти бу аёл? Қанақа мураббо? Қандай шакар? Яна Самардан бериб юборгандим дейдими?

... Ва Адаш бирдан эслади, ҳа, дархол ёдига тушди! Ўшанда еттинчими синфда ўқирди, адашмаса... Терлаб-пишнаб, Самар уйларига ярим халта шакар кўтариб келган ва Адашнинг онасига, “Ситора янгам берворди, ишини тугатиб, кейин ёрдамга келаркан, дўконини бугун ревизия босганмиш, шунга кўпроқ беролмас экан”, деб автоматдай бад-бадлаб ахборот етказгач, кўзларини пирширатиб, сўрининг устига ёзилган клеёнка дастурхонга товоқдаги сувнинг ичида сузиб юрган олма-ю бехиларни асабий тарзда тўғраб, майдалаб, онаси ёпажак мураббо учун тайёрлаётган Адашнинг олдига келиб чўқаркан, қулоғига шивирлади: “Даҳшат нарса кўрдим!” ва ташқарига чиқайлик, деб имо қилди.

Самарнинг лаби-лабига тегмай, агрофга аланглаб-аланглаб айтиб берганлари ҳақиқатдан ҳам даҳшат эди!

Адаш учун ҳеч қутилмаган ҳолат!

У бунақасини фақат киноларда бўлади, деб ўйларди, хўп, ана нари борса ўнинчи синфдаги йигит-қизларнингми, ёки студентларнингми ўртасида бўлади, деб ўйларди. Аммо қап-қатта одамлар ҳам севишармикин?

– Ҳа, – кўпни кўргандек бош ирғади Самар, – Ситора янга Бўри райпонинг севгилиси экан. Ўз кўзим билан кўрдим... ўпишаётганини... – ...ва оғзидан тупуги сачраганча, ўша пайтларданок узун-узун бўлган қўлларини силтаганча, гапида давом қилди:

– Аввалига райпо янгани мана шундай маҳкам кучоқлаб олганини кўриб, бечорани бўғаяпти деб кўрқиб кетибман. Янгам ёмон питир-питир қилди-да! Ёмон қаттиқ-қаттиқ нафас олади-ю, лекин ҳеч бақирмайди-да! Ана энди точна ўлди, деб жоним тепамдан учиб чиқай деган пайтим, Ситора янга шақирла-аб кулиб юборса, де. Кейин яна ўзини у ёққа, бу ёққа ташлаб, “Вой... Вой-й!.. Жоним жо-оним...” деб пастроқ овозда қиқир-қиқир қилди. Райпо бир нарсалар деб гўнғиллаганди, “Ибий, вой, шошманг, деразани ёпай, қўлимни ювай, ҳозиргина, тоза миталаб кетган экан, ярим каллак унни элаклайман деб ҳаммаёғим оқ бўлли”, деб шундай дераза томонга бурилди-ю, мени кўриб қолди-ку! Менам бўса ҳалиям анқайиб, қочмай тураверибман, де. Кейин янга шоша-пиша магазиннинг эшигини ичкарисидан очиб, олдимга югургилаб чиқди:

– Ибий, вой, Самарчик, биё келинг-чи, биё-биё! Ҳай, берга нима қияпсиз сиз? – деб сўради.

– Майрам холам шу ёққа кетаётганимда тайинлаб юборувди. Бир беш-олти килоча шакар керак экан, янганг берворади... Шуни қайтишингда ола ке, деб... Мана пули... – шошганимдан пойинтар-сойинтар, ўзимни оклашга тушдим.

Чунки ўлай агар, магазиннинг ичидан кулфланганини билмагандим. Шунчаки ёпиқ экан, очик деразасидан қарай-чи, Ситора янга абид қилаётган бўлса, бугун шакар кептими ўзи йўқми, шу ердан сўрай-чи, деб ўйлагандим-да. Аммо янга гапимни тугатганимча бўлмай, учи-иб ичкарига қайтиб кирди-да, халтада анча шакар олиб чиқди.

– Опамга айтинг, ишим тугаши билан ёрдамга ўтаман. Ҳозир ревизия бор, деди.
 – Лекин пулни олмади, – шу гапларни айтгач, Самар Шерзодга чангалидаги эзилган уч сўмликни тутқазди: – Энагга ўзинг бериб қўярсан, бўмаса мени нимага пулини тўламадинг, деб хит қилади.

Адаш лол эди.

Устидан биров бир челақ илимилиқ сув, йўқ кайнок ё муздай эмас, ювиндисифат шилимшиқ сув куйиб юборгандек бутун вужуди ҳам ачишиб, ҳам сасиб кетгандек, ўзданми, янгаданми, билмайди, негадир шундай жирканиб кетдики, титрашга тушганди. Аксинча, Самар эса худди бирдан улғайиб қолгандек, унинг елкасига қўлини ташлади.

– Факат Адаш, ошна, шу гапларни Шерзод эшитмасин... Кейин дадасига айтиб берса, Баҳром ака янгани яна уради. Ёмон уради. Ўзим неча марта кўрганман, сочларидан судраб, ховлиснинг уч бошидан, бу бошига обориб олиб келганини. Лекин янга ҳечам йиғламайди, сира бақирмайди. Қайтага Шерзод ё бобоси келиб уларни орача қилади. Бир марта буларнинг қандай жанжаллашишини кўриб, кўрққанимдан қалтираб қолганман. Шерзоднинг дадаси жаҳли чиқса, ёмон бўларкан. Янгани қўлида пичоқ билан роса қувалайди. Тутиб олса, факат тепади де, корнига гур-гур тепади. Анчагача ўзимга келолмаганман ўшандам. Кейин ишонасанми, бир соатлардан сўнг кўчага нимадир иш билан чиқсам, янга кетяпти. Атлас қўйлагида, сочлари мана бундай қилиб ҳамишагидай чиройли ўралган, ўсма, туфли... так-тук-так-тук, қўлида сумкачаси... Худди ҳеч нарса бўлмагандек: “Вой, Самарчик, Шерзоттиям ўйнагани қакиринг, уйда зерикиб ўтирибди”, дейди.

...Адаш шуларни эсларкан, қаршисида турган худди ўша-ўша Ситора янганинг энди буткул рўё эканлигига ишонди. Ҳа, ҳаммаси, Мохи, унинг уйи, ўлган Самар, йиғлаётган онаси, ҳаммаси тушида рўй берапти, чоғи. Лаънати, шунақа узундан-узунлиги етмагандек, тутуриқсиз, аммо барчаси аниқ-тиниқ, худди ўнгингда бўлаётгани каби тиниқ туш ҳам бўларкан-да? Аммо майли, манави янгадай яп-янги кийимларда бўлсам, барибир, ўлганларни кўришнинг хали бир яхши хосияти борлиги ҳақида эшитмаган, йўқ. Улар доим оғохлантиришадими-ей, келаётган фалокатдан дарак бермокчи бўлишадими-ей, хуллас ташвишдан бошқа ҳеч нарса эмас буларнинг бари...

Адаш шу тобда гўёки кўраётган тушининг таъбири нимадан далолат эканлигини билиш учун ҳам тезроқ уйғонгиси келар, аммо ўлақолса агрофидаги манзара ўзгармас, Ситора янга эса худди ҳеч нарса бўлмагандек атлас қўйлагини шикирлатиб, туфличасини “тақи-тук” этганча хонанинг уч бурчагидан бунисига тимирикланганча, ниманидир ахтараркан, мингирларди:

– Бир пойи қайга тушдийкана, ўлсин, қайга? Мана, мана шу ерга йиқилгандим-ку, шу ерга бўлиши керак, – деганча кейин бетоқат Адашга юзланди: – Қарашворсайизчи сизам, Адашчик, – ва қулоғининг солинчагига ишора қилди: – Мана бундай фируза кўзли зирак эди, Бўрибой акамнинг совғаси. Ана шунинг бир пойи учиб кетувди-да! Жинни Мурод акангиз шу ерниям топиб кепти, денг! Бўлмаса Бўрибой акамдан бошқа ҳеч ким бу ерда яшашимни билмасди. Факат Шерзодни бир марта, бир мартагина олиб келувдим. Торт пиширгандим, юр ўғлим, бугун туғилган куним, икковмиз нишонлайлик, деб шу ерга ҳеч кимга билдирмай олиб келдим. Энди она-бола мазза қилиб, дийдорлашамиз десам, Бўрибой акам кеп қолдиларку! Қайфи тарак! Шерзодимга кўзи тушиши билан бир гезарди, бир кизарди, аммо юмшаб, “Ҳа, тажикнинг ули, енангдикига кепсан-да! Қони, ошна, бир кўришиб қўйайк қона!” деб, ўзича Шерзод билан кўришмоқчи бўлиб елкасига қоққанини билади, Шерзод шартта унинг қўлини тасирлатиб, ўздан нари итариб ташлади-да, кўзларимга тик қараганча: “Бўлди, юринг, ая, кетамиз!” деб туриб олса, денг.

Бўрибой акам, тўпписи ерга тушса, эгилмайдиган одам-ку, лекин жаҳли

чикмади. Қайтанга завкланиб куллилар. “Аянгиз энди бизники, полвонтой, катга жигит бўп қопсиз, шунга кўнасиз энди! Ошна бўп кетсак, ана, янаги келишингизга битта яп-янги валасапигам аппераман ўзингизга”, деганча хушомад қилганам бўлди. Аммо қани Шерзод кўнса. Шаттолик қилиб, из-из йиғлашга тушди, “Бўлинг, ая, юринг-кетдик, қаратэга қатнапман, дадам сизни энди бошка уролмайти, энди мендан кўркади!” дейди бақириб. Тўғриси, ўлгур Бўрибой акам қайфи бор пайти кўзига менадан бошка ҳеч нима кўринмасди. Бу гал Шерзоднинг аюханноси таъсир қилдими, “Ўзларинг ҳал қиб онглар, мен жотдим, чарчаганман!” деб қўл силтаганча, ётоқхонага ўтиб кетди. Боламини амаллаб тинчлантириб, эртагаёқ уйга қайтишга ёлғон ваъдалар бериб, унгача отасига ҳеч нима демай туришини тайинлаб-тайинлаб, шошганча дастурхондаги тортни, печеньеларни бир қутига жойлаб, сўнг сеткага солиб, Шерзоднинг қўлига тутқаздим. “Мақтабингда, ўртоқларинг билан ерсан, лекин ҳозир кетавер ўғлим, ҳали бир кун сени ҳам шу ерга обкеволаман”, деб юборибман-да ман мияси айниган! Шерзод қўлидаги торт солинган халтани манови ёққа қараб улоқтириб юборди-да, эшикни тарақлатиб тепиб, чиқиб кетди. Изидан мен йиғладим. Ўзбакчалашам эсимдан чиқиб, ичимдагини қайтармай, айтиб-айтиб йиғладим. Бир пайт қарасам, Бўрибой акамам оёқларимни маҳкам кучоқлаб пойимда ўтириптила. “Ситор, дунё йиғласин, мен йиғлайин, сен ундай қилма! Ҳозир, хоҳласанг ҳозирок бориб болангни олиб келаман. Эрингам, қайнатангам қапейка менга! Сенинг қулишларингни эшитиб юрсам бўлди!” дейди-я.

Қап-қатта, айқндай одамнинг йиғлаши интересний бўларкан... Раҳмиларим кеп кетди. Дарров юландим. Бўрибой акам ўша кун менга манов зиракни олиб келган экан. Бир ҳафтага қолмай қандай кўндирган, билмадим, Шерзодни ҳам олдимга ўзи етаклаб келди. Болам билан анча вақт гаплашиб ўтирдик. Яна бир ҳафтадан кейин эса Шерзоднинг дадаси мени топиб олди. Ўша кун тушдан кейин эшик секингина, ўғринча тақилласа, Бўрибой акамдир деб шундай очганимни биламан, қаршимда Шерзоднинг дадаси турибди-да. Ранги оқариб, лаби титраб... Унинг бу ҳолати ўзимга жуда таниш бўлгани учун жоним борица ичкарига югурдим. Икки хатлашда етиб олди, қўлларимни қайириб, ўзига қаратди-да, “Янами? Янами?” деб бақирди. “Йўк, Шерзоднинг дадаси, ман сизга хиёнат қилмаганман! Ҳеч хиёнат қилмадим! Бўрибой акани севдим! Сиз билан ортиқ яшай олмайман! Тегинманг манга! Ҳеч нарсангиз керак эмас! Ҳеч нарса! Мани тинч қўйсангиз бўлди!” деб бақирдим. Ахир тўйиб кетгандим унинг қалтақларидан! Одамларга билдирмай юришдан! Қачон қарама Шерзодни ҳам, “Сан бир ўйношингдан орттиргансан балани ҳам”, дейишларидан! Ҳар доим қайиндадам ҳурмати чидадим. “Қизим, эринг қасал. Бугун ёмон, эртага яна ҳаммасини унутади, апок-чапок бўп кетаслар”, деб ялинарди... Кўнглимга қараб, ишга жойлади. Лекин тинчлигимиз бир ҳафтага ҳам етмасди, Шерзоднинг отаси уйдан бирор нарсани пуллаб бўлса ҳам дорисини топиб, чекаверди. Нима қилишим керак эди ахир? Танишганимизнинг биринчи куниданок Бўрибой акам менинг ҳаётиму, кимлардан эканим ҳақида ҳаммасини билиб олган экан. Бир йилча фақат яхши гапириб, хол-ахвол сўраб юрди ва охири, “Эрингдан ажраш, санга уйланаман”, деди. Эҳ-хеее! Ундан сўнг ҳам қанча ортимдан эргашди. Қарамадим. Аммо охири ўйлаб кўрсам, шундай чапани, шундай кўпол, шундай бадқаюк одам бўлса ҳам, кўнглимдан киши экан Бўрибой ака. Ўрганиб, суяниб, севиб қолдим, не қилай? Шу уйни эндигина олиб берувдилар, эндигина ўзим ҳам қайнатамга бор гапни айтиб, эримдан ажрашмоқчи эдим. Бўлмади.

Ситора янга гапиришдан тўхтаб, яна энгашганча ердан нимадир қидира бошларкан, қайтадан саннашга тушди:

– Вой, кейин денг, ўша кун Шерзоднинг дадаси кириб келиб, қўлимни қайириб, мен ҳам бор гапни айтганимдан кейин денг, баттар жазавага тушиб, кулоқ чаккамга бир шапалоқ урганди, сирғам учиб кетди. Жағимни ушлаб, ташқарига қочаман

деганимда сочларимдан тутиб қолиб, билагига бураб, ерга ағдарди ва ураверди, тепаверди, баданимга ўткир нимадир гарчиллаб кираверди, киравердики, хатто овоз беришга улгурмасдим. Кейин тинчланиб, бошимда тик турганча бирпас менга караб турди-турди-да, хонадан отилиб чиқиб кетди. Ахийри унинг бутунлай кетганига тўлиқ ишонганимдан сўнггина, секин жойимдан турдим. Ўзимни парядка килволай, деб ойнага қарасам, бир зирагим йўқ. Шундан бери тополмайман уни, шундан бери...

Шерзод каерда, Бўрибой акам нега кўринмайди, билмайман. Баъзан-баъзан ташқаридан қайтганимда шу уйда бегоналарни, бир чиройли қизниям кўраман. Лекин улар ким, билмайман. Бир хуш, бир беҳушдайман... Ишга, магазинга бораман деб йўлга чиқаман, кетавераман, кетавераман, туфлиларимнинг пошнаси синиб, тушиб қолади, барибир яна кетавераман, кейин тоқатим-тоқ бўлиб, уйга, Бўрибой акам олиб берган мана шу уйга караб юраман... Яна кетавераман, кетавераман... Ҳеч йўлим унмайди... Аммо юра-юра, бора-бора, бир амаллаб, орадан неча куну тун ўтганини ҳам фарқига етмай қолар даражага тушгач, ўзимни мана шу, ҳа, Баҳром акам бир уриб, кулоғимнинг сирғасиниям, калламнинг хушиниям учуриб юборган шу уйга келсам, ё пустой туради, ё бир киз кўшиқ айтиб, шап-шуп, у ёқдан, бу ёққа юради... Ўлай тушунса биров, ахир калит менда-ку ҳалиям, ҳалиям шу калит билан кираман-ку бу ерга, аммо у киз қайдан олган калитимизни, ҳеч ақлим етмайди... Шунча сўрайман, кулоғининг тагида бақираман, ибий, ҳай, ҳай, кизи, биззи уйда нима қилопсан, бор, кет, жўна бу ердан, дейман, кошки таъсир қилса!

...Адаш ортик унинг жаврашига тоқат қилолмай кулоқларини маҳкам беркитди: хотира, хотира, хотиралар... Буларнинг ҳеч бири на туш ва на рўё. Бунинг бари хотира... Эшитгани, ўқигани бор: наркоз олгандами, ёки кома ҳолатда ва ёки ўлим олдидан “ғир” этиб одамнинг кўз ўнгидан бутун ҳаёти, қилган барча қилмиши-ю яхши юмушлари ўтаркан. Лекин Адаш соппа-соғ-ку, масалан мана ҳозир, аниқ билади: Тунги роппа-роса ўн иккида Тошкентдан уйга караб йўлга чиқди. Одати, айрим ҳамшахарларига ўхшаб, бензин пулини қоплайди деб, “Бек барака”да одам олиб ўтирмайди. Магнитофонни ванг қўяди, кетаверади. Кўпи билан саккиз-тўққиз соатга қолмай яп-янги “Кобальт”и ҳашамдор дарвозасининг тагида “бип-бип”лаб турибди-да! Овози дўриллаб қолган ўгли дарвозани очади, кизи югургилаб келиб, юзларидан чўп-чўп ўпади, кенжагойи дўмбиллабгина бўйнига осилади. Ҳатто хотини ҳам сир бой бергиси келмаса-да, бир қалқиб, бир яшнаб кетади, “Овқатланасизми?” дейди ҳар доимги одати бўйича ва жавобини кутмаёқ болаларига шанғиллай бошлайди: “Маржон, дастурхонни туза, Искандар, опанга қараш, Тимурбек, сан келакол ўзимга, далаң чарчаган!” Хуллас, ҳаммаси одатдагидай, фақат бир жиҳатни ҳисобга олмаса: у ҳали уйига етиб боролгани йўқ, бу аниқ, довондан тушди, Дехқонободдан ўтди, рост, аммо қачон, қайси орада Мохиранинг уйида пайдо бўлди, мизғиб кетиб туш кўргандирман деса, шуларни ўйлаб, ақли чарқиллаб ишлаб турибди-ку, аммо кошки атрофида манзара ўзгарса, анув хотин, Шерзоднинг йигирма уч йил бурун қазо қилган онаси – Ситора янга минғиллаб, атрофида инвирсийди, марҳум Самар дўсти келиб, кўз қисиб, “юр кетдик”лаб имлайди, бир онасию пайдо бўлди, “вой болам”лаб, гапларидан худди Адаш ўлди-ю... Э, нега энди ўларкан? Бемаънилик! Одам шундай, яхши кайфиятда тинчгина йўлда, шошмай-ховликмай, бемалол кетаётган пайтдаям “пуф” этиб ўлиб қўявераркан-да! Мизғиган... Йўқ, мошинни четга тўхтатиб, қотиб ухлаб ётибди, чоғи. Аммо ҳеч уйқуси келмаганди-ку, аксинча, кайфияти хуш, ҳар доимгидан кўра бахтиёр, бахтли. Ахир... Ахир Ирода айтган гапдан кейин... Унинг икрори, майли узок йиллар ялинтирган бўлса ҳам ахийри тамомила, бир умрга Адашники бўлишга қарор қилгани, ундан фарзанд кутаётгани... Киши бундай бахтдан кейин қандай ухлаши ва ё хатто ўлиши мумкин? Ахир, Адаш Иродадан умидвор бўлиб

юраверишга қўл силтаган, ҳатто унга нисбатан туйғулари шунчаки боғланиш, шунчаки шафқат, аммо асло кўнгилхуши эмас, шунчаки ожизлик эканлигини аллақачон тушуниб етган бўлса-да, бундан икки ҳафтагина олдин Ироданинг қатъият билан уни никоҳига олишини сўраши, Адашдан фарзанд кутаётганини айтиши... Ўртадаги ҳамма аразу гиналар, хатолар, йўқотишлару топишлар, ўтиб кетган йиллар, барига нуқта қўйган каби ҳаётида янги саҳифа очганди. Гарчи, гарчи кўнглининг қай бурчидаги бир хиралик бағамом ўчиб-йитмаган эса-да...

Энди ҳеч нарсадан хайратланмай, ҳеч нарсадан чўчимай, иккиланмай, талмовсирамай қўйган Адаш ҳамон нималардир деб мингирлаганча уйнинг ҳали у, ҳали бу бурчида пайдо бўлиб қолаётган Ситора янгадан тезроқ кутулиш учун бир сўз демай, эшик сари шахдам юриб кетди. Очмоқчи бўлиб, кесакисидан ушлаб, ташқарига итарса, негадир қўли бўшлиққа борди. На эшикни ҳис этди ва на қўлини. Яна қулди: “Ҳа, аниқ уйқудаман!”

* * *

Аммо ўтган кунлар хотири ҳеч бир сабабсиз, бири қўйиб бошқаси бу тарзда тақиб қилаётган бу қандай уйқу бўлди экан? Хотира ўз йўлига, кўраётганлари уларни ёдига соляпти холос-ку? Ахир у Ситора янга билан ҳеч қачон мана шундай юзма-юз учрашиб, гаплашмаган, унинг аҳмоқона зирагини қидирмаган ҳам, йўқ!

Ҳамма қатори билгани, ўша куннинг ўзидаёқ Ситора янганинг Бўрибой райпо билан ошиқ-маъшуклиги хабари ғайритабиий тезликда бутун маҳаллага тарқалди. Болаларнинг оғзида ҳам фақат шу гап. Фақат Шерзод олдиларига яқинлашди дегунча жим қолишарди...

...Жим, жим, жим... худди ашулада айтилганидек... Бироқ бу миш-мишларнинг урчишига ким сабаб бўлганди? Самар эмасми? Эҳтимол. Адашми? У ҳам тўғри. Уларнинг оналари-чи? Айниқса Майрам опа! Шунчалик жазавага тушишнинг нима кераги бор эди? Ахир ўша куни кўчадан қайтиб кириши билан онаси ишни чала ташлаб кетгани учун уни роса саннади, муштдай бошинг билан нимани мунча пичирлашасанлар икковинг, тавбангдан кетай, дегандики, Адаш чидолмай ҳозиргина Самар айтган янгиликни онасига гуллаганди-қўйганди. Майрам опа унга бирпас анграйганча турди, турди-да, сўнг шап этказиб Адашнинг сочи устарада қириб олинган бошига бир тирсаки туширди:

– Ҳе ўле, мешкорин! Сенга ким қўйипти халитдан ўпишибти-мўпишибти деган гапларни, а? Ҳали отанг келсин, кўрасан мендан!

Сўнг ишига уннаш учун ортига қайтдида, боя Самар ташлаб кетган халтадаги шакарга кўзи тушди. Бирдан хурпайди.

– Ҳали шошмай тур сен мегажин, менинг куним сенинг садақангга қолдими? Шу ҳаром теккан шакарингни болаларимга бераманми? – деганча халтани бир тепди. Кейин ағдарилиб тушган халтадан шакар шикирлаб тўкила бошлагани замон ғайритабиий чакконлик билан уни яна шартта турғизди-да, шахд билан қўлига кўтариб олганча, кўчага отилди.

Ювилган бонқалар, тўнтарилган товоқлар, чала ярим тўғралган олма-ю ноқлар, қирланган сувли челақларда ювилган мевалар барглари сузганча қолаверди. Адаш ҳам онасининг изидан зинғиллади. Майрам опа тўғри Шерзодларникига қараб жадал кетиб борарди.

– Она, тўхтанг, – нима бўлиши мумкинлигини аллақачон англаб олган Адаш ҳаллослаганча унга етиб олди, – борманг, илтимос сиздан, мени шарманда қилманг! Айтманг, ҳеч кимга айтманг! – изиллаганча ёлворарди бола.

– Э, пишт-е, сен нимага шарманда бўларкансан! Бор, уйга кир, ўзим биламан!

...Ва “данг-данг” этганча Шерзодларнинг дарвозасини тақиллатишга тушди.

Нақшинкор ёғоч дарвозани очган Баҳром аканинг отаси, басавлат, чиройли қария – Жўрабек домла:

– Ибий, Мариямхоним, бахай? – деганини билади, онаси қўлидаги халтани унинг оёғи тагига тарсиллатиб қўйиб, икки қўлини белига тиради:

– Манави шакар. Келинингизнинг дўконидан. Магазинидан келса, айтиб қўйинг: мен нас босган нарсани уйимга киритмайман, эшитдингизми?

Чолнинг, “Тупшунмадим, Мариямхоним, нима деганиз бу?” деган талмовсирашга жавобан эса баттар жазавага тушганча айтди-қўйди:

– Ўзингиз-ку тупша-тузук одамсиз! Майли, ўглингиз сал-пал наркаман экан, буниям тушунамиз. Лекин нимангларга етмаяпти, а? Шу кўчада энг бой ўзларинг бўлса! Икки эркак ўтирасан уйда эртадан кечгача телевизор кўриб, биттагина аёлни хув тупканинг тубига ишга жўнати-иб... А? Силарга барибир экан-да, а, домилла? Келинингиз қаерда, нима иш қилиб юрибди, бари-бир-да, а? – шангилларди нимагадир ҳадсиз жазавага тушиб бораётган Майрам опа.

Бу орада бошқа қўшнилари ҳам аник ё дарвозаси ё деворининг тагида қулоқларини динг қилиб турган бўлиши керак эди. Гарчи ўша палла кўчада ҳеч ким йўқ ва Майрам опа ҳам ортиқча ҳеч нарса демай тарс-тарс юрганча ортига бурилган, Жўрабек домла эса бир оёғи тагида тўнтарилиб, яна тўкила бошлаган шакарли халтага, бир жиззакки қўшнисининг ортидан қараркан, бошини сарак-сарак қилиб, “Тавба қардам, тавба-тавба”, деди-ю дарвозани ёпиб олди, сўнг уни қайта очиб, шу заҳотиёқ ўша халтани олиб, ичкарига ўтказиб қўйди. Аммо ишнинг бу қадар силлиқ яқун топганига қарамай, юрагида қатта бир гўлгула талотўпи бошланган Адаш Самарни ахтариб, уларникига югуриб кетди. Энди нима бўлади?

...Афсуски Самар ҳам аллақачон онасига тилидан илиниб бўлган экан. Ҳадемай уларниқига чикқан Самарнинг онаси Майрам опа билан аввал пичирлашишиб, кейин гўнг-гўнглашганча бир Ситора янгани, бир унинг эри билан қайнатасини саннашга тушишган ва қизиги, ўша пайт уларнинг атрофида қулоқни динг қилиб юрган Адаш ана шунда кўп нарсани эшитган, билган.

Ё хотинлар бу гапларни атай болалари ҳам эшитиб қўйсин деб айтишганмикин?

Ёки ўзлари билганлари фақат ўзларининг ўртасида эмас, балки бола бўлса ҳам, майли у Адашми, Самариддин бўлса ҳам, яна бошқаларга ҳам ошкор бўлиши ва ёки ўзлари англамаган ҳолда Ситора янганинг қилигини сал бўлса ҳам хаспўшлаш, ювиш учун айтишганмикин?

Эмишки, Жўрабек домла бир пайтлар Душанбенинг қайсидир институтида қатта домилла, мана шу Баҳромнинг мархума онаси эса учинчиси аёли бўлган экан. Ўзининг талабаси. Хуллас, ана шу хотинигина унга фарзанд инъом этган.

Ва бу бола, яъни Баҳром ака, ҳали иккими-уч ёшлигида онаси, йўқ, йўқ, Ситора янга айтганидек саратондан эмас, бу шунчаки келинга қайнатаси томонидан айтилган уйдирма эмиш, балки эрининг хиёнатларига чидолмай, сирқа ичиб, жонига қасд қилганмиш. Аммо яна эмишки, аёл олдин эрининг ишхонаси дейсизми, ундан баландроқ жойларми, ҳаммасига хат жўнатиб, фақат шундан сўнггина ўзини оғулаган. Ҳа, худди ана шу машмашалардан сўнг Жўрабек домланинг мартабасига путур етади, ишдан урилади, партиядан ўчирилади, хуллас боридан ажралади. Сабабки, унинг устидан бошланган иш чуқурлашиб, бирдан тафтиш бошланиб, давлатнинг анча-мунча пулларини туя қилиб кетгани ҳам аниқланибди-ю, зўрға қамалишдан қутулиб қолибди. Мажбур, профессорлиқни йиғиштириб, кейинчалик тупша-тузук мулла бўлиб, бора-бора яна бойиб кетган домла борини сағир ўғлига нисор этади. Қайтиб уйланмайди. Ўзи муллачилик қилса ҳам, одам бўлсин, деб, рус мактабида ўқиган ўғлини Москвадаги инситутга жойлаб, олий маълумотли қилади... Аммо аяган кўзга доим чўп кириб келган. Бола ўша пайтдаги кўпчилик бойваччаларнинг эркатойлари каби нашаванд бўлиб қолгач, домла узоқ тоғли қишлоқдаги, бир пайтлар узилишиб кетган уруғларини излай-излай уларнинг ичидан мана шу Ситорани танлаб, ўғлини уйлантириб қўйган экан. Ўша вақтлар қиз

эндигина ўн еттига тўлган, кўзлари куралай, ёноклари нақш олма, ҳатто Леонарда да Винчи ҳам умрида тасвирлай олмайдиган даражадаги бир гўзал эканки, Баҳром, калта-култа кийган, доим ярим-яланғоч, отасининг пулига қутуриб, ҳеч нарсадан тап тортмай у билан баробар маишатини суриб юрган олифта оиймчаларидан тўйиб-бўқиб бўлган Баҳром, бир муддат хотинига шайдолигидан ҳатто чекмай ҳам қўйган экан. Ёш, тоғу тошда эрка кийикдай учиб, эчки-улоқ боқишдан бошқа ҳеч нарсани билмайдиган, деярли саводсиз, нозик бу қизни аллақачон кап-катта (Ситора) ундан деярли ўн ёшга кичик бўлган) эркак бўлиб қолмаганми, Баҳром қизни билганича янги ҳаётига ўргатади, ўзича тарбиялайди. Эр-хотин, яъни помирча чулдирашишнингина билувчи Ситора янга ва на тожикча, на ўзбекчани тузук-куруқ гапиролмайдиган Баҳром ўртасидаги “улуғ ва халқаро кўприк” тили асосий мулоқот воситаси сифатида қўллansa ҳам, ширингина турмуш кечиришган экан. Ва ниҳоят Шарзод ҳам туғилиб, бу хонадонда бахт қайта эшик қоқиб, Жўрабек домла ҳам энди ўғлидан кўнгли хотиржам тортган пайт, Тожикистонда нотинчликлар бошланиб, ҳамма қатори, бир пайтлар Ўзбекистондан кўчиб келганларга қўшилиб, улар ҳам данғиллама уй-жою бари мол-мулкни ташлаб, бу ёқларга келиб қолишган экан. Аммо афсуски Баҳром, олий маълумотли, чўнтаги тўла пулга ўрганмаганми, бу ерда ўзига мос иш тополмагач, яна нашага ружу қўйибди.

Энди шу қадар аниқ маълумотларни уларнинг оналари қаердан билган, дейсиз? Нимага шу пайтгача бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмаган, дейсиз? Нега энди Самарнинг ва унинг онаси худди аввалдан шу оилада қасди-қисмати бордай бир тирранча бола топиб келган, ҳали рост ёки ёлгонлиги ҳам номаълум бир гап учун, Ситора янга тугул унинг қайната-ю эригача авра-астарини чаппараста очиб ташлашдийкин, Адашга бу ёғи қоронғи! Аммо ўша – юзига эндигина илк хуснбузарлар чикка бошлаган Адаш Ситора янгадан оналари каби нафратланиб кетмаган бўлса-да, нимагадир ва ёки кимдандир ич-ичидан уялган, чакмачақарлик қилиб қўйганидан эмас йўқ, балки билиб-билмай янгани бошқача, шунчаки янга эмас, балки гўзал аёл эканлигини ҳозирги онги билан пайқаб қолиб, минг хижолатларга тушган каби қалтироқ босган ва бу қалтироқ тушуниксиз кўркувга айланиб, уни яна, “сенинг ишинг бўлмасин!” деб силтаб ташлаган онасининг этагига бекиниб олиш ва индамай бармоғини сўрганча бу ёғи нима бўлишини кутиш, ҳа, айнан кутиш билан ўзини босган, охир-оқибат у кутгани ва ё мурғак кўнгли сезганими ўша кўркув бир ой ўтмай ақл бовар қилмас даҳшат, йўқ, катта ҳалокат, изма-из, кетма-кет бостириб келган, бир-биридан ваҳимали кўргиликларга аландики, бу воқеалар уни яна анча йиллар айбдор каби пусиб юришга мажбур этганди.

Бўлмаса, кейин ҳам ўша воқеалар ҳақда Самар, у ҳали тириклик пайтлари бир-икки гаплашишган, сенда ҳам шундай бўлганми деб сўраганди.

– Эй, шунинг учунам менинг бошим оғримайди сира. Чунки кўрганимни айтаман, кўяман. Сенга ўхшаб ичимда қайта-қайта айлантириб, чайнаб юрмайман. Фақат шу гал... Хато қилдимми, дейман-да. Шерзод ошнам эканлигини эсимдан чиқариб қўйибман. Барибир бу гапни ҳеч кимга, сенгайм айтмаслигим керак эди-да! – деганди Самар.

Унинг бу гапларидан Адашнинг роса жигибийрони чиққан. Алам қилди. Ахир Самар билан улар деярли туғилганидан буён бирга, богчада ҳам, мактабда ҳам, уйда, кўчада! Аммо у Шерзод дўстим эди, шунинг учун бу гапни сенга бекор айтдим, деди!

– Овсар, унда мен сенга ким?

– Сен ҳеч кимга гулламайсан деб ишонибман-да! – дегани-чи, яна?

– Э, ўзингам-чи, ўзинг... Бир мен эмас, онанггайм айтибсан-ку!

– Сениям калтак олиб, олдига солиб қувлашсин-чи, қайси гўрда нима бўқ еб юрибсан шу пайтгача, деб адабингни беришсин-чи, каллангга бор гапдан бошқа нима келаркан! Шакарга бордим, дедим, қани тўхтаса. Кейин Адашларникига

ўтдим, десам қани жазавадан тушса. Гаплашиб қопмиз десам, “Ойша холангни гаплашасанми, кози хотинмисан, гурунгни тугамай”, деб баттар шанғиллаётганди, анув магазинда Ситора янгамни биттаси билан кўриб қолгандим, шуни айтаман деб қолиб кетибман, дейишим билан онам қувлашдан тўхтади-ю, “Биёк ке-чи, нима кўрдинг? Ситора янганг нима қилётган экан, дединг”, деб бирдан бир мулойим бўлиб, сўрашга тушди. Менам нима қилай? Айтдим. Биринчи марта қисқагина қилиб, кейин онам яна “аха-аҳха”лаб қайта сўрайвергач, салгина қолганилариниям кўшиб кейин учинчи мартаям янаям каттайтириб... Унгача онам ёнимга чой-нон кўйди. Холодильникдан сариёғ чиқариб, нонга сурди, қўлимга тутказди, сўнг. Кейинчи?” деди яна. Яна бошидан гапирдим... Яна сал-пал... Киноларда кўрганларимни кўшиб-пўшиб... Шу пайт аянг кеп қолди. Бо-ошланди: “Вой Майрам-ам бир гап эшитдим... Қани, ана Самар, айт, мана бола ўз кўзи билан кўрибди, айт!” Қаёқдан билай, тўғри қиялпман экан-да, деб нонимни чайнаб, яна бир бошидан гапира бошладим.

Хуллас, ўшанда ана шу “вой-йу-вайй”лашиб, юзларни чангаллашу, янгани, ўша кун и ҳеч нарсадан беҳабар уйига қайтаётган Ситора янгани кўчанинг хотинлари кутиб олиб, ортидан пичир-пичир қилиб қолишганининг эртасигаёқ аёл дом-дараксиз йўқолди, йитди. Бун и Адашлар Шерзоддан эшитишди. Бола сахарлаб югуриб чикқанча, уларнинг дарвозасини данг-данг урганча, “Аям, кеча аям уйдан қочиб кетибди, энди нима қиламиз?” деб йиғлаганда, Майрам опа ваҳима билан эри Турғун акадан тортиб, кўчадаги ҳамма эркакларни йиғиб, ярмининг каналга, ярмининг темир йўл томонга боришини тайинлаган, кўчадаги хотинлар ҳам чувчулашиб, ким оғилини, ким ҳаммомини ахтаришга тушган, хуллас, ҳамманинг хаёлида бир гап – ха Ситора ўзини бир гап қип қўйган деган ваҳм! Энди ўйласа, хайрон қолади: наҳот одамлар айнан шундай бўлишини ишташганди? Йўқ, албатта, лекин нега шундай, нафрат деганлари бирдан оммавий тус олиб кетади, шафқат деганини-ку кўяверасиз!

Кечагина Ситора янганинг бузуклигини айтиб, гап қилганлар, бугун жон-жаҳди билан аёлни, аниқроғи унинг жасадини ҳеч ақл бовар қилмас жойлардан, ҳатто хожатхонлардан излашарди. Фақат Шерзод тинмай йиғлар, Жўрабек домла бошини сараклатганча, кўшнилари билан ҳали мелисага, ҳали бошқага қатнар, аммо Баҳром ака ҳеч ерда кўринмасди. Уч кундан кейин бу машмашалар бирдан босилди. Энди бошқача гапиришарди:

– Қирилиб кетсин, жалаб дегани қачон хор бўлган? Кетгандир-да бирорта ўйнаши билан!

– Ундайларда бет борми, ўзини бир нарса қиладиган, аҳмоққа ўхшаб шунча переживать кипмиз-а!

– Ўзи Майрам опа, сиздан чиқди ҳамма ваҳима!

– А, лекин, ўша кун эри ўласи қилиб урибди-ку, яна! Ҳаммаёғи кўқарган, қўйлаклари йиртик-сиртик, сочи тўзғиб, ялангоёқ холда уйдан қочган аёл ўзини бир нима қилмай, гўрга борадим, бўлмаса?

– Шу бормапти-да, гўрга! Мен аҳмоқ бўлиб, бу ёғи нима бўларкан деб, Шўрчидаги жиянларимнинг тўйданам қоп кетдим-е...

– Кийитдан қуруқ қолдим, денг!

– Йўқолиб қолган одам... Агар етти йилгача дараги чикмаса, ўлган хисобланармиш... – лукма ташлайди кимдир томдан тараша тушгандай.

– Э, ҳамсоя, олдин етти кун ўтсин...

Аёллар тусмоллашганидек, етти кунмас, бир ой ўтгач эса “биё-биё”лагич қуралай кўз янгани эри чавақлаб ташлабди, деган совук хабар яна ҳамманинг ёқасини чангаллатди: “Ким? Шу майли, хотинини ургандир-сўқкандир, аммо ҳеч кимсага зиёни йўқ, қўй оғзидан чўп олмаган Баҳромми?”

Эх-хе... Настарин кўчасидаги тўққизинчи уйда бўлган бу котиллик ҳақида ҳатто туман газетасида ҳам каттагина мақола берилганди ўшанда. Мақола муаллифи сифатида шахсан “началник милиса”нинг исми шарифи турганига қарамай, ҳар бир гапнинг кичими-ю бичимида, айниқса Баҳромга нисбатан қўлланилган “ресидивистик, конхўр фашистларча” ҳаракат қилган котилнинг “муштипар она, гўзал аёл, ҳамяятнинг тенг ҳуқуқли граждани”ни қай тарзда чавақлагани шу қадар маҳорат билан тасвирлангандики, бу мақола бус-бутунлигича ҳаммуаллифга тегишли эканлигини ва у шахарчанинг маҳаллий “писарь”, яъни “ёзувчи”си Гайнуллиннинг учидан сиёҳ ўрнига аччиқ заҳар томадиган, катта-катта лавозимдагиларнинг устидан ёзадиган юмалоқ хатларида ҳам кўп қўлланилган жумлаларни пайқаб қолган одамлар, ўз наздида дунёнинг бор ҳақиқатларини аниқлаб, аммо ўта нафрат ва жиззакилик билан юқорига хатлар юборишдан эринмайдиган Гайнуллиннинг, “Йўк-ай! Бу статьяни начайлик бобонинг шахсан ўзлари ёзган-ай. Ман фақат арпаграфиясини кўриб бердим!” дейишларига қарамай, роса иззатини ошириб юборишган, илгари, одатда калин лупали кўзойнақда атрофни синчков кузатганча эски велосипедини тинмай у ёқдан, бу ёққа ғийқ-ғийкиллайтиб ҳайдаб юрадиган бу одам дарров сиёсатдан гап бошлашидан безиб қолгани учун ҳамма ундан ўзини олиб қочишга ҳаракат қилиб юришган бўлса-да, энди эса уни биринчи марта котил ҳақида, котил бўлишнинг қанчалик даҳшатли бўлиши ҳақида ёзган ҳаммуаллифликдаги мақоласи учун салкам қаҳрамонга айлантириб юборишганди.

Булардан кейин шафқат билан нафратнинг, яхши билан ёмоннинг чегараси қаерда тўхтаб, ё қаерда туташини билиб бўларканми, ўйларди Адаш шу топда ўша кунларни эсларкан. Ахир бир аёлнинг бошқа эркак ёнига кетиб қолиши фақат қон тўкиш ва жон олиш билан ўлчанадиган макруҳликми? Мана, ўзидан мисол, нечтаси, боши очғи-ку майли, ҳатто эрли аёллар билан ҳам ишқий муносабатларда бўлмадимми? Шунга энди Бойи ошнаси таърифлаганидай “кўнгли бўшгина пошикаста”ларнинг ҳаммасини Баҳромсифатлар бир бошидан сўйиб чиқиси керакми? Ситора янганинг ўлгани билан дунёда нима ўзгарди, нима? Баҳром барибир қамалди. Отаси ёллаган адвокатлар олиб қололмади, йўқ олиб қолишлари ҳам мумкин эди, аммо ўша пайтда унинг яна чекиб олгани, боз устига ҳамон ўзга мамлакат фуқароси сифатида қизил “рўйхат”далиги ва яна албатта шу ернинг “қороли” бўлган Бўрибой кун келиб бу банги унинг ўзига ҳам бирор зарар етказишидан чўчиб қилган ҳаракатлари ўз кучини кўрсатмай қўймади.

Умуман, ҳозиргина Ситора янганинг айтганлари ўша вақт болалар тугул катта ёшлилар учун ҳам жуда даҳшатли тафсилотлар эдики, бу талотўпда Шерзод ҳамманинг ёдидан кўтарилганди. Ҳатто Адашнинг ҳам. Яхшики, ўз вақтида сергак торгди, Бойининг олдида борди ва катта одамлардек, “Ҳайда, Шерзоттан кўнгил сўраб чиқайлик, юр”, деб туриб олди. Боришди ҳам. Шерзодларнинг эшигини ҳеч ким очмади. Ҳеч ким ташқарига чиқмади. Ҳеч ким.

Бу орада Баҳром очик суд қилинадиган бўлди. Эринмаган одам борки, “индийский кино” кўришга ошиққани каби ўша ёққа оқди. Ҳатто Бўрибойнинг хотини ҳам. Аммо эрининг номи ҳам аралашган бу можароларга пинак ҳам бузмай, “Бизнинг хўжайин ундайчакинлардан эмас, бу хотин минан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган!” деб тураверди.

Қамалганидан кейин уч йилга ҳам бормай, отасининг аллада-азиз, тўрвада майиз боласимасми, қамокхона шаронтига чидолмай, ё балки кайфнинг хумориданми, Баҳромнинг вафоти ҳақида хабар келди.

Кўчанинг энг тартибли, сочлари жингалак, онаси тикиб, ёқаларини кўз-суқдан асраши учун кашталаб безайдиган қўлбола, ғаройиб-ғаройиб, аммо ҳамманинг ҳавасини келтирадиган кўйлақларини кийиб юрмиш Шерзод бобоси билан ёлғиз

қолди. Чолга балли! Тўқсон ёшдан ошиб кетса ҳам тоғдай юрди, Шерзодни уйлантирди, чевара суйди, бир кун ҳам касал бўлмади, ҳеч кимсага оғири тушмай, у ҳам бу оламдан ўтиб кетди.

Қизиғи, ўша пайтлар Адашнинг онаси ўзини ўтга урди, чўққа солди, лекин ўғли ва келини куйиғида бутунлай бу дунёни дуну бори атроф-жобиёнга нақшинкор дарвозаларини тарақлатиб ёпиб олган қариянинг кўнглини тополди. Кунда-қунора уларниқига овқат киритиб турди. Кунда-қунора чол ва набиранинг қирларини ювиб, нон-понини ёпиб бериб юрди. Ахийри Адашнинг отаси бир кун писиллади: “Шу бобога тегиб олақол, пули кўп дейишади-ку!” ва эшикни тарақлатиб чикди-кетди. Шундан кейингина Майрам опа чол ва неварани ўз ҳолига қўйди, аслан, Шерзод аллақачон рўзгорнинг барча юмушларини эплаб, дуппа-дуруст овқат-повқат пиширишларни ҳам ўрганиб олган эди...

Бўрибой райпо эса кўп ўтмай ёшгина бир кизга уйланди...

“Оёғида са-алгина кўсти бор экан, яна пиччагина эси камрок деб эшитдим-ку?”

“Тўғриини... Чинданам хали эр кўрмаган ёш киз, аммо ундай деб ўйламайсиз, роса тўладан келган, бақувват эмиш!”

“Э-э, нима бўлганда ҳам йўқчилик ёмон нарсада, етимгина киз экан, тоғалари шуни келиб-келиб отаси тенгига раво кўришибди-я, эссиз...”

“Ибий, Боря ака хали қиличдай! Нега ундай дейсиз? Пули ҳам кашша бўп ётибди, ош бўлсин!” дейишди одамлар.

Ҳаммасидан қизиғи, у қизни Бўрибойнинг хотинининг ўзи топиб, муллаларни қақриб, ҳалоллаб, эрига никоҳлаб, олиб берибди.

“Бирга-бирга опа-сингил бўп яшаймиз, отаси! Илгари замонларда ақли хотинлар шундай қилишганакану... Шунинг учун бунингиз бир ўғил туғиб берса бўлди, шу болага ўзим ҳам момо, ҳам эна бўламан... Нима қилай, сизди ўйлайманда, сизди! Эртага ортингиздан бир туёк қолсин дейман-да, мен шўрлик! Менинг, мана партим кетиб, шартим қоб ётир. Қизларингиз ўзи билан ўзи бўғич, кетгич. Эртага бир сиздимас, менгина бебахтнинг иси-чирогиниям қиладиган бир ўғил керак бизга барибир. Фақат у бола ўзингизнинг, пушти-камарингизнинг боласи бўлса, бас”, деганмиш районинг хотини.

“Вой қандайин – бундай паришга бир аёллар бор-а, дунёда”, бошларини сарак-сарак этишганди бу гапларни эшитган аёллар. Майрам опа негадир тутокиб кетганди. “Бўмаса ҳамманг эрингга бир-бир хотин топу, фаришта бўл! Бу хотин эри Ситора бечарани эсидан чиқартириш учун эрига шундай қиялпти, ўлганининг устига тепяпти”, деганда Адаш онасининг жаҳлига тушунмаганди. Кейинроқ яна бир шу мавзуда гап айланганда эса, олти кизи бўй чўзиб, бир-иккиси аллақачон узатилиб кетиб, неварали ҳам бўлган районинг хотини, кўпчилик учун “бой чеча” ўз хонадонига кундош олиб келиб, соқолига оқ оралаган эрни куёв килиб, чимилдикқа солиб, яна “Қайтай эгачилар, шуйтмасам, эркак дегани бир ўрганганма, барибир яна ҳаром-ҳаришга юради, дунёни ёмон хотин босиб кетяккан бўлса, наилож, ундан кўра нима қилиғи бўлса кўзимнинг олдида бўлсин. Тоза-поккина...” деган шу чеча во-войки, келасолиб ҳомиладор ҳам бўлишга улгурган шу анқов кундошга товоқ-товоқ ҳамир кордирган, қоп-қоп унни кўтартирган, мол боқтирган, эрни, “Кампир, аслида ҳаммасидан сен яхши, сендайчикини бу дунёда йўқ”, дедиртган, аммо... Ичдими, тамом, барибир “биё-биё”гина хушторчасини эслаб, йиғлай-йиғлай, ахийри ишиданам, “рай”лигиданам, “по”лигиданам айрилган Бўрибойни ўша тўрвадайгина хотини-ю унинг унча интиқлик қилмай дунёга келган – калласи қилгирик гавдасига нисбатан хийлагина каттароқ, кейин эса, уч ёшга тўлганда ҳам хали тили чикмаётган ўғли билан хув олис чўл ҳудудлардан олинган гектар-гектар ерларига кўзу кулоқ бўлиб туриши учун қўшиб жўнатиб, боз яна, “Биздинг бобой энди катта пермер бўган, шу ёқларда қорамол боқиб ётир”, деб

силлиқкина шуваб кўйган ҳам ўзимасми?

...Ва кунлардан бир кун hozирда машхур адиб номи берилган, аммо илгари Ленинградская, кейин эса анча йиллар Сиреневая деб аталган кўчанинг кўп каватли уйлари атрофидаги ичи турли ахлату чикинди, баклажжалару сигарет кутиларига тўла лоток ариқ ичидан бир кимса топилганди.

Ўша куни тун ва тонг ўрин алмашар чоғи шу ердан ўтиб бораётган икки йигит қарашсаки, ярим гавдаси ариқ ичига тушиб басавлат бир одам ётир. Чопонлари яп-янги. Ичидан кийган костюмлари киммат-киммат... Ялмоғизнинг биттагина соғ тиши каби шу кўчада ёниб турган якка-ю ёлғиз симёғочдаги фонус ёруғида йигитлар бу одамни дарров танишди.

– Э уқкагарди ули, бу бивший райпоку, бу ерда нима қилиб ётибди? Яна ичганмикин?

– Точно, учиб қолиб, шу ерга ағнаган. Кел, чиқариб қўяйлик, ариқдан. Бир пайтлар отам қўлида ишлаган. Зўр одам, деб мақтарди.

– Ҳа, мен ҳам эшитганман. Қўли очиқ, бойлиги вaшше кўп одам. Ҳалиям қара пўримлигини... Шошма, олдин чўнтақларини кўрайлик. Пули кўп бўғич эди бу одамнинг... Ий! Ё товба! Ўлиб коган-ку!

– Йўғе? Мошин-пошин уриб кетдимикин? Пичоклашганми? Гапирсанг-чи!

– Э, бақирма-е менга! Ўзи юрагим ёрилди шундок ҳам. Қаёқдан билай мен! Сен катори кўриб турибман-ку, гаранг! Ке, оёк томонига ўт, йўлнинг четига чиқарайлик.

– Эсинг жойидами? Ярим кечаси ўлик кўтаришим қолувди. Ётаверсин, индама. Эрталаб милиса топади ўзи.

– Лекин бир нарсага хайронман... Бу Бўри райпо бунақа ёқларда нима қилиб юрганикин? Ё чол пенсиясини олиши билан бирор, а, анакаларини олдига келдимикин? Бизга ўхшаб, а? Ҳи-ҳи-ҳи.

– Э, кўйсанг-чи, бу одам ундай ёшдан ўтган-ку, шунчаки безорилар ёлғиз кетаётганини кўриб... Ҳозир не кўп, ичган-чеккан, дегандай. Ундан кўра бўл тез, менинг телефонимнинг пули ўчган, милисага хабар бер...

– Ҳозир, мана, бир юз икки терилармиди? Лекин скритийдан чиқиб, хабар бераману, бу ердан сурамиз, келишдикми? Кетдик, бу палакат жойни энди елкамнинг чуқури кўрсин!

– Калланг жойидами? Келамиз ҳали яна насиб! Эшитишимча, шу “дом”да битта жуда бир бошқачаси бор эмиш. Мировой хотин, дейишади! Гапиришиям бир ширин... “Биё-биё”лаб... “Ўлай санга” деб, ўлдираркан кишини...

– Ҳа, насиб, насиб! Кўрармиз. Ана бўлди. Мана, хабар берилди мелисага... Юр энди, яхшиси уйга кетақолайлик, настраенам бузилди...

* * *

Бўрибой шу тарика ажал топганди. На катта хотин ва на кичигиникида ва на бир пайтлар олиб ташлаган қатор-қатор квартираларидан бирида, чўнтақлари бўш, кўзлари юмук, аммо кипригида бир томчи ёши лиқиллабгина, титраб... Настарин кўчаси четидаги бетон ариқча лабида букчайганча, ортидан пичок урилган одам каби кўксини чангаллаб, ўтиб кўйган эди. Қизиғи, собиқ райпо на ичган ва на чекмаган, шунчаки нимагадир ёшига ярашмаган ҳолда кейинги пайтда кетмонча қилиб кўйворган соқолини ҳам яхшилаб тагидан қирдириб олиб ташлаган, жуда пасон бўлиб, ҳатто атирлар сепиб олган эканки, бунини милициядагилар билан тенгма-тенг етиб келган “Тез ёрдам”даги, бир пайтлар укаларининг уйланиш тўйларини гуручмиди у, ун-ёғми шу одамнинг кўмагида олиб, ўтказган Даврон фельдшер қайта-қайта ҳаммага айтиб, эҳтимолки тириклигида ундан мурувватини аямаган Бўрибойнинг хатто вафот этгач ҳам “яхши ўлик” бўлганини таъкидлаш учундир қайта-қайта, “Ака культурний одам эди барибир, жуда ҳам!” деб такрорлаган бу

гаплари юмалай-юмалай негадир бошқача тус олиб, яна улоқ райпонинг хотинида кетди: “Бечора момо! Шу бобойини тинсин деб уйлантириб қўйсам буни каранг, посон бўл, Настарин кўчани оралабди-да”, дейишди одамлар...

Шу тарика ўтди умрида бир бор, атиги бир бор чинакамига севиб колган Бўрибойи ҳам...

Унинг ташлаб кетган дунёсида колгани эса Бўрибойнинг хотини ана шу севги учун эридан олган ақл бовар қилмас ўч бўлди. Бу аёл эрининг йикқан-босган бойликларига эрининг бирор уруғини яқинлаштирмади, давлатга ҳам пишик-пухтагина бўлиб, сир бой бермади, жонсарақ куёвларининг аврашларига учмади, қизларига тишининг окини ҳам кўрсатмади, аммо кўп ўтмай тиллачилик қила бошлади, сўнг доллар билан ҳам шуғулланди, эри бир пайтлар, “Ҳар қизимга биттадан падарка бўлар”, деб олиб қўйган уйларга бобиллаб, диғиллаб, қиммат нархда ижарачилар қўйди, ҳатто қатга хожи она ҳам бўлди. Одамлар халигача унинг ўша пайтлардаги олижаноблигига тахсин айтишади. Чеккан захматларига, кечиримлигига Худо берди-берди шу аёлга бор давлатни, дейишади. Яна куёвлари ҳам ўғилдан аъло эмиш. Аъло бўлади-да ахир, қизлари омадли, аммо тўпори отасига эмас, арқонни узун ташлашга ўрганган онасига тортишгач...

* * *

...Чойни янгилаб, меҳмонхонага кирган Ироданинг юрагига яна ғусса ин қўйганди. Онаси билан чак-чаклашиб ўтирган Майрам опага яна бир жилмайиб қараркан, беихтиёр унга раҳми келди: бир вақтлар шу Майрам опа қандай гурсиллаган, қадамидан олов чиққан жувон эди! Азбаройи қўли ширинлигидан кўчаларида кимнингки тўю маърақаси бўлмасин, ҳамманинг бирдай шу аёлга иши тушарди. Товоқ-товоқ пряниклару, сомсалар пишириб чарчамас, арчаларни солиб туриб, духовканинг ўзида бир тандир кабоблар қилардики, таъми ҳали-ҳали оғзида турибди. Ирода бу қўшни холани ҳатто ёлгончилар мамлакатига саёҳат қилган “Жельсоминонинг саргузаштлари”ни ёзган Жанни Родари эртақларидан биридаги, оддий тиканақдан ҳам мазали мураббо тайёрлайдиган қахрамонига ўхшатарди. Қўллари, эҳтимол, ўша эртақда айтилганидек, ростидан ҳам сеҳрлимикин, деб, опанинг хамир ёйишларига ҳавас билан қараб ўтирарди. Мана энди шу аёлнинг қатор-қатор, урфдан колган кизил кўзли тилла узуклар таққан, қорайган, артритдан қийшайган бармоқлари қалтирайди, “Бир пиёла чойимни ушлаб туришим азоб, Ақидахон, яхшиям эсим йўғида шу Адашни туғиб олган эканман. Барака топсин, ҳолу жонимга қўймай ҳар йили санаторийга жўнатади”, дейди.

Бу сафар ҳам Майрам хола тонгга қадар Ақида опа билан гурунг қилиб чиқса керак. Бурунги даврларни эслашади. Аммо Ақида опанинг эсида колганлари Майрам опанинг хотиридан кўчган, аксинча Майрам опа ижкилаб, ҳар бир нуқтасигача аниқ-тиниқ териб-тиклаб хотирлайдиган воқеалар эса негадир Ақида опанинг аллақачон ёдидан чиқиб кетган бўларди. Икки собиқ қўшни бири бошқасининг меровлигидан хайрон бўлишдан эринмайди. Ирода эса кулади. У ҳам ўзича бу гурунглarga қўшилади. Шунда Майрам опа унинг юз-кўзига термилиб тура-тура, “Адашимга тегмадинг-да, сен қиз, асли ўзим келин қиламан дердим-ку”, дейди ҳув ўша болалик пайтларидагидек Ироданинг ҳамон тиниқ, ҳамон оппоқ юзларидан беозор чимдиб.

Аслида эса Майрам опа гарчи ўша болалик пайтларида ҳақиқатдан ҳам шалдираб, гоҳ ҳазил, гоҳ чинига Иродани, “Ўзимнинг келинимдан”, деб юргани билан негадир шошилишда, ҳе йўқ, бе йўқ Адашни бир қариндошининг кизига уйлантириб қўйди.

Ирода бу гапларнинг чин-ёлгонлигини англашга ҳам улгурмай, эндигина учинчи курсга кўчган Адаш ўқишини сирткига ўтказиб кетишга мажбур бўлди. Боиси –

энди рўзгорли одам эди.

“Шунча йиллардан буён нима ҳам ўзгарди, фақат оналаримиз кексайиб, ўзимиз улғайганимиз холосми?” ўйларди Ирода чойни сузиб, чақ-чаклашаиб ўтирган онаси ва Майрам опага нимтабассум қилганча узатаркан, уларнинг гапларини мутлако эшитмай. Мактабга боришда доим Ироданинг папкасини кўтариб, ярим йўлгача кузатиб кўярди Адаш. Ўшанда бир тирмизак рус бола уларни роса масхара қилган: “Тили-тили теска – жених и невестка!” Бу пайтда улар анча улғайиб қолганлари учун Ирода уялиб кетган, Адаш эса ўша болани ёнларидан кувиб солганди. Болакай қоча-қоча тилини чиқариб, янада қаттиқроқ бақирган: “Жених и невеста! Жених и невеста!” Мана, бўлишади ҳам келин-куёв. Энди... Балки... Эҳтимол.

Ироданинг миждаларига ёш қалкиди. Секингина сирпаниб, яна ошхонага ўтиб кетди. Боядан буён тинимсиз қайнатилаётган чойлару, бикирлаб пишаётган шўрванинг буғидан ойнаклари аллақачон кўзёши қилишга улгурар даражада терлаган деразани ланг очиб юборди.

“Ҳали шошмай тур, Иро, онам яхшилаб дам олволсин, хисобот топшириш учун ўзим алоҳида келиб-кетаман. Шунда Акида опамга бор гапни ўзим айтаман. Сен индамай тур. Шошма”, деганди Адаш кетаётиб. Ажабки, йиллар давомида ортидан соядек эргашган бўлса-да, Адаш ҳали бирор марта юрагини унга охиригача, қандай бўлса шундайлигича очмаган экан. Мана ҳозир ҳам. Телефонда онасини санаторияга олиб боришида ҳаммаси Ирода билан режалаштиргани каби бўлишини ваъда қилган, Ирода эса ёш боладай кизикиш билан, ишқилиб ундан олдин оғзимдан чиқиб кетмасмикин, деган ҳаяжон билан шу кунни бесабр кутганди. Аммо оқибатда-чи?

Ахир бунга қадар ҳам тенқури, ҳам акаси, ҳам дўст биларди уни Ирода. Фақат Адаш тўсатдан уйланадиган бўлганда негадир ичи ёнгани рост. Соткин! Соткин! Соткин! Хаёлида нега фақат шу сўз чарх урганди, ўзи ҳам англамаганди ўшанда, ахир Адаш уни сотмаганди-ку? Ҳамма бало шунда эдики, кибр Ироданинг, андиша эса Адашнинг қаршисидаги кўринмас девор бўлди. Ирода Адаш уни зимдан севишига шу қадар ишонган эдики, азбаройи уни ранжитмаслик учун ҳам ўзининг бошқа инсонга бўлган пинҳона муҳаббатини айтолмаганди, холос. Кейин ҳам айтмади. Анча вақт.

“...Ҳа, Шерзод, чин севган одам бир умр тоқ ўтиб, ўз ишқига содиқ қола олади деганлари ёлғон экан. Менинг шунча вақтли ёлғизлигим кимни овунтиролди-ю, кимнинг заррача бўлсин қадрини оширди? Яхшиси, бу тусмол, ҳа, кўнгилдаги гира-шира бўлса-да, тан олишни истамаётганим бу тусмол йўқолиб-йитгани яхши эмасми? Менга энди Ирода эмас, дўстининг жуфти деб қараб, синглинг ё келининг деб билишинг ҳам аҳамиятсиз. Муҳими шу баҳона ҳаммаси сийқалашади, оддийлашади, кўнамиз, кўникамиз... Кўрмай эмас, кўриб қуямиз, аммо энди бундай бурқсиб тутамасмиз, хув ўша болалик пайтларимиздаги каби ҳаммаси самимий, содда ва жўнгина муносабатлар бўлади. Тўғри, Адашни севмайман, аммо умримнинг жуда кўп қисми истасам-истамасам у билан боғлиқ, унинг ёрдами ҳамиша менга мадад бўлди. Унинг, айниқса, уйлангандан кейин бирдан хомуш тортиб, менга аввалгиданда эҳтиётлик билан, аяб муомала қилиши изсиз кетмади.

Аммо ношукрлик қилмай, менга нисбатан эътиборсиз бўлсанг ҳам, йўқ, сен ҳам меҳрибон эдинг, сен ҳам доим ёнимдайдинг, фақат ўшанда ҳам ўз ғуссангдан нарини кўролмасдинг, атрофингдагилар меҳрини англамасдинг, йўқ. Сен севгидан абадулабад нафратланадиган, уни асло тан олмайдиган одам бўлдинг. Гарчи Адаш сен учун ҳам кўп қайгурган, кўп яхшилиқлар қилган бўлса-да, бир нарсани – менинг дилимдагини асло билмасди. Билсам, Адашни аслида у сени астойдил яхши кўргани, жони ачигани, буни сиртига чиқармаса ҳам, кейинги вақтларда негадир сен билан доим ғижиллашиб юрса ҳам, сенга ҳавас қилишини билганим

учун ҳам яхши кўрар эканман.

Хасталигимда доим бошимда бўлди, шунча узокларга кўчиб кетганимизга қарамай, бизни сира ёлғизлатмади. Бир ғалати одам бу Адаш дўстинг, Шерзод. Бойлиги, мартабаси феълига уриб, манман ва ўзибилармондир, аммо ўша сену биз учун ҳали-ҳамон бор тақдиримиз унинг ҳаракатига, кўрсатадиган ёрдами ё химматига, ҳеч бўлмаганда меҳрига-оқибатига боғлиқ каби жонсараклиги ҳали йўқолмаган, йитмаган.

Аммо барибир ундан дилим оғриди. Илгари бир-неча йилдан буён муносабатларимиз қай даражага етганини ҳеч бўлмаса онамга айтишим кераклигини таъкидласа ҳам, кўнмасдим. Ахийри Адаш ҳам бунга қўл силтаганди.

“Шундай бўлишини истар экансан, бас, бўлди! Менинг ҳеч кимдан на қарз ва на муттаҳам жойим қолмади. Шунга истар экансан, сени канчалик яхши кўришимни овозимни чиқариб, ўзингга, фақат ўзинггина эшитадиган қилиб айтолсам бўлди, шунинг ўзи менга етади”, деди.

Ҳомиладор эканлигимни пайқаганимда, бирдан хушёр тортидим. Мен аҳмоқ нималар қилиб кўйдим? Шўрлик онаизорим кўнглимга қарагани, шунча авайлаб-эҳтиётлагани, соғлигимни ўйлаб, пойтахтга, шу вақтгача ҳам тайинли қариндоши йўқлигидан мана шу Майрам опа каби кўнглидан жой эгаллаб қолган барча яқинлари, бор меҳрини бериб гуллашиб юборган мўъжаз ҳовлиси, кизикиб ишлаётган иши, ҳамма-ҳаммасидан воз кечиб, энг кучли шифокорлар қўл етса узатгудек жойда бўлиши, қизим ўқишини тугатгунча ёнида туришим керак, деб, кўчиб келмаганмиди? Ҳамма оналар каби менинг ҳам оппоқ либос кийиб, гўшанга кўришимни орзу қилишдан ҳам маҳрумлигига кўниб яшаб келаётганининг жазосими бу энди ё мукофоти? Ҳали фарзанд кутаётганимни билса қай аҳволга тушаркин? Майли, нима бўлган тақдирда ҳам пешонада ёзилганини кўраман. Ҳеч бўлмаса ҳамма катори бўлишга уриняпман-ку, ахир! Ана шуларни ўйлаганим учун ҳам Адашга тезда муносабатларимизни оналаримизга, ҳаммага, бутун дунёга ошкор этишимиз кераклигини айтиб, туриб олгандим.

Аслида Майрам опанинг бу сафарги санатория сафаридан мақсад ҳам шу – опа онамга оғиз солиб, мени ўғлига сўраши керак эди. Аммо улар уйимизга келиши билан дувва кизарганимни кўрган Майрам опа ўғлига шубҳа билан қараб кўйди. Шундаёқ кўнглим нимадир биз ўйлагандек бўлмаётганини пайқаганди. Қулай фурсат туғилиши билан Адашни холи топиб, сўрадим: “Хўш, нима бўлди? Билишдими? Онангиз? Хотинингиз?”

Адашнинг кўзлари олайиб кетди: “Эсинг жойидами, Иро, ҳозирча... яна бир муддат... ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолаверсин. Ахир болаларим улғайиб қолишган. Уларга ёмон таъсир қилади. Қолаверса, ўзинг ўйлаб кўр, сени ҳаммамиз яхши кўрамыз. Бирдан шунча одамнинг меҳри қаҳрга айланиб кетса, яхшимиз?”

“Яъни мен туфайли, а?”

“Биз туфайли!”

Ахир менга унинг янги уй, шарт-шароит, ҳатто чет элга олиб бориб, юрагимни операция қилдириб келиши ҳақидаги ваъдалари, Адашни эса яхши биласан, айтганини бажармай қўймайди, аҳамиятли эмасдир, аммо ўйлаб қарасам, онамга керак. Жуда ҳам. Яъни ҳеч бўлмаса бир муддат онам менинг саломатлигимдан бошқа нарсаларни ҳам ўйласин, ахир! Ҳар тонг эсон-омон кўзимни очиб, яна бир янги кунни қаршилашим...дангина хурсанд бўлишдан ҳам бошқа қувончлар борлигини эсласин, туйсин. Мени деб қайта турмуш қилмади. Раъйимни қайтармай, дадамни кечирди, унинг сўнгги кунларида ёнидан жилмади, маъракаларига миқ этмай борди, қатнади. Аммо отадош укаларим барибир бизга эрлик қилмади. Бироргаси қайтиб йўқламади, кўнгил учун онамни ҳатто “опа” деб ҳам атамади, йўқ...

Шундан кейин ўйлаб қолдим. Мен хув болагимдаёқ ташлаб кетган, кейинги ҳаётим фақат унга нафратга йўғрилиб, умри охиридагина шафқат қила олганим отам дунёдан ўтганидан қанчалар адо бўлгандим, лекин онамга нимадир бўлса-чи? Унда нима қиламан? Яшашим учун эмас, онам яшаши учун яшашимни яхшилашим керак эмасми? Токи ҳеч бўлмаганда у ўзи билган, бир пайтлар, отам биз билан яшаган пайтларидаги каби ҳеч нарсага зорикмайдиган фаровонликка қайтсин, уй-рўзгоримиз даволанишимиз дори-дармонлардан ортиб, буст бўлиб келётган бу рўзгору харажатларимиз менинг арзимаган маошимдан эмаслигини билсин, биз икки ожизани оғир кунларимизда ташлаб қўймаган Адаш бизга садақа ё ҳиммат кўрсагаётгани йўқ, асло, олдидаги бурчини бажараётганини ҳис этсинки, у ёғига эса Худо пошшо!

Жигибийрон бўлма, Шерзод, ҳеч ким ўзини қурбон қилаётгани йўқ! Ҳарҳолда сендан фарқли ўлароқ, ҳеч ким! Адаш билан аввал дўст эдик, кейин оналаримиз, бир-бирини кўрмаса туролмайдиган опа-сингил бўлиб кетишган оналаримиз туфайли деярли қариндошга айландик. Биз Тошкентга кўчиб кетганимиз билан борар жойимиз Адашларнинг уйи бўлди. Унинг хотини, бироз тўпорилигини демаса, меҳнатқаш, Майрам опанинг ўзига ўхшаган шалдир-шулдиргина жувон, борсам, соямга кўрпа солади. Тузини еганман. Унга нисбатан ҳам адолатсизлик қилаётганим йўқ. Боиси, Адаш уни севмагани каби бу аёл учун ҳам Адашнинг кўнгли эмас, қўйни, аниқроғи кўнжига тўкиладиганлари муҳим. Мана энди мен... Мен ҳам уни севмасам керак деб ўйлайман, аммо ич-ичимда барибир унинг ўз хотинидан устунлигимни биламан.

Айт, Адашнинг нимаси ёмон? Мендан расамади хотини сифатида хизматини қилишини сўрамаса, боланинг туғилишидан ҳам кўра ўзимнинг саломатлигимга қайғурса, ойига бир-икки келиб-кетса, бўлди-да ахир! Шунча йиллик муносабатимизни эса шу пайтгача на онам ва на Майрам опа пайкашмади ҳам... Ёки ўзларини билмасликка олишармикин? Йўқ, билишмайди, аниқ! Чунки Адаш маҳоратли актёр! Онасининг олдида мен билан нималарни гаплашади, де: “Иро, қизим манавиларни рўйхат қилиб ёзиб берди, шу қиймлардан топишиб юборарсан. Менинг вақтим бўлмайди. Мана пули. Етмаса, онам беради. Бўпти, кетдим, ишим кўп...”

Ўзи эса икковимизнинг уйимизда, фақат у келгандагина кириладиган мўъжазгина уйимизда кутиб ўтиради. Мен эса имиллаб, холалар билан лақиллашиб, кейин гўёки ишга кетаётган бўлиб жўнайман. Бетоқат кутиб ўтирган Адашнинг олдида. Йўл-йўлакай баъзида ўйлаб қоламан: эркак бўла туриб у бу қадар хаёни қардан олган у? Ўзининг шаъни, гап-сўз бўлмаслигига нега шу қадар жиддий қарайди? Аммо, ўйлаб қарасам, Адаш ўзини эмас, мени ҳимоя қиляпти, номусимни, оримни... Шунинг учун орадан ўтган бир неча йиллик яширин муносабатларимизга нукта қўйиш учун, ҳар сафар ҳеч бўлмаса бирор мулллага бориб, никоҳ ўқитишни истаб келди. Мана бунга кўндим ҳам деганимда эса... Унинг нигоҳларида совуқ ғолибликни кўрдим, ва ишонасанми, бундан хурсанд ҳам бўлдим. Мен шайдолик не эканлигини биламан. Адашнинг шу мараз туйғудан қутулганидан хурсандман.

Ҳа, нега куласан, Шерзод? Бобонг турли эскича илмлар беравериб, миянгни тўлдириб ташлаган, биламан, аммо мендай бечора учун бу никоҳ сендан, сенинг хаёлингдан қутулишнинг ягона давосидир, эҳтимол. Майли, бу шифо номи Адаш бўлса-да... Ва асло ўзимни пасткашлик қиляпман деб ҳисобламайман ҳам. Чунки бу ҳаёт шундай экан: кимгадир ишқ керак, кимгадир ором, яна биров эса азоб, фақат азобни танларкан. Худди сен каби. Хотиржам, сокин, босик, билинмас, кўринмас, оғритмас азоби билангина ором, хотиржамлик топаркан...

Ахир сени севиб қолганимдан буён, ўх-хў, кўз ўнгимдан нелар ўтмади, бошимга

нелар тушмади, йўлимда кимлар шерик бўлмади, кимлар чоҳ қазиди, кимлар шох ташлаб, мени у ўралардан чиқариб олди ва уларнинг ҳаммаси ўша – йўлдош, қондош, дўст, душман, ҳамся, ҳамғоя, кадрдон ва ё ракиблигича неча турланиб, шахмат тахтасидаги бир пиёдаанинг шохни маҳв этар даражадаги жаҳди билан устимга бостириб ҳам келдилар, тожимни улоктириб, ўзимни сазойи этганлар ҳам неча. Аммо битта мен шуни бошдан ўтказдимми? Ҳамма ҳам ҳаётида ўз никоблари, ўз хаёллари, ўз қарашлари ва тириклигидан излаётган маъноларини ўзгартиради, бир кун эмас бир кун албатта ўзгаради!

Шунга кўра менинг ҳам неча турланганим, эшилганимни, бир семириб, бир озганим, бир йиғлаб, бир кулганим, бир ахлат титкилаб, бир дунёнинг дуру жавахирларини ахлатга иткитиб яшаганларим, о, ва бунинг бари, ҳатто аллақачон кимлардир ўлиб, кимлардир ҳамон тирик юрганига қарамай, фақат бир нарса ўзгармай қолди – ФАҚАТ БИР НАРСА! Қачонки сен ҳақингда бир мужда эшитиб қолсан, қотдим, овозинг келган томон борки, хайрийдим, яна қотдим, кўзларим кўриб қолган чоғ яна ҳайқалга айландим. Бундай пайтда гарчи ҳар доимгидан кўра хушёр, ҳар доимгидан кўра зукко, ҳар доимгидан кўра аниқ ва равшан, ҳеч нарсага чалғимаган кўринсам-да, аммо аслида ичим, жисимда шовуллаб ирмоқлар оқиб, ўша Сен аталмиш дарё томон интила бошлаганлигича қолди, қолаверди.

Мен бир умр бу дарёга узоқлардан, яқинлардан кўз ташлаб, унинг живир-живиридан кўзим қамашиб, қорачикларим – кўзёшларимни бўкқунча ютаётган қорачикларим ахйири бу ашқ сувларини ўзига сиғдирибмай ёрилиб кетар даражага етса ҳам ўша дарёга термилиб ўтирдим, ўтиравердим, яшадим, яшайвердим ва нима дейсан, нега энди айнан энди омонат дунёмни ларзага солиб, “Дарё бўлиб кел”, деганингда, “Бағримга кел, чўкмайсан, кўркма, чўксанг ҳам, сузиб кетсанг ҳам, бор бўлсанг-да, баликларга ем бўлсанг ҳам, менинг эдингми, менинг бўл энди, ахир кўр эмасман, тош эмасман, вужудинг оташи ловуллаб юзимга урилганча, қизил шафак рангига кираринггни сезмас даражада кесак эмасман, ҳаммасини, ҳатто ҳар тола кипригининг қайбири зорлик, қайсиси шодлик, бири ғусса, бири бебахтлик, бири хушнудлиги, бошқаси телбалик, бири шиддат, бири ўлик сокинлик каби титрашларини, барини, англамаган, билмаган бўлсам, ўлай агар... Кўркма”, деганингда, “Мен борман, ёнингданман, бас, йўк, чўксанг ҳам менинг, ўзимнинг бағримга чўкасан-ку”, деганингда ҳам нега бу дарёга оёқ ботирмоққа кўрқдим? Нега? Мен оёқ чайган дарёлардан бири бўлишингни истамадимми, ё чуқурлигиндан чўчидим?

Аслида эса шунчаки ўрганиб, кўникиб қолибман фақат борлигингга шуқр қилиб яшашга... Магарки йўк бўлиб кетган тақдирингда ҳам сени бирровга, курсоғимдаги бир томчи сув пайтиданоқ, қоронғида, ичкарида, дунёда куёш борлигидан беҳабару, аммо парча ёруғлик бўлиб, ёнарқурт каби титрабгина турган шаффоф сирим – бағримдаги фарзандимни ўша ишқим каби асраб келаётганимга ишониб яшайман ва имоним қомил сени, уни, ўзимни ҳам дарёлар тошқини, оловлар ўти, ўрмонлару чакалак тиконлари ва саҳролар жазирамаси-ю тоғларнинг ҳайбатли чўкки-ю тошларидан омон-омон олиб ўтиб, келар жойим, манзилим маконим барибир худди шу ер – қалбинг бўлади!”

* * *

Адаш ташқарида эканлигини тушуниб етганда, қаршисидаги, тонг ғира-ширасида секин-аста ёришиб келаётган, охири қоронғи, кимсасиз, икки қаватли эскича русумда “хрушёвка” деб аталган домлару, уларнинг атрофидаги ҳар ким кўлдан келганча ўзбошимчалик билан қуриб ташлаган пасту баланд деворлар, кимсасиз ва ғариб чойхоналар, ҳали очилиб улгурмаган дўкончалари билан хўмрайиб турган кўчанинг йўлакчалари ва асфальтида унда-бунда учиб юрган қора

целофан халталар, сигарет ва турли емакларнинг ялтироқ кадоқ қоғозларининг энгил эпкиндан билинар-билинмас, бир-бир шиқирлаб қўяётганини демаса, атрофдан бошқа сас-садо чикмас, бу ернинг баланд-баланд мевасиз дарахтлари эса уйкудаги муйсафид каби барглари оғир, худди оғир “уф” тортган каби шитирлатиб қўйишарди, холос. Аммо нимаси биландир таниш ва жуда кадрдон эди бу кўча. Ана нарироқда машинаси ҳам турибди. Қачон етиб келдйкин бу ерга? Довондан туша бошлаганига тахминича ярим соатдан ошган бўлиши керак эди-ку, ахир. Соатга қарамоқчи бўлиб, ёнини пайпаслаб, телефонини ахтарди. Йўқ. Машинада қолдирган, чоғи.

Қасрдандир димоғига настарин иси урилганда, бутун вужуди яйраб, хавони тўйиб-тўйиб симирди. Ифорнинг қай томондан келаётганини англаш учун атрофга олазarak қараркан, кўзи ўзи ҳозиргина чиқиб келган подъезд эшиги тепасидаги, ёришиб келаётган тонг ёруғлигидан қизариб, хиралаша бошлаган чироқ тагида, бир пайтлар уйнинг бетон деворига ўйиб ёзилгани учун ҳамон сақланиб қолган ёзувга тушди: “Улица Сиренева-9”. Ҳа, бу ёғиниям эслади. Болалигида бу уйларнинг чордоқларида роса каптар овлашарди. Каптарларнинг бошларини шу ернинг ўзида узиб ташлаб, ҳали ҳовури кўтарилмаган бўлиққина таналарини майкалари ичига тикиб, олиб кетишар ва канал бўйида маза қилиб кабоб қилиб ейишарди.

Димоғида яна настарин гулларининг ўша таниш ифорини туйгандек бўлди. Ҳа, бу кўча бошидан то охирига қадар настарин гулли дарахтларидан сиёҳранглиги билан ҳам сирли ва тотли эди. Мўйлаблари эндигина сабза ура бошлаган пайтлари эса шу кўчадаги уйларнинг қай деразаларига термилиб, “Ви-вишт, Таня”, “Ви-вийт, Оксанка!” деб хуштақлар чалиб, кизларни чақирардилар.

Аммо ҳозир фақат сахарлари салқин ёз бўлгани учун апрелнинг Таня-ю Оксанка дугоналари бўлган настаринлардан асар ҳам қолмаган, фақат айрим уйлар олдида яккам-дуккам барглари ям-яшил қариган, қартайган настарин дарахтлари ё сақланган ёки йўқ... Пастки қаватдаги уйларнинг деразалари ланг очик. Одамлар ухлаб ётибди. Улар билишмайдик, ҳозир Адашнинг кўз олдида Ердан сиёҳранг ховур кўтарилаяпти... Оромбахш ховур....

Айтганча, Моҳиранинг аҳволи нима бўлдикин? Эртагаёқ касалхонага бориб хабарлашиши керак. Бир йўлини қилиб, унинг бу уйдан кўчиб кетиши кераклигини тушунтира билармикин? Унга нима дейди?


Аммо бу саволларига жавоб ўрнига Адашнинг кўз ўнгида Моҳира қизнинг покиза ва гўзал чехраси пайдо бўлди-ю, ич-ичдан ҳали сира туймаган ғалати ва буткул бегона бир титрокни сезд.

“Боя мени фақат у кўра олди”, ўйлади манунлик билан. “Ёнида эканлигимни, ёрдамлашмоқчи бўлганимни билди!” баттар севинди яна. Сўнг шошганча машинаси томон бораркан, бу тунда кўзлари кўзига тушиши билан қорачикларида ловуллаб қора лолалар очилган, пажмурда аҳволида ҳам ўрнидан бир тўлғониб, туришга ҳаракат қилган қизнинг ҳолатини эсларкан, янада уқпар каби энгиллашаётганини сезд. Аммо машинасига ўтиргачгина уни қаерга, қайси томонга ҳайдаши кераклигини билмаслигини тушунди. Гўё қаршисида ястаниб кимсасиз, узундан-узун оддий бир таниш кўча эмас, номаълум улкан бўшлиқ ётган каби...

2015 йил, ноябрь. Тошкент

Нарвон

Муноқаша



Нортўхта ҚИЛИЧ

*Мана, мен – халқ ёзувчиси – маҳкумман.
Бижилламанг! Сиз ҳам маҳкумсиз, огожон.*

Шукур ХОЛМИРЗА

*– Нага бунча мақтанаверасизлар? – деди унга Фома, тик ўқрайиб.
– Доносизлар, кўп балони биласизлар. Айт-чи, нима учун яшаялсан?
Нима, сен ўлмайсанми-ё?.. Ҳаёт учун нима қилгансан ўзи?*

Максим ГОРЬКИЙ

Ўйласам, – кўз юмиб, ўз-ўзим билан умақалашсам, – во ажаб! – бари тушда кечгандай. Рост-да, одамнинг ҳеч ишонгиси келмайди-ку, лекин, ҳамма-хаммаси... Уф-ф!.. Ахир, биз эзгуликка, фақат ва фақат эзгуликка шайланганлар эмасмидик?.. Тавба, нима, энди буёғи, ўтди умрим во даригми?

Муноқашамнинг асли номи “Устоз” эди. Ёзилган йилиёк, сиёҳи қуримай, маълум бир қисми, – менинг истак-хоҳишимга қарши, – “Аъло кайфият”да берилган; лекин, ҳур фиқуру одил мулоҳазалар беаёв тақиққа учраётган маламажир давр эмасмиди, орадан бирор икки-уч кун ўтиб-ўтмай, журнал сотувдан йиғиб-териб олиниб, гумдон қилинган эди. Кейинчалик, ўйлай-ўйлай, қайта сайқаллаётганимда фикрим ўзгарди: Шукур ака, атрофларини куршаган ёш-яланг қаламкашларнигина эмас, ҳатто, бўйи баравар жилд-жилд китоб ёзганларни ҳам: – Балтун! – дер эдилар. Ўзлари ҳали талабалик чоғларида китобларини нашр қилдирган эмасмилар, аллақачон ёши ўттиздан ўтиб, капалак қанотидай китобчаларини чиқарган ҳавойиларни эса: – Пиижжон! – деб атардилар.

Мутлақ ишонч билан баралла бундай демоқ учун, албагта, зиёли қаламкаш ўзининг ҳақлигига минг қарра ишонмоғи керак. Не ажабки, телба, бешафқат замонамиз ҳар қачонгидан ҳам кўра бугун Шукур Холмирзанинг ҳақликларини очик-ойдин исботламоқда

Ўша кунларда – бундан ўттиз йиллар аввал – буюк адабиёт куйинчаги Валентин Распутиндан ўқиганим – ибратангиз бир ҳикмат ҳам, бот-бот ёдимга тушаверади: “Биз биламизки, санъат қонуллари шафқатсиздир. Онгли ёки онгсиз равишда қилинган ҳар қандай баддий сохталик, бир чеккада тинчгина ҳаёт кечириш учун давр ва жамиятнинг муҳим масалаларидан ўзини четга

Нортўхта ҚИЛИЧ – 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетида ўқиган. Ёзувчининг “Оппоқ тонг”, “Ёронгул”, “Муъжиза”, “Чигирик”, “SOS – илтижо”, “Байрам”, “Ойдин тонгдай намозиом”, “Бахт куши”, “Икки олам аро”, “Тантана” номли муноқаша, қиссалар ва ҳикоялар китоблари нашр қилинган. “Тухмат” романининг муаллифи.

олиш – унвону мавкейдан қатъи назар, мутлак унутилиш билан жазоланади”.

... х а й р и я т!.. Мана, исботи: улуг устозимиз – машхур “Улугбек хазинаси”ю қатор донгил романларнинг жафокаш муаллифи Одил Ёқубов, ўта мураккаб, ўта зиддиятли шароитни ўзимизнинг жирканч манқурту муртадлар қуршовида бошидан кечирган азиз домламиз Озод Шарафиддинов билан қилган хос суҳбатлари чоғида таъкидлаган эканларки: “Озод, мен сизга айтсам, барча ёзганларимни тарозунинг бир палласига, шўролар салтанатининг қонхўр қиличидан чак-чак қон томаётган қалтис кунларида адолат минбаридан туриб, халқимиз, миллатимизнинг аянчли қисмати ҳақида дунё аҳлига руй-рост айтган арзу додимни тарозунинг иккинчи палласига қўяман”. Ана, сизга аччиқ ҳ а қ и қ а т. Ана, сизу бизга ўлмас и б р а т!.. Ўйласангиз, ҳушингиз бошингиздан учиб кетади: биз англаб-англаёлмаган ҳақиқатларнинг бари бугун бирин-бирин чўпчакка айланаяпти-ку! Хўш, қани ўша ўзларини арбоб тарашлаган б а л т у нларнинг жилд-жилд китоблари?! Эсиз... эсизгина умрлар-а!..

Нафақат ўзимизда, балки, қўшни қардош мамлакатларда, ҳатто, олис ўлкаларда яширин нашр қилинган сара асарларни бетоқат истаб-излаб, бир амаллаб тополганимиздан сўнг, суюна-суюна, қўлма-қўл ўқиганларимизни эсласам, беихтиёр Шукур ақанинг бундан қарийб ўн беш йиллар аввал кўкси аламларга тўлиб ёзган “АДАБИЁТ ЎЛАДИМИ” номли мақоласи ёдимга тушади. Назаримда, бугун ёшу қари ёзувчини ҳам, оташин адабиёт мухлисларини ҳам беқарор, беҳаловат ўйлагаётган мазкур мақола куни кечагина ёзилгандек!..

* * *

Ўттиз йилдан кўпроқ, – ў т т и з йил мана ман деган бир йиғитнинг умри-я! – Шукур ака билан ҳамсуҳбат, ҳаммаслак бўлолдим. Адабиётимизнинг ШУКУР ХОЛМИРЗАдай фидойиси билан-а!.. Бугун ҳаммамиз ёппасига лаънатлаётган шўро ҳукмронлиги йилларида мустақилликни кўмсаб, адолатни кўмсаб ёзганларим ўша кунларда нашр қилина бошлаган янги бир журнал юзини кўролмаганида ҳам, – қуйида номи қайд қилинаётган роман туфайли мен у пайтда “Шарқ юлдузи”дан с у р и л и б кетган эдим... Во ажаб, менинг устимдан м а к к о р о н а қулган – ўзларини шўроларнинг содиқ фидойилари деб билган ў ш а муртадлар, бугун мендан – ҳақсўзнинг гадосидан-а!.. – мустақиллигимизни тиш-тирноқлари билан ҳимоя қилаяптилар-эй!.. – кўнглим чўкмаган – мана, муборак Мустақилликни кўриш насиб этди-ку!.. Ёзувчи Мамадали Маҳмуднинг ҳар қандай зулмга, ҳар қандай истибдодга қарши ёзган “ЎЛМАС ҚОЯЛАР” романига муҳаррирлик қилаётганимда, – ҳеч муболагасиз ўз даврида миллатимиз учун машхур “ОНА”нинг хизматини бажаролган роман изма-из журнал саҳифаларида эълон қилинганидан сўнг, олис вилоятлардан таҳририятга оқиб келган ўзимизнинг журналхон йиғитлардан ташқари, қардош Туркманистону Қозоғистон, Қирғизистону Тоҷикистонлардан ҳақсўзга ташна, курашчан биродарларимизнинг гурас-гурас ёғилиб-ётирилиб келганликлари ҳам ҳали-ҳамон ёдимда, – эрта бир кун ному нишонсиз й ў қ бўлиб кетарим ёки даврадош-замондошларим орасида б е г о н а бўлиб қоларим эҳтимоли ҳам мустақилликка бўлган ихтиёру эътиқодимни жиловлабмаган: ахир, қатта адабиётимизнинг б и р ф и д о й и с и – у с т о з и м - к у, деб ўйлаганман ва шунга ишонганман.

* * *

Бир куни, иш тугашидан сал аввал, Учқун Назаров, қўлтиқларида ихчамгина битта папка, хиёл ширакайф, хонамизга кириб келдилар. Ҳаммамиз баравар ўрнимиздан турдик.

... о, Учқун Назаров-а – машхур ёзувчи, машхур режисёр, устознинг жонажон улфатлари-я!..

Ўша кунларда Учқун аканинг кўп қисмли “Қўқон воқеаси” фильми Иттифок телевидениеси орқали бутун СССРда намоён этилаётган эди. Кинонинг навбатдаги қисмларидан бирини томоша қилаётиб, Андропов Рашидовга, – ул зоти шарифинг охиратлари обод бўлсин! – кўнғирок қилибди: “Шароф Рашидович, “Қўқон воқеаси” фильмининг ижодкорларини, шахсан режисёрини менинг номимдан табриклар қўйинг!..”

... ҳазилакам гапми, кимсан – Салтанат Султонининг ўзи-я! Ляънати “ўзбеклар иши” жараёнининг ташаббускори, охир-оқибат Шароф Рашидовнинг кушандаси Андропов-а!..

Ҳамон ёдимизда, бунақа олий мақом эътирофу эҳтиром мамлакат зиёлиларининг давра-давраларида шов-шув бўлаётган кунлар эди.

Бир-бир биз билан Учқун ака қўлучи кўришиб, навбат улфатларига етганида:

– Шукуржон!.. – дедилар.

Шукур ака:

– Назаров!.. – деб сўрашдилар.

Кейин, урунганрок бир оромкурсига Учқун ака ўтираётиб, менга яхши таниш бўзранг папкани, – унинг ичида мен қайтарган сценарийлари ҳамда сценарийнинг қайтариллиши сабаблари битилган жавоб хатим борлигини тахмин қилиб, боя кириб келаётганларидаёқ, юрагим шув этган эди! – столга қўйгач:

– Қиличев деганлари ким ўзи?! – дедилар.

Мен ўрнимдан турмай:

– Ман, – дедим.

Бамайлихотир Учқун ака оёқларига қалқиб, элан-қаран папкани очдилар-да, жавоб хатини шошилмай, намоёншкорона гижимлаганларидан сўнг:

– Ёзган жавобингизни ўзингиз пишириб енг! – деб менга отдилар. – Ҳаётингизда сценарий ўқиганмисиз ўзи?!

Аллақачон ирғиб ўрнимдан туриб – Учқун ака пахлавонлардай-ку! – ҳар гал улфатлари ҳақида бирор-бир кизик ҳангомани сўйлаётганларида, Шукур ака: “Биласиз-ку, Учқун аканинг калласи қатта эмасми?” деб гап бошлардилар. Шунгами, янаям даҳшатлироғига шайланиб, ўртага чиққан эдим:

– Йўқ, – дедим. – Ўқимаганман.

– Вот да-а-а!.. – деб Учқун ака мен томонга хотиржам бир қадам юрдилар. – Та-а-ак!..

Шартга Зоҳир Аълам орага тушиб, “Учқун ака”, деб гап бошлаган эдилар, Учқун ака қўл силтаб:

– Зоҳир!.. – дедилар. – Сиз аралашманг!.. Менга вотти-воттиламанг. Тушундингизми?

Секин бурилиб, Зоҳир ака хонадан чиқиб кетдилар.

Қонли томоша кўрсатишга чоғланган ёввойи гладиаторлардай ўртада иккаламиз юзма-юз колдик.

Ана ўшанда бирдан Шукур ака ўрниларидан туриб:

– Назаров! – дедилар кескин оҳангда. – Мен айтганман, қайтаринг, деб. Биз сценарий босмаймиз. Ясно?!.

Ялт Шукур акага қарагим келганлиги айни тобда ҳам эсимда. Лекин... с е з д и р и б қўйишим мумкинлигини ўйлаб, қараёлмаганман.

Учқун ака эса, чиппа-чин ишониб:

– Шундайми? – дедилар.

– Шундай! – дедилар Шукур ака.

Дабдурустдан ёввошланиб, Учқун ака ортларига қайтдилар-да, тагин папкани бояғидай қўлтиққа қисганларидан сўнг:

– Шукуржон, бу ёққа юринг, – дедилар.

– Қаёққа?

– Пастга тушамиз.

Олдинма-кейин икки улфат хонадан чиққанларидан сўнг, ҳамхонамиз Турсун

ака, – устознинг курсдошлари, шоирлик даъвосидан йироқ шоир Турсун Иброҳим, – илоё охиратлари обод бўлсин! – аллатовур кафтларини бир-бирига ишкалаб, – *ё пирай!* – ғалати жилмайган кўйи:

– Парво килманг, Нортўхта, – дедилар.

Ростиси, бу гапдан менинг энсам қотди. Зоҳир Аъламга – *ҳеч қачон гурурини заҳа едирмаган жижзаки й и г и т г а* – эса кўксим куйишмоқда эди. Лекин сездиргим келмади.

– Яхши бўлди – пастда буфет бор-ку!..

У замонларда Ёзувчилар уюшмаси пойтахтнинг энг марказида, шаҳарнинг марказий хиёбони рўпарасидаги обод ва кўркем бинода; салкам ярим миллион нухада нашр қилиниб, қўлма-қўл ўқилаётган “ШАРҚ ЮЛДУЗИ” эса мазкур бионинг иккинчи қаватида; биринчи қаватнинг пастида ёзувчиларнинг чойу шаробга сероб, шинамгина гаштакхонаси ҳам бўлар эди. Бугун буни бировга айтсангиз, ишонмай, мани жинни, деб ўйлаяпти шекилли, деган хаёлларга боришяман тайин.

... *ана холос, “Шарқ юлдузи” – қарийб ярим миллион – 500000 – нухада-я?!*

* * *

Баъзан, беихтиёр ўйлашиб қоларкансиз: дунёсининг ишлари бандаси учун нуқул пушаймонлару сабоқлардан иборатмикан-а?..

Ўн йиллардан кўпроққа чўзилган аламли узилишлардан сўнг, – *ҳар ким қилса ўзига-да!* – яна қайтадан юрак ҳовучлаб, оппоқ қоғозга бетма-бет бўлаётган кунларимнинг бирида, бозор куни, – хотиним ҳамда невараларим билан бирга чала-ярим битган боғ-ҳовлимизда эдик, – пешин маҳалидан сал эртароқ Шукур акам – боғ маҳаллада қўшим – чақиртириб қолдилар. Ўзбек: “Устоз – отангдан улуг”, деб бошлаб айтиб қўйган бўлса-да, хушлар-хушламас, – *ахир, не бир азобларда қайтадан етганим* – қоғозу қаламимни қизгангим келаверади: буларнинг бари югурик, ўзгир в а қ т билан, ўлчакли у м р билан боғлиқ экан-ку! – ҳовлидан чиқиб, Шукур акага рўпара бўлдим: ажинлари янаям қуюклашиб, юз-кўзлари беихтиёр одамнинг юрагини жунжиктиргудай сўлғинланипти. Аллазамонлар – чорак асрлар аввал – Шукур аканинг айтган бир гаплари ёдимга тушди: боғда сайр қилиб юрган гўзалларни кўриб, Шайх Саъдий ҳазратлари, таажжуб аралаш сўнгсиз бир алам билан: “Шугиналар ҳам сўлийдиларми-а?!” деб ёзган эканлар.

... *мана, ў з и м и з ҳам, Шукур ака!..*

Кўллашаётганимизда, айни кунларнинг полвон йигитчаларидек, Шукур ака бош тўкиштирдилар. Шунақа, меҳрлари ийиб кетганида, одамни яхши кўриб қоладиган одатлари бор; агар акси бўлса, кўзингизга тик қараб, – *феъллари-да!* – йўқ, мен сизга кўлимни узатмайман, мен сизни ёмон кўраман, деб рўй-рост айтаверишлариям тайин эди.

Ҳол-аҳвол сўрашганимиздан сўнг, Шукур акани ҳовлига бошлаб кирмоқчи бўлдим.

– Йўқ, кирмаймиз, – деб Шукур ака кўкрак чўнтақларидан пулларини чиқариб кўрсатдилар. – Ёнимда бир ярим минг пулим бор. Қозоқларнинг минг сўмлик ароғидан олиб келишимиз керак. Машинани кўшинг!

...*гапни қаранг: м а ш и н а н и қ ў ш и н г!.. Чунки ҳақлари бор-да. Устоз ахир!..*

Қозоқларнинг арзон, ишончли, – *ҳамон ўзимизнинг арзон-гаров ароқларга ишонини маҳол!* – ароғини сотадиغان дўкон Арғинда – салкам уч ярим-тўрт чақирим нарида. Бошқа биров бўлганида, суюкли эрмагимни кўзим киймай, дангал: “Машинада бензин йўқ”, деб қўя қолармидим.

...*ахир, капитализм деганлари – ҳеч бир эзгуликни тан олмайдиган, барисини бепарво, беаёв топтайверадиган, ҳатто, ота – ўғилни, ўғил – отани танимайдиган ҳисоб-китоб дегани экан-ку!.. Лекин, Шукур ака-я!..*

Шартта машинани йўлга шайладим.

Шукур ака ёнимга – олдинги ўриндикқа ўтирдилар.

Секин машинани гизиллагаётиб:

– Шукур ака, корин қалай? – дедим.

– Баъзан оғриб туради.

Шукур аканинг беозор, малолсиз жавобларини эшитиб, негадир, жухудчасига гап қилгим келди:

– Оғриси – ичманг-да!

– Нима, мен сизга алкашманми?!.

... *тўғри, Шукур ака – ароқхўр эмасла. Ҳеч ким, ҳеч қачон маст-алас юрганларини кўрмаган. Кайфият одами-да!*

– Арак ичакларни буриштириб, кон кетишини сал камайтиради.

– Даволамайди-да!

Менинг тўнг гашимга жавобан Шукур ака:

– Правитилиствиннийси бизга тўғри келмас экан, – дедилар, гўё 2x2 – 4, деяётгандай беозор оҳангда давом этиб. – Даволанишни чала ташаб, қочвордим. Ҳалиям бахтимга кизим бор экан. Қизим яхши. Қизим жудаям меҳрибон!..

Шукур акадай сўзга хассос ёзувчининг, Шукур акадай меҳрини кўз-кўз қилавермайдиган отанинг бу қадар миннатдор эътирофларини кўнглимда бир иликлик, бир миннатдорлик билан ўйладим...

Шўронинг гўл даврларида, Шўронинг ҳисобидан Масковларда, Ленинградда малака ошираётган кунларимнинг бирида, Эрмитажда ажаб бир расмни кўрганлигим беихтиёр ёдимга тушди: з и н д о н! Қоп-коронғи... Юқоридан бир қатим нур ёғилаётган чеккада, юзлари, – хаяжонданми, кўрқувданми? – лоларанг, дуркунгина, оппоққина қалпоқчасининг боғичларини энгагининг остидан маҳкам тангиган бир жувон, тийрак кўзларида сўнгсиз бир хавотиру адоқсиз бир меҳрисорлик билан, соч-соқоллари ўсиб кетган, беҳол... бемажол бир чолнинг бошини бағрига босиб, чақалоғини эмизаётган онадай эмизмоқда!.. Расмни анганг томоша қилаётиб, ростиси, ёмон бир даҳшатга тушганман ўшанда.

... *ё тавба, гулдай гўзал жувон-а?!. Ўлимтик чолни-я?!.*

Кейин, ғирт ленинградликларга хос хуштакаллуф изоҳатчи аёлдан сўраб-суриштириб билганманки, жувоннинг сутга тўла, бикки маммасини боладай эмаётган чол – о т а, тамомила ўзлигини унугаёзгандай бир хавотир, сўнгсиз бир меҳр билан чолнинг пахмоқ сочларини силаб, чолни боласидай эмизаётган жувон – отанинг қ и з и!.. О т а, ўлимга ҳуқум қилинган!.. Лекин, қ и з зиндонбон билан келишиб, ҳар куни бир маҳал зиндонга ўғринча-тушгану, муқаррар ўлимдан отасини асраб қолиш учун, эмизиб юрган. Ахийри бундан салтанат Султони хабар топиб: “Шундай қизи бор ота, албатта, яшаши керак-да!..” деб, чолни зиндонбандликдан озод қилган экан.

– Қизим дори пулидан қарашиб туради, – дедилар Шукур ака, янаям меҳрчан оҳангда. – Яхши!.. Аямайди.

Ёду хотиримда мангу муҳрланиб қолган фарзанднинг отага жонфидалигининг ёрқин тимсоли бўлиши ўшал гўзал манзарани яна бир қарра кўз-ўнгимда ёрқин тасаввур этганимча, хаёлчан кулиб:

– Нима, қизингиз мафиёми? – дедим. – Шу кунларда арзимас бир ҳақдорининг пули фалон минг. Иниститут домласида пул нима қилсин!

– Ҳа-а, ўлманг-а! – деб, кўзларидан ёш чиққудай аллатовур ғалати хаҳолаб қуддлар Шукур ака. – Шундай дейишингизни билувдим... Мана, мен – халқ ёзувчиси – ҳаммасини кўриб-билиб турган бўлсам ҳам, чурқ этолмайман. Маҳқумман!.. – Шу гапни айтаётиб, дўқ-дўқ кўкракларига нуқидилар. Бунақа қизишанларини ҳеч қачон кўрмаганлигимни ўйлаб, нимадир демолчи бўлган эдим, гапиргани кўймадилар. – Бижилламанг! Сиз ҳам маҳқумсиз, оғожон...

Ҳатто, илонни ҳам пўст ташлатар даражада хаво иссиқ эди. Қилт этган шабада йўқ. Дарахтларнинг барглари ҳам, шохлари ҳам саратон жазирамасидан шалпайган.

– “Нимадир бўлди”нгизнинг ёки “Олис юлдузлар остида”нинг оҳангига жуда гўзал бир ҳикоя ёзсангиз бўларкан, Шукур ака, – дедим қарийб қирк йиллар олдин ёзган ҳикояларини эслаб. – Ёзинг шуни!

– Сиз ёзинг.

Манзилга яқинлашиб қолган эдик.

– Ўзингиз ёзишингиз керак, – дедим машинани йўл чеккасида тўхтатаётиб. – Ажойиб ҳикоя чиқади, Шукур ака!..

Устоз индамай, машинадан тушдилар.

Аллақачон кайфиятим тонгги туман янглиг пароканда бўлган эди.

Ўриндик суянчиғига энсамни босиб, кўзларимни юмдим. Маза!.. Кўккис, Саъдулланинг ҳам ҳайрат, ҳам ҳавас аралаш қилган ажаб бир خانгомаси ёдимга тушди: машхур “Улуғбек” телеспектаклининг режисёри Тожибой иккаласи Учкун акани кўргани борганларида, Учкун ака шукроналик билан: “Чаён йили” китобимнинг таржимаси шу кунларда бизга жуда асқотаяпти. Уйларимизни таъмирлатиб, ана, гулдай безатволдик”, дебдилар. Биласизларми, немисларда яхши экан-эй!.. Уларда бир юзу қирк мингта яқин китоб дўкони бор эмиш. Тасаввур қилинг-а, бир юзу қирк мингта!

... одамнинг тасаввурига сизмайди-е, 140000 та!..

“...Немисларнинг ноширлари билан дўкандорлари жуда ҳамжиҳатликда ҳамкорлик қилар эканлар. Уларнинг ҳамкорлиги шарофатидан, мана, ҳалиям қаламҳаким узлуксиз келиб турибди!..”

... албатта-да, ҳар қандай ўзбек ёзувчисининг бунга ҳаваси келса арзийди: аҳолиси саксон миллионлик мамлакатда қарийб 140000 та китоб дўкони! Немислар бало: санъатда, адабиётда дунёвий мактаб яратган миллат! Нима десангиз денги, улуг миллат, улуг халқ!.. Улар нимани ўқिशни, қанақа китобни таржима қилишни яхши биладилар. – Уларнинг шайдои китобхонликларига, бу қадар китоб савдосини гуллатаётганликларига ажабтовур ҳавас билан ҳайратланаётганим ҳамоно, иккинчи жаҳон урушида немисларнинг тамомила барбод бўлганликларини, лекин, шунга қарамай, ўзларининг хурфиқрликлари ҳамда ҳар қандай бедодликларга ҳар жиҳатдан муросасизликлари, ўта тadbиркорликлари шарофати билан XXI асрнинг энг илғор мамлакатларидан бири бўлиб олганликларига қойил қолаётганим, баробарида, негадир, ўзимизда бирин-бирин китоб дўконлари-ю, кутубхоналарнинг палапартитиш гумдон қилинаётганлигини, тобора китоб савдоси шилқиллаб қолаётганлигини, мушакилликнинг илк йилларида ўзини олим тарашиган бир муттахам арбобчанинг бошчилигида мамлакатимизда олтинчи миллион – 60000000 – нусха китобнинг, – дунё тарихида тўртинчи маротаба: биринчиси – Чингизхон даврида, иккинчиси – араблар босқини кезларида, учинчиси – фашист Гитлернинг ҳукмронлиги йилларида ва ниҳоят, бизнинг мушакиллигимиз тантаналари кунларида асл китобларнинг ёқиб юборилганлиги етмаганидек, адабиётимизнинг кўзгуси бўлмиш “Шарқ юлдузи” дай журналимиз шу кунларда аранг бир ярим-икки минг нусханинг нари-берисида нашр қилинаётганлигини, бирор-бир асари журналда эълон қилинган муаллифга эса қаламҳаки ўрнида атиги биттагина, –ўлаа, денг! – журнал берилаётганлигини юрагим сиқилиб ўйладим. – Нега... нима учун бизда бундай? Ахир, қуни кечагина эди-ку, китобларимизнинг 60000 нусхада нашр қилиниб, бирпасда сотилгани-ю, қўйни-қўнжимизнинг тўлгани!.. – Гарчи ўша замонларда биздаги қаламҳаки даражаси Овруро даражасидан анча пастилини ўша кунларда Габриэль Гарсиа Маркес, – азизгина руҳи поки ў з и н и н г а р и ш у аълосида беармон яйрасин! – салтанатнинг Бош котиби билан қилган долзарб бир суҳбати чоғида қаттиқ таъна остига олган бўлса-да, бугун ўзимча нималарнидир бир-биринга такқослаб, ниманидир билгим, нималарнингдир моҳиятини англагим келади. Лекин минг ваҳки, бехуда!.. Бечоралигимдан ўртаниб, ўз-ўзимга юпанч истаيمان. Ва, излаган топмай қолмас, деганларидек, беихтиёр қачонлардир Александр Дюмадан ўқиганларим – кутлуг сатрлар, бирин-бирин кўз ўнгимдан бир тасаллидай ўта бошлайди: ба х т х а м, ба д ба х т л и к х а м н и с б и й д и р, б ў т а л о қ л а р и м!.. К у т м о қ в а у м и д к и л м о қ к е р а к. – Бандасининг шундан ўзга чораси йўқ шекилли. Шундай, сабри қул етар муродга!..

Айни чоғда эса, бундан чорак асрлар аввал “Шарқ юлдузи”да Учкун ака билан

учрашганимиз ва hozirgina эшитганларим ҳамда Саъдулла Аҳмаднинг хайрату хавасларга тўла ҳангомаси ёрқин бир сабоғу ечилмас бир жумбок янглиғ хаёлимда айкаш-уйқаш чарх ураверади.

* * *

Шукур ака чин гапнинг, ҳақсўзнинг гадоси эдилар. Ҳақсўз устозимиз Одил ака айтганларидек, ҳамиша ҳақиқатлари бўғзиларида эди. “Фалончи менинг шогирдим ёки Фалон оксокол менинг устозим”, деганларини эшитмаганман. Бирок ўша замонларда, – ўтган асрнинг саксонинчи йилларидаёқ, – ҳаммамиз учун бирдай эъзозли домламит АСҚАД МУХТОР, – *илоё, гўру лаҳадлари илоҳий нурлар ила мунаввару нурафшон бўлсин!* – ҳақларида кизғин гап кетганида, беихтиёр Шукур ака лабларини ғалати жуфтлаб, кўзларида теран бир ўйчанлик билан, жим қолганликларини кўп бора кўрганман, кузатганман... Лекин, – *ўшанда жудаям Шукур акани ҳақ деб билмаганлигим учунми, у ёғини эслагим келмаяпти, лекин... барибир, ҳеч унутолмасам керак!* – уюшманинг қатта машваратхонасида ўтган гавжум бир йиғинда ҳали домламит Асқад Мухторнинг бўёғи қуриб улгурмаган бир киссаларини ҳам, аттанг, аямаганлар.

Шунака, ҳамиша адабиёт бобида эътиқодларида собит эдилар.

Асқад Мухтор домламит эса нафақат санъаткор ёзувчи, барча даврлар учун азиз ва забардаст шоир, шунинг баробарида, оксокол сифатида ҳам бекиёс эдилар.

Ҳамон ўша йиғин, ўша ҳолатлар ҳозиргидай ёдимда: ана, домла хайъатда, давранинг тўрида ўтирибдилар. Шундай м у б о р а к кунларида бунақасини кутмаганмилар, юзларида маъюсликка мойил майин бир кулимсиш, кўзларида сокин бир хайрат!..

Шукур ака минбардалар. Кенг машваратхона узра овозлари момақалдиروقдай гумбурламоқда... Шунака, ўзларининг ҳақликларига ишонганликлари боис, ҳамиша дадил, ҳамиша кескин гапирганлар.

Ўшанда не бир надоматли фикрлар кўнглимдан кечгани ҳам хануз ёдимда.

...ахир, ҳали-ҳозирча ҳаммабон ҳақиқат яратилмаган-ку, Шукур ака! Ҳар бир шеърини бир китобга татиғулик шоирни-я! “ЧИНОР”дай гўзал романнинг муаллифини-я!.. Ҳай, аттанг!.. Ҳай-ў!..

Ҳайтовур, орадан уч-тўрт кун ўтиб-ўтмай, эрта оқшом маҳалидан сал аввалроқ, Ёзувчилар боғида, ховуз бўйидаги хиёбонда ҳар иккала азизимизни оға-инилардай ёнма-ён, хушҳол гурунглашиб юрганликларини кўриб, суюнганман.

* * *

Агар қисмат бизни учраштираганида, эҳтимол, бир қаламкаш сифатида шаклланолмасмидим.

“Хоразм ҳақиқати” да ишлаб юрган кезларимда, кайним оркали “Шарк юлдузи” журналига – Шукур акага – иккита ҳикоямни бериб юборган эдим. Орадан ойлар ўтса ҳамки, жавоб бўлмади.

Ўша кунларда жуда беқарор, жуда дилтанг эдим: икки йилми... уч йилча аввал ўнга яқин ҳикоямни бир муқовага жамлаб, расмона китоблардагидай муқова устига гулчинор ҳарфлар билан “Кунлар учаяпти” деб ёзиб, Шукур акага ўзим топширган эдим.

Қизик, негадир, хануз у ҳикоялар ҳақида ҳам бирор бир жавоб йўқ эди.

... лоақал биттасиямми?!.

Айни ёз кунларидан бирида, эрталаб чоғи, Бош муҳаррир чакиртирди.

Эшикни очиб, хонанинг ўртасида Шукур Холмирзаевни, тағин, – бири руснамо, бири ўзбек, – икки кишини кўрдиму, хайратданми, бир зум тарадудланиб қолдим. Шукур ака бетоқат чимирилиб:

– Ҳа, танимадингизми?! – дедилар.

– Э, сизни танимай бўларканми, Шукур ака?!

Шодон кўришиб-сўрашганимиздан сўнг, Шукур ака ҳамсафарларини таништирдилар: ғўлабирдай йигит – ёзувчи Зоҳир Аълам; У кишининг отларини эшитишим билан, жуда бошқача ёзилган “Бахтли билет”ларини ўқиганлигимни эслаб, севинч аралаш янаям сичкиковрок қарадим... Иккинчи киши эса “Молодая гвардия” нашриётининг таржима таҳририяти мудири Шмилёв экан: узун бўйли, сочлари Маяковскийчасига икки ёнига ёйилган, негадир, юзларининг рангги хиёл буғдойрангрок эди.

– Эркин ака, биз Нортўхтажанин “Шарқ юлдузи” да ишлашга таклиф қилгани келганмиз! – дедилар Шукур ака дабдурустан. – Нортўхтажанин икки ҳикояси журналда чикаяпти. Ана, Зоҳиржан кўриб туширганлар.

Ногаҳон қўшалоқ хушхабардан қувониб, маҳкам Шукур акани бағримга босгим келган ўшанда.

...ахир, қувонмай бўларканми – бир эмас, бирдан иккитаси-я!.. Кейин, “Шарқ юлдузи”дай журналда ишлаш!.. Китобларини энтिका-энтика ўқиганим – Шукур Холмирзадай ёзувчи билан ёнма-ён ишлаш!..

Менга, ишониб-ишонқирамай қараётган каби ажабтовур тушуниксиз кўз югуртирганларидан сўнг, Эркин Самандаров:

– Яхши, – дедилар. – Дим яхши!..

Шукур аканин шарофатлари туфайли, ўшанда Зоҳир ака билан эскитдан кадрдонлардай бўлиб қолганмиз.

Ўша кеча, Шукур ака билан Шмилёвнинг Ғарбу Шарқ ҳақидаги мурасис мунозаралари тобора кескинлашавергач, тун аламаҳалда, Зоҳир аканин хоҳишларига кўра, иккаламиз ҳовлига чиқдик.

Ана, тўлин ой ҳаммаёкни мўл-кўл ойдин нурларига чулғанган. Осмон эса ҳар қачонгидан ҳам серюлдуз. Хур-хур шабада эсмоқда. Ахён-ахёнда тун чирлидокларининг нағмаси қулоққа майин чалинади.

Тамомила нураёзган, лекин ҳали-ҳамон ҳайбатли, ҳали-хамон дилларга ажаб бир ҳайрат солаётган, устидан от-арава юргили Хиванинг Дипонкальясидевори томонга гангур-гунгур яқинлашаётганимизда, Зоҳир Аълам:

– Холмирзаевнинг сизни журналга таклиф қилаётганлиги қанчалик ҳазил, қанчалик чин – билолмайман; лекин бу имкониятдан сиз фойдаланиб қолишингиз керак, Қиличев! – дедилар, сокин, шунинг баробари, катъий оҳангда. – “Шарқ юлдузи”га ишга кирмоқчи бўлаётганлар – китоблари чиқиб, танилиб қолганлар – тикилиб ётибди.

...ахир, бошпанга масаласи муаммо-ку! – Жиндайгина ичилган эди, кайф ҳам учиб кетди. – Бола-чақа билан ижарада яшаиш... Даҳшат!... Даҳшат-э!!

Қадимий Хиванин олис ўтмиши ҳамон чак-чак қон томаётган тирик бир тарих эканлигини ўйчан таъкидлаб, Зоҳир Аълам:

– Хоразм – улуғ юрт, – дедилар. – Агар бирор йирик тарихий асар ёзмақчи бўлсангиз, Хоразмда яшасангиз арзийди. Арзийди!.. – деб бошларини ирғадилар. – Масалан, Беруний ҳақида ёзишингиз мумкин. Кейинги пайтларда еврейлар Абу Райҳон Берунийга ёпишвотти. У л а р Берунийни килариники қилишмоқчи!..

Менин жавобимни кутмай, Зоҳир ака: – Ёки Жалолиддин Мангуберди ҳақида роман ёзишингиз мумкин, – дедилар, тепага келган тўлин ой шуъласидан янаям кўзлари чакнаб. – Мангуберди ҳақида ўқигансиз-а?

Не бахтки, ўша кунларда Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги муборак китоби бир тасодиф шарофати билан менга насиб қилган; – академик ЗИЁ БУНЁДОВнинг – *илоё, ул зоти шарифнинг охиратлари обод бўлсин!* – таржимасида нашр этилган; бутун СССР бўйлаб тарқалган уч минг китобнинг биттаси!.. – ажаб бир ҳаяжонлар билан ўқиган эдим.

Лекин яна бир муддат Зоҳир аканин кўзларига жим қараб қолдим.

...тўғри айтаятдилар: Хоразмда кечаётган кунларимнинг ҳам эрта бир кун сўроғи бор, истоғи бор!.. Мангуберди ҳақида а с а р ё з и ш?! Ота биру она бошқа ака-укалари кхулוגига симоб куймоқчи бўлган жафокаш Биродар, инжиқ Туркон Хотуннинг меҳридан бенасіб Невара – А л а м з а д а Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш!.. Отасининг тўзғиб кетган суворийларини, навкарларини тўллаб, Чингизхоннинг катта-кичик кўшинларига бир юзу ўн тўрт марта қарши жангга кириб, тенгсиз жанглarning бир юзу ўн бир мартабасида голиб чиққан шавкатли С а р к а р д а Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш!.. Ҳар борада иззатини сақлаётган онасининг талаби билан, онажонисисини, хотинини, ўғлини, ҳарамини Амударёнинг асов тўлқинлари бағрига отган жафокаш Ў з и л, кўз очиб кўрган жуфти ҳалолдан ночор-ношлож айрилганлигидан юраги шиллинган Эр, тожу тахтининг ворисидан айро тушган Бадбахт О т а – Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш!.. Жасур фарзанд кўриш иштиёқида жанггоҳларда изидан гурас-гурас оташин гўзаллар изгизган Ж ў м а р д Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш!.. Қайсар Гуржистон султонларини беш бора тиз чўктириб, беш бора қора байроғини ўптурган С о ҳ и б қ и р о н Султон Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш!.. Ёлғизлигидан ўртаниб: “Мадат ёлғиз Оллоҳдандир!” деб нола чеккан Буюк Б е ч о р а Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзиш!.. – Бир-бир шуларни ўйлаётиб, негадир, айна лаҳзалардаги каби беихтиёр кўзларим жимирлаб кетган эди ўшанда ҳам. – Ооо, бунинг учун Ёзувчи камида Султон Жалолиддин Мангубердининг ўзидай Довюрак, ўзидай Бечора ҳамда турфа таъвишлару гуссалардан мутлақ холи бўлмоғи керак. Ва, бундай муқаддас в а з и ф а г а тамомила ўзини фидо қилмоғи зарур. Фидоийлик эса миждовликни кўтармайди. Йўқ, асло!..

Менинг маҳзун жимлигимни Зоҳир ака ўзларича тушуниб:

– Физика қонунларидан яхши биласиз: барча жисмлар, барча илғор кучлар м а р к а з г а интилади, – дедилар сокин ва айна пайтда мадатбахш оҳангда давом этиб. – Албатта с и з Марказга кўчишингиз керак, Қиличев!..

* * *

Нихоят, юрак ҳовучлаб, ўша йили Марказга кўчдим. Шафқатсиз шаҳарда – осмон йироғу ер каттик! – гангиб-гангираб қолганларимда, бир муддат Эркинникида, – ўзи тўрт хонаю, лекин, унинг бепоён уйи кўпинча гавжум бўп кетарди: Усмон... Хайриддин... Ҳуриш... устига-устак, бойсулик далли-гулли оиналари!.. Холи пайтларимизда эса, тун аламаҳалларгача, баъзан тонготаргача ҳар бир сўз, ҳар бир жумла учун эжигийрон баҳслашардик. Ўшандай серзавқ тунларнинг бирида, “Ойдин тонгдай намозиом” ҳикоямни Хайриддин, негадир, дабдурустан: “Тонгдай ойдин намозиом” қилиб ўзгартирамиз”, деб, туриб олгани ҳозиргидай ёдимда. Эркин ҳам унинг фикрини маъқуллаб: “Ёш ақл зўр-де, барибир!” деган. Мен эсам: “Ўзи яхши-ку!” деб, қайсарлигим тутиб, кўнмаганман. Лекин, кейинчалик китоба муҳаррирлик қилаётганида, барибир, Хайриддин ўзи хоҳлаганидай мутлақо бир бошқада номга ўзгартириб юборган эди. Гоҳо, ҳалиям ўйлиниб қоламан: нима учун “О й д и н н тонгдай...” эмасу, “Т о н гда й ойдин...” бўлиши керак? Ахир, ҳамма тонглар ҳам бирдай ойдин бўлавермаслигини, б ў л м а с л и г и н и мана, кўраямиз-ку!..Энди эслаганда, беихтиёр энтиктиргувчи ойдин тонгдай. У тунлар, назаримда, гаройиб бир эртак – ҳар сўзнинг жаранги-ю ҳар жумланинг сеҳру жозибаси учун мурасасиз қизишиб қайгураётган сўз эжинилари шу кунларда ҳам бормикан-а?.. – кейинчалик, аллаканча вақт Зоҳир аканикида бошпана топганман. Зоҳир акамнинг, – охиратлари обод бўлсин илоё?! – менга ажратилган сокин, шинамгина кутубхоналарида эса бир-бирдан асл китоблар кўп эди. Кант дейсизми, Гиппократ дейсизми, Гумилёв дейсизми – баридан бор эди. Ҳатто, аёл зотини жинни қилгувчи Апулейнинг “Олтин эшак”и ҳам!..

Ўша йили “Юзма-юз” хикоям “Шарк юлдузи” да, “Ойдин тонгдай намозшом” эса “Шарк юлдузи” кутобхонаси” туркумидаги китоблардан бирида нашр қилинди. Кўнглимда иқроман: ҳар иккала хикоям ҳам, ундан кейинроқ ёзилган “Қушлар учиб кетдилар”, “Ёронгул” ҳам Шукур Холмирза хикоячилиги мактабининг меваси. Тагин мен шунисига ҳам аминманки, Шукур аканинг “Кулган билан кулдирган”, “Биз кеч қолиб юрамиз”, “Кекса ғижжакчи”, “Қайтиш”, “Тикан орасидги одам”, “Аҳад Мирзо йиғлади”, “От эгаси”, “Фарзанд”, “Кўк денгиз”, “Кечаги кун кеча” каби бир неча ўнлаб хикоялари ҳамда “Тоғларга қор тушди” дай ажабтовур эссе-ю очерклари дунё адабиётининг энг сара, энг нодир асарларидан беҳроқ, улардан-да гўзалроқ!.. Мен қайд этган хикояларнинг бари Шукур ака, бир интервьюларида ўзлари орзу қилгану, лекин ёзолмаган “жаҳоний асарлар”нинг ёрқин намунаси дир. Беҳазил!..

Бироқ, не аламки, ҳамон бизнинг адабиётимиз ўзининг заковатли, фидойи Белинскийларига, Добролюбовларига; лоақал, ўткинчи даврларнинг телба шамолларида тебранмас Лихачёвларига жуда муштоқ!..

Ушбу армонли сатрларни ёзаётганимда, беихтиёр Асқад Мухтор домламининг олма чўқийган куртхўр қузғун ҳақидаги даҳоёна шеърлари хаёлимдан кечаверди... На чора, у л а р г а ҳам, бизнинг саргардон авлодга ҳам насиб қилгани шу бўлди. Шунгами, ҳеч қачон ўзимиздаги ховлиқма шотирларнинг тақризларига кўнглимда мужмал, нимтатир бир ҳисдан бошқасини туймаганман, – *кўзимга чалиниб қолганда ҳам, нарво қилгим келмаган; ўзи, аслини суриштирсангиз, ўтмишида валломатиям ё шеърга, ё хикояга тиш уриб кўрганлигини билиб оласиз. Ва, беихтиёр аччиқ бир ҳақиқат ёдингизга тушади: о с о н э р м а с, б у м а й д о н и ч р а т у р м о қ!..* Лекин ёлгон бўлмасин, адабиётга, қозоғу қаламга меҳр қўя бошлаган ўқувчилик йилларимдан кейин, – *руслардан ҳамда русчада ўқиганларимни ҳисобга олмаганда!* – ҳаётимда икки марта маза қилганман: *биринчи мартаба, – ҳали студент эмас эдим. Рост, ё тўққизинчи, ё ўнинчида ўқийётган эдим, – “Синчалак” китобчасининг орқасида берилган Озод аканинг, – илоё гўри лаҳадлари тоабод илоҳий нурларга гарқоб бўлсин!* – “Синчалак” ҳақидаги тадқиқотларини, – тақриз эмас эди у! – иккинчи марта, – *ўтган асрнинг олтимишинчи йилларининг охишлоқлари-да бўлса керак, – “Гулистон” журналида яна Озод аканинг “Дарёдил шоир”ларини, – ҳеч тақриз дегим келмайди. Биз билган тақриزلардан ёдда қолаётган нимадир топши – хомхаёл-ку!* – ўқиб, кўнглимда қувончбахши бир қаноат-қониқишини ҳис қилганман. Шу... *Бор-йўғи шугина!..* – биламанки, хамиша сўз замиридаги ишора, хамиша жумла моҳиятига омухта фикр олибқочар шотирларнинг назар-эътиборларидан четда қолаверади ва асосан аввалдан ўқувчига маълум, муаллифга эса чандон аён ҳақиқат эринмай, ҳафсала билан, ўзларига маъқул макомда аччиқ сақичдай чайна-лаверади.

Майли, курук гап – кулоқка ёкмас, биргина мисол: Асқад Мухтор домламин ўзаро гурунг чоғида Саъдулла Аҳмаднинг ҳавасакка ёзган “Бир хикоят тарихи” номли ихчамгина тадқиқотига муносабатларини билдириб:

– Казо-казо олимлар “Чинор” ҳақида туркум-туркум мақолалар, китоблар ёздилар, – деган эканлар, одағларича, майингина кулиб. – Лекин каранг, уларнинг биттасининг ҳам сиз англаган ҳақиқатга фаҳми етмаган-а!..

... шунақа.

Ана энди ўзингиз ўш а туркум-туркум мақолаларга, ҳар бири синиқ-сарсиқ гиштдай-ғиштдай китобларга баҳо бераверинг.

Бир гал, гавжум даврада бир-биримиздан ўтказиб, Василий Шукшинни, – *илоё, руҳи поки даргоҳи Олийда яйрасин!* – кўкларга кўтаравердик.

Ана ўшанда Шукур ака, мутлақ хотиржамлик ва катъий ишонч билан: “У н и н г ёзганларини мен чап аяғим билан ёзиб ташайман”, деган эдилар.

Шундай. Бунга менинг шубҳам йўқ.

... й... ў... қ!..

Мабода сиз – инжиқтаёб мухлис, фикримга қўшилолмасангиз, марҳамат, ушбу сатрлар ёзилаётган кундан салкам чорак аср аввал Шукур аканинг шунчаки қўлучи, шошилич, бир нафасда битган, ҳатто, кейинчалик муҳаррир ҳам калам уришга ботинолмаган, лекин одатдагидай фавқулудда чиройли “Тоғларга қор тушди” очеркларини бир ўқиб кўринг-а!..

Ҳамон мазкур очеркнинг нақадар долзарблигини, ўшандай асарлар яна кў-ў-ўп йиллардан кейин ҳам паришон, пароканда оломонга *жудаям-жудаям зарурлигини*, ижодкорнинг нақадар дардкашлигини, дилкашлигини ва ниҳоят, ёзувчининг санъаткорлик даражаси на қадар юксаклигини англаб етасиз.

Агар ўшанда, – етмишинчи йилларнинг ўрталарида, – Шмилёвми, Швилёми деганлари баҳсу мунозараларда Шукур Холмирзага ютказганлигига тан бериб, – *ахир, нафақат дунёвий тиббиёт, алжабр, фалакиёт, геодезияю география...нинг ҳам тамал тошини қўйган, ҳатто, оватини яширишини билмаган Оврүпосига иштон кийшини ўргатган ҳам ўзимизнинг Шарқ экан-ку!* – жухудлигига бормай, ўжар Шукур Холмирзанинг шартларига қўниб, Шартномани қабул қилганида, ўша йиллардаёқ Шукур Холмирза рус тили оркали дунё китобхонларининг суюкли ёзувчиларидан бирига айланган бўлар эдилар.

Ниҳоят, аини мавриди келганлиги боис, энди кўнглим амрига бўйсуниб, аллақачонлар ўзим англаб етган яна бир ҳақиқатни таъкидламоқчиман: жаҳон адабиётининг машхур сўз санъаткорларидан бири Акутугава Рюносэнинг япон адабиётига қилган бебаҳо хизматини эҳтиром билан эслаб, қайд этиш ўринлики, олдимиздан жўшиб оқиб ўтган Шукур Холмирзанинг ўзбек адабиётига қилган хизматлари беқиёс ва ранг-барангдир.

* * *

Мен биринчи марта Шукур ака билан “Гулистон” журналининг тахририятида учрашганман.

Олтмишинчи йилларнинг охиррокларида бўлса керак, “Гулистон” журнали янгитдан чиқа бошлаган ва ўша йиллардаёқ буюк давлат ва жамоат арбоби Иброҳим Раҳимнинг Бош муҳаррирлигида бирин-бирин “Темур тузуклари”, “Доғистоним” журнал саҳифаларида эълон қилиниб, ажаб бир ҳаяжонлар, аллатовур ҳадиклар билан, қўлма-қўл ўқиладиган эди.

Ўша замонларда “Гулистон” журнали Марказнинг энг мухташам, энг кўркам иморатларидан бири – хозирги Адлия вазирлиги жойлашган бинода эди.

Муслмон бандаси илк маротаба муқаддас Кабага авайлаб кадам босаётганидек, – *мен ушбу сирли ҳолатни Ёзувчилар уюшмасига САРВАР АЗИМОВ, – илоё, охиратлари обод бўлсин!* – Раислик қилаётган йилларида, *ҳар гал муборак биномизга қираётганимда ҳис этганман. Ва, миллатимизнинг, маданиятимизнинг шундай улуг бир арбоби, катта адабиётимизнинг шундай бир буюк куйинчаги раҳбарлик қилаётган Ёзувчилар ташилотининг аъзоси эканлигимдан фахрланганман!.. Ўша йилларда ёзувчилар боғининг нақадар обод қилинганлигини, ёзувчиларга атаб янгича бичимда қўша-қўша иморатлар қурилганлигини бир эслайлик-а!..* – беадат бир ҳаяжон билан иккинчи қаватга кўтарилдим.

Кенг, ёруғ, баланд хонада икки киши ўтирган экан. Уларнинг бири Шукур Холмирзасев: газеталарда, журналларда ҳикояларини *ҳавас* билан ўқиганман, расмларини кўрганман... Иккинчи кишини эса танимадим.

Асли серҳаяжонман, аллақачон дув кизарган бўлсам керак, салом-алиқдан сўнг, ҳаяжонимни сездирмай, бир ҳикоя ёзганлигимни айтдим.

Шукур ака ҳикоямнинг сарлавҳасини ўқидилару, ўша заҳоти кўлимга кайтардилар:

– Ана, Азиз акангизга топширинг. Агар Азиз акангиз маъқулласалар, мен кейин ўқиб кўраман.

Ажабландим.

... қизиқ-ку! У кишининг ёшлари ҳам анча улуг шекилли.

Азиз акани – шоир Азиз Абдуразоқни мен ўшанда таниганман. Ва йиллар давомида, – кўнглимда бир миннатдорлик билан, – кўриб-кузатиб билганманки, Азиз ака – жуда хушфёъл, ўта камсуқум, нозиктаъб латифағўй, ҳар қандай давволардан йироқ, лекин мен билган жуда кўп даъвогар шоирлардан чандон заковатли шоир.

Ҳали Азиз ака ўтирган стол томонга бирор икки қадам ҳам юрмаган эдимки, Шукур ака:

– Шашманг! – дедилар. – Нима учун ҳикоянгизни ундай атагансиз?

Умунан бунақа соволни кутмаганман, дабдурустан нима деяримни билолмай, бирпас гангиброк қолдим.

– Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда, “Қонга бўялган сурат” деб эмас, ё “Қон”, ёки “Сурат” деб атаган бўлардим. Майли, топшириб кетаверинг. Кейин гаплашармиз.

Ўшандан кейин биз кўп кўришдигу, лекин, негадир, то университетни тугатиб, “Қунлар учаяпти”ни кўлларига топшириш баҳонасида уйларида бир кеча меҳмон бўлганимга доғур сира гаплашишнинг мавриди келмади. Ўшанда адабиёт ҳақида, кўпроқ Сурхону Бухорою Хоразм тарихи ҳақида эрталабгача суҳбатлашганмиз. Ўша кеча Шукур акамнинг – ўтмиш тарихимиз билан доғунинг – ҳаяжонланиб айтган бир гаплари ҳамон қулоқларим остида жаранглаётгандек: “Қадимда кўхна Урганчдан чиққан мушук томма-том кезиб, Бухорога етган экан!..”

Эрта ёз кунлари пишқириб оқаётган кадрон бир анҳорнинг лойқа сувида узок яйраб чўмилгандай тонгга яқин кўзларимнинг ачишиб оғриганлиги, мана, шу тобда ҳам ёдимда. Билишимча, Шукур ака жуда камуйку ҳамда жуда қушуйку эдилар.

... ахир, қисқасина умрда шунча умрбоқий асар ёзишининг ўзи бўларканми?!

Йиллар давомида биз кўп кўришиб, кўп гурунглашган бўлсак ҳам, биринчи учрашувимиз чоғида Шукур аканинг енгил-елпи эътиборларими, эътирозларининг ўзи менга мўътабар бир мактабнинг хизматиани қилолган эди.

Маълумки, сарлавҳа – асарнинг оҳанрабоси, асар қулфи дилининг калити. Ҳар бир асар ўзича бир олам; ул оламнинг қуёши – сарлавҳаси. Асарларига сарлавҳа қўйишни эса устоз жуда боғлардилар: “Қулган билан қулдирган”, “Кечаги кун кеча”, “Биз кеч қолиб юрамиз”, “Тикан орасидаги одам”, “Ёсуман”, “Қайтиш”, “Олис юлдузлар остида”, “Бодом қишда гуллади”, “Тоғларга қор тушди”, “Сўнгги бекаг”... Ушбу сарлавҳаларнинг ҳар бирида нафақат асар қаҳрамони-ю асар руҳиятининг моҳиятини, балки, вақтгий замонида муаллиф дилида мавж урган теран туйғуларни ҳам ҳис этаётгандай бўласиз.

Ўша-ўша, бирор-бир янги машқимнинг сарлавҳасини аллақанча вақт хаёлан пишיתיб юрганлигимга қарамай, ниҳоят, юрак бетлаб ёзаётганимда, Шукур аканинг илк сабоқлари қулоқларим остида аниқ-тиниқ жаранглаётгандай туюлаверди: “Агар мен сизнинг ўрнингизда бўлганимда!..”

Дарвоқе, ўшанда орадан бирор ўн кунларни бетоқат ўтказиб, яна умид билан “Тулистон”га бордим.

Азиз аканинг бир ўзлари ўтирган эканлар. Аввал кўришган пайтимиздагидан ҳам майинроқ оҳангда:

– Ҳикоянгизни ўқиб чиқдим, – дедилар. – Билмай қолибсиз шекилли, тафталогия бўп кетибди!.. Иложи борича, битта сўзнинг бир жумлада бир марта ишлатган маъқул. Такрордан қочинг. Бунинг учун Абдулла Қаҳҳорни ўқиш керак. Кўпроқ ўқиш керак!..

Тамом!.. Фейлимни биламан-ку, қизариб-бўзариб кетган бўлсам керак, мик этмай, Азиз аканинг кўлларидан машқимни олганману, йўлақай, бошқатдан Абдулла

Қаххорни ўрганиб ўқишим зарурлигини ўйлаб, тўғри ижарахонамга қайтганман.

Лекин, – *барибир, чин гап яхши-да!* – тан олганим маъкул: эрта бир кун қаламқашлик қиларим ҳаёлимдан кечиб-кечмай, болаликдаги эртақпарастликдан сўнг, жону дилим билан китобхонликка берилиб, ўспирин кезларимда Абдулла Қаххорнинг, – ўша замонларнинг пулида ҳар бирини бир стакан семичканинг пулига олганим! – хаворанг уч жилдлигини ўқиётганимда, – *ер бориб чақмасин, Оқсоқол улугимизнинг арвоқлари кечирсин*, – менга у қадар ёқмаган: ўспиринлик инжиқлигимнинг сабаби шу эдики, хикояларининг ҳам, қиссаларининг ҳам, романларининг ҳам, ҳатто, Сталин номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган “Шоҳи сўзана”нинг ҳам қахрамонларини ҳарчанд ҳаёлан бўлса-да кўришни истамайин, кўролмаганман. Ҳатто, тасаввуримдагилари ҳам бир қадар хира... нурсиз... жозибсиз туюлган... “Каравот” деб номланган хикояларини ўқиганимдан кейин эса... Майли, у ёғини айтмай кўя қолай. Ўзбек – содда... самимий... лекин, битнинг кўзига бигиз тиккан бўлса тиккандир. Аммо, г ў л эмас-ку!.. Кейинчалик, касбим тақозосига кўра, Бухоро, Хоразм, Тошкан даладарини кезганларимда, бригадир аёллар, фирка котибалари, раисалар билан суҳбатлашаётим, “Синчалак”нинг қахрамонини эслатувчи бирор-бир аёлни кўриб қолармиканман, деб, *ж у д а* умид қилганман. Лекин, таассуфки, ички бир интиқлик билан, инжиқлик билан излаган қахрамонининг феълү атворини ҳамсуҳбат аёлларнинг ҳеч бирини илғайёлмаганман... Эҳтимол, бу – ёзувчининг сўзга ортиқча ҳасислигининг оқибатидир; Лекин, ҳар не бўлса ҳам, ў ш а л а р г а ўхшаш қахрамонларни лоқал тиниқ тасаввур қилолмаганингиздан кейин, албатта, ишонмайсиз-да!.. Агар... агар буларнинг бари *бошқа бир миллат кишиларининг ҳаётидан тўқилганида*, балки, ишонармидим... Ахир, ёзувчилик – кўнгил иши бўлганидек, китобхонлик ҳам кўнгил эрмаги экан-ку!.. Кейинроқ, ўша йиллари таржима қилинган гўзал бир романи ўқиётим, – *ё тавба!* – ҳеч кўзларимга ишонолмай, қайта-қайта ёкамни фикрлаб ушлаганларим ҳам ҳали-ҳануз ёдимда.

... *йўғ-э!.. Наҳотки?!*

Саксонинчи йилларнинг ўргаларида эса, мен, – “Қизил дафтар”ларимдан бирига, – шундай деб ёзган эканман: “*Кўлар Абдулла Қаххордан ҳикоя тўқилиши ўргандилар. Биз эса Шукур Холмирзадан ҳикояда ҳикоянинг сувратини чизишни ўргандик...*” Хуллас, ўшанда Азиз акага мик ётолмаган бўлсам-да, қайтадан ўзимни зўрлаб ўқишга кучим етмаган. Бирок, ўша-ўша, Азиз ақанинг беозор, майин оҳангда айтган ўғитлари қулоқларимда оғир халқадай, олтин исирғадай осилиб қолганлиги рост.

* * *

Ҳеч шубҳасиз, “СЎНГИ БЕКАТ” – романчилигимизнинг гўзал намуналаридан бири. Ёдимда: “Шарқ юлдузи”нинг роман босилаётган навбатдаги сонларини ҳамиша интизорлик билан кутганман. Ва, ҳар гал романнинг янги-янги бобларини қизгин бир ҳаяжон, аллатовур бир харислик билан бир ўтиришда, бир нафасда ўқиганман. Ва, ҳар гал жону дилимда ҳам аччиғу ҳам ширин тўйинмасликни, шунинг баробарида, аллатовур беадад бир интиқликни ҳам ҳис қилаверганман.

... *бунча?! Тугаб қолди-ку!..*

Не ажабки, романи тўла-тўқис ўқиб тугатганимдан кейин ҳам, аллазамонлар ҳалигидай ажабтовур и н т и к л и к д а н, и л х а қ л и к д а н қарахтдай юрганман: назаримда, асарнинг қасридадир б о м б а портлаши керак эди. Кейинчалик, иқроп бўлишим керак, ўша б о м б а бир неча бор – қайта-қайта кўксимда портлаган.

Англашимча, р о м б а деганимиз ана шу!..

Ҳар бир асар – ёзувчининг бир бутун мақсади. То хайрли мақсад-муддосига эришгунигача, ёзувчи жуда кў-ў-ўп туйғуларини, ҳатто... дунёсига меҳру муносабатини, – *шу ўринда Асқад Мухтор домламининг, керак бўлса ж о н и н и я м, деганларини ҳам эслайлик!..* – ўзи билиб-билмай қурбон қилиб юборади. Буларнинг барини Шукур акам романларида янаям теранлаштиришлари мумкин эди. Лекин

энг нозик усулни кўллаганлар: айтганинг – жез, айтмаганинг – олтин. Яъни, донога – ишора!..

Шундай: кўп йиллардан кейин Ясунари Кавабатанинг “Тоғлар ноласи” романини ўқиётганимда ҳам, ўкиб тугатганимдан кейин ҳам айнан ўша ҳолатни хис этганман... этаверганман.

Роман шундай бошланади: *Синго Огата сал чмирилди, хиёл огзи очилди – афтидан, у нимадир ҳақида ўйламоқда эди...*

Тасвирнинг тиниклигини, фикрнинг жозибадорлигини сезаяписми? Биргина *нимади рга* аҳамият беринг-а?.. То сўнгги нуқтасига довуր роман китобхоннинг дилу шуурини бнрдан забт этгувчи ана шу оҳангда давом этади. Ва, тобора ул оҳанг бамисоли гирдобга айланаверади-ю, ўз бағрига ўқувчини тортаверади... тортаверади. Бинобарин, романларида ҳам, хикояларида ҳам ўқувчини илҳақ килгувчи ишоралари учун, – *фақат моҳир стилистлиги учунгина эмас... Японларнинг тафаккур оламини, рангин руҳий дунёсини асарларида ўта нозиктаъблик билан талқин қилишдаги юксак ёзувчилик маҳорати учун!* – Ясунари Кавабата Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Хуллас, 2х2нинг 4 бўлишини исботлаш санъат асарининг эмас, биз жуда яхши биламизки, алжабрнинг вазифаси.

Буюк Жафоқаш, Буюк Сўз санъаткори Максим Горькийнинг таъбири билан айтганда, *Худомонанд* Лев Толстой ҳазратларининг “Кавказ асири”ни ўспирин чоғларимда ажабтовуր бир ҳаяжонлар билан ўқиётганимда, Жулунининг қисмати нима билан тугашини бетоқат ўйлайверганимданми, тунлари уйқуларимдан чўчиб уйғонганимдек, Шукур аканинг “Зов остида адашув” хикояларини йигитлик кезларимда ўқиётиб, тасвирнинг тиниклигидан ҳайратларга тушганлигимни ва ўшангача ҳеч қачон тоғда бўлмаганлигимга қарамай, бошим, пешонам, юзларимни куюк туман пардалари ялаб ўтаётгандек ҳамда совуқ тоғ ҳавосининг аллатовуր намчил салқинлигини жисмимда хис этаётган каби жунжукканларимни; “Олис юлдузлар остида”ни мутолаа қилаётиб эса, тун алламаҳал пайти, пастак том устида – олис юлдузлар остида – кечаётган суҳбат чоғида тоғ йигити аёлининг, – эри овда қолиб кетганига қарамай!.. – адашган бегоналарга қилган муслималарча меҳру оқибатидан айнан менинг ўзим ҳам баҳраманд бўлгандай мутаассирланганлигимни, мана, шу тобда ҳам ёрқин бир миннатдорлик билан эсаялганман.

... ёзувчининг зўрлиги шу-да!..

Демак, ҳеч иккиланмай, энди кўнглимдаги энг эзгу умидимни ошқор қила қолай: эрта бир кун насиб этса, ШУКУР ХОЛИМИРЗА, НЕЪМАТ АМИН, РАУФ ПАРАФИ, шунигдек асарларида мағрур оҳанглар зарғари ЗОҲИР АЪЛАМларнинг шарофатлари билан ҳали биз чандон ўзимиздан ўзиб кетамиз.

* * *

Шукур ака мени аяганмилар, ҳеч қачон бирор-бир машқмининг кемтигини айтмаганлар. Йўк!.. Лекин бир гал..

Тўғриси, ўша кунларда ҳар қачонгидан ҳам кўра чин гапга, чинакам ҳақиқий хулосага жуда илҳақ эдим мен.

“А ва С”да чиқаётган “Байрам” хикоямнинг карректурасини кўлимга олиб, кўрдимки, хикоянинг аввалида кўллаган бир усулимни газетанинг масъулларидан бири, – *Одил ака эмас. Одил ака – ҳамшиша ҳар қандай усулларимизни, изланишларимизни кўллайдиган дарёдил устозимиз-ку!* – олдириб ташабди. Жаҳлим чикди. Шартта у кишининг хузурларига кирдим: “Агар хикоянинг аввалидаги бағишлов берилмайдиган бўлса, хикоямни чиқармай кўя қолинглар. Керак эмас!” дедим.

У киши ўзларининг фикрларини тушунтиромқчи, тўғрироғи, тикиштиромқчи бўлдилар.

Мен:

– Йўк! – дедим. Кўнмадим.

Хулас, ҳикоям ўзим хоҳлаганимдай эълон қилинди.

Орадан бирор ўн беш кунлар ўтганидан кейин, ўзим яхши кўрадиган Акабойларимдан бири:

– Нортўхта, бағишловни яхши ўйлаб топган экансиз, – дедилар. – Назаримда, ҳикоянгизни бағишловингиз кўш қанотдай кўтариб турибди!..

Рости, бу гапни Акабойимдан эшитган заҳоти, ҳикоям чиқаётганида қилган қайсарлигимдан кўнглимда шод бўлганман: ҳарна, холис-да!.. Бироқ, ўша аснода, Акабойим кўнглимини чўктириб юборадиган бошқа бир гап қилдилар:

– Аслида, ҳикоянгизнинг ғози бирмунча сустроқми дейман-ов!..

... *ё тавба, шундай гўзал шоир-а!..*

Мана, орадан минг йиллар ўтганидан кейин, ҳозир – айни тобда – ўша ажойиб-ғаройиб даврларимизни, оташин бир кўмсов аралаш маҳзун ўйларканман, Элиас Конеттининг, – *ёзилганидан роса чорак асрлардан кўпроқ вақт ўтганидан сўнг, Нобель мукофоти билан тақдирланган*, – “Қаракиш” – “Ослипление” – романини ўқиб ниятида саксон саккиз марта кўлимга олиб, саксон саккиз маротабаям ўқиёлмай, юрагим безиллаб, қайта-қайта ғамгин қайфиятда жавонга қўйганларимни; жаҳон адабиётида қатта бир оқимни бошлаб берган машҳур “Уллис”ни бир неча бор ўқишга чоғланиб, ҳар гал ўқиёлмай тутаққанларимни эслаб, н и м а л а р н и д и р а н г л а г и м к е л а д и... Ва, шунинг баробарида, “Байрам” газетада эълон қилинган йили йиллик насрий асарлар ҳисоботи-йигинида, – *ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларигача ҳар йили янги ёзилган ижод намуналари янги йилнинг илк ойларида даҳолару ҳаваскорлар, ноширлару муҳлислар, олис қишлоқлардан ёпирилиб келган оташин китобхонлар иштирокида қизгин муҳокама қилинади-я!..* – Уюшманинг гавжум машваратхонасида бош нотик Шукур Холмирзанинг минбардан туриб, дадил, мардона оҳангда ҳукм янглиғ янграган хулосалари хали-ҳамон кулоқларим остида гумбурлаб таралаётгандай туюлаверади: “Нортўхтанинг “Байрам” ҳикояси одамзоднинг ёлғизлиги ҳақидаги гимндир!..”

... *шундай. Шундай экан: мен ёлғизман, овозим ёлғиз. Атрғулнинг қўллари синган!..*

Орадан бирор йилми, кўпроқми ўтганидан сўнг, айни ўша ҳикоям – “Байрам” номида бир китобимни нашр қилдирганман: 60000 нусхада!..

* * *

... Ниҳоят, кўнглимдаги д а ъ в о м г а яна қайтадиган бўлсак, гапнинг индаллоси шуки, Шукур ака мени ш о г и р д и м деб тан олганмидилар, олмаганмидилар – буниси менга ноаён. Лекин мен ифтихор билан, баралла айтгим келади: ШУКУР ХОЛМИРЗА менинг устозим.

P.S. Билаяпман, сезаяпман: уибу кемтик муноқашамга сўнги нуқтани қўёлмадим.

Муноқашамни ёзаётганлигимдан бир олим улфат, – *не аламки, д ў с т и м деёлмайман. Фаридодун ҳазратлари айтганларидек, ахир дўст кўринганларнинг бари, ана, таъмағир, бари, муртад, бари латтачайнар экан-ку!..* – хабардор эди. “Тутатдингизми?”, деди. Қийин кечаётганлигини айтдим. “Идеаллаштирманг-да”, деди.

...*о, қани эди, ёзувчи Шукур Холмирзанинг ёзувчилик маҳоратларини, эътиқодларига содиқ фидойи ёзувчиликларини идеаллаштирилсам?!. Ишончим қамилки, иллоҳ, адабиётимизнинг қиролларию султонлари ҳақидаги миннатдор битикларига келажак бахтиёр авлодлар ҳам сўнги нуқталарини қўёлмаслар, – ахир, улугларимизнинг м а н г у л и ҳ а ё т л а р и эндигина бошланди-ку!..*

27.12.08

ИЛОВА: ёдномага чор-ночор нуқта қўйганимдан сўнг, орадан анча вақт ўтди: бир-бирдан ғамгин, бир-бирдан аламли кунлар.

... кўнглим?.. Ҳали-ҳамон йлт этган бир қатим, бир қатимгина н у р г а шунақаям зорки... Ҳувиллайди-е!..

Баъзи-баъзида – ёзолмай қолганларимда, аллатовур тушуниксиз дилгаш паллаларимда “Қизил дафтар”ларимдан дуч келган бирисини варақлайдиган одагим бор.

Дафтаримни очишим билан, куйидаги кайдномага кўзим тушди.

15.03.2009 й.

Умр бўйи бир гапни, бир жумлани, бир с ў з н и истаб-излаб яшаётгандекман. Агар топсам... тополсам, ўша гапга, ўша жумлага, ўша ж о н с ў з г а жоним фидо.

* * *

Ахийри, бўлмади... Боғни айланмоқни хаёл қилиб, ҳовлига чиқдим.

* * *

Бир куни, Шукур аканинг катта маъракалари арафаларида, ногоҳ, ҳали-замон яна бир кадрдонимиздан ҳам айрилиб қоладигандек, – *хоразмлик айтадики, эшакдаги ўтадимми, тўшакдаги – Ўзига аён!*.. – Саъдулла иккаламиз Неъмат акамни кўргани борганлигимизни эсладим: кеч кузак кунлари эди. Чоғроқкина ҳовли. Ҳовлининг кенг-мўл саҳни боғ: тарвақайлаган анжирлар, олмалар, ишқомга тортилган узумлар... Анорлар эса, – *во ажаб!* – баланд-баланд хурмолар билан бўйлашган. Шохларида шигил-шигил мевалар: кизгимтир, сарғиш...

Бир маҳал, оёқларини бир-бир судраб босиб, Неъмат ака бизни кутиб олгани чиқдилар. Юзларида аллатовур майин, маъюс бир кулимсиш.

...*жилмайишлари ҳам одамнинг юрагини жимираб-творади-е!*.. Ахир, бир эмас, беш-олти бора мияларига қон қуйилган-а!.. Э, айтишига осон!.. Ўйлайдиган одамга қийин, кў-ў-ўн қийин экан. – Сўнгсиз бир аламми, нолами қорачикларида қорачақмоқдай чакнаётганлигини илғаб, багтар одамнинг кўкси гижимланади... Ниҳоят, дийдорлашмоқ завқиданми, кўзлари дувва тўкилишга шай аччиқ кўзёшларга ғарқоб. – *Яқин-яқинларгача не-не ажойиб давралару не бир кўнгишларни бетакрор “ҚАҲҚАҲА”лари билан файзиёб қилиб толмаган, ҳам беармон кулиб, ҳам беадат изтироблар ичра ёниб, жаҳоннинг машҳур сўз санъаткорлари Балзакдай, Максим Горькийдай, Айний домлардай ўлмас асрлар яратган, тоабад Аширчиғу Баширчиқдай қахрамонлари муборак номларини байроқ қилгувчи, бадиий бўёқларда ўзи бунёд этган Йокнапатофасининг рангин қисматини катталиги зугурт қутисидайгина қозоғга битишини орзу қилган Фолкнердек, ҳажман бири-биридан мўъжаз, бири-биридан гўзал ҳикояларида бутун бир миллатнинг, бутун бир даврнинг ёрқин қиёфасини ўта санъатқорона тасвирлаётган ўзбекнинг ардоқли ёзувчиси-я!.. Биргина “Юмшоқ пластинка” ёҳуд “Тузилган кун” ҳикояларини бир эсланг... Эсланг!.. Агар фавқуллода истеъдод эгаси шароитга мослашмоқни хаёл қилса... Йўқ... й ў қ, эртасини ўйлаётган ч и н и ёзувчи ўйинчилик қилолмас экан. Қилолмага ни шу-да, киши дегани бир эмас, уч эмас, беш мартаба ҳам фалаж дардига мубтало бўладими ахир?!.. – Ҳаёлларим алғов-далғов. Ғаддор чархи даврон эса шууримдами, идроким ортидами ногаҳоний дувалангдай чарх урмоқда – қўланса хидларню кўз очирмас чангу губорларига қоришиб!.. Ана, рўпарамизда қиёматли кадрдонимиз. Ҳаял-замон ўтиб-ўтмай, кучоклашиб кўришамиз. Ҳаммаси кечагидай ёдимда: биз – ношуди нобақор қаламкашлар, Озод ака... Неъмат ака... Ўтқир ака бошчилигида тоза, ч и н и адабиётнинг содиқ малайлари эдик. – Г ў ё!.. Беҳазил, ўша кунларда Неъмат ака барчамизнинг азизимиз... эрка оғамиз эдилар. Кун бўйи бирга юриб, биргаликда яйраб-яинаб ҳангомалашганларимиз камлик қилганидек, тун алламаҳалларда бир-биримиздан ўзиб, бир-биримиздан ўтказиб Неъмат акамизга*

азза-базза сим қоқиб, хайрли тун тиламасак, ишонаверинг, уйқумиз келмас эди... Сал кейшироқ, – балки, айни ўша кунлардадир, – мен янглишаётганимни, хато қилаётганимни англаб қолганман... Йўқ, тўғривоғи, барини бошимга фожеий с и н о в тушган кунларда – Дилишодимдан айрилганимда, дунёсининг ёлгончилигини, барибир, бандаларининг ожизу нотавонлигини, дунёси эса ҳе-е-еч нималигини, ҳатто, туф деган тупингизгада арзимаслигини англаётгандай бўлаверганман. Лекин... лекин, ҳеч ишонгим келмаган: й ў қ. Йўғ-э!.. Наҳотки?!.. Биласиз-ку, ўлмас шоиримиз таъкидлаганидек, ёшлик – з а н г о р ф а с л. Ёшлик, биров тугул, ҳатто, ўзини ҳам тигнамайди... Э воҳ, ҳеч қутилмаганда, даврамиздан улкан маддоҳлар, учқур муртадлар, ўзларининг нафси амморалари учун халқининг доду вовайлосига тупурадиган юҳолар, сотқинлар чиқа бошлаганидан кейин, мен биринчилардан бўлиб даврадан соямни ўчирганман. Мана, ушбу аламли, беаёв ўртағувчи сатрларни ёзаётганим, ўша кунлари Матбуот ва ахборот агентлигининг оламга машҳур биниси рўпарасида, – “Жаҳон адабиёти” журнали ўша бинода жойлашган; Озод домламиз эса журналнинг Бош муҳаррири эдилар, – ногаҳон учрашиб қолганимизда ардоқли Озод акамининг, – муборак жойи ростонлари абадул-абад мунаввару нурафшон бўлсин! – кўзлари ялт этди!.. Ўша лаҳзалардан бир қадар гинали овозлари, мана, айни чоғда ҳам қулоқларим остида жеранглаётгандек: “Э, Нортўхта, бормисиз?!..” Бу – Озод акамнинг менга айтган энг охириги гаплари эканлигини ў ш и а н д а мен билмаганман. Энди ўйлаганим сайин, кўксим куйишигандан-куйишаверади. Ва мен ўз-ўзимга: “Хай-й, Нортўхта-я!.. Хай-й, хом сут эмган банда-я!.. Хай!..” деб аччиқ-аччиқ маломатлар ёғдираман. Ахир, беайб Парвардигор экан-ку!.. Ана, ойда ҳам доғ бор... Айни аснода Озод акамининг кўксиларига олтин юлдузни тақабганларида айтган яна бир оловранг гаплари эса қулоқларимга бот-бот чалинаётгандек туюлаверади: “Холисаниллоҳ айтадиган бўлсак, мана шу Қаҳрамонлик нишони меники эмас, Одилники – Одил Ёқубовники бўлиши керак эди!..” Мен ким бўлман – у даврада мен йўқ эдим. Лекин, ушбу ҳақиқатни – мардона эътирофни эшитганимдан шодман. Жуда!.. Ахир, Озод акамиз ҳар қандай мақтовлардан ва ҳар қандай юксак нишонлардан юксакроқ мақомдаги аллома эдилар-а!.. Ҳа-я, гап асосан Неймат акамиз ҳақида эди-ку!.. У киши Маънавият марказига раислик қила бошлаганларидан кейин, орадан ҳеч қанча вақт кечиб-кечмай, миллий адабиётимизнинг буюк ҳажвиёт устаси Неймат Амин, – р а и с-к у!.. – яккалана бошлаган: нима эмиш, марказ масъулларининг баридан қатъий меҳнат интизомини талаб қилган. Биламизки, одалзот аввал-азалдан эрқу ихтиёрга ўч. Қаламкаш эса инчунин. Тартиб-интизом деганимиз – шалақ арава – кечги ақоид. Ана кейин, санми сан бизнинг эрқу ихтиёримизга тажовуз қиладиган ношукур, деб... Хуллас, ўша-ўша, Неймат акамиз уй бандиси. Айтишига осон, кун кеча кўз илгамас юксакликларда қарчигайдай эмин-эркин парвоз қилиб толмаган қадрдони-миза-а!.. Ёлғизлик – азоб. Яккалик – укубат. Яккалик дардига, ҳатто Ларрадай афсонавий қаҳрамон дош беролмагана-а!..

Ўзим не кўйлардаману, орамиз икки-уч кадамлар қолганда, юз-кўзларини янаям яқиндан кўраётганимданми, туйқис Гёте ҳазратларининг эчкитуёқ қаҳрамонлари шайтониланн Мефистофель тилидан қилган оташин арзу ноалари ёдимга тушди:

*Тангрим, оламингда иш жуда расво!
Шундай укубатда яшарки одам –
Раҳим келар унга ҳатто менинг ҳам.*

Ниҳоят, кучоклашдик. Мен каттикроқ... Неймат акам, қўлларини азот кўтаролмайдилар-ку, ахволи рухияларига кўра...

Мен ана ўшанда фалаж дардининг ҳам ўз хусусий хиди, ўз туси борлигини билганман.

Каранг-а, Неймат акамизни уринтириб қўйишимиз хаёлимизга ҳам келмай, узок

гурунглашдик.

Назира янгамиз, – *илоё ахиратлари обод бўлсин!* – жуда ширин бухороча палов билан бизни сийладилар.

Хийла узоқ гурунглашган бўлсак ҳам, лекин, худди аввалдан келишиб кўйгандек, ҳеч биримиз ноодил сиёсату омонат муносабатлар ҳақида, юзикаро ўй и н ч и л а р хусусида лом-мим демадик.

Энди эласам, ўшанда гоҳо хушхол, гоҳо хомуш кечган гурунг асноси Неъмат акамиз ёду хотиримизда муҳрланиб қолган бири-биридан муҳим иккита гап айтган эканлар. Ул икки гапнинг бириси Шукур ака ҳақларида эди. Ўша гап ҳали-хануз ёдимда: *эсиз Ш у к у р.* – Беихтиёр Неъмат ака аттангнамо бош чайқаб, бирпасда, бир нафасда уч бора ушбу калимани ажабтовур бир ғамгин оҳангда такрорладилар. – *Эсиз Шукур. Эсизгина Шукур-а!..*

Энди-энди ўйлаб карасам, Шукур ака ҳақларида бори ёзганларим, ҳатто, маълум андишаю истиҳолага кўра, кўнглимда қолиб кетганлари ҳам Неъмат акамдай забардаст ёзувчининг сансирашиб гаплашадиган ёзувчи дўстлари Шукур Холмирзанинг шаънилари ҳақида айтган мана шу биргина оташин эътирофларидами, ёки, яхшиси, таъкидларида, дейилгани маъқулроқ шекилли, аниқ-тиник мужассам экан: *э с и з г и н а-я!..*

Х У Л О С А: агар теранроқ ўйласангиз, ушбу аламли, муборак калом моҳиятида нафақат дардкаш, дилкаш устозимиз Шукур Холмирзанинг, балки, бетакрор шоиримиз Рауф Парфининг ҳам, буюк миллат куйинчаги Зоҳир Аъламининг ҳам, ўлмас ёзувчимиз Неъмат Аминнинг ўзларининг ҳам қисматларини бор бўйича аниқ-тиник тасаввур этаётганлигини муқаррар ҳис қиласиз.

13.05.09 й.

Р. С. XX асрнинг энг оташин, энг машҳур реалист ёзувчиларидан Жек Лондон уқтирганидек, фақат фавқуллодда кучли шахс – учқур отдаги ўзгир чавандозгина – жар ёқасига етаёзган давлатни парокандаликдан қутқара олади. Ишонаман, ҳадемай, беман ҳукм сураётган бари бемаъниликларга, бош-бошдоқликларга барҳам берилади. Берилиши керак: ахир, яқиндагина мамлакатимиз Президентини, – отасига раҳмат Каттаамизнинг! – қадрдон адабиётимизга тарихий бир Фармону яна бир Қарор ила меҳру муносабатини рўй-рост байроқ қилди-ку!

Буюк Чўлпон таъкидлаганидек, модомики адабиёт яшаса, миллат яшар экан, айни феълу аъмол нафақат адабиётимизнинг, балки, келажагимизнинг манфаати учун ҳам ташланган дадил, қутлуг қадамдир. Бундан фақат ёзувчигина эмас, айни чоғда бори ўзбек ҳам манфаатдорлигини, ҳам миннатдорлигини таъкидламоқ эса менинг қаламкашлик бурчимдир.

... хайрият: мана, бор экан-ку!..

14.07.2020 й.

Ғамгин новдаларга куз берар сабоқ



Ҳосият
РУСТАМОВА

Қарайман ташқарига деразам ойнасидан,
Кипригимга осилиб ҳалинчак учар жаҳон.
Ё, Худо, эрталабдан қандай улгурди экан,
Кир каби булутларни дорга ёйибди осмон.

Ҳавонинг бир четидан кушлар ўйнайди тортиб,
Шамол тоғларга чиқиб дўшпослайди қорларни.
Бир кушча ҳам бўлмай мен ўзимни йўқотиб,
Қолиб кетяпман ҳануз ортида деворларнинг.

Бир соатлар ўтди... Ва, тун уйғонди,
Тургандим юракни ҳовучлаб кафтда.
Қандай қарши олай шу бугун тонгни –
Менинг жон-жонимдан ўтар бу ҳафта.
Мен сени соғиниб кетдим юз фоиз,
Мен сени соғиндим, соғинчинг қадар.
Кўзимга ёш каби тўласан бугун,
Йиғлайман... оғирлик қилар ер усти.
Нечун айрилиқнинг узундан-узун –
Сояси бизларнинг йўлларга тушди.
Қўнғирок қиласан, дил тўла андух,
Соғинч, кўз ёшларинг билмайди сарҳад.
Эртага кайтасан
Бугунча, ҳеч йўқ –
Сенинг овозларинг меники факат.

Ҳосият РУСТАМОВА – 1971 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тамомлаган. “Осмондаги уй”, “Нажот”, “Ридо”, “Девор”, “Август”, “Ишғол”, “40:0” китоблари чоп этилган.

Шамолдайин учдим
Тоғу тош аро,
Йўлдан уролмади
Йўллар ярақлаб.
Оёғим остида ўйнади дунё –
Эргашди кўп пасту
Баланд дарахтлар.

Қушлар етолмайин
Ортига қайтди,
Ҳар гал кучоқ очиб
Кутиб олди кўк.
Оймома уялиб ўзини тортди,
О, қанча осмонга бағишладим кўрк.

Бу кеча на ёмғир,
Нада шамолман,
Дарахтлар ўтмоқда
Туртиб, югуриб.
Ҳеч йўқ деразадан
Қарайин десам,
Шамол пардасини
Кўяр тушуриб.

Мен шундай йўллардан
Йилларга ўтдим,
Бир куни бу аҳвол,
Бир кун бошқача.
Бу шоир дунёга ўрганиб кетдим,
Беғоналигимни айтмаса...

Гамгин новдаларга
Куз берар сабок,
Хазонли кунларим хазон каби мўл.
Театр...
Ортимдан эргашар чорбоғ –
Менинг юрагимда ўйнагани рўл.

Бўм-бўш ўринларда
Йиглаб қолар зал.
Қоп-қора енгига ёшини артиб.
Йиғлама, азизим, биз кейинги гал,
Соғиниб қаршингга келамиз қайтиб.

Мен безиб бўлганман
Ғариб кулгудан,
Сен эса, йиғлатиб оласан баҳра.
Қарагин, мана, мен – театрдаман,
Азизим, юрагим – энг катта саҳна!

Эрталабдан ўчиб ранг-кути,
Осмон гўё қилгандай гуноҳ.
Бор дардини ичига ютиб
Қон босими ошиб кетар гоҳ.
Турар ишга қўллари бормай,
Кўтаролмай эгилган бошни.
Ҳеч нарсани тушунтиролмай –
Жизғанаги чиқар куёшни.

* * *

Ўрнашиб оляпман.
Ҳар холда дунё –
Ноаник, қанақа қорилган лойим.
Қулайман қилт этган шамолга гўё,
Озгина омонат туюлар жойим.

Хамиртуруш каби бораман кўпчиб,
Тобора барг ёзиб, отаман палак.
Қўрқиб яшаётган одамдан чўчиб,
Ерга тегиб-тегмай учар капалак.

Жонини ҳовучлаб юрар кушлар ҳам,
Итга ҳам гумонлар қилади хуруж.
Менинг йиғлагимни келтириб онам,
Азондан турволиб тозалар гуруч,
Ўрнашиб оляпман...

* * *

Эс-хушини йўқотиб тонгдан,
Уйғонгандан заминга шошди.
Аммо, муздек бағритош ердан –
Кўнгли совиб кетди куёшни.

* * *

Шамол аччиқланиб гоҳ,
Тесқари бурар юзин.
Қарайди бошдан-оёқ –
Кўзи сузилган узум.

Кўлмақларда қуш ини,
Хазонла ётар чириб.
Куз ўтади кўксини –
Пуч ёнғоққа тўлдириб.

* * *

Қуриб кетсин боғининг
Кўрган туши ҳам,
Сувга айтай деса –
Сувда ранг қолар.
Шамолнинг кечаси қилган ишидан –
Қип-қизил шарманда бўлди олмалар.

1

Сочингга кўнган кор
 Эрий бошлади,
 Кўзингни юмасан
 Кипригинг музлаб,
 Қўлинг қўлқопларни четга ташлади,
 Лабингдан кор каби
 Учади сўзлар.

Ёпик деразангга шамол урар дўқ,
 Ойнангни нишонга олар зарб билан.
 Юзингга шахд билан урилган совук –
 Азизим, бир зумда тушди шаштидан.

Ўзингга келасан,
 Юрагинг ёниб,
 Ва, шеърлар ўқийсан узундан-узун.
 Музлаган қўлини чўнтакка солиб
 Ташқарида сени кутиб турар тун.

2

Қоронги осмонда юлдузлар саёз,
 Пана-пасткамларга
 Яширинар ой.
 Йўлларда тинкаси қуриган аёз,
 Яшашга ўзига кидиради жой.

Боғларни ўзимга чорладим бесас,
 Бу шоир юрагим
 Қўйганди талаб.
 Ўзимни қўлимга кўтардим у даст –
 Югурдим коп-қора кўчага қараб.

Боғлар қарамади –
 Ўтсам ёнидан,
 Изғирин авжида –
 Йўллар яраклар.
 Баҳорги оқ, оппоқ иштони билан
 Тунда қорга ботиб қолган дарахтлар.

Ёнидан кетмадим,
 Шамолдай учиб,
 Қорларга беландим,
 Боғларга қайтиб.
 О, аста авайлаб белидан кучдим,
 Дарахтни қақирдим – исмингни айтиб.

Сочимга кўнган кор
 Эрий бошлади,
 Кўзимни юмаман – кипригим музлаб.
 Кўлим кўлқопларни ечиб ташлади,
 Лабимдан кор каби
 Учади сўзлар...

* * *

Қаерларда қолиб кетдинг сен,
 Жоним, шунча кўпми юмушинг.
 Фақат дунё бениҳоя кенг –
 Қийин бахтни излаб топишинг.

* * *

Ҳали қолар музлар ҳам эриб,
 Ҳаёт ярар ортиқ-камимга.
 Эрта-бир кун шамоллар келиб –
 Бош уради оёқларимга.

* * *

Ҳаёт ташлаб қўймас ҳеч кимни,
 Ва ҳеч нарса чиқмас эсидан.
 Фақат кўнгли чўккан заминни,
 Сийлаб турар одамлар билан.

* * *

Энг сўнгги пайтда ҳам юрак келди қўл,
 Севдим. Кўз-кўз қилиб сенинг борингни.
 Бугун ҳам жон сақлаб юрибман базўр –
 Соясида туриб киприкларингни.

Озодлик

Осмон хар майсадан бошлар сўрокни,
 Заминнинг кўксига санчиб олар тиг.
 Ёнғоқ ёриб чиқар яшил пўстлокни —
 Тупроқдан отилиб чиқар хар уруғ.



Сафар ОМОН

Навойӣ нафаси теккан заримсан

Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Қанча хонлар ўтди, қанча султонлар,
Замонлар эврилди, битди босқинлар,
Эл каби яшаркан, орзу-армонлар,
Орзулар ушалди, келди давронлар,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Ватан, халқ мангудир, мангу қуёшим,
Заминдек барҳаёт, миллатим – тожим,
Истибодни енгди, тоғдек бардошинг,
Сизга пешвоз чикди, илк бор юртбошим,
Турунга хуш кебсиз, сохибқироним!

Бир пайтлар бу замин чўллаган эди,
Ташна халқ кўз ёшла қўллаган эди,
Босқинчи султонлар туллаган эди,
Сизни Тангри бизга йўллаган эди,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Улуғ Термизийлар ҳикмат, меҳри бу,
Ҳадису Исломининг қутлуғ сеҳри бу,
Жайхун эмас, собир чўккан наҳри бу,
Мадинаг ар рижол – мардлар шаҳри бу,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Сизни зафарларга йўллаган юрт бу,
Хойину босқиндан қўллаган юрт бу,
Тулпори Амудан ҳатлаган юрт бу,
Полвони жонини ҳатлаган юрт бу,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Сафар ОМОН – 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини тугатган. Шоирнинг “Лайлатулқадр”, “Шамсул қалб”, “Ишқ”, “Алам”, “Сайёраи сафар”, “Шукрона” каби шеърӣй китоблари нашр этилган.

Садоқат рамзисиз, миллат тимсоли,
“Куч – адолатда” деб куёш мисоли,
Уйғониш асрининг даҳо машъали,
Бирлик ва дўстликда ҳаёт наъшали,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Боқий давлатчилик, шон-шавкат рамзи,
Элу юртингизнинг шиддату назми,
Пирингиз бўёда тутқазган тугнинг,
Ману сўнмагайдир кудрати, азми,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Жаннатга менгзарлар бугун сурхонинг,
Дунёлар тан олар шаъну имконинг,
Боғу гулзор бўлмиш қадим маконинг,
Элларни махлиё этди синонинг,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Тоғу қояларни йўл қилдик, бизлар,
Осмону заминни сел қилдик, бизлар,
Ва етти иқлимни лол қилдик, бизлар,
Ҳатто ғанимларни эл қилдик, бизлар,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Муборак номингиз битилган нишон,
Биз учун энг улуғ мукофот – имкон,
Ярқирар туғимда, сурхонга бу шан,
Мустаҳкам қалъа бу – эътикод, ишонч,
Термизга хуш кебсиз, сохибқироним!

Усмон Носир

1

Дарахтларнинг шеvasи бирдир,
Хусуматни билмайди улар.
Ёзилмаган шеърларин ўқиб,
Оқ қайинлар бардошлар тилар.

Шоир дарди – тугамаган шеър,
Меҳробминдинг она – Осие!
Бир қаричлик еринг йўқмиди?
Шунча бадбахтминдинг о, сиёҳ?

Изтиробга тўла сатрлар,
Жисман шоир бўлсада асир –
Йўл оларкан узоқ-узоқдан,
Рухлар уни этмагай басир.

Манқуртларга қолдими кунинг,
Музлаб борар пажмурда таним.
Усмон Носир айтганди ёниб:
“Мен сенингман, она – Ватаним!”

Эски шаҳар ишкомларидан,
Ечилганда мотам либоси.
Ў, Сибирдан келар мактублар,
Қаҳратоннинг олиб сасини.

Эски шаҳар нафаси қайтган,
Манфур ҳасад яшар беомон.
Ким не қилса қарсақ билан банд,
Янги қурбон излар оломон!

Савоб недур, гуноҳлар недур,
Ҳеч ким билмай хатоларини,
Эл ўғлини кундага бериб,
Олқишларди “Ота”ларини.

Мактуб келар узоқ Сибирдан,
Усмон Носир тафтини олиб.
Музликларда порлаган юрак –
Абадият бахтини олиб.

Рауф Парфи

Гуноҳсиз эмасман гуноҳларим бор,
Умримнинг пайраҳа йўллари каби.
Лоқайд бўлмадим мен, бўлдим интизор,
Армонли дунёдир бунинг сабаби.

Ноилож қолганда, қулдим мен масрур,
Доғули гирдоблар исканжасида.
Орзу-хавасларга бўлмайин масрур,
Мен ўзни топширдим шер панжасига.

Гуноҳсиз бўлади фақат дунёда,
Агарда ҳеч бўлса, қилмаса исён.
Агарда ўз тинчин ўйлар зиёда,
Туғулмай оламдан ўтган ул инсон.

Азобинг малҳамдир безовта дилга,
Гуноҳим – шеъримсан, меҳрим, кўримсан,
Азизим, тонг чоғи қузатдим йўлга,
Навобий нафаси теккан заримсан.

Илҳомим, иймоним – эзгу гуноҳлар,
Менинг гуноҳларим – буюк эътиқод!

Аҳмад Табибийнинг туркий девонлари



Шермуҳаммад
АМОНОВ

Миллий адабиётимиз тарихида ҳар бир даврнинг қолаверса, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос хусусияти, ўз ўрни бор. XIX аср охири – XX аср боши нафақат, ижтимоий-сиёсий ҳаётда, балки маънавий-адабий ҳаётда ҳам қолдиргани билан аҳмийатлидир. Маънавий-адабий соҳадаги янгиликлар айниқса, Хива адабий муҳитида ёрқинроқ намоён бўлади. Буни бадий ижод соҳасидаги улкан ютуқлар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ўзбек маданияти, тарихи, адабиётида XIX аср охири – XX аср бошлари Хоразм адабий муҳитининг ўрни бекиёс. Ана шу адабий ҳаракатчилик равнақида ўзининг бетакрор ижод намуналари билан ҳисса қўшган сўз санъаткорларидан бири Аҳмадҷон Табибийдир. Гарчи илм аҳли Табибий шахсияти, ижоди ҳақида айрим тасавурларга эга бўлса-да, шоирнинг таржимаи ҳоли, фаолияти ва ижодий меросига оид манбалар тўла тадқиқ этилгани йўқ. Бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар анча.

Адабиётимиз тарихида атоқли адабиётшунос олим Фатхулла Ғанихўжаев Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадқиқот яратган¹. Олим ўз тадқиқотида Табибийнинг ҳаёт йўли, асарлари, уларнинг манбалари, шоир ижодининг жанрлар кўлами, мавзу мундарижаси, адабий таъсири каби масалалар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Жумладан, олим ушбу тадқиқотида Табибий таржимаи ҳолига оид қуйидаги маълумотни келтиради:

“Табибий 1869 йилда Хива шаҳрида туғилди. Шоирнинг отаси Али Муҳаммад Хивадаги машҳур табиблардан эди. У асли афғонистонлик бўлиб, Хоразмга келиб турғун бўлиб қолган ва Муҳаммад Раҳимхон сонийнинг қайиниси Отаҷон тўра хизматида бўлган. Шу боисдан “Али Маҳрам” номини олган...”². Шоир ҳаёти ва ижодига доир адабиётларда мана шу маълумот асос қилиб олинган. Албатта,

¹ Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. Тошкент, Фан, 1978. Б.80.

² Ғанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. Тошкент, Фан, 1978. Б. 9; Табибий. Танланган асарлар (Нашрга тайёрловчи Ф.Ғанихўжаев). Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги бадий адабиёт. 1968. Б. 5.

Шермуҳаммад АМОНОВ – филология фанлари номзоди. 1981 йилда туғилган. Унинг республика ва хорижий матбуотларда эликдан ортиқ илмий, илмий-оммабоп мақолалари чоп этилган.

шоир яшаган даврларда ижодкорлар махсус таржимаи ҳол ёзишмаган. Ўзларининг “аҳвол”лари ҳақида айрим маълумотларни асарларига қўшиб кетишган. Шундай бўлса-да, тазкира асарларда замонанинг атоқли ижодкорлари ҳақида маълумотлар бериб келинган. Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар берувчи ана шундай асарлардан бири Ҳасанмуродқори Лаффасийнинг тазкирасидир. *ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғезмалар фондида* ушбу тазкира асарнинг бир неча нусхалари сақланади. Булар орасида №12561 инвентар рақамли манба нисбатан мукаммал. Жумладан, ушбу манбада Аҳмад Табибий ҳақида *“Аҳмадҷон Табибийки, ул асли афғонистонли Али Маҳрамнинг ўғли...”* деган маълумот келтирилади. Бу маълумот тазкиранинг нашр этилган вариантда ҳам берилган: *“Аҳмадҷон Табибийким, ул асли афғонистонли Али Маҳрамнинг ўғли бўлиб, ... Ферузнинг фармони билан Аҳмадҷон дағи Табибий тахаллус билан шеър машқин қилиб, анча абётлар ёзиб Ферузга мақбули таъб бўлиб, тўрт мужаллад девон асар тасниф қилади. Икки мужаллад форсий тилда, икки мужаллад туркий ўзбек тилида бўлиб онлардин дигар (бошқа) Ферузнинг фармони билан бир йил муддат ичра жаъми шуарони тартибга солиб ёзиб чиқадур”*³. Демак, Фатхулла Ғанихўжаев шоир биографиясига оид маълумотларни айнан Лаффасий тазкирасидан олган. Негаки, Феруз даври ижодкорлари ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар берувчи яна бир тазкира бўлиб, унда шоир ҳаётига доир бошқачароқ маълумотларга дуч келамиз. Бу манба Бобожон Тарроҳ – Ходимнинг “Хоразм шоир ва навозандалари” тазкирасидир⁴. Ушбу манбадаги маълумотларнинг ҳар бири муаллиф томонидан *“тўғри жавоб берилди”* тарзида тасдиқ этилади. Ушбу манбада ҳам Аҳмад Табибий ҳаёти ва ижодиган доир кўплаб маълумотларни учратамиз. Жумладан, Ходим шоир Аҳмад Табибий ҳақида куйидаги маълумотларни келтиради: *“Тўртинчи нўмир баёнолда кўрсатилган мазмуни шундан иборатким, шоир Аҳмадҷон Табибийнинг ижтимоий чиқиши қандай деган саволга шоирларни контрўли Бобожон Тарроҳ – Ходим тўғри жавоб берадиким, шоир Аҳмадҷон Табибийнинг отасини Эрон мамлакатидин... отаси Али маҳрам эски саройда чарчилик дўкони очиб, дори-дармон тузатиб сотишга шугуллангон. Шунинг учун ҳам шоир Аҳмадҷон Табибийни ижтимоий чиқиши эзилган камбағал оилада туғулгон деб баҳо берилса бўлади”*. Ходим шоирнинг девон тартиб бергани ҳақида: *“Олтинчи нўмир баёнолда шоир Аҳмадҷон Табибий девон тартиб берганму? деган саволга шоирларни контрўли Бобожон Тарроҳ – Ходим тўғри жавоб берадиким, шоир Аҳмадҷон Табибий девон тартиб берган бўлиши керак. Бу девон кимни қўлида қолғони маълум эмас”*, деган маълумотни айтади.

Юқорида Лаффасийнинг шоир девонлари ҳақида *“Аҳмадҷон дағи Табибий тахаллус билан шеър машқин қилиб, анча абётлар ёзиб Ферузга мақбули таъб бўлиб, тўрт мужаллад девон асар тасниф қилади. Икки мужаллад форсий тилда, икки мужаллад туркий ўзбек тилида”* деган маълумотини келтирдик. Ходим эса бу ҳақда бирор аниқ маълумот келтирмайди. Бирок бу ҳақда Аҳмад Табибийнинг ўзи девонларига ёзган дебочада шундай маълумотни келтиради: *“Маҳфий қолмасинким*

³ Лаффасий. Тазкиран шуаро (Нашрга тайёрловчи П.Бобожонов). Хоразм-Урганч. 1992.

⁴ Ходим. Хоразм навозандалари (Нашрга тайёрловчилар: А.Отамуродова, О.Абдурахимов). Тошкент. “Tafakkurqanoti”, 2011.

бу фақир қўлида жамъ бўлгон мудаваан китобнинг жумласи беш девондурким, уч девон туркий лафзи била фасоҳатородур ва икки китоб форсий алфози била балогат пайровдир. Аввалги девонгаким султони олийжоҳ жаноби муъалло ал қобига ҳадялиг сабабидин “Тухфат-ус-султон” деб тасмия қилинди. Ва иккинчи девонга ушиоқ унсияти жиҳатидин “Мунис-ул-ушиоқ” исми била мусаммо бўлди. Ва учланчи девонга шиқ ҳолотин муъояна кўргузувчи важҳидин “Миръот-ул-шиқ” оти била мавсум этулди. Тўртланчи девонга оишқлар ўқуб мутолаа қилур ҳангомларида ҳайратфазолиг мўжиби била “Ҳайрат-ул-ушиоқ” деб исм берилди. Бешланчи девонни бедиллар иштиёқи жилвагоҳи бўлгон боиси била “Мазҳар-ул-иштиёқ” деб аталди”.

Демак, шоир томонидан тартиб берилган девонларнинг адади бешта экан. Бу ҳақда Фағхулла Ганиҳўжаевнинг қуйидаги маълумотлари эътиборлидир: “Табибийнинг биринчи девони “Тухфат-ус-султон” Душанбедаги А. С. Семёнов уй-музейида, қолган тўрт девонининг бир неча қўлёзма ва тошбосма нусхалари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланади”. Кузатувларимиз ушбу фикрни тасдиқлайди. Гарчи фонддаги Табибийнинг бир форсий девони муковасига “Тухфат-ус-султон” деган кайд бўлса-да, ушбу манба шоир номини келтирган девон эмас. Сабаби, шоир келтирган маълумотга кўра, девонларнинг учтаси туркий тилда дейилган. Бундан Табибийнинг “Тухфат-ус-султон” девонидан туркий (ўзбек) тилидаги лирик асарлар ўрин олган, деган хулоса чиқади.

Аҳмад Табибийнинг туркий тилда тартиб берган девонларидан бири “Мунис-ул-ушиоқ” деб номланган. Ушбу девон 1327 (1909) йилда котиб Бобожон Тарро ибн Абдулазиз Махсум томонидан кўчирилган. Девон 1328 (1910) йилда Хивада тошбосмада босилган. Девоннинг қўлёзма ва тошбосма намуналари Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланади.

“Мунис-ул-ушиоқ” девонининг қўлёзмаси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №3461 инвентар рақам остида сақланади. Ушбу қўлёзма девон 504 ғазал, 3 мустазод, 3 мураббаъ, 53 мухаммас, 7 мусаддас, 1 мусаббаъ, 1 мусамман, 1 мутассаъ, 1 муашшар, 1 таржебанд, 5 соқийнома (маснавий), 145 рубоий, 2 қасида, 6 муламма ғазал, 2 варсақи (бармок вазида ёзилган тўртлик шеърлар), жами – 735 шеърдан таркиб топган.

Қўлёзма девон матни қора сиёҳда фабрика қоғозига кўчирилган. Настаълик хатида икки устунли жадвал ичига чиройли ҳуснихат билан ёзилган бўлиб, ҳар саҳифа ўртача 21 сатрдан таркиб топган. Ҳар бир саҳифа рақамланган. Саҳифа рақами варақнинг юқори чап томонида берилган. Шунингдек, шеърлар ҳам алоҳида рақамланган ва сарлавлаланган.

Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида №3460 инвентар рақами билан сақланаётган қўлёзма манбада Аҳмадҷон Табибий ижодига мансуб лирик асарлар жамланган. Ушбу қўлёзма манба қалин мошранг муқовада бўлиб, муқовалар унволанган. Қўлёзманинг 1⁶-саҳифаси ўртасида “Иккиланчи девони Табибий туркий мусаммо баҳайрат-ул-оишқин” деб қизил сиёҳда ёзилган. Сўнг қора сиёҳда “Бисмиллоҳир-Раҳмонир-Раҳим” деб ёзилиб, Табибийнинг “Ҳайрат-

ул-ушшоқ”⁵ девонидаги лирик асарлари кўчирилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, Қўлёмалар фондида Аҳмад Табибий “Мунис-ул-ушшоқ” девонининг иккита қўлёмаси мавжуд. Фонддаги манбаларни ўрганиш натижалари hozirча Табибий “Хайрат-ул-ушшоқ” девонининг ягона тўлиқ қўлёмаси №3460 инвентар рақамли манба эканини кўрсатади.

Ушбу қўлёмма манбада жами 434та ғазалга рақам қўйилган. Аслида ғазаллар сони бундан кўпроқ. Яъни хошияларда ҳам Табибий каламига мансуб кўплаб ғазаллар кўчирилган бўлиб, ғазалларни рақамлашда булар эътиборга олинмаган. Яъни қўлёманинг 2⁶-саҳифасидан 56⁶-саҳифаларгача бўлган хошияларда 54та ғазал кўчирилган. 56⁶-саҳифадан сўнг битта варақ кўшиб қўйилган. Бу варақда ҳам бир ғазал кўчирилган бўлиб, негадир, у рақамланмай кетилган. Қўлёманинг 58^а-саҳифасидан 114⁶-саҳифасигача бўлган хошияларда 69та ғазал кўчирилган. 117⁶-саҳифадан 138^а-саҳифалар хошиясида эса 47та ғазал кўчирилган. Юқорида таъкидланганидек, рақамланган ғазаллар 434 та бўлиб, битта рақамланмаган ғазал билан улар сони 435та. Хошияларда 170та ғазал кўчирилгани эътиборга олинса, девондаги ғазалларнинг адади 605та экани аниқлашади. Қўлёманинг 138^а-саҳифасида ғазаллар яқунланади. Шу саҳифада “Мустазоди Табибий” сарлавҳаси билан шоирнинг 5та мустазоди келтирилган. Мустазодлар 138⁶ – 139⁶-саҳифаларда ва шу саҳифалар хошиясида ёзилган.

139⁶-саҳифанинг охири 140^а-саҳифанинг бошидан “Мураббаъи Табибий” сарлавҳаси билан шоирнинг 4та мураббаъ шеъри бошланади. Мураббаъларнинг биринчиси етти банд бўлиб, қолган иккинчи, учинчи ва тўртинчи мураббаълар ўн бир банддан иборат. Мураббаълар 142⁶-саҳифада яқунланади. 143^а-саҳифадан мухаммаслар бошланган.

Таъкидлаш керакки, Аҳмад Табибий ижодида “мухаммас” алоҳида бир мавзу, алоҳида бир тадқиқот бўла олади. Сабаби адабиётимиз тарихида ҳеч бир ижодкор Табибий сингари саксондан ортиқ ижодкор ғазалларига мухаммас боғламаган бўлса керак. Ушбу қўлёмма девонда Табибийнинг Лутфий, Навоий, Хусайний, Фузулий, Мунис, Огаҳий каби машҳур шоирлар қаторида ижоди бизга унчалик таниш бўлмаган Улвий, Нафъий, Насиб, Ғарибий, Бокий, Авний, Ноилий, Лайло, Зевар, Фитнат, Шамъий, Мохир, Муҳибий, Сомий, Қуддусий, Адлий каби 80 та ижодкор ғазалларига боғлаган мухаммаслари келтирилган.

193^а-саҳифадан “мусаддасоти Табибий” бошланиб, улар 199^а–200^а–саҳифаларда шоирнинг ўз ғазалларига боғлаган иккита мусаддаси билан яқунланади.

Қўлёманинг 200⁶-саҳифасидан Табибийнинг мусамман шеърлари кўчирилиб, мусамманлар 205⁶-саҳифада тугайди. Мусамманлар жами бешта. 205⁶-саҳифадан шоирнинг таржеъбанд шеърлари бошланиб, улар 213⁶-саҳифада яқунланади. Таржеъбандлар сони ҳам бештани ташкил этади.

213⁶-саҳифадан “маснавийи соқийномаи Табибий” бошланиб, 220^а-саҳифагача бешта соқийнома кўчирилган. Қўлёманинг шу саҳифасидан рубоийлар бошланади. 235⁶-саҳифагача 201та рубоийга рақам қўйиб кўчирилган. Бироқ рубоийлар сони

⁵“Хайрат-ул-ушшоқ” девони шу пайтгача шоир ижоди билан боғлиқ маълумотларда “Хайрат-ул-ошиқин” тарзида номланиб келинган. 3460 инвентар рақамли қўлёмма “Иккиланчи девони Табибий туркий мусаммо ба Хайрат-ул-ошиқин” тарзида котиб томонидан сарлавҳаланган. Эҳтимол, шу сабабли девон “Хайрат-ул-ошиқин” деб номланиб келинган. Бироқ Табибий ўзининг “Мунис-ул-ушшоқ” девони деб-очасида ушбу девонини “Хайрат-ул-ушшоқ” тарзида келтиради.

202 тани ташкил этади. Яъни 220^б-саҳифа хошиясида ҳам бир рубоий кўчирилган бўлиб, у рақамланмаган.

Кўлёманинг 235^б-саҳифасидан 244^а-саҳифасигача 75та рақамланган китъа кўчирилган. Аслида китъалар сони 77 та, яъни 236^б - саҳифа хошиясида ҳам иккита 5 байтли китъа кўчирилган бўлиб, улар рақамланмаган. Кўлёмздаги Табибий китъаларининг ҳажми икки, уч, тўрт, беш, олти ва етти байтли шеърлардан таркиб топган.

244^а-саҳифада “Баҳри тавил Табибий”, 244^б-саҳифада эса 29 байтли “қасидаи Табибий” кўчирилган.

Ушбу кўлёмза манба тўрт қисмдан таркиб топган. Манбанинг “Ҳайрату-л-ушшоқ” қисми, яъни биринчи қисм 245^а-саҳифада яқунланади. Кўлёманинг биринчи қисми саҳифаларида пойғир қўйилмаган.

Кўлёманинг иккинчи қисми 246^а-саҳифадан бошланади. Иккинчи қисмда биринчи қисмдан фарқли ўлароқ, саҳифаларда пойғирлар бериб борилган. 246^б-саҳифада “Басмала” ёзилиб, ундан сўнг, кизил сиёҳда “Нозир Манзур Табибий” дея сарлавҳа қўйилган шеърлий матн бошланади. Бу Табибий қаламига мансуб “Нозир ва Манзур” достони матни бўлиб, матн:

Зиҳи кавнайн аро ҳар буду нобуд,

Бориси қудратингдин бўлди мавжуд, – тарзида бошланади.

Достон матни 284^б-саҳифада яқунланади.

285^а-326^б-саҳифалар кўлёманинг учинчи қисми ҳисобланади. Кўлёманинг 327^а-саҳифасидан тўртинчи қисм бошланади. Ушбу саҳифадан Табибий ижодига мансуб 32та ғазал ва бир маснавий кўчирилган бўлиб, кўлёмза 335^а-саҳифада яқунланади.

Агар Аҳмад Табибий лирик мероси жанрига кўра тасниф этилса, шоир ижодида ғазал, фард, рубоий, китъа, туюқ, чистон, таърих, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мусаббаъ, мусамман, мутассаъ, муашшар, қасида, таржеъбанд, мустазод, даҳрнома, сокийнома, ширу шакар, варсоки (бармоқ вазнидаги тўртгликлар), баҳри тавил каби намуналар борлиги аён бўлади. Бу эса шоир ижоди кенг кўламли тадқиқотлар учун объект бўла олишини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Табибий ижодий мероси ҳалигача тўлиқ илмий тадқиқ этилгани йўқ. Шоирнинг санокли шеърлари ҳамда “Вомик ва Азро” достони қискартирилиб нашр этилган. Табибийнинг бутун бошли девонларини нашрга тайёрлаш, шу асосда, шоир ижодининг миллий адабиётимиз тарихида тутган ўрнини белгилаш ечимини қутаётган илмий муаммо саналади.



Шерхон ҚОРАЕВ

Алишер Навоий ҳузуридаги мажлислар

Ўзбек адабиёти тарихида Хусайн Бойқаро ҳузурида ўтказилган олий мажлислар (Хуросонда шеърӣ мажлислар ана шундай ном билан аталган – муаллиф) каби шоирлар султони Алишер Навоий даргоҳида ҳам худди шундай шеърӣят кечалари ташкил этилган. Албатта, Навоийнинг адабиёт аҳлига кўрсатган ғамхўрлигининг самараси ўлароқ, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг зиёлилари унинг атрофида жам бўлдилар. Узоқ-яқиндан тўпланган шоирлар эса Навоийнинг шеърӣ мажлисларини безата бошладилар. “Маҳбуб ул-қулуб”да Навоий ўзи ташкил этган ана шундай мажлисларни тилга олади: *“гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонида мажлис қурдим... Улуғ кишиларни ва юқори мансаб эгаларини хурмат ва таъзим юзасидан меҳмон қилдим ва баъзан шодлик боғида зиёфат тузиб, ...хонанда ва созандаларнинг базму тароналаридан баҳраманд бўлдим”*. М.Имомназаров “Буюк сиймолар, алломалар” китобидаги Алишер Навоийга бағишланган мақоласида адабий анжуманларни маърифий суҳбатлар деб атайди: Яъни “Алишер Навоий ўз ҳузурига тез-тез шеър, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштириб турар, ёш истеъодларни тарбия қилиб, уларга шароит яратарди. Хондамир, Бехзод, Восифий ва ўнлаб бошқа истеъод эгалари шулар жумласидандир, дейди адабиётшунос.

Алишер Навоий ҳузуридаги бундай кечаларга қатнашиш ҳаммага ҳам насиб этмаган: *“Олимларнинг улуғлари қачонки, унинг олий даражадаги йиғинларида қатнашиши имкониятини кўлга киритишса, унинг самимий қалби сирлари саҳифаларидан фойдали марваридлар йиғишар, фозилларнинг машҳурлари қачонки, ул ҳазрат ўтирган муборак гиламнинг бир четида ўтириш шарафига эга бўлишса, нозик фикрлар ва нафис сўзлар гавҳарларини теришарди”*. Давлатшоҳ Самарқандий ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаган ҳолда *“фозилларнинг мақсади унинг олий мажлисига этишилидир...Унинг ҳамсуҳбатлари хуштаъб, фозил кишилардир. Унинг мақбул хотири аҳли дилдан бошқасини истамас, оғир табиатлилар унинг назарига енгилтак бўлиб кўринар, балки ноаҳиллар унинг латиф мажлисларига киролмасошлар...”*² деб таъкидлаган. Давлатшоҳ Самарқандий ҳақ. Ўз даврининг зиёлилари, адабиёт аҳли Навоий ҳузуридаги йиғинларда қатнашишга ҳаракат қилишган.

Адабий мажлисларнинг асосий хусусиятларидан бири бу албатта унда биринчи навбатда мушоиралар, шеърхонликларнинг ташкил қилинганлигидир. *“Ўтмиши адабий жараёнида мушоиралар муҳим ўрин тутади, яна ҳам аниқроғи, ўтмишида*

¹ Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Т: Ғ.Ғулом номидаги АСН – 1983.

² Ғиёсиддин Хондамир. Мақорим ул-ахлоқ. Т:Ғ.Ғулом номидаги НМИУ – 2015. 33-б.

Шерхон ҚОРАЕВ – 1977 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетини тамомлаган. “Авлиёлар авлиёси”, “Навоий ўқиган китоблар”, “Навоий адабий мажлислари”, “Навоий мажлислари” каби рисоалари, ўтмишга яқин илмий, публицистик, бадиий китоблари нашр этилган.

адабий жараён кўпроқ мушоира (шеър мажлиси, шоирлар анжумани) шаклида кечган. Мушоираларда шоирлар ўз асарларини тақдим этиши, улар ҳақидаги ўзгалар фикрини билиши, шунингдек, бошқа шоирлар билан ижодий фикр алмашиши, ҳамкорлик қилиши имконига эга бўлганлар. Мумтоз адабиётимиздаги бир қатор жанрлар, айрим шеър санъатларининг юзага келиши бевоқолим мушоиралар билан боғланади: уларнинг бир қисми мушоира иштирокчиларининг бир-бирларига жавоб айтиши (тазмин, тахмис), бошқа бир қисми шеърний мусобақа (муаммо, чистон, бадиҳа) руҳи билан боғлиқ ҳолда вуҷудга келган. Мушоиралар дастлаб санъат ва адабиётга меҳр қўйган подшо саройларида, ижод аҳлига ҳомийлик қилган бадавлат кишилар хонадонларида ўтказилган. Хусусан, Хусайн Бойқаро саройи ва Навоий хонадонидида ўтказиб турилган мушоиралар давр адабиёти тараққиётининг муҳим омилларидан бўлди”³.

Албатта Навоий хонадонидидаги суҳбатлар (мажлисларни айрим ўринларда ана шундай деб ҳам айтишган)да олим адиблар ва шоирлар томонидан янги асарлар тақдими ўтказилиб, муҳокама қилинган, шоирлар султони маслаҳатларига кулоқ тугилган. Аниқроқ қилиб Навоий таъбири билан айтганда: “...Ва ўттуз йилдин ортуқ ва қирқ йилга яқиндурким, Хуросон мулкиким, фазлу камол аҳлига олам мамалокининг мисри муаззами ва саводи аъзамидур, бу мулкнинг жамий назм аҳли шаройи ширин каломи ва фусаҳойи вожибул иҳтироми ҳар не, ҳар маъни билаким, авроқ юзига оройиши ва ҳар алфоз билаким ажзо изорига намойиши берибдурлар, бу фақир (Навоий) суҳбатига етқурбдурлар ва бу заиф олинди ўтқарибдурлар ва ҳақ ва ислоҳ илтимосин қилибдурлар ва хотирга келгон нуктаки айтилибдур, инсоф юзидин мусаллам тутубдурлар ва гар баъзи ибод қилибдурлар далоийл била аларга хотир нишон қилибдур, андин сўнгра қабул қилиб, ўзларин шокир ва мамнун билибдурлар”⁴.

Зайниддин Восифийнинг “Бадое ул-воқо”сида келтирилган куйидаги воқеадан Навоий ҳузуридаги адабий мажлис мазмуни маълум бўлади.

“Мир (Навоий) овоз бердилар:

– Азизлар қиринлар. Ҳеч эшитмаган ва хиёлингизга келмаган мақолатлардан эшитинлар!

Ҳамма жим бўлди. Мир Ҳофиз Ғиёсиддин Дехдорга деди:

– Лофу даъво қилдинг. Энди изҳорини қил!

Ҳофиз аввал Қуръондан ашара ўқиди. Мажлис аҳлининг ҳушини олди. Кейин газал ўқиди. Ашула бошлади – дўсту душмани унинг овозига офаринлар ўқиди. “Амир Ҳамза” қиссасини бошлади. Кейин ўзи айтган бир достонни ўқиди ва мажлис аҳли ҳуши йўқолди. Уни тугатиб “Абомуслим” қиссасини ўқиди – ҳаммани сеҳрлаб қўйди. Мажлис охирида “Дороб” қиссасини бошлади. Бозмон билан унинг гуломи шу ерда туришган эди. Уларнинг тақлидини қилиб ҳаммани қулдирди, баъзиларга шундай таъсир қилдики, кулавериб юмалаб қолдилар...

Ҳар ким ҳар илмдан баҳс қилди. Буларга ҳам жавоб қилди. Ҳаммадан голиб келди... Кейин Мирнинг буйруғи билан ўн беш қўй келтирдилар. Бошқа керакли асбоблар ҳам керагича ҳозирланди. Ҳофиз таббоҳлик қилди. Овқати ҳаммага ёқиб тушди”⁵.

“Амир Алишернинг адаб аҳлига ҳомийлик қилиши, барча учун илм масканлари эшигини очиб қўйганлиги натижаси ўлароқ, бутун Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг илм шайдолари, талабадан тортиб, донишмандгача унинг атрофида жам бўлдилар. Узоқ-яқиндан тўпланган шоирлар унинг мажлисларини безата бошладилар”⁶.

³ Навоий замондошлари хотирасида. Тузувчи Б.Аҳмедов. Т:Ғ.Ғулом номидаги АСН–1985.15-6.

⁴ Д.Қуронон, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик лугати.

Т: “Академнашр”.2013.197-б.

⁵ А.Навоий.Тўла асарлар тўплами. Ўнинчи жилд. Муҳокамат ул-луғатайн. Т: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ–2012. 526-б.

⁶ Ш.Сирожиддинов. Алишер Навоий Манбаларнинг қиёсий – типологик, тектологик таҳлили. Т:Академнашр.2011.270-б.

Зайниддин Восифий ҳам Навоийнинг адабий мажлисларида иштирок этганлигини эсга олади: “У ерда (Навоий хонадониди – муаллиф) ҳозир бўлган биринчи йигит муаммо санъатида Ҳусайн Нишопурийга тенглаша оладиган Муаммой, иккинчиси касидагўйликда шухрат топган истеъдод соҳиби, учинчиси эса маснавийни яхши айта оладиган толиби илм билан бирга олий мажлис (Навоий хонадонидаги йиғинлар назарда тутилмоқда – муаллиф)га кириб бордик. Мажлис ахли ва ҳазрати Мир (Навоий) ўз надимлари билан ҳозир экан. Жаноби Мир биз томон қарадилар. Фақирга (Восифий)га ишора қилиб, номини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган дўстимиз шу кишимиз, дедилар. Мавлоно Соҳибдоро: бали, ўша маҳдум деб жавоб бердилар. Мавлоно Муҳаммад Бадахший суҳбатга аралашдилар: “Маҳдум, худавандигоро, муаммо ечишда Сиздан ўтадигани йўқ-ку?..” Мир дедилар: “Мен унинг муаммо ечишини кўзидан билдим. Зеро, унинг фикрлари кўзларида зоҳир бўлиб турибди. – Кейин шу муаммони ўқидилар:

*Богро бин аз хазон бефарру, сарв аз жо шуда,
Булбулаш барҳам зада минқору, ногўё шуда.*

(Богини кўр, хазонрезликдан кўрки қолмабди сарв ўрнида йўқ, булбулнинг тумишуги йўқ бўлиб, куйлашдан қолибди).

Мир ўқиган муаммони мен ёд билардим. Ўйланиб қолдим: номини айтиб, ўзимни гўлликка солиб, мажлисни ўтказаверсамми ёки тўғриси айтганими? Оқибатда ростини айтишга аҳд қилдим. Ҳазрати Мир бошларини эгиб турдиларда, ёнидагиларга, азизлар, биласизларми, бунинг сўзи не маънони билдиради. Ўз кудратини изҳор этиб, бунисини биламан, бошқасини айтинг, демокчи... биз бунинг даъвосини қабул қилурмиз, дедилар.

Гиёсиддин Хондамир “Хулосат ул-ахбор”да унинг ўзи ҳам Навоий мажлисларида ҳикоятлар айтганини ёзиб қолдирган: “Улуғ амир, ҳидоятпаноҳ, кароматли Рухнинг муаййиди (акси), сўфий-сифат, соф ниятли рўзгор покisasi, мусулмон маросимларини улуғловчи, салтанат устуну ва мамлакат таянчи, хоқон давлатининг ишончли кишиси, султоннинг яқини, улким, саховат дастурхонидан барча муҳтож тўқ, ҳақ ва ҳақиқату дин низоми Амир Алишернинг шариф мажлисида ҳикоятлар сўйлар эдим. Ул жаноб менинг ҳикоятларимдан завқланар эдилар ва ҳазратнинг турли иноятлари бу қаноти синиқ банда аҳволи руҳиятига иссиқлик баҳи этарди. Кундан-кунга бу ҳол кўпаяр ва соат сайин юксакликка кўтарилар эди,⁷ – деб ёзади Хондамир.

Навоий ҳузурида ана адабий бундай йиғинлари тез-тез ташкил қилган. Биз келтирган мисолар денгизидан бир томчи, холос.

Хўш, Навоий ҳузуридаги адабий мажлисларда қандай шеърлар ўқилган, деган савол туғилади.


Манбалар Навоий шеърят кечаларида бадиҳалар (рубойилар, қитъалар), татабулар (бошқа шоирлар шеърларига назиралар), янги касидалар ва янги ғазаллар, айрим ҳолларда таърихлар ва марсиялар, муаммолар, луғзлар, ҳикоятлар, киссалар (маснавий кўринишида) ўқилганидан далолат беради.

Алишер Навоий хонадонидаги мажлисларининг Ҳусайн Бойқаро олий мажлисларидан фарқи шундаки, Навоий синовидан ўтган шоиру ҳофизлар, киссахону, касидагўйлар, муаммо илмида тенги йўқлар, борингки, турли хил соҳадаги юксак истеъдод соҳиблари подшоҳ олий мажлисларига тавсия этилган. Бу эса ўз навбатида Ҳусайн Бойқаро олий мажлисига қатнашиш учун имтиҳон ва ўзига хос тайёргарлик вазифини ўтаган.

⁷ Зайниддин Восифий. Бадоеъ ул-вакоъеъ. Форсийдан Наим Норкулов таржимаси. Т: Ғ.Ғуллом номидаги АСН–1979. 93.

Сўнги ўқ

Ҳикоя



**Чоршанби
ДЕХНАВИЙ**

Уста Али этикдўздан ҳеч ким суюнчи олмади.

Бошқаларнинг ўғли урушдан қайтганда суюнчи устига суюнчи олишиб, боши “қуллуқ бўлсин”дан чикмасди. Ҳовлисидан одамлар аримай, чироклари туни билан ўчмасди, кишлоқдошларнинг уруш зериктирган чехраси ёришиб, қаққаҳалари томни силкитарди. Устанинг уйи илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай сокин. Шунчаки ўғли урушдан қайтди ва ота-бола катта ховлини тўлдиролмасди.

Кишлоқдошларнинг оқибатсизлигидан Устанинг хўрлиги келмади. Бундакаларни кўнглига олганда қачонлар ўлиб, суяги чириб бўларди. Майли, уни одамлар ёқтирмасин, саломини аяб, юзини буришсин, бироқ у ким, қандай одам, қадрини ўзи яхши билади. Мард туғилдими, мард ўлади! Уста уларнинг кутловисиз қолгани йўқ! Ўлса кўммасин, жанозасига бормасинам!

Уста хаёлини йиғиб, ўғлининг омон қайтганига шукур қила бошлади. Чинданам, одамларнинг кўшша-кўшша фарзанди ном-нишонсиз қолиб кетди. Ярим одам бўлиб қайтганларнинг ҳисоби йўқ. Унинг Тангрига қилган ибодатлари мустажоб бўлдимиди, ё ўзининг зуваласи бут эканми, ҳар қалай, ёлғизи эсон-омон қайтди, тортган оҳ-воҳлари унут бўлиб, бағри қайта тўлди. Умри ўгайланиб ўтган эмасми, кучаниб кулмаса ҳам, арзандасини қайта-қайта кучиб, бағрига босмаса ҳам хурсанд эди. Шунинг ўзи бахт эмасми? Ҳа, банданинг тепкиси ўткинчи, Тангрининг ўзи иноятини дариг тутмаса бас...

Дарвоза очилиб, Жўра келди. Салом йўқ, алик йўқ, қабоқлари муштча-муштча. Уста шуларни кўрайверса жини кўзийди. Айниқса, отасини! Босмачилар ўлдирмагандаям, ўзи отарди! Буни, уруш бошланмаси, бир гал ёмокка этик олиб келганда, Жўранинг ўзига ҳам айтувди.

– Дадам ҳам қараб турмасдилар! – деганди зумраша.

– Қараб турмаса ўлармиди! – деди Уста тишларини ғижирлатиб.

Жўра бошлаб жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, яна тилини тийди. Устанинг жаҳли чикса, кутуради... Ё таваккал қилиб олдидаги этик билан оғиз-бурнига туширсинми?!

Чоршанби ДЕХНАВИЙ – 1948 йил туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. “Эзуликнинг яралиши”, “Акс садо”, “Баҳор ҳали олдинда”, “Чашмасор”, “Яшаш учун кураш”, “Осмон ўйилган тунда”, “Соясини эркататган аёл” каби қатор китоблари нашр этилган.

Шунда акасининг гапи эсига тушди ва:

– Ҳамма ўлади, Уста, – деди босиқ оҳангда. – Лекин Ватан учун отилган ўққа харкимам тўшини тутавермайди. Кези келиб ана шундай ўлимнинг нақадар муқаддас эканига ўзингиз амин бўласиз. Унгача отамни тинч кўйинг!

– Ватанмиш! Ватаннинг нималигини биласанми ўзинг?!

– Эҳ, барибир тушунмайсиз.

– Йўқол, тирмизак!

Устанинг кайфияти бузилиб, кўчага чикқанди ўшанда. Негадир муюлишдаги симёғоч тагида одамлар тўпланганди. Уста яқин борди. Ўртада ҳарбий кийинган киши кўлларини ҳавода силтаб, баланд-баланд гапирарди. Уста ҳеч нарсага тушинмай, ўғлига имлади:

– Тагин босмачими?

– Йўк, уруш. Немислар бостириб келишипти.

Устанинг эти уюшди.

– ...ўтмишимиз қаҳрамонларга бой, ўртоқлар! Энди келажак ўз қаҳрамонларини кутмоқда! Қайси бирингиз бўласиз – бу сизнинг матонатингизга боғлиқ, – ҳарбий киши сўзини тугатиб, кўнгиллиларни майдонга чорлади.

Биринчи бўлиб Жўранинг акаси чикди.

– Авлодинга ўт тушгир! – тишларининг қавагидан чиртиллатиб тупурди Уста. – Бари фидойи туғилган! – ўғлини туртди. – Чик!

Ўғли елка қисди.

– Сенга айтаяпман!

– Ўққа тутмоқчимисиз? Кўплик қилган бўлсам...

– Тилимни қайрама!

Ўғли зарда билан бориб, сафга кўшилди...

Жўранинг бемаҳалда келгани ва ийманиб тургани Устага ёкмади.

– Бу ер сенга кўкнорхонамиди?! Айтарингни айт-да йўқол!

Жўра Устага қарамади. Ўғлига яқин бориб сўради:

– Акамнинг ўлгани ростми?

Устанинг ўғли жавоб бермади. Жўра яна сўради:

– Сиз биласиз. Бирга боргансизлар...

– Тўғри, биз бирга борганмиз, – деди Устанинг ўғли кўзларини ўйнатиб, – сенга нима десам экан... Ўлгани рост.

Жўра турган жойида тўлганиб, суяклари шовшагандай бўлди. Бироқ йиғлаб юбормасин учун дўпписини ғижимлади. Уста дўппини таниди...

Фронт учун ёрдам йиғиштирилган куни Уста янги тиккан нўғай этигини олиб ховлига чикди. Ҳиммати паст туюлди чоғи, тўрда илувли турган инглиз милтиқни ҳам кўшиб, кишлок шўросининг идораси томон йўл олди.

Идора ховлисида одам сиғмасди. Уста уриниб-суриниб, ўзини ўртага тикди. Шўро раиси қабул қилган нарсаларини баланд овозда айтиб, котибага ёздирарди:

– Назир ота бир жуфт пахтали камзил.

– Ҳасан домла элликта дафтар.

– Ўғилларингиз ана шу дафтарда хат ёзишади.

– Илоҳо, шундай бўлсин, – эл бараварига орзикди.

– Малика буви ўрик...

– Мени ёзманг, ўргилай, қарзга бераётганим йўк, – раиснинг сўзини бўлди буви, – пича куришиб олувдим, аскарларнинг насибаси.

Жўра қўлидаги тугунни раиснинг олдига унсизгина қўйди. Раис очиб, ўйланиб қолди. Тугунда акасининг ҳали оҳори учмаган уст-боши эди. “Янгаси эшитибди-да. Ким сездирди экан...” Раис энкайиб, кийимларнинг ичидан калампиргулли дўппини олди-да, катини очиб, Жўранинг бошига қўйди.

– Галаба кунига буюрсин, ўғлим, – ва котибга юзланди, – ёзинг, Жўра бир касти-бурик, бир қўйлак, бир жуфт этик, пайпоғи билан.

Жўранинг ортидан Уста этик билан милтиқни узатди. Аммо оломон қўймади:

– Босмачининг милтиғисиз ҳам ёвни енгамиз!

– Тўғри!

– Бу милтиқ нечовларнинг кўкрагини ўйган!

– Ўйди! Ҳозир улар тирик бўлганда немиснинг онасини Учқўрғондан кўрсатарди!

– Ўртоқлар... Ўртоқлар...

– Йўк, раис бува, милтиқ керак бўлса ўзимиз топамиз, – деди биринчи луқма ташлаган киши ва Устага ўшқирди, – милтиғингни кўз-кўз қилгани келдингми, таҳоратсиз?!

– Ўртоқлар...

Уста бўлари бўлиб, уйга қайтди. Уйда ҳам тургиси йўк, ўзини кўярга жой тополмасди. “Эҳ, одамлар, – дерди ўзича, – наҳот ўз юртини севмоқ гуноҳ йўрилса? Неки қилдим, бари юртимнинг, авлоду аждодларимнинг қабри, тупроғи, номахрамларга оёқости бўлмасин учун қилинган жадаллар эмасмиди? Майли, мени тушунманг! Майли, тушинишни истаманг! Лекин сизларга ўхшаб хиёнат қилганим, қизил ёвга дўст тутиниб, фидойи номи билан қўлимга қилич олиб, ўз элимга тиг тортганим йўк-ку! Бу гуноҳи азим эмасми? Эсизгина Ватан! Эсизгина табаррук тупроқ! Эсизгина қадамжолару муқаддас мақбаралар... Бари булганди. Сиз хом сут эмган бандалар туфайли эмасми?! Эҳ, одамлар, одамлар... Гуноҳни савобдан ажратолмай қопсиз...”

Устанинг азалдан сохта фидойиларни кўришга кўзи йўк эди ва уларни илдизи билан куриштиш ниятида қўлига милтиқ олиб, босмачиларга қўшилди. Аммо нияти амалга ошмади.

– Мен бошқа жанг қилмайман, – деди бир куни кўрбошининг олдига милтиқни ташлаб, – фақат кўрқокликка йўйманг.

– Нимага йўйай, тўрам, – отаси Эшони Азимни хотир қилмаганда ер билан яқсон қилишга тайёр турган кўрбоши ўзини аранг тийиб, дағал гавдасига ярашмаган мулойимлик билан сўради, – урушни ўйин деб билиб эдингизми?

Кўрбошининг кесатгани Алига ботди.

– Бизнинг урушимизда, таксир, хўлу курук баравар ёнмоқда. Менинг ҳисобим бўлакча!

– Ташлаган тўрингизда истаган балиғингиз тушавермайди, тўрам. Унинг учун сувни куриштиш керак. Сўнги томчисигача!

– Ҳалиям куридик, таксир. Қишлоқ коп-кора чордеворларга, боғлар эса куйик кўсовларга айланди. Уч-тўртта ичбурукли деб бутун бошли подани кийратмаслигимиз керак. Ҳарқалай, улар юртдошимиз.

– Кимларни юртдошим деяпсиз, тўрам? Амир қочганда калака қилиб кулганларними? Юртига бостириб келган ғайридинларга эшик очиб, зиёфат улашган ношукур бандаларними? Ё қизиллар ҳийласига учиб, ўз дини, ўз шариатидан воз кечган осий тўдалару, юрт туйғусини унутиб, зиё ёғдусини сўндирган товламачиларними? Йўқ, тўрам, буларга раҳм-шафқат қилиш гуноҳи азимдир! Тағинам кўнгилчанлик қиладиган бўлсангиз, ихтиёр ўзингизда. Лекин ҳақиқий жангчи қуролини ташлаб кетмайди. Бир кунмас-бир кун хатойингизни тушунсангиз, яна кумсашингизга ишончим қомилдир!

Али уйга қайтди. Қўлидан юртини қутқариш келмагач, дунёнинг иссиқ-совуғидан воз кечиб, ямоқчилик касбини пеша қилди...

Жўра дўпписини гижимлай-гижимлай чиқиб кетди.

– Ростданам ўлганми? – сўради Уста ўғлидан.

– Ҳа, – деди ўғли ён-верига аланглаб, – ўзим отдим.

– Ўзинг? – қулоқларига ишонмай, қайта сўради Уста.

– Ҳа. Ўз қўлларим билан! Разведкада.

– Қандай?!

– Қайтишда қуршовда қолдик. Роса қийнашди. Сўнг нима бўлди-нима қолди, билмайман. Эртаси куни немис соқчисининг тепкисидан хушимга келдим.

– Хўш? Хўш!

– Бизни отиш учун ўрмонга чиқаришди. Белгиланган жойга етгач, немис зобити таржимонга нимадир деб ғудурлади. Кимда ким шерикларини отса, тирик қолади дегани экан...

Устанинг қулоқлари битиб, беихтиёр кўзлари юмилди.

– Шунда сизнинг бир умр хўрланиб яшаганингиз кўз ўнгимда гавдаланди...

– Бас! – деди Уста ўзини бошқа тутолмай. – Ўч олдим дегин? Кимдан?!

– Сизнинг юзингизни шувит қилганлардан.

– Йўк! – Устанинг товуши титрарди. – Мени улар эмас, Ватан азоби эзди. Тушундингми, Ватан азоби! Сен эса Ватанни ўрисдан олиб, немисга бермоқчи бўпсан! О, Тангрим! Мени яратганча, тошни яратсанг бўлмасмиди! Кўрмасдимам қуймасдимам!


– Мен... Мени... – дудукланиб қолди ўғли.

Уста телбаланиб, нима дейишини, нима қилишини билмасди. Вужудини бўрилар талагандай бир ҳолатда ховли бўйлаб юра бошлади. Оёқлари қалтираб, тузоққа тушган шердек тўлғаниб. Ҳа, у ўз уйида қўлидан эмас, оёғидан эмас, юрагидан, аниқроғи пушти камаридан илинди. Боягина қўярга жой тополмай турган бирдан-бир ўғлига энди карашга юраги дов бермасди. Ўша қалтироқ билан ичкари кирди, яна чиқди. Яна кирди... Кўзи тўрда илиниб қўйилган милтиққа тушди. Тушди-ю юраги уюшиб кетди. Сўнг юртига немислар бостириб келган куни ўзи учун сақлаб келган ўқни телбаларча излай бошлади. Узук-юлук фикрлар билан аниқ бир хулосага келолмаса-да, ўғлига ачинолмасди.

Бироқ ўқ топилса-чи!

Тўлғоқ

Ҳикоя



Эркин
НОРСАФАР

Кутилмаганда, тун яримида янграган чинқирикнинг дахшатидан бутун борлик ларзага келди. Қушлар тун қоронғисида потирлашганича кўкка кўтарилиб, ҳайвонлар безовталаниб қолишди.

Чинқирик қайта ва қайта янгради.

Енгил шабода ортидан кучли шамол туриб, чанг-тўзон кўтарилди: замин ҳаракатга келди.

Дарё, денгизлар кирғоғидан тонди. Чўлда кўз очиб бўлмас бухрон турди.

Асрий музликлар эриб, вулқонлар кўз очди. Ҳайвонлар талвасага тушишди: ширин жони таҳликасида бири боласидан, бири ўлжасидан тонди.

Чинқирик қайта ва қайта янгради...

Ер кимирашда давом этди, кутурган тўлқинлар тоғдек наҳанглари гугурт чўпидек кирғоққа улоқтира бошлади.

Замин қайта-қайта “оҳ” урди: бағридаги оловранг алам-ситамлардан бўшанди: кўк юзини эса кўпириб, тошаётган губор тўсди.

Чинқирик қайта ва қайта янгради...

Ниҳоят, Табиат ғафлат уйқусидан уйғонди. Унинг миллиардлаб йиллар давомидаги мислсиз яратувчанлиги хавф остида қолган эди.

У ҳам бошқа, барча-барча шовқинларни босиб келаётган чинқирикни эшитиб, ғазаб отига минди: кўкнинг қаъридан илоҳий момақалдирик гулдиради.

Мовий осмон оловранг тус олди. Айбдорни топмоқ, жазоламоқ, мислсиз азоб-уқубатларга солмоқ истагида минг-миллонлаб кўзларини аввало коинотнинг чексиз қаърига, сўнгра заминнинг ҳар бир катига тикди.

Унинг қаҳрли вазоҳатидан қўрқувга тушган бутун борлик тилга кириб, “Сану-Ман”га тушди.

Чинқирик қайта ва қайта янграшда давом этар, унинг ноласини ҳатто Табиатнинг улғувор, ғазабга тўлган дахшатли ҳайқириғи ҳам сўндира олмасди.

Айбдор топилавермагач, унинг нидосидан, фиғонидан халос бўлиш илинжида Оламнинг ипидан-игнасига қадар қайта яратилмоғи ихтиёр этилди.

Эркин НОРСАФАР – 1974 йилда туғилган. Марғилон банк-кредит техникумининг Термез филиалини тамомлаган. Кўплаб драма, ҳикоя ва публицистик мақолалари республика матбуотида эълон қилинган.

Ғазабнок ушбу қарордан дахшатга тушган борлиқ мутеъликла Унинг қаршисида тиз чўкди. Аммо шу вақт, ҳадсиз кўзларидан бири хануз ғафлат уйқусида бўлган одамизод омборхонасида, зах тош-тупроқ орасида панглай бошлаган бир дон донга тушди.

Дон тўлғонар, чинқирарди.

Табиат бирида меҳр-мурувватда тенгсиз, бирида эса шафқат билмас панжаларини керганича донни кафтида тутди.

...бир хаёлида уни уммон тубига, яна бирида қуш бўғзига олди;

...бир хаёлида ғазаб учқуннида куйдуриб, кулини чексиз коинот бағрига улоқтирди;

Қаҳру ғазабдан ҳатто миллиардлаб ёруғлик йили узоклигидаги масофадан чакнаётган сон-саноксиз кўзларининг нурлари ҳам доннинг қат-қатигача сингиб борди.

Дон кўрмас, сезмас, ҳис қилмас: ўзидамас. Табиат унинг учун кўзлаётган азоб-укубатлардан адалсиз кўпроқ дард билан олишар, чинқирарди.

...Табиат ҳушёр тортди.

...Табиат ўнғайсизланди.

Уни “бешиги”га қўйиб, устидан кўзёшлари билан намлаган чойшабини тортди. Баробар чинқирик ҳам тинди.

Борлиқ узра осудалик иниб, ҳаёт измига тушди.

Аламли, тенгсиз азоблардан толиққан доннинг оҳиста, ҳорғин инграб, ҳузурли тин олгани эшитилди. Ҳароратда ёнаётган вужуд нам тупроққа юкунди: томир отиб, нишлади ва кўкка бўй чўзди.

Биродарлари билан шўх-шодон қаҳ-қаҳ ураётган дон янги тонгни бошоқ ичра қарши олди...

Қуёш кулган гўша



Асқарали
ЖЎРАЕВ

Бойсун деганда булутлар билан беллашган тоғлар, кўм-кўк қир-адирларга тикилганча кўбиз чалиб, дoston куйлаётган бахшилар, Бойчиборни елдек учуриб бораётган Алпомиш издошлари хаёлимизга келади. Ҳар йили ўтказиладиган, жаҳон халқларини хайратга соладиган “Бойсун баҳори” фестивалида янграган шўх муסיқалар, жилвакор яллалар кулоғимиз остида жаранглагандай бўлади. Ўзбекистон халқ ёзувчилари Шукур Холмирзаев, Эркин Аъзам, Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим сингари адабиётимиз дарғалари ва уларнинг ортидан дадил кадамлар билан бораётган ёш ижодкорлар кўз олимизда гавдаланади. Айни пайтда Бойсун миришкор боғбонлар, санъаткорлар, уста хунармандлар юрти дея талкин қилинади. Аслида ҳам шундай. Аммо Бойсуннинг кеча ва бугунини яхшироқ ўргансангиз, шубҳасиз, бу жаннатмонанд гўшада жуда кўп сир-синаотлар яширин экани, унинг ўзига хос ноёб географик жойлашуви, худди шундан келиб чиққан ҳолда бекиёс имкониятлар макони эканлигига амин бўласиз. Дунёдаги энг юкори иссиқлик даражасига эга бўлган тошқўмир, табиий газ, сланецнинг улкан захиралари, ўнлаб турдаги ер ости бойликлари яширин бу ерда.

Бойсуннинг бетакрор табиати билан бир марта ошно бўлган инсон она табиатнинг мўъжизаси бўлган бу маъвога қайта-қайта кадам ранжида қилишни кўмсайди. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тоғли ўлканинг туризм имкониятлари юкори поғоналарда эканлигини бежиз таъкидламадилар. Дарҳақиқат, йигирма минг гектардан ортиқ яшил арчазорлар, беш юздан ортиқ табиий ғорлар, бир вақтнинг ўзида тўрт фаслни кўриш мумкин бўлган бекиёс юксак чўкқилар, Дарбанд дарасидек ўта ноёб табиат мўъжизаси бутун дунё нигоҳини Бойсунга қаратмоқда. Дунё олимлари ўн йилдан буён ўрганиб, аммо ҳали-ҳануз тубига етиб боролмаётган, дунёнинг энг чуқур ер ости “Эверести” дея талкин қилинаётган Хўжагургур ота Қори, улкан ер ости хавзасига эга бўлган, Россия, Италия, Гер-

Асқарали ЖЎРАЕВ – Бойсун тумани ҳокими. 1972 йилда туғилган. Наманган саноат-технология институти ва Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган.

мания каби давлатлар қоршунослари ҳали-ҳануз илмий жиҳатдан ўрганаётган Хўжамайхона булоғи, минг йиллик тарихга гувоҳ Сайроб ҳамда Чорчинор чинорлари каби мўъжизалар, шубҳасиз, яқин келажакда туманда замонавий туризмни йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун пойдевор бўлажак.

Бойсунда туризмни ривожлантиришнинг яна бир муҳим асоси – бу ердаги эллиқдан зиёд маданий, тарихий ва археологик аҳамиятга эга маданий меросларнинг мавжудлигидир. Тешиктош, Амир Темур, Мачай Қори каби қадимий инсон қадамжоларини бугун дунёда билмаган, эшитмаган инсон бўлмаса керак. Поёнқўрғон, Болоқўрғон, Мунчоктепа, Узундара каби уч-тўрт минг йиллик тарих ҳақида сўзловчи работ ва қўрғонлар том маънода Бойсуннинг қадим тарихи ҳақида ҳикоя қилади, дунё сайёҳларини оханрабодек ўзига тортади. Шу боисдан ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур туман яқин йиллар ичида Сурхон воҳасининг туризм марказига айланади.

Бугунги кунда турли миллат вакилларидан иборат, қарийб 120 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган Бойсунда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, санотни ривожлантириш, қишлоқ хўжалигини замонавий инновацион лойиҳалар асосида юксалтириш, камбағалликни бартараф этиш ҳамда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли қатламини ишончли ҳимояга олиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманда сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этган ҳолда қишлоқ хўжалиқ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кескин ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш борасида аниқ лойиҳалар амалга оширилиши белгилаб олинган.

Қишлоқ хўжалиғи соҳасида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш борасида анчагина тажриба мавжуд. Айниқса, бу чорвачилиқ соҳасида яққол намоён бўлмоқда. Хусусан, жуда қисқа фурсатларда туманда чорвачилиққа ихтисослашган учта йирик чорва комплекси яратилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида “Бойсун чорваси” фермер хўжалиғи томонидан Австрия давлатидан 62 бош “Summental” зотли насли қорамоллар олиб келинди. Фермер хўжалиғида сут ва гўшт етиштириш энг сўнгги инновацион технологиялар асосида амалга оширилмоқда. Шунингдек, “Акмурхон чорва” фермер хўжалиғи томонидан лойиҳа қиймати 6,5 миллиард сўм бўлган, 200 бош зотли қорамол боқишга мўлжалланган сут-гўшт йўналишидаги замонавий чорва комплекси қурилиб, кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Ушбу йилда 13672 тонна гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 17971 миллион дона тухум етказиб бериш учун илғор технологиялар жорий этилмоқда. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида яратилаётган янги иш ўринларига асосан иш билан банд бўлмаган ёшлар ва кам таъминланган оилаларнинг ишсиз вакиллари доимий меҳнатга жалб этилиши кўзда тутилган.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиғи соҳасида кооперативлар ташкил этиш аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим йўналишлардан бири эканлигини эътиборга олиб, тажриба тариқасида 4 та сектор ҳудудида биттадан кооперативлар ташкил этилиб, 226 нафар кам таъминланган ва ишсиз ёшлар доимий иш билан таъминланди. Қувонарли томони шундаки, туманда 2020 йилнинг биринчи ярмида 345491,1

тонна кишлоқ хўжалик маҳсулатлари етиштирилиб, 102,2 фойз ўсишга эришилди.

Мақтаб ва мактабгача таълимни ривожлантириш, аҳолини тоза ичимлик суви, газ, электр энергияси билан таъминлашга қаратилган ўнлаб лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Жорий йилда 2 та мактаб, 2 та МТМ, 2 та соғлиқни сақлаш ва 5 та ичимлик суви билан боғлиқ объектлар қуриш, қайта реконструкция қилишга 19,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Ўртабўз, Жарқишлоқ, Наврўз, Бибиширин, Оқжар, Питов кишлоқларига ичимлик суви олиб бориш учун 2,5 миллиард сўм, 14 та аҳоли пунктига сув етказишга мўлжалланган магистрал ичимлик сув тармоғини қуриш ишларига 9,2 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 56,3 фойзга етказилади.

Туманда аҳолини уй-жой билан таъминлаш мақсадида 1,6 миллиард сўм банк кредити ажратилиб, 16 та кўп қаватли уйларнинг барчаси тўлалигича мукамал таъмирланди. “Работ” даҳасининг Омонтепа ҳудудида 2 та 4 қаватли, 72 хонадонга мўлжалланган уй-жой қурилиши амалга оширилмоқда.

Туман аҳолисини табиий ва суюлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш мақсадида жорий йил давомида 3 км газ тармоғи таъмирланди, 450 дона газ баллонлари етказиб берилди. Электр энергияси таъминотини яхшилаш мақсадида йил охиригача 8 км янги кабель линиясини тортиш, 25 км кабель линиясини янгилаш, 4 та трансформатор ўрнатиш, 28 та трансформаторни мукамал таъмирлаш, 155 дона янгидан электр таянчлари ўрнатиш ва 42 км ҳаво электр узатиш йўлларини мукамал созлаш ишлари амалга оширилади.

Аҳолини камбағалликдан чиқариш учун ўша оила аъзоларига биринчи навбатда бандлик борасида имконият яратиб бериш энг мақбул йўл ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, 2588 нафар камбағал, эҳтиёжманд оилаларнинг меҳнатга лаёқатли 1801 нафар аъзоси иш билан таъминланди. Жумладан, уларнинг 18 нафари оилавий тадбиркорлик, 72 нафари ҳунармандчилик, 264 нафари жамоатчилик, 7 нафари саноат, 98 нафари агросаноат, 20 нафари кооперация лойиҳаларига жалб этилди. 191 нафар киши эса муқаддам йўқотилган иш ўринларига қайта тикланди.

Тошда ҳам гул ундиришга ўрганган меҳнатсевар туман аҳли бизнинг энг катта имкониятимиз, ҳар қандай муаммо ечимига калит ҳисобланади. Ишончим комилки, барча соҳаларда бошланган кенг миқёсдаги лойиҳалар заҳматкаш бойсунликларнинг ижтимоий ҳаётини тубдан яхшилашга хизмат қилади.



Алишер СОБИР

Олисларда порлар бир ёлқин

Кўшик

Кўшикка айландим,
Маънос кўшиққа,
Ҳар дилла
Ҳар кўйда ўқилавердим.
Минг йил сажда этдим вафосиз ишққа,
Ҳар тонг куёш ила туғилавердим.

Янградим, тоғлардан садолар қайтди.
Иймонин ҳовучлаб адолар қайтди.
Сенинг боғларингдан қайтмади садо,
Менинг осмонимдан видолар қайтди.

Адашган еллардай увиллаб юрдим,
Куш бўлиб қанотсиз хаёллар сурдим.
Сени кўнглингдаги кўзгуда эмас,
Мен ўз суратимни оловда кўрдим.

Олов кўшиқ эдим,
Олов тан эдим.

Сиз кутасиз

Сиз кутасиз, мени кун бўйи,
Йўл қарайсиз ақдан озиб.
Юрагингиз остонасига
Ҳатто, исмим кўйгансиз ёзиб.

Сиз кутасиз, шамоллар гўё
Изсиз дайди, осмон ўртанар.
Ҳовучига тўлдириб дуо,
Қизғалдоқлар ҳолсиз тебранар.

Алишер СОБИР – 1992 йилда тузилган. “Теран илдизлар”, “Кенглик оҳанглари” ижод намуналари чоп этилган.

Сиз кутасиз кўйлагингиз чанг
Тупрок йўлга дардингиз тўкиб.
Куёш ҳолдан тойган маҳали,
Севгимизга видолар ўкиб.

Сиз кутасиз тоқатингиз-тоқ,
Эҳ, келмайди деб, тил учида.
Йўлда асир тушиб қолдим мен,
Кўзларингиз қорачиғига.

Баҳорим

Туйғулар дарахтга айланиб ўсар,
Минг бир орзуларга бойланиб ўсар,
Ҳилола ҳайратим ойланиб ўсар,
Сен билан баҳорим, ўтлиғ баҳорим.

Харсангларни тинглаб сел бўлиб кетдим,
Райхонлар бўйидан ел бўлиб кетдим,
Мен кўнгли борларга эл бўлиб кетдим,
Сен билан баҳорим, ўтлиғ баҳорим.

Қалдирғоч ўйларим, қалдирғоч кўнглим,
Куёшга бўйлаган қайроғоч кўнглим,
Сен билан улғаяр гул – оғоч кўнглим,
Эй, менинг баҳорим, қутлуғ баҳорим.

Туйғулар дарахтга айланиб ўсар...

Лаҳзалар

Сирли юракларнинг туб-тубларига
Дарё дурларидай умид жойланар.
Лаҳзалар бир-бирин кўлидан тутиб,
Атрофимда кўшиқ айтиб айланар.

Қаршимда югуриб тинмайди осмон,
Гох офтоб, гох мохтоб, гох юлдуз кулар.
Билмам, шивирлашиб, сирлашиб турган
Нуроний дарахтлар неларни билар?

Хаёл даштларига дайдиб кетарман,
Шаббода туйғулар тошга ёлборар.
Лаҳзалар бир-бирин кўлидан тутиб,
Атрофимда кўшиқ айтиб айланар.



Гулмира
АБДУРАИМОВА

Гулмира АБДУРАИМОВА – 1999 йилда туғилган. Қумқўрғон қурилиш ва транспорт коллежи талабаси. Шеърлари вилоят ва республика газеталарида чоп этилган.



Нурмухаммад
АБДУЗОИРОВ

* * *

Булоқнинг бошида ғамнок қиз,
Қўшиқ айтар, сиғиниб бирдан.
“Ҳаёт сувдир рангсиз ва таъмсиз,
Лекин ичмоқликка мажбурман”.

Куюниб ёнига бораман,
Йиғламасин кўнглин олай деб.
Дил берганим сезмай қоламан,
Ёдида бир умр қолай деб.

У юрагин очади менга,
Сўнгра енгил тортар бутунлай.
Ўзимни мард кўрсатиб дейман,
Бор дардингни айт энди, тинглай.

Тўлар қўлидаги кўза лим,
Ва, кетади, ох, тортгум минг бор.
Яна келар айтгум: “Гўзалим,
Биласанми сенда кўнглим бор”.

Кўза синиб кетади чил-чил,
У ҳам чопиб кетар уйига.
Балки, идиш йўқлигигандир,
Келмай қўяр булоқ бўйига.

Янги кўза олиб келиб жим,
Кутавергум келишин, ё, Раб!
Икки томчи сувдай кунларим,
Бири-бирига боради ўхшаб.

Ниҳоят у қайтади яна,
Товланади қўйлаги оппоқ.
Билмам, нечун юзида таъна,
Қора бўлиб кўринар ҳар ёк.

Нима қилдим, ахир, дилбарим,
Қилмадимми сенга дил фидо?
Тушунолмай қоламан барин,
Мени тинч қўй, дейди, алвидо!

Нурмухаммад АБДУЗОИРОВ – 1999 йилда туғилган. Қумқўрғон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежини битирган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими қошидаги “Илҳом” ёш ижодкорлар адабий клуби аъзоси.

* * *

Чўчиб уйғонасан ярим кечада,
Йўловчи поезднинг тактақларидан.
У сенинг уйқунгни олиб қочади,
Учқунлар сачратиб туёқларидан.

Темир йўлдек титрар бир зум юрагинг,
Поезд ўтиб кетар хаёлдай оғир.
У афсус чекапти, ана, қарагин,
Охидан ўт чикиб кетяпти, ахир.

Энди тонг отгунча бўлиб нигорон,
Кўзингдан соғинчлар тизиб ташлайсан.
Сўнгсиз сукунатдан тополмай ором,
Менинг юрагимни ўйлай бошлайсан.

Мен эса, бир он ҳам юмолмайман кўз,
Туну кун бедорман, лаҳзаларим йил.
Сени кечалари уйғотган поезд,
Кўксимда дук-дуклаб турар муттасил.

Она бургут меҳри

Бургут энг юксакда қанотин шайлаб,
Чўккиси томонга айлайди парвоз.
Митти бургутчаси у йўлин пойлаб,
Тошларни титратиб бердида овоз.
Буюк меҳр кучун акс-садосила,
Булоқ ҳам юмилган кўзини очди.
Бургут-чи, талпиниб қалб навосила,
Оналик нурини борлиққа сочди.
Қоялар силкиниб кетди тугёндан,
Саболар майсани аста силади.
Она бургут қалби ўзди тўфондан,
Полапонин кучиб нурга беллади.



Лобар
БЕРДИЕВА

Гул тутади

Гул тутади она ер менга,
Қуёш тафтин соғинган бир гул.
У борликни кучади сирла,
Саболарла шивирлайди хур.

Лобар БЕРДИЕВА – 2002 йилда тугилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими қошидаги “Илҳом” адабий клуби аъзоси.

Илдизила маҳкам кучоқлаб,
Фақат ерни билар жоннисор.
Қор қўйнида қирнинг остида,
Соғинч тўла ғамлару озор.

Бу гул турар моҳтобга бокиб,
Шамолларнинг ўтган йўлида.
Сен улардан чўчима, аммо,
Сен гуллайсан инсон қўлида.



**Камола
АМИРОВА**

Ватан сенга ўхшаши йўқдир

Бу Ватаннинг завки бошқача,
Тоғларию дашти бошқача,
Ҳаётимиз гашти бошқача
Ватан сенга ўхшаши йўқдир.

Балки, кимдир сўзлаганим ҳам,
Дардинг айтиб бўзлаганим ҳам,
Юксаклигинг кўзлаганим ҳам,
Ватан сенга ўхшаши йўқдир.

Куз

Сокин тун бағрида бедор,
Термиласан фалак токига.
Ўй, ташвишга берилма бекор
Хаёл қочар қалб пештоқиға.

Фалакда ой янада яқин,
Гўёки қўл чўзса етгулик
Олисларда порлар бир ёлқин,
Осмониға олиб кетгулик.

Майин шамол эсади бот-бот
Азим чинор баргларин силаб.
Унга ҳамроҳ гўё самовот
Янги қўшиқ, янги куй тилаб.

Сокин шамол васф этган шу он,
Сув юзида ўйноқлайди ой.
Бунда борлиқ гўзалдир чунон
Касб этгандек фусункор чирой.

Камола АМИРОВА – 2001 йилда туғилган. Умумтаълим мактабининг 11-синфида ўқимокда. “Замон фарзандлари” номли илк шеърый тўплами чоп этилган.

Қуёшим

Бахра олиб нурунгдан,
Бахтга чўмилди бошим.
Ёритгувчи йўлимни,
Сен кўкдаги қуёшим.

Онам десам, онамдек,
Хокисорсан, самимий.
Отам десам, отамдек,
Қатъиятли мураббий.

Муҳаббатинг тафтидан,
Қолмас дилда ғуборим
Гуллайвергин, яшнайвер,
Менинг она диёрим.



**Шахрибону
ТУРСУНОВА**

Тонг

Ёруғ куннинг бағрида уйғонар олам,
Гўё кўзин очди сеҳрли кундуз.
Бир зиё таралди турдим ўрнимдан,
Бобоқуёш бирла бўлдим юзма-юз.

Шодликларга тўла кун ухлаб бир зум,
Тун уқалаб уйғонди тим қора кўзин.
Ҳали ширин уйқуда маст бўлиб ётар,
Мудроқликдан айтолмас муддао, сўзин.

Табиат ҳам хурсанд, шод ва бахтиёр,
Вакт-чи ўтиб борар, соат урар бонг.
Барча кўзин очар, тасанно айтар,
Мана кириб келди яна янги тонг.

Шахрибону ТУРСУНОВА – 2006 йилда туғилган. Айни кунда умумтаълим мактабининг еттинчи синфида таҳсил оляпти. Унинг “Юртим жамоли” номли илк шеърый тўплами чоп этилган.



Шухрат АЗИЗОВ

Руҳимда бир бодом гуллади

Тақиқ ҳақида

Эй ақл, мен сендан қутгандим нени,
Ярамнинг остига тузли сув куйдинг.
Ўсиб кетган соқол сингари мени
Ўзимга ҳам ёмон кўрсатиб қўйдинг.

О, тақиқ! Мен уни тушунолмайман,
Намунча шунга ўч бўлмаса инсон.
Гоҳ тақиқ қудратин оширган майдан
Ожизлик қилади эътиқод, иймон.

Асли ман этилган олманинг жабри
Ҳаётнинг қувончу изтироблари.
Шу ҳаёт олдида жаннатнинг кадрин
Туширди тақиқнинг тарафдорлари.

Айбламанг Шайтоннинг гапига кириб,
Тирикликка асос солган Атони.
Қувишса мени ҳам жаннатдан уриб,
Савоб-чун қилардим шундай хатони.

Йўқ. Янглиш гапирдим. Удир билгувчи.
Эзгулик ҳамиша дилни ямаган,
Тангри ҳам жаннатни расво қилувчи
“Савоб”ни бекорга тақиқламаган.

Шухрат АЗИЗОВ – 1978 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Шеърлари Республика матбуотида эълон қилинган

Изланиш

Мен 33 ёшда...
туғилдим.
Бешик,
Бешик оғушида дўк урмай тунга.
Қаршимда бир лойдан ясалган эшик,
Бу эшик ёпилса, тушмайди унга
Исрофил суридан бошқа ҳеч калит.
Ким калит излайди, ким уй чироғин,
Мен эшик кўлини излайман. Ҳали...
Сен узо-оқ кутасан уй кўнғироғин.

Дарз кетган қайиқ

Умримни батамом сипкориш учун
Мен бор ҳужайрам бир ерга сафладим.
Ўзимни ўзимдан кутқариш учун,
Керагидан ортик кўп куч сарфладим.
Кибримга боғласа бўлар эшакни
Қуввати йўқ унинг атиргулча ҳам.
Курукда қайиққа чиқиб, эшакни
Минг ерга урманг у сузмас қилча ҳам.
Дарз кетган қайиқдай иқболим нигун,
Қани бу ўзанда баҳри нубувват?
Қайиғим сузмас, мен ҳар қанча дуркун,
Ҳар қанча билакда бўлмасин қувват.

Ошиқлик йўли

Мен Сендан бир ширин оғриқ тиладим,
Ғамгингина вақтичоғлик тиладим.
Лоланинг кўркидир бағридаги доғ,
Ишкингдан бағримга доғлик тиладим.
Кўзларим қароси кўмирдай ёнди,
Юрак шавқ шаробин симирмай ёнди.
Қордай оппоқ кўнғлим қирқни қоралаб,
Ўчоқдаги ўтин умримдай ёнди.
Дўстларим сенга не десак дедилар,
Дарди йўқ юракни кесак, дедилар.
Кўксимдаги дўзах азобин кўриб,
Қоч бундан, куйдирар бешак, дедилар.
Бас, олов тилидир севгининг тили,
Чўғдан куч олгайдир ҳаётнинг гули.
Мени кўрқитолмас ҳеч қандай оташ,
Туташ ишқ ўтига... жаннатнинг йўли.

Ва ниҳоят

Қора совуқ кесилди бу дам,
 Қорларнинг ҳам ранг-кути учди.
 Оппоқ гулга бурканган олам
 Бирдан ички дунёмга кўчди.
 Миямда ярқ этди минг қуёш,
 Рухимда бир бодом гуллади.
 Кўйди ойнинг тиззасига бош
 Уфкка туташ кўнгил йўллари.
 Тарғилланди нимпушти осмон,
 Тонг кўзларим оқиға сингди.
 Ва ниҳоят куртақдай нимжон
 Туйғуларим ақлимни енгди.
 Ва ниҳоят ҳисларим енгди,
 Эриб битди дилимдаги муз.
 Яна мени торгтириб енгил
 Юрагимга хуш келдинг, Наврўз.

Оловранг гул жилваси

Қуртақлар тиш ёрди, уйғонди бодом,
 Ботиний кўзғалиш мунча ғамзали.
 Эрта не бўлишин билмайди одам,
 Қуёш ҳам қисинар ботар маҳали.
 Гўё нур кириб ич-ичига дилнинг
 Қитиқлар, жонсарақ ҳисларим қари.
 Киприги қайишган оловранг гулнинг
 Майин жилвасига... исинар ари.

Абри найсонда

Мен севаман баҳорда ял-ял
 Япроқларнинг пириллашини.
 Янгигина барг чиқарган тол,
 Майсаларнинг зирриллашини.
 Кузатаман ўтли шавқ билан,
 Чучмомадай нафис бу йиллар.
 Бўйқизлардай ҳар тонг завқ билан
 Керишади намозшомгуллар.
 Боларилар маст гул ишқида,
 Олар ширин-ширин бўсалар.
 Гуллар билан шамол остида
 Кувалашиб ўйнар майсалар.
 Кўзиларнинг туёқларини
 Кўзларига суртганда хутлар.
 Ёнтоқларнинг оёқларини
 Кучоқлайди ям-яшил ўтлар.
 Севаман, деб йиғлайди сойда
 Ишқ ўтида куйган сайхонлар.
 Шивирлайди сочини майда,
 Майда ўрган абри найсонлар.

Арслон ва қуралай

Ҳикоя



Шодмонқул
САЛОМ

Учта шервачча қуюқ чакалакзорда пинҳон бўлган инда ингиллаб қолишди. Улар хали эт таъмини татиб кўрмаган, лаб-лунжидан сут ҳиди келади. Она арслон инидан чиқаркан, уларнинг хар бирини искаб-ялаб, ўзига хос меҳр улашди. Ва ортига қарамай илкис ҳаракат ила инидан ташқарилади. Бирор эллик қадам юрилгач, сўқмоқ-йўл бошланарди. Бу жой арслон учун баайни уй остонаси эдики, у “остонага” етганда тўхтаб ортига қайрилиб бир бор қаради. Сўнг баланд овозда ҳали куёш нури етиб келмаган жунглини сергаклантириб каттик ва бесабаб айқирди. Қушларнинг потирлагани, аллақайда неларнингдир югургандек товуши эшитилса-да, у бунга парво қилмади. Бу садо арслоннинг табиат буюрган чегара, ҳудуд эғалигини англатувчи садоси эдиким, ахли тўқай бундан хос хулоса чиқариши лозим.

Арслон бораётган сўқмоқ қуюқ, чаппораста ўсган тўқайдан, ўт-ўлан сийраклашгани сари сезилмай баландлаб борар ва қандайдир гузар кесимига ўхшаган кичик тепачага қараб ўрмаларди. Она арслон шу ерга етганида олис уфқнинг кизариб-бўзариб ётган шуъласи кўзларига урилди. Уфққа етиб келган абадий нур теvasи ер қуррасини шафакқа ўраб тонг билан сийлаётган бу онда ов илинжидаги арслон ириллаб, қаршисида ястаниб ётган бепоён кенгликлар томон юриб кетди. У илгари пайтларда ўзини бениҳоя беҳавф сезар, ҳеч нарсадан гумон қилмай, қўрқмай яшарди. Тўрт-беш қулочли заҳарли илонларга ҳам беҳадик ташланар, қашқирлар галасига дуч келганда ҳам ҳазиллашган каби оралаб, уларни қувлаб кетаверарди. Эндиликда эса инда ётган, учта кўзи очилиб-очилмаган гўдак туфайли анча эҳтиёткор бўлиб қолди. Буни унга табиатнинг муаллим ҳаёти аста-секин ўргата бораверди. Икки кун аввал ини яқинига келиб қолган силовсиннинг парчалаб ташланиши, тўқайзорнинг энг шум жонивори бўлиб хотирида қолган, арслон таҳдидидан қочиб ерга кириб кетган чипор илон ва бошқа катта-кичик воқеалар унга дарс бўлиб борар, шу сабабли ҳам унинг кўнглига бир алағдалик соя солиб турарди. Қолаверса, ўз жуфтидан айрилиб қолгандан кейин ҳозирча бошқа тўда билан топишиб улгурмаган, боз устига бола босиб, оғирлашиб қолгандан бунга ҳафсала ҳам қилмаганди.

Она арслон бир қарашда таваккалига йўл босаётгандай кўринар, аммо сўқмоқдаги излар, дарахт шоҳларига илашиб қолган бир тола-ярим тола жунлар шундан хабар

Шодмонқул САЛОМ – 1980 йилда туғилган. Термиз давлат университетининг кимё факультетини тамомлаган. “Юрак иқдими”, “Кўнгли китоби” тўпламлари чоп этилган.

берардики, бу сўқмоқ тўқайзорнинг ўзига хос йўли, аини дамда унда арслондан бошқа ҳеч бир жон кўринмасди. Тўқайзор тугаб, унга ёндош одамнинг кўксига урадиган ўтлоқлар ҳам пасайиб қолгач текислик бошланарди. Текислик кенгайиб, ўтлар пастлаб қолган жойдан дарё оқарди. Дарёнинг аини тўқай четларига тута шу жойида кенг кечув ва сувлот бўлиб, бунга атропоф-жавонибдаги жами жонзотлар келиб-кетар, то арслон етиб борғунича сув ичадиган маҳал бошланиб, Яратган қўлласа, ўлжасиз қайтмас...

Арслон йўлнинг тўртдан бир қисмига етганида кип-қизил лагандек офтоб само сатҳига баралла чиқиб олди. Шу маҳал чап томонда олисдан ненингдир шарпаси эшитилгандай бўлди. Арслоннинг туғма кесик, сезгир кулоқлари айниқса тонги осудаликда ҳар нарсани илгар эди. У тўхтади ва диққат билан ўша ёққа тикилди. Ўткир кўзлари, кўксига уриб турган ёввойи ўтлоқнинг қовжираб қолган хаворида ҳеч нимани илғамади. Бирор қуш бўлса керак, деб хаёл қилган арслон йўлда давом этди. У бораркан қоқ пешонасида нур улашаётган офтобга қараб-қараб кўяр, куннинг тобора исий бошлаганини, бугун ҳам иссиқ бўлишини хис этарди. Арслон боши узра товушсиз чарх уриб ғашга тегаётган хира пашшалардан озорланар, аммо қалта кулоқларини қоққанча, йўлида сергаклик билан давом қиларди. Унинг малла-қизғиш сийналари ҳозиргина сутдан халос бўлгани билиниб, сўлинки силкиниб борарди. Кўп ўтмай чап тарафда яна бояги ноаён шарпа эшитилгандек бўлди. Арслон тўхтади. Чап томонга қаттиқ тикилиб қолди. Боши узра айланаётган хира пашшалар ортда қолганди. Арслон жим, ютган нафасини чиқармай шарпа келган томонга тикилди. Бироз энқайиб, олд оёқларини сал букиб-пусиб қарай бошлади. Ва сўл томонда, пастликда ранг-туси худди бошоқлаб ётган майсазордай – оч кўнғир-сарик бўлган бир жуфт сайғоқнинг бир кўриниб, бир кўринмай жануб томонга – сувлотдан чапга кетиб бораётганини илғади. Аммо сайғоқлар жуда олисда эди. Негаки, қадди-басти эчкидан баланд, бироз юмалоқроқ бу ўтхўрлар майсазорда ярим белигача кўмилганда ҳам бемалол кўриниши керак. Сайғоқлар бироз пастликда, шу сабаб арслонга фақат боши ва қуйимичлари кўринарди. Ўта сезгир бу жониворлар шер ҳидини бир кун аввал ўтиб кетган сўқмоқдан ҳам билар, аммо улар ҳозир арслоннинг ёнбош томонида, аниқроғи арслон худудида ўтлардан бемалол узиб еб, худди кенгликда ўзларидан бошқа жонзот йўқдек бамайлихотир кетиб борардилар.

Арслон қаддини ростлади. Ўртадаги масофани, енгилгина эснаётган шамолнинг ўнғайлигини табиат юқтирган бир сезим билан чамалади-да, беихтиёр йўлини чапга солди.

* * *

Шамол арслоннинг фойдасига эди: рўпарадан эсар, бу эса ғўнғиллаган кўнғиз сасини ҳам эшитадиган сайғоқлар учун хавфли эди. Улар орқадан келаётган арслон шовурини билмасдилар. Улар чиндан ҳам бир жуфт шохи қалта, ингичка, ўзлари семизгина сайғоқлар эди-ки, арслонга энди бемалол кўрина бошлади. Арслон тезлашди. Ҳамиша тўда бўлиб юрадиган сайғоқларнинг иккитагина бўлиб юришининг ўзи ғаройиб, боз устига уларнинг бемалол ўт чимдиб, хотиржам қадам босишлари ҳам аллатовур бўлса-да, бу нарса аини паллада арслонни сира қиктирмас. Билъакс, рўпарадан эсаётган шамол тўрларини ёриб, кўзига кўриниб турган ўлжага тобора яқинлаб борарди. Бироқ ўртадаги масофа ҳали ҳам ярим чақиримдан кам эмасди. Шундай бўлса-да умид қилса бўлар, одатдаги тўда ичидаги овдан кўра шундай яқка овнинг ҳам қулайлиги бор бўларди. Чунки бўлиб-яққалаб олиш осон... Аммо унғача етиб олиш ҳам бор, албатта. Арслон англайдиган қонунга кўра хужумга учраб, нишонга олинганини сезган ўлжа бир ўзи қолдими бас гангиб, рўхий мувозанатини йўқотади. Уни овлаш осон...

Арслон анча йўлни ортда қолдирди. Сайғоқларнинг қалта думи ҳам, кўнғир йўлли қуйруқлари ҳам аниқ кўриниб қолди. Она арслоннинг кўзига

қон куйилди – у хом, ховур чиқиб турган гўштининг қонли, шўртоб таъмини чуқур туйди. Ичи қалдираб кетди. Тилига сув келди. У анчагина очкаган ҳам эди. Дунёда сўт таъмидан бошқа нарсани билмаган учта кучуги туни билан таллашиб онани эмган, бу эса онага энди билинаётганди. Боз устига оч жондор югурик келади. У тезлаша бошлади.

Арслоннинг оёқ товушларини сайғоқлар жуда яқин қолганидагина эшитишди ва лаҳзада ортга ўгирилиб улкан йиртқични кўрдилар. Сайғоқлар беихтиёр маъраганга ўхшаш бўғиқ садо чиқариш билан бир пайтда жон борича олдинга қараб югура кетишди. Табиат сайғоққа югуриш учун қанча чопқирлик ато қилган бўлса, улар шунча тезликда чопардилар. Ҳавога чанг кўтарилди. Арслон тахмин қилгандек сайғоқлар зумда икки томонга бўлиниб-айрилиб кетдилар. Ҳар иккиси ўзларини икки ёққа ураган, энди улардан бировини танлаши керак эди. Бу муаммо ҳам сониянинг улушларида ҳал бўлди. У танлаган ўтхўр кўшоёқлаб сапчиркан йўлини тўқайзор томон бурди. Сайғоқ жуда ёш, нари борса бир қор босгани кўришиб турарди. Арслонга ҳар қаричи таниш бўлган бу тараф жуда қулай эди. Ораси қирк-эллик қадамча бўлса-да, айрилишганига ҳам бир неча дақиқа ўтса-да орадаги масофа сира қисқарай демасди – сайғоқ жуда тез югураётганди. Аммо арслоннинг товуши, нафас етишиданок бўғинларига титроқ кирган жонивор ўзини тамом йўқотгандек ёйсимон шаклда қиялай бошлади. Бу арслонга орадаги масофани қисқартиришга имкон бўлди. Дарё ёқасидаги сувлотда пусиб, куёшда куйиб, кимирламай ўлжа кутгандан кўра, кун чошгоҳ бўлмай бир нимали бўлиши арслонга ўзига хос шавқ, ғайрат бағишлаганди. Аммо... фалокат шу паллада рўй берди.

* * *

Арслон катта тезликда, шашт билан пастга қулади. Тирноқ ҳам илмай, думи ҳам ерга ёки бирор нарсага тегмай пастга қулади она арслон. У йиқилаётганини тушуниб улгурмай олди билан, кўкраги аралаш келиб уриларкан, бир неча лаҳзада каттагина чуқур ўранинг тубида кўрди ўзини. Йиқилган заҳоти ўрнида сакраб турган шер бироз гангигандек тек қолди. Ва чанг-тўзон сал босилгачина ўзини сал ўнглаб атрофга қараб, йиқилгани уч томони тик жарлик, тўртинчи томони тошлок қатламдан иборат қўлда қазилгандек тўртбурчак шакли чуқур – чоҳ эканини тушунди. Арслон айна дамда сайғоқни эслади. Ва чуқурликнинг торгина сахнига дарров кўз солди. Жарликнинг ҳар тарафига қараб улгурди. Сўнгра баландга термилди. Шунда бўйни ва улкан боши қаттиқ оғриб кетди. Шу қадар улкан, чаптаст жонивор жуда қутилмаганда, кўпол йиқилганди. Аммо сайғоқдан номнишон йўқ. Кўкка учдимиз, ерга кириб кетдимиз – йўқ! Бу шумқадам сайғоқ арслон қулаган чоҳнинг четгинасидан югуриб, қаққон ўтиб кетолганди.

Довдираб қолган она арслон бир майдон анграйиб тураркан, энди сайғоқни унутди. Энди хаёлини чуқурдан чиқиш банд этганди. У тош қатлам томонга тирмашиб кўрди. Чуқурликнинг ярмига етиб-етмай орқага қулади. Аммо бу гал йиқилмади, аксинча қаққонлик билан ўзини ўнглаб оёқлари билан ерга тушди. Арслон қаддини ростлаб юксақда хилпираб турган ўтларни, ундан юқорида тип-тиник осмонни кўрди. Арслон чуқурнинг йўнилгандек силлик уч томонига сапчиш беҳудалигини англагунча барибир ҳайвонлигига борди – баланд деворга сакраб кўрди ва қайтиб ерга тушаверди. Шу чоқ беҳосдан салкин тўқайдаги ини, болалари ёдига тушди. У энди арслонлигини килди – бутун кенгликка, адоқдаги дарёга сув ичгали келган ҳайвонларгача эшитарили қилиб айқирди! Фалакка қараб, чоҳни осмонни тўлдириб ўқирди у. Осмонда “қаг-қуғ” қилиб учган қушларни кўрди. Улар арслон садосидан безовта бўлгандилар. Дарду алами зиёда бўлган она арслон ҳайкириги етган жойга ўзи етолмаётганини идрок қилолмас, бу ҳолига қўнолмаётганди. У ортига тисарилиб, қуйруғи билан қизғиш деворга тиралиб,

думини қисиб туриб зарб билан рўпарага тошлок деворга томон тагин сакради. Олд, ўнг оёғи билан бир кичикроқ тошга бир неча сония осилиб турди ҳам. Иккинчи оёғини ҳам шу тош томон силжитишга уринди. Аммо тош қимирлай бошлади. Нарн борса арслоннинг бошича келадиган бу тошнинг арслонга кўринмаётган томонида қандайдир чуқурчадек жой бўлиб, унинг тирноғи шунга илганди. Арслон бир оёғида осилиб қолмаганди шу дамгача. Шу боисми у шошилинч иккинчи оёғини ҳам тош сари ҳаракатлантирарди. Қарийб ҳавода лопиллаб турган тана оғирлик килди – тош ўрнидан кўпорилиб кетди. Арслон ҳам, тош ҳам қуйига учди. Арслон дарров қаддини кетди. Йиқилган, бир неча сония осилиб турган тошлок қатламга тикилиб қолди. Тош кўчмай, у ерга чиққанида ҳам баландга кета олармиди? Ким билсин, балки у ёғи осон бўларди. Аммо шу тошлок қатламнинг ўзи ҳам уч-тўрт қулоқдан кам эмас. Арслон аламли ғингшиб, кичик майдончада айланар, тўхтаб баландга термилар, тагин сапчиб кўрар эди. Минг додки, зўрдан зўр кўп! Она арслон, роса ўн ёшга тўлган, тўқайзордаги ёлғиз ҳукмфармо чуқурдан чиқиб кетолмай ожиз эди. Арслон ҳамаси икки ўтов тиккулик жойни бесамар айланарди. Бу ҳолатда инсон ҳам, ҳайвон ҳам она арслон каби беҳуда ҳаракатлар қилса керак. То ўзини босиб, тани совуб асил вазиятни англаб олгунича. Майдончада кезинаётган арслон четда тошлок қатлам томонда кичкина қўлни энди кўрди. Сувга тош, тупроқ тушган бўлса-да анча тиниб қолган эди. Арслон чанкаганини ҳис этди. Айни лаҳзада адоғида муздеккина арик оқиб ётадиган тўқайзор эсига тушди. Танидаги бор туқлари найзадек типпа-тик бўлди. Арслон сувга етаркан аламли ўкириб юбордики, унинг нидосини таржимонсиз ҳам тушуниш мумкин эди. У ютоқиб, икки биқини кириб-чиқиб сув ялай бошлади. У ҳеч нарсага қалғимай анча вақт сув ичди. Ва кичик қўлчада бир ховучгина сув қолди. Арслоннинг нафси қонди, чанқоғи босилди.

Вақт ўтиб борар, бу ерга ҳали офтоб нури етиб келмаган бўлса ҳам куннинг қизиётгани сезиларди. Она шер тикка бетли тошлок қатламга умидвор термилар, қамалаб кўрар, тагин беҳуда уринарди. Бироқ энди аввалги етиб борган жойи – тош кўпорилган нуктага ҳам етолмаётганди. Бунга боягина коринга кирган қарийб бир челақ сув ҳам сабаб эди.

Нихоят чуқурга қуёшнинг илк нурлари тушди. Қуёш нури теккан жойни тилиб ўтар – ҳарҳолда саратон офтоби. Аммо она шернинг чоҳи ҳали салқин эди. Шер ноилжликдан ғудранганча чўзилиб ётиб олди. Нима ҳам қилсин бошқа. Қарийб бир соатдан бери бефойда сапчишлар арслоннинг кучини олди, ҳоло.

Атроф-оламнинг энг қудратли жонзоти кичик мушукчадек ночорлик чоҳида мунгайиб ётар эди. Жарликдан қўз узмай ётаркан у ўйлаб ўйига етолмас эди. Бу чуқур аввал ҳам бормиди ё янгидан бино бўлдимиз? Арслон ғингшиб кескин бош чайкагандек бўлди: йўқ. Йўқ эди бу бадбахт чоҳ! Ўзи ҳар кун кезадиган манзилку ахир бу ерлар...

* * *

Орадан тўрт кун ўтди. Бировгина севалаб ўтган ёмғирни айтмаса, ҳамма вақт қуёш ёндириб, тунда юлдузлар қарақлаб турди. Саваннанинг ёмғир мавсумига ҳали бир ойдан зиёд вақт бор. Бир куннинг ўтиши душвор. Бир умр озод, ғолиб юрган она арслон сувсизликдан азоб чекиб ириллашга ҳам ҳоли келмай ноилж ётарди. Арслонларга очлик у қадар писанд эмас, ойлаб ўлжасиз тентираб юраверади. Аммо сувсизлик она шерни азоблаб, қувватини сўриб борарди.

Кун қиёмга келган паллада қафтдек сояси йўқ бу чоҳда арслон ўзи ичиб тугатган қўлмакка бағир бериб юзтубан ётарди. Қўлмакнинг беш кунки қўлмакчилиги ҳам қолмаган: арслон уни тирнаб-тимдалаб анча кенгайтириб қўйганди. Бироқ қазилгани қазилгандай – пешма-пеш офтоб тийғида қуриб қолаётган бу гўша ҳам она шерга қўмақ бермай қўяётганди. У олдинлари булутларга парво қилмас, аҳамияти-ю вазифасини ҳам англамасди кўп. Мана неча кунки, кундузи кун

кўйдирган пайтларда куёшни тўсиб ўтиб қоладиган юпка булутлар ҳам арслонга роҳат берар эди. У шу-шу булутларни хуш кўриб қолди. Самонинг арслонга кўриниб турган буржида кўринса ҳам унга умид-ла қарайдиган бўлди.

Тагин аёвсиз ёндириб бир оғир кун ўтди. Шу кунни қиём вақтида осмонда қора нуқтадек бўлиб бир жуфт ўлаксахўр кўринди. Бу қушларнинг нигоҳидан ҳеч нарса қочиб қутулмайди. Жумладан, чоҳ тубидаги арслон ҳам. Улар бир неча муддатдан кейин чуқурнинг лабида пайдо бўлишди. Энди улар бир жуфт эмас, балки кўпрок бўлиб келишганди. Аммо қушларнинг ҳафсаласи пир бўлди. Чоҳ тубида ҳолсиз, ўлаётган емак эмас, сувсизлик аламини жўштирган дарғаза шерга дуч келишди. Арслон қошига кўнган йирик ўлаксахўр калхат дум патларидан айрилиб қолди. Қимирламай ётган йиртқич ҳамла қилиб унинг бўғзини мўлжаллаганди. Бирок қуш тезлик қилди. Кунни битмаган экан, қутулиб кетди. Қушлар қанотларини биқинларига тап-тап уришиб самога кўтарилдилар. Она арслон учининг нақадар созлигини чуқур англади.

Арслон ўзи казиган қўлмак чуқурига боши ва қўксини яшириб қимир этмай ётар, унга беҳос кўзи тушган киши икки биқинининг булқиллаб турганидангина тирикчилигини англар эди. Ниҳоят кун унинг чуқури устидан нари кетди. Шомдан аввалги диқнафаслик чуқурда жуда билинарди. Чуқур лабидаги майсалар кечки гармселда эриниб тебранаркан ботаётган куёш шуъласи яллиғида қизариб, олтин тусда кўринарди. Уларни тебратаётган шамол бу чуқурга тушмас, тушса-да, чамаси чалқанча тушар эдики, шамоллиги ҳам қолмасди. Шомга яқин тани бироз совиган арслон бошини кўтариб чуқурдан ярим қадамча нарига силжиди. Ва шундоқ тепасида чарх уриб ғувиллаган хирапашшаларни кўрди. Улар юзлаб митти жониворлар эди. Ҳатто шулар ҳам истаса бу чоҳдан чиқиб кетоларди. Арслон эса йўқ. Тун чўка бошлади. Қайлардандир адашган шамол келди. У ҳам чоҳга, чоҳдаги арслонга урилиб шу ерда қаноти синди. Арслон пашшалар ўзини тарқ этганини шундагина сезди. Она шернинг юмилиб-очиқиб турган сўник кўзлариюлдузларнинг милт-милт этиб тийра жилва қилаётганини аранг илғарди. У худди ҳориган, ярадор паҳлавон каби чалқанча ётар эди. Унга айни дамда сув ҳам, кўпайиб қолган салқин шабада ҳам, емак ҳам керак эмас, фақат ором керак. Эҳтимол ажал керақдир. Бу мудроқ, бу лоҳаслик қандайдир ёқаётган эди унга. Энди куну тун югуришлар, хавотир-ла тўқай кезишлар йўқ. Энди югуриб бораётган бирор жонлини жонсиз қилиб унинг иссиқ қонига тумшук уришлар абас. Энди овчининг пинҳон ўқига қурбон бўлиш ёки икки тишли темир қопқонга банди бўлиб қолишларнинг хавфи узокда. Энди ором бор фақат. Сал чидаш керак фақат. Салгина... Шундай бир мудроқ, аммо ёқимли паллада арслоннинг орт оёқлари сийналарига тегиб кетди ва у қаттиқ инграб юборди. Уни сувсизликдан ҳам, офтобнинг ўн соатлик олов селидан ҳам кўра кўпроқ қийнаётган нарса шу сийналари эди. Улардаги кундуз кизиби, тунда совуб неча кунки эмилмай ётган сут она арслонга азоб берарди. Табиатнинг ноодиллигини кўрингки, арслоннинг ўтқир тишлари сийнасига етмасди. Акс ҳолда аллақачон ёриб ташлаган бўлармиди?! Қип-қизариб, таранг шишган, учларидан дастлабки кунларда сут томчилаб, кейинчалик кўкракларининг учлари битиб қолгандек сут ҳам томмай қолдими, ҳарҳолда лўқиллаган маромли оғрик пайдо бўлди. Бирор нарсага тегиб кетса оғрик худди ҳозиргидек зўрайар эди. Унинг қўксига тошдай ботаётган бу сийналар ҳар гал азоблаганда ёдига учта кичкинагина кучукчани туширар ва арслон аламдан ўкириб юборар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Арслон ўкиргандек бўлди. Аммо садоси чуқурдан ташқарига ҳам чиқмади. Унинг қўксидаги шу сут бўлмаганида балки бир неча кун бурун жон таслим қилган бўлар эди. Сут чайқалиб сийнасини ҳар оғритганда болалари эсига тушар, кундан ҳам, тундан ҳам умид қилиб, ноилож ётарди у.

Росмана тун чўқди. Қайлардандир шоқол улиди. Арслоннинг кўзлари юмилди. Чалқанча ётган ҳолида умр бўйи ўлжасига шерик бўлиб, жиғига тегиб келган шу

искирт шоқоллар бўлса ҳам ҳозир қаршисида бўлишини истади у. Ҳеч бўлмаганда улар билан таланиб жон берар, муҳими азоб тезроқ поёнига етарди. Оёғини кимирлатишга ҳам ҳоли йўқ. Табиатнинг аллақандай бемаъни ва бешафқат қонунига кўра бир неча кун бурун ерни гурсиллатиб босиб юрган музаффар, гўзал мавжудот бир бурда ўлимгикка айланиб борарди. Арслон сайғоқ жуда кам бўладиган бу тўқайзор кенглигида уларнинг пайдо бўлганига ҳам, одатдагидай сурувмас, бир жуфтгина бўлиб юрганига ҳам, ўзининг ҳар қангига ов манзили қолиб йўлни чапга солиб бу ёқларга улоқиб кетганига ҳам ва бу мудҳиш ўранинг қачон ва қандай пайдо бўлганига ҳам тушунмасди. Нега бундай бўлди? Қандай қилиб? Тамом! Фойдасиз ҳаёлот. Арслон боши билан шуларни ўйлаб ўтирадимми?

Икки кунки қуёш чиқиши биланок арслоннинг кўзлари, оғиз-бурни атрофини ўраб олаётган яшил-кўк пашшаларнинг оёқ олишига кўра арслон ўлаётган эди. Бу пашшалар ўлаётган, ўзини ҳимоя қилолмаётган жониворга айланишади.

* * *

...аммо у қутилмаганда кўзларини очди. Унинг нигоҳлари худди аввалгидек порлаб турарди. Ўзи ҳуш кўрадиган дарё четидаги пучмоқда пусиниб турарди у. Кичик тепалик пастиди бир тўп кўтослар ўтлаяпти. Жуда бефаҳм бўлади бу кўтос дегани. Пишиллаб ўтлагани-ўтлаган. Арслон ёнига келиб қолганини ҳам сезаётгани йўқ ҳатто. Арслоннинг ортида эса учта боласи. Улар ҳам эндиликда онасига эргашадиган, эт тотини олиб қолишган. Она арслон нақ пешонасида турган ёш кўтосга забт билан ташланди. Кўтослар тўдаси тўзиб кетди. Ҳалиги ёш кўтос эса бу бало-ю қазо қайдан келганига ақли етмай қутилмаган ҳужумдан ганғиб тўғрига, дарё ёқалаб шаталок отиб қоча бошлади. Кўтос таваккал, жон ҳолатда югураркан, унинг қаршисидан бошқа бир ёлдор улкан эркак арслон чиқиб келганини кўрди. Ўзини тўхтатолмай қолган кўтосни ёлдор шер бир ҳамлада бўғзидан олиб ерга босди. Она арслон ўлжасига ошқора шерик бўлаётган бегона йирткич сари югуриб бораркан, кўтоснинг бўғзига тиш ботирганча ўзидан кўз узмай турган ёлдор арслонни таниб қолди. У ўз жуфти эди.

Ахир, уни авж баҳор чоғи кўз олдида одамлар отиб олишган эмасмиди? Демак, ўлмаган экан-да. Қайтибдида тўқайга...

...Она арслон ожизгина маърашни эшитди. Жим ётаверди. Маъраш такрорланди. Арслон парво қилмагандек эди. Бу товуш ортида қандайдир этхўр жонивор борлиги-ю унинг нима эканлиги арслонга сира кизиқ эмасдек эди. Аслида ҳам унинг парвойи палак, қолаверса, бесамар хатти-ҳаракатларга мажолли ҳам, ҳафсаласи ҳам етмаётганди. Овоз такрорланди. Овоз эгаси арслонга жуда яқин келди. Унинг нафас олиши ҳам эшитилди. Овоз тинмай такрорланаркан, арслон кўзини очишга ҳаракат қилди. Аммо қурби етмади. Шишиниб, йиринг қотиб қолган қовоқларнинг кўтарилиши қийин бўлди. Бирок овоз ҳам уни тарк этиб кета қолмади. Аксинча унга жуда яқин келиб исқай бошлади. Арслоннинг боши узра яшил-кўк чивинлар ғувиллади, димоғига бегона ҳид урилди. Ва ниҳоят арслон кўзларини йириб очди. Қаршисида ўзига ажабланиб қараб турган митти жониворни кўрди. Бу қулоқлари жуда кичкина жонивор шернинг кўз очганини, кимирлаётганини кўриб унга янада яқин келди. Чўзилиб ётган арслондан сира хайқмай унинг бошларини, оғиз-бурунларини хидлай бошлади. Арслон қаршисидаги жонликка қараркан, унга ҳамла қилиш ҳақида ўйламасди ҳам. Унга шунчаки кўзлари орасидан ажабланиб оғир боқиб турарди. Боя кўргани – ёлдор арслон туш эканини англамаса-да она арслоннинг миясида ғалати ҳислар кечаётганди. У рўпарасида зорланиб маъраётган жонзотни таниди. Бу ҳали онасидан бошқани кўриб улгурмаган кийик улоқчаси – қуралай эди. Улоқча шерга ажабланиб боқар, унинг устидан чаққон сакраб ўтар, абадий уйқуга кетиш арафасида турган ҳолидан беҳабар маърагани маъраган эди. Балки онасидан ажралиб қолгач уни унутгандир, шерни онаси деб ҳаёл қилаётгандир. Арслоннинг

хидланиб кетган оғизларидан искаб қулоғи тубида маъраётган улоқчанинг тутмадайгина оғзидан келаётган ширин хиднинг не эканини арслон туйқус қадим сезгиси билан англади: бу сут ҳиди эди. Буни англаш асносида арслоннинг дунёси қоронғи бўлиб кетди. Ҳақиқлаб инграб қўйди. Унинг ингроғи улоқчани чўчитиб юборди. У бир сақраб нари кетди. Аммо қаерга ҳам борарди. Арслон излари ботиб кетган майдончанинг нариги бурчагига бориб олди ва тағин арслонга термилди. Арслон ундан кўз узмас, улоқчага қандайдир қизиқиш-ла қарарди. Кийикча унинг қошига қайтиб келди. Яна маърай бошлади ва бу гал арслоннинг бошига эмас ўзга аъзоларига қизиқа бошлади. Кийикча унинг ириллайдиган, аммо озор бермайдиган жонивор эканини ҳис этарди. У арслоннинг таранг сийнасини хидлай бошлади. Шу ҳолидаям қимирламаётган арслон улоқчанинг сийнасига яқин келганини сезаркан, буткул тек қолди. Улоқча сийнасини босганида бўғзига келган оғрик-ўқирикни ҳам ичига ютди. Орқа оёқларини кўтаришга уринаркан жуда секин ҳаракат қиларди-ки улоқчанинг чўчиб кетишини истамасди. У тонгги муздек ҳавода яхлаб ётган сийнадаги сутни кийикчанинг эмиб олишини жуда истаётган эди. Арслон минг азоб билан озгина ёнбошлаган бўлди. Энди сийналари аниқ кўриниб турарди. Аммо кийик боласи шернинг сийнаси ёрилгудай ҳолда азоб бераётганидан сира хабари йўк!

Аммо табиатнинг олтин тарозисида адолат бор. Йўкса, ҳаёт бу қадар ширин, жонни ўртовчи бўлмасди. Фалакнинг гардишини қарангки, кун тўлиқ ёришиб бўлган паллада кийик боласи олд оёқларида тиззалаб олиб она арслонни лиқиллаб эмиб ётар эди.

Дарди енгиллашаётган арслон ҳам энди биров тетиклашгандек, улоқча сийнасига нукиб-нукиб олганида ожизгина гингшиб кўяр, кўзларини эса аллақандай оромбахш ҳис сабаб юмиб ётарди.

* * *

Кейинми, кейин не бўлди, дерсиз? Албатта! Кейин табиатнинг бу ғаройиб ва ажойиб ҳодисасидан тахминан бир-икки кунча вақт ўтиб чуқур бошига биз бориб қолдик. Биз деётганим Мадҳя Прадеш штатининг геология бўлими ишчилари. Арслон тушиб кетган чуқурликни биздан олдинги гуруҳ қазиган, бу жойда каттагина олмос захираси борлиги тахмин қилинганди, аммо олмосли қатламга етиб бориш учун энди техника эмас, қўлда, белкурақларда ишни давом эттириш лозим эди. Аммо гап бунда эмас, ва бу ердан бизнинг қанча жавоҳир топишимизда ҳам эмас. Ахир, асил жавоҳир ана олти-етти қулоч пастда турибди: улоқча маъраганча деворларга сакрар, қайтишда арслоннинг устига тушар, бундан уларнинг иккаласи ҳам бирдек завқланар эди. Аммо арслон тўлиқ ўзига келмаган, шундай бўлса-да дум қимирлатиб улоқчанинг завқига шерик бўлар, оёқларини осилтирганча улоқчанинг ўйнашига бош ирғаб жавоб қиларди. Унинг ҳам вақти чоғ эканини шундан билса ҳам бўлар эди. Арслон кийик боласини озиклантириб асраб қолгани рост, аммо арслонни ҳам шу жимитдай улоқча сақлаб қолган эди. Арслон ва кийик боласи бир неча кун бирга яшаган. Худди иссиқ товадек чуқурда ғаройиб она-бола бўлиб яшаганлар. Сўнгра, табиатшунослар келишди. Икки кун шу ерда чодир қуришиб, арслонни даволадилар. Кейин уларнинг иккисини ҳам тўқайга қўйиб юборишди. Арслон бир ҳафтача эгасиз қолган усаи томон йўртиб бораркан, ортидан чопкиллаб кетаётган улоқчани сира ўзидан узоклаштирмасди.

* * *

Термиздаги музей ошхонасида суҳбатини адо қилган хиндистонлик меҳмонни тинглаб, беихтиёр мижжаларим ялтираб кетди.

*Қуралай – кийик боласи

Афсонавий кўзгу сири

Саргузашт-детектив қисса¹



Хоиннинг сўнгги вазифаси

Бир соатга қолмай уйни одам босди. Ҳаркер сўнгги ўринда етиб келди. Доктор ва Робсон хонада текширув ўтказишарди. Столдаги кутида кўзгунинг кичик нухаси турар, уй сохиби негадир қуймай, оддий ўлим топганди. Ундан бўлак икки полисмен ва Уотфорд ҳам бор эди.

– Бу гал ўзгача жасадга дуч келдик, Ҳаркер, – деди Робсон.

– Кўксини гижимлаган кўринади, – кўшимча қилди доктор. – Афтидан, кўркувдан юраги ёрилиб кетган.

Ҳаркер ҳар доимгидек бўш стул топиб ўтирди.

– Робс, одамларингиз уни кузатишяпти, деб ўйлаган эдим.

– Ҳа. Аммо мана бу икки ландовур қотилни кўйиб юборишпти. Ҳатто уйдан шовкин кўтарилмагунча, билишмаган ҳам.

– Сэр, – деди полисменлардан бири ўзини оқлаб, – у аёл киёфасида келганди. Биз бундай бўлишини кутмагандик.

– Аҳмоқ, ҳозир шундай вазиятқи, ҳар нарса бўлиши мумкин! Сенларни нима учун бу ерга кўйиб кетгандим? Қотил айёр бўлишини айтгандим-ку.

– Демак, – ўйчан сўради Ҳаркер, – жодугаримиз бу гал аёл киши бўлиб келган? – маҳкамда хоин борлиги ва айни дамда ёлғиз эмасликлари учун ҳам Ҳаркер Робсон билан шу тахлитда гаплашаётган эди.

– Ҳа, – тасдиқлади Робсон. – Уйга юзига тўр туширилган аёл келган. Унинг кўлида ана у кути бўлган. Дарвозабонлар уни ичкарига кўйиб юборишган. Жаноб Рожерс эндигини кечки сайрдан қайтган экан. Хизматкор аёлни ичкарига кўйган. Кўп ўтмай аёл юзидаги тўрни олган ҳолда чиқиб келган. Хизматкор уни танипти. У Бойл хоним бўлган. Кўркувдан энди додлайман деганида аёл унга унани ўчиришини буюрган ва хизматкор котиб қолган. Аёл ҳовлига чиққанида яна юзини тўр билан тўсиб олган. Хизматкор сал ўтибгина ўзига келган. Хўжайиннинг хонасига киришга юраги дов бермапти, аммо унинг ўлганини тахмин этиб, қолганларни чақирган.

Назаримда, жаноб Рожерс кўзгу ва мархума шеригини кўриб каттиқ кўркиб кетиб ўлган. Хизматкорлар унинг бугун жуда кўп дори ичганлигини айтишди. Доктор тинчлантирувчи дорилар меъёрдан ошганида зарар келтиришини, кучли хаяжон ўлимга олиб келишини айтди.

– Бу энг тўғри тахмин, – деди доктор Бэнкс. – Мархум ёнида икки хил тинчлантирувчи дори бор экан. Улар бир вақтда истеъмоқ қилинса ва киши қаттиқ хаяжонланса, юрак хуружи келиб чиқиши мумкин.

– Кўзгуни лабораторияга олиб бориш, уни яхшилаб текшириб кўриш лозим.

Ҳаркер сўзини тугатмасидан стол ёнидаги Уотфорд додлаганча ерга чўккалади. Полда типирчилар экан, атрофдагилар унинг танаси тиришаётганлигига гувоҳ бўлишди. Уотфорд сўнгги бор аянчли чинқиргач, жимиб қолди. Бошдан-оёк чириган жасадга айланди. Бу шунчалар тез юз бердики, қолганлар бақрайганча котиб қолишди. Икки полисмен хонадан чиқиб кетди. Доктор Бэнкс ҳам остонага бориб олди. Икки инспектор жимиб қолишди. Бу ишда улар кўп нарсани билишса-да, даҳшатли ўлимга бевосита шохид бўлиш уларнинг ҳам асаб толларига салбий таъсир ўтказган эди.

¹ Давоми. Бошланғичи ўтган сонларда.

– Ё, Тангрим, ўзинг мадад бер! – шивирлади Робсон жасад ёнига келиб. – Қандай дахшат!

– Ҳаркер ҳам ўзига келгач, докторга эшикни ортидан беркитиб туришни буюрди.

– Мана, Робс, хоин кимлигини ҳам билиб олдик. Жаноб Рожерснинг ўлими юрак хуружидан бўлганини кўриб, кўзгудан оғуни топа олармиканмиз, деб ўйлаётган эдим. Бироқ Уотфорд бу ишдаги сўнгги вазифасини адо этди, изларни ҳам йўқ қилди. Аввалги икки кўзғуни ҳам, айнан, Уотфорд куйдириб кул қилган. Ҳозир кўзғу билан ўзини йўқ қилиб, афсонавий жодугар кучини барчага исботламоқчи бўлди. Буни исботлади ҳам. Улар бу гал мутлақо ўзгача йўл тутишди. Биз кундуз Бойл хонимнинг ўлимидан маъно излаётган эдик. Мана жавоби. Унинг кўриниши алхимёгарнинг қудрати чексизлигини исботлаши лозим эди. Биз аёл киши котиллик қилишини кутмаган эдик. Ҳа-а, яна бир бор айтаман, бу дохиёна режа!

Бойл хоним хизматкорга атайин юзини кўрсатган. Кимдир унинг бу ерга келганини кўриши лозим эди.

– Аммо унинг жасади-чи?

– Ҳаркер ўйланар экан, жавобни топиб ўзини йўқотиб қўя ёзди.

– Назаримда, Робс, бунга жавоб топдим.

Робсон шериги кўзларига қараб, уни тушунди ва хайратдан оғзи очилиб қолди. – Нахотки...

– Ўрнингиздан тулинг, Робс. Биз буни текширишимиз керак. Лекин олдин Уотфорднинг уйига кириб ўтамыз.

Улар хонадан шошганча чиқиб, қолганларга жасадларни маҳкамага олиб боришларини ва докторнинг ўша ерда кутиб туришини тайинлашди. Кучер отларни елдириб уларни Уотфорд уйига олиб келди. Уй қутиланидек бўм-бўш бўлиб чиқди. Ён қўшниларни безовта қилишга тўғри келди. Қўшни аёл уларга уй сохибаси ҳақида билганларини айтиб берди:

– Уотфорд хоним икки ҳафта олдин болалари билан сафарга кетганди.

– Уларнинг кетаётганлигини ўз кўзингиз билан кўрдингизми?

– Йўқ. Кетишларидан бир кун олдин уни кўргандим. Сафар ҳақида лом-мим демади. Аммо эртасига кўринишмади. Икки кун ўтиб жаноб Уотфорддан оиласи кўринмай қолганлигини сўраганимда улар узок қариндошлариникига кетганлигини айтди. Яна кечаси йўлга чиқишгани учун ҳам, уларни ҳеч ким кўрмай қолганини қўшимча қилди... Ўзи нима гап? Бирон қорхол бўлдими?

– Ҳеч гап йўқ, хоним, – дедя Ҳаркер шляпасини ечиб, энгил таъзим қилди. – Ёрдамингиз учун ташаккур!

– Ҳаркер, мен Уотфордни яхши билардим, – деди Робсон извошга чиқишгач. – Афтидан, уни мажбурлашган. Оиласини гаровга олиб, шу жирканч ишга қўл уришини сўрашган. Йўкса, Уотфорд бизга хиёнат қилмасди.

Ҳаркер индамади. У Уотфордни яхши танимасди. Бироқ Робсон ҳеч қачон билмай туриб бунчалар ишонч билан гапирмайди. Унинг фикри-ёди маҳкамага тезроқ етиб боришда эди. Манзилга етгач, бинога қуш мисол учиб киришди. Дахлизга кирибод ходимлардан доктор Бэнкс қаердалигини сўрашди.

– Шу ердан, – дегани эшитилди докторнинг. У йўлак охиридаги стулда ўтирарди.

– Доктор, лабораторияга юринг, – деди Ҳаркер. Учовлон хонага киришгач, эшикни ичкаридан кулфлаб қўйди. – Доктор, Бойл хонимнинг жасади қайси бири?

– Ана у, тўртинчи столда тургани.

Ҳаркер тиббиёт пичоғини олиб, мархуманинг қорнини секинлик билан ёрди ва чирок нурида кидирганини топди. Сўнг докторни чорлади.

– Доктор, сиз бунинг нима эканлигини биласиз?

– Ё, тавба! – деди кўзларига ишонмаган доктор Бэнкс. – Ахир, бу ҳомила-ку... Ҳали кичик ва қисман қуйган бўлишдан қатъи назар бу ҳомила. Адашишим мумкин, бироқ Бойл хоним бепушт эди-ку...

– Жаноблар, бу Бойл хоним эмас, балки шанба оқшоми ғойиб бўлган Лоури хонимга тегишли жасад!

Ҳаркер оз муддат жимлик сақлаб, хайратдан ёқа ушлагудек ҳолга келган шерикларига тикилди.

– Уни безорилар ўғирлаб, жаноб Остинга топширишган. Биз энди биламизки, Бойл хоним жиноятчиларнинг шериги. Унинг сохта ўлими жаноб Рожерсни ўлдириш учун керак бўлган. Лоури хонимнинг танасига захарнинг бир қисмини сепиб, устидан иккинчисини сочишган. Шу сабаб аёлнинг усти куйиб, ички аъзолари у қадар ёмон кўрунишга келмаган. Бойл хоним бепуштлиги учун улар атайин эри билан ўн икки йилдирки, фарзанд кўра олмаётган Лоури хонимни танлашган. Бироқ улар озгина хато қилишди. Негаки, Лоури хоним яқиндагина ҳомиладор бўлган эди, аммо бунга кўпчилик билмасди. Шу тарика қилган найранглари фош бўлиб қолди.

Ҳа-а, улар барчасини яхши режалаштиришган. Робс, улар сизни ҳам ҳар томонлама ўрганишган. Сиз ўтган йили Шерман Ҳилберт ўлимни текшираётганингизда мухбирларни воқеа жойига йўлатмаган эдингиз. Улар бундан ҳам фойдаланишди. Бу гал ҳам имкон қадар мухбирларни қотилликлардан огоҳ этмасликка уринишингизни билиб, олдиндан режаларини шунга мослаштиришган. Сизнинг бу ишингиз жаноб Остиннинг ўлими сирлигича қолишига олиб келди ва у банкдаги пулларни осонгина ўзлаштириб олди. Кейин бир зумда осмондан тушгандек журналистлар жаноб Остин ўлимидан хабар топишди. Ишлари битгач, жиноятчиларнинг ўзлари мухбирларга хабар берган бўлишса керак.

Алкимёгар ролини шу чоққача эркаклар ўйнашаётган эди. Тан олайлик, биз аёл киши қотиллик қилишини кутмагандик. Улар бир ўқ билан икки куёни уришди. Ҳам компания раҳбарлари ўлимни уюштиришди, ҳам қутилмаган қотилликни муваффақият билан амалга оширишди.

– Бироқ Рожерсни нега ўзгача услубда ўлдиришди? – сўради боши қотган Робсон.

– Бу ҳам олдиндан ўйланган эди. Рожерс икки хил дори ичган. Доктор бу дорилар биргаликда киши соғлиғи учун зарарли, деб айтди. Улар бунга қандай уддалашган билмадим, бироқ Рожерс қутилганидек, юрак хуружидан ўлди. Кўзгу эса Уотфорд билан бирга куйиш учун қолиши зарур эди.

– Мен сизлар келгунча баъзи нарсаларни аниқладим, – деди доктор. – Биринчидан, жаноб Рожерснинг хизматкори хўжайини фақат, бир дорини ичиб юрганлигини айтди. Бунга ўша ерда билдим. Бундан бўлак, Робс ҳам ўша ерда эшитдики, марҳум ўлими олдиндан жаноб Жонсон билан учрашган экан. Жаноб Рожерс ўз акцияларини ҳамкасбига аввалги қиммат нарҳда пуллаган. Бироқ у ерда пулни кўрмадик. Жаноб Жонсонникида Рожерс овқатланган экан. Унинг қорнини ёриб, овқатга қўшилиб кўп миқдордаги дори қолдигини ҳам топдим. Жаноб Жонсоннинг айтишича, дўсти уйига келганида кўп дори ичган. Ҳатто овқат маҳали ҳам.

– Тўхтанг! – деди Ҳаркер. – Жаноб Жонсон компания акцияларини сотиб олмоқда. Ҳатто аввалгидек қиммат нарҳда. Бироқ унинг ҳисобини бўшашиб кетишди-ку. Шунча пулни бир кунда қаердан топди экан? Жаноб Рожерс ёнида пул бормиди?

– Катта қийматда пул топилмади, – жавоб қилди Робсон.

– Қарздорлик векселлари ёки шунга ўхшаш бирон тилхат бордир, эҳтимол?

– Йўқ.

Ҳаркер ўйга толиб қолди. Узоқ ўйлагач, тилга кирди.

– Эҳтимол, жаноб Жонсон ҳам жиноятчилар билан тил бириктиргандир? Акцияларни Остин банкдан ўғирлаган пуллар билан сотиб олаётгандир? У Рожерс овқатига бошқа дорини қўшиб берган бўлиши мумкин. Шартномани тузишгач, дўстига пул ёки вексел ёзиб берган. Кейинроқ Бойл хоним унинг уйига бориб, пулларни ўзи билан олиб кетган.

– Бироқ Бойл хоним уйдан пулсиз чиққан, – эътироз билдирди Робсон. – Қўлида ҳатто сумкаси ҳам бўлмаган.

– У ҳолда тўлов вексел билан амалга оширилган. Бойл хоним уларни ёқиб юборган. Сўнг иккинчи дорини қутиси билан Рожерснинг ён чўнтагига солиб қўйган, ўлим табиий кўриниши учун.

– Ҳа, бу ҳақиқатга анча яқин.

– Жаноб Жонсон жиноятчилар билан тил бириктирди ҳам дейлик, бироқ у компания акцияларини сотиб олмоқда. Бу бир қанча тахминларни рад этади ва ўз-ўзидан янги тахминларни келтириб чиқаради. Йўқ, ишончли маълумотларсиз бирон нима дейишга вақтли.

Режадан ташқари қотилликлар

Икки инспектор тунни маҳкамада ўтказишди. Эрталабки еттида уларни навбатчи безовта қилди.

– Мени маъзур тутинг, инспектор. Бироқ ғалати ишлар бўляпти. Тўғри, ҳозирда кўзгу иши билан бандсизлар, аммо ўзингиз ғалати воқеалар содир бўлганида огоҳ этишимизни сўраган эдингиз.

– Қандай расво хабаринг бор? Гапиравер, – деди Робсон қахвадан хўпларкан.

– Оқшом университетнинг уч профессори юрак хуружидан вафот этган. Уларнинг бир кунда вафот этгани бироз ғалати.

Робсон озроқ ўйга толди ва кулиб юборди.

– Ҳаркер, сиз ҳам мен ўйлаган нарсани ўйладингизми?

– Албатта. Жодугаримиз энди шахсий адоватларини ҳал қилишга киришибди. Бизда бўш вақт борга ўхшайди. Тонгги сайр танга қувват бўлади, дейишади. Юринг, Робс, айланиб келамиз.

Улар фойтунга ўтириб, профессорлардан бирининг уйига йўл олишди. Ўзлари билан доктор Бэнксни ҳам ола кетишди. Энди доктор ҳам кўп нарсалардан хабардор эди.

– Улар Брэдлини шармандаларча ҳайдаган ўша профессорлар эканига тўксон тўккиз фоиз ишонаман, – деди Робсон папирос тутатаркан.

– Брэдли ишини тамомлади. Оиласи учун зарур маблағни қўлга киритди. Энди ўлими олдидан ўзини шу қўйга солган каландимоғларни жазолашга тутинди. Эҳтимол, Брэдли олдин жуда ёвош, орзулари бир олам йигит бўлган. Ўша уч аҳмоқ унинг ёвузлашишига туртки беришган. Агар улар Брэдлининг иктидорини тан олиб, унга етарлича эътибор қаратишганида эди, у ҳозир жамият учун жуда фойдали инсонга айланарди. Каландимоғ профессорлар қанчадан-қанча истеъдод эгаларини кувиб солишади. Уларнинг ўзларидан илгарилаб кетмаслигига тиш-тирноқлари билан курашишади. Натижада мана бундай ўнглаб бўлмас дахшатли ишлар юзага келишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Энг ёмони, қонун бундайларни жазоламайди. Ўз ишини суювчи олимлар ҳам бор. Бироқ Брэдли улар билан учраша олмаган кўринади. Бу эса қанча бошогрикларни келтириб чиқарди. Брэдли қонундан ташқари малъунларни жазолашни мақсад қилган. Энди улар бошқа иктидор эгалари йўлига тўғанок бўлишмайди. Бу яхши, аммо одамнинг жони ҳар не бўлганда ҳам, олий неъмат ҳисобланади. Брэдли ёшлик ҳиссиётларига берилган. Унинг дунё ҳақидаги тасаввурлари ҳали етарли эмас.

– Фикрингизга қўшиламан, Ҳаркер. Очиғи, баъзан Брэдлига ачинапман ҳам. Пасткаш одамлар ҳар доим топилади. Уларнинг жиноятларига ёшлар тоқат қила олишмайди. Қанчадан-қанча адашган, ҳиссиётга берилиб жиноят кўчасига кириб қолган ёшларни камоққа олмадим. Улар ифлос муҳитга чидай олмай, ўз ҳаётларини барбод этишади. Баъзилари хатоларини тушуниб этади, аммо жиноятлари келажакларига ҳам салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Менда ўлим топган уч олимга нисбатан зиғирча ачиниш ҳисси сезилмаяпти. Лаънати мансабпарастлар ўзларининг ҳам, қолганларнинг ҳам бошини ейишди. Афсуски, Брэдли сабрли бўла олмади. Унда бунинг учун вақт ҳам йўқ эди.

Доктор бахайбат профессор танасини текшириб, унинг заҳарланганлигини қайд этди. Ҳаркер мурдага тикиларкан Робсонга мурожаат этди:

– Робс, бу ишлар ниҳоясига етганидан сўнг, журналистларга шу уч қотиллик

ҳақида етарлича ахборот берилишини, мақолаларда кенг ёритилишини истайман. Зеро, лавозимини суниестеъмом килаётган мансабпарастларнинг қилмишини адолат четлаб ўтмаслигини билиб олишсин. Айнан, шундайлар доимо мамлакат ривожига тўсиқ бўлиб келишган. Ким нима деса деяверсин, аммо бу табиат ўрнатган адолат бўлди. Гуноҳлари ўзларининг бошига етди.

Улар текширувни ўтказиб чиқишаётганида соат саккиздан ошган эди. Бир полисмен халлослаб келди-да, муҳим хабарни етказди:

– Сэр, майор Уорсон хабар килди: Эрик Брэдлининг онаси вафот этипти.

– Робс, мен дарҳол ўша ерга боришим лозим, – деди Ҳаркер фойтун томон чопишаркан.

– Мен ҳам сиз билан бораман.

– Йўқ, сиз шу ерда бўлиб, қолганларни кузатинг. Биримиз шу ерда бўлишимиз лозим. Ваъда бераман, уни эртага маҳкамага етаклаб келаман.

Тўполон

Робсон маҳкамага қайтиб, энг оғир вазифани адо этмокчи, яъни Роберт Лоурига рафикаси вафотини етказмокчи бўлди. Аммо яхшилаб ўйлаб, буни кейинроққа қолдирди. Негаки, жаноб Лоури кўпгина сирдан вокиф бўлиб, буни оғзидан гуллаб қўйиши мумкин эди. Нима қилишини билмай турганида, соат тўққиздан ўтиб бир полисмен ёнига рўзнома тутган кўйи шошганча кириб келди.

– Инспектор, кўчаларда намоёнлар бўлмокда. Ҳатто одамлар очикдан-очик полициячиларга ташланишмокда. Улар алкимёгар ўз тинчини бузганларни жазолашида полиция халакит бермаслигини сўрашяпти. Барчасига мана бу мақола сабаб.

Робсон таникли мухбирнинг мақоласига кўз югуртирди. Унда мухбир ўтган тун ўша алкимёгар билан учрашиб, суҳбатлашганини келтириб, Антонио Бануччининг истакларини баён этганди. Алкимёгар ўз тинчини бузганларни жазолашида ҳеч ким, айниқса, полициячилар ўзига қаршилиқ қилмаслигини айтганди.

Робсон намоёнчилар тўпланган ерларига кўпроқ одам юборилишини буюриб, ўзи “Коннорлар савдо бирлашмаси” компанияси бош биносига йўл олди. У адашмаганди. Одамлар тўпланиб, компания раҳбарларига лаънат айтишар ва бино томон қўлларига тушган нарсани отишар, оз сонли полициячилар базўр қаршилиқ кўрсатишмокда эди. Ғалаёнчиларнинг барчаси у ёки бу кўринишда компаниянинг инқирозидан зарар кўришганди. Робсон бу ерга келиш чоғи ўша мухбирни ҳибсга олишни ният қилганди, бироқ энди намоённи кўриб, фикридан қайтди. Бу иши билан одамларнинг ҳаракатини баттар алангалатиб юбориши мумкин эди. Ёрдამчи кучлар келгач, одамлар секин-аста таркала бошлади. Бироқ шаҳар бўйлаб намоёнлар кечга қадар давом этди.

Кутилган қадам

Ҳаркер Нилскидга борувчи поездга кеч қолганди. Кейинги поезд ўнда йўлга чикаркан. Шу сабаб у вақтни ўтказмай, юк ташувчи поездга чикди. Темир йўл бекати ходимлари унга қаршилиқ қилишмади, аксинча манзилига тезроқ етиб олишига кўмаклашишди. Шу тариқа Ҳаркер тушга қолмай Нилскидга етиб борди. Майор Уорсон уни ўз хонасида кутиб ўтирган экан.

– Инспектор Робс сизнинг келишингизни хабар қилганди. Бизни извош кутиб турипти. Дафн маросими соат тўртга белгиланган. Бемалол етиб борамиз.

– Соат тўртга? – сўради Ҳаркер. – Нега бунча кеч?

– Инспектор Робс телеграммасида дафн маросимини келгунингизча кечиктириб туришимни сўраган эди. Бироқ оймқиз Брэдли онаси дийдорига тўйиб олиш учун дафнни кечиктиришни сўради. Руҳоний қаршилиқ қилмади. Қисқаси, менсиз ҳам дафн маросими кечиктирилди.

– Мархуманинг соғлиги ёмонми? – извошга чиқишгач, сўрокни давом эттирди Ҳаркер.

– Ҳа. Доктор Жейкоб уни сўнгги вақтларда кўп асабийлашяпти, деганди. Бечора аёлнинг умри ғурбатда ўтди. Дастлаб, ёш болалари билан бева қолди. Марҳум Скот Брэдлининг ўлими, тўғриси, ҳалигача сир. Сафардан уйига қайтгач, вафот этган. Брэдли хоним бева боши билан фарзандларини катта қилди. Эрик ёшлигидан илмга чанқок эди. Бирок бу боланинг ҳам омади юришмади. Бахтсизлик бу оилани ҳеч қачон четлаб ўтмади. Жуда ёшлигидан бедаво дардга йўлиқди. Бу ҳам онасини сиқи қўйди. Кейин университетдан шармандаларча хайдалиши (ўшанда унга нисбатан катта адолатсизлик бўлган, Эрикнинг нафсониятини адолатсизларча поймол қилишганди) ва уй хайвонларининг ғойиб бўлиши, жаноб Ҳилбертнинг ўлими... Одамларнинг совуқ муомаласи Эрикка қадалган бўлса-да, бунда асосий жафони Брэдли хоним чекди. Фарзанди саёхатга кетганида ичикиб қолди. Энди бу воқеалар пойтахт рўзномалари бизгача етиб келади. Ҳамма ерда дув-дув гап. Ўғлининг ўлими ҳамда шунча машамшаларча сабабчи бўлиб қолгани... Йўқ, бу аёл дунёга келиб рўшнолик кўрмади. Кеча ўзини жуда ёмон ҳис этипти. Одамлар орасида очикдан-очик уни ҳақоратлаганлар, мазах қилганлар бўлган. Шу сабаб тушдан сўнг уйдан чиқмапти. Қизи тунда доктор Жейкобни чақирипти. Доктор уни эмлаб, яхшилаб ухлаб олишини айтган. Ёш қизнинг кўнглини озроқ кўтарган. Бундан ўзга қандай ёрдам қила оларди? Тонда жони узилпти. Бўлаётган ишлар ёш қизни ҳам ақлдан оздирган кўринади. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Биласизми... Мери Брэдли онасини тобутга иссиқ кийимлар билан жойлашларини сўрабди. Бундан марҳумага нима фойда бор экан, тушуна олмадим...

– Нима!? – майорга кўзларини катта очиб тикилди Ҳаркер. – Иссиқ кийимда?

– Худди шундай.

– Оббо, кичкина иблис-ей, – жилмайганча шивирлади Ҳаркер. – Яхши ҳам, ўзим келганим. Акс ҳолда яна сувдан курук чиқиб кетардинг-а! Ҳа-а, сен ҳаётдаги ягона муносиб рақибим бўлдинг.

– Нималар деяпсиз? – майор Уорсон ўзи билан сўзлашаётган ҳамроҳига анграйиб қараб қолди.

– Шундоқ ўзим. Вақти келганида тушунтириб бераман.

– Бу билан катта савоб қилган бўлардингиз. Негаки, инспектор Робс иккингиз нуқул менга изоҳларсиз кўрсатма беряпсизлар. Эрик Брэдли ўлгач, одамларимни унинг уйи атрофидаги пойлоқчиликдан қайтариб олмақчи эдим. Бирок Робс бунга руҳсат бермади. Тушунмадим, одамларим кимни пойлашяпти?

– Янглишмасам, ўша одамни кечқурун кўрсатаман. Фақат буйруқларимни бекаму кўст бажаришингиз лозим бўлади.

– Ҳар қанча ишга тайёрман. Ёрдамим тегса, хурсандман.

– Яхши. У ҳолда қулоқ тутинг! Ҳозир ортиқча саволни йиғиштириб, мен билан қишлоққа етмай тушиб қоласиз. Извошни ортга қайтариб юборамиз. Қишлоқ ўрмон биқинида жойлашган, деб эшитган эдим. Мени айланма йўл билан ўрмонга олиб бора оласизми?

– Бунинг учун қирларни ошиб ўтишимиз керак бўлади. Кузда у ер ботқоққа айланади. Ҳозир совуқ ва сирпанчик тепаликлардан эҳтиёт бўлиб юришга тўғри келади.

Майор Уорсон совуқда қунишганча извошнинг шаҳарга қайтиб кетаётганини озроқ кузатди-да, ўрмон томон йўл бошлади. Катта майдон яккам-дуккам баландликлардан иборат эди. Кузда ёмғирга тўйиб баъзи ерлар ботқоқ бўлган бўлса, энди уларнинг юзаси музлаб, қалин қор босганди. Лекин ботқоқ музлаганда ҳам хавфли бўлади, шунинг учун майор ҳамроҳини имкон қадар тепаликлардан олиб ўтарди. Тўйиб йиқилмаслик учун қадамларини эҳтиётлаб босишар, қўлларига таёқ олволишганди. Ҳаркер ундан ўрмон, қишлоқ туташган ерни муфассал сўзлаб беришини илтимос қилди. Сўнг жаноб Ҳилберт ўлимига онд тафсилотларни сўради.

– Адашмасам, собиқ инспекторингизнинг қотил деб топилишида бир ўрмон назоратчисининг гувоҳлиги асосий далил бўлиб хизмат қилган.

– Ҳа. Андерсон марҳум инспектор Пейнкрофт ўзини қўрқитганини, тунда қабристонга бошлаб, қабрни очтирганини айтиб берганди. Андерсон табиатан

жуда қўрқоқ эди. Оиласини яхши қўрар ва улар учун яна ҳам кучлироқ қўрқарди. Пейнкрофт унга айтганимни қилмасанг, болаларингни жаноб Ҳилберт сингари киймалаб ташлайман, деган. Бироқ инспектор Робс Андерсонда ишонч уйғота олган бўлса керак, унга бор ҳақиқатни сўзлаб берган. Пейнкрофтни кўпдан билардим. Эҳ, у билан неча замонлардан буён бирга ишлардик. Киши ичида нима яширинлигини билиб бўлмас экан. Андерсоннинг гувоҳлигисиз ҳам, Пейнкрофтни аҳволи оғирлашиб қолганди. Робс текширувни бошлаган куниёқ ўрмондан Пейнкрофтни қонга ботган пичоғи топилганди. У ўша пичоғи билан керса дўсти жаноб Ҳилбертни майдалаган бўлса керак. Андерсон бунни кўриб қаттиқ қўрқиб кетган. Аммо жасад қолдиқлари топилмади. Жаноб Ҳилбертни дафн этиш ҳам насиб этмади. Фақат савдойигина ўз дўстини шу кўйга солиши мумкин. Жаноб Ҳилберт эса унга катта пул васият қилиб қолдирган эди. Ўлимига ҳам ўша васияти сабаб бўлди.

– Жаноб Андерсон ҳар гал уй хайвони йўқолган тунда ўрмон қаъридан мунгли ингроқ эшитган экан. Уч бор ваҳимали овоз тингач, ўн-ўн беш дақиқа ўтиб Эрик Брэдлининг ўрмондан чиқиб келганини кўрган. Вактни тўғри айтяпманми?

– Ҳа. Ўн-ўн беш дақиқа, деган эди. Ўша воқеалардан сўнг Андерсон бу ердан кўчиб кетди. Робс икки кун олдин келганида уни топишимни сўраган эди. Афсуски, Андерсон янги уйида уч ой яшай олипти, холос. Асаб толалари шикастланиши, ахийри, уни гўрга тиккан. Унга ҳавас қилиб бўлмайди. Аввал ваҳимали инграшлар, кейин тунда савдойи қотил билан қабристонга бориш, энг ёмони, беозор чолнинг кўз ўнгида майдаланиши... Менинг асабларим ҳам бардош бермасди.

– Бундан бўлак, жаноб Андерсон ўнтача дарахтнинг чириб кетганини кўрган экан. Сиз ўша жойни биласизми?

– Ҳа. У йигитларга ўша ерни кўрсатган экан. Ўз вақтида йигитлар мени ҳам чириган дарахтлар ёнига олиб боришганди. Мен ўрмонни яхши билмайман. Ҳеч ким билмасди, бир Андерсондан бўлак. Бироқ ўша вақтлар у кучли ҳаяжонда бўлган. Эски чириндини яқинда дарахт ҳолида кўрганман, деган нотўғри тахминга борган бўлса керак. Доктор Жейкоб бундай асабийлашганлар кўзига йўқ нарса ҳам кўриниб кетиши мумкин, деганди.

– Ҳа-а, бу маълумотлар бизга асқатади, – шивирлади Ҳаркер нимадандир мамнун бўлиб.

Янри соат ўтиб майорнинг ўпкаси шишиб, совуқ оёғидан ўтиб, қўллари ҳам кўкариб кетганди. У ҳатто Ҳаркердан гина ҳам қилиб қўйди. Бундай саёҳатга чиқишини олдиндан билганида яхшироқ кийиниб олган бўлармиди? Бироқ Ҳаркернинг ҳам аҳволи яхши эмасди. Тез-тез аксирар, бурни хидни яхши сезмай қолганди. У, фақат, бир нарсани, тезроқ излаганларни топишни ўйларди. Қунишиб қолган бўлишларига қарамай, тезроқ юришга уринишар, бошқа томондан сирпанчиқ қияликлардан юришга тажрибалари ҳам ошиб қолганди. Ҳаркер баъзан жим кетса, баъзан майорни саволга тутарди. У энди кўпроқ Эрик Брэдли ҳақида, унинг феъл-атвори хусусида сўрарди. Майор ҳам унинг ёшлигида ювош, изланувчан бўлганлигини таъкидлади. Яна онасини қанчалар севишини кўшимча қилди. Буларни тинглаб Ҳаркер мамнун жилмайиб қўярди.

Нихоят, яна бир соатча юришгач, ўрмон ичидаги қўлга етиб боришди. Майор Ҳаркерга қотиллик рўй берган жойни кўрсатиб, воқеани қисқача тушунтирди. Ҳаркер ортиқча изох талаб қилиб ўтирмади. Сўнг ўрмоннинг қишлоққа туташ томонини кўришди.

– Майор, – деди Ҳаркер, – биз ўрмоннинг қишлоққа нисбатан ўн беш дақиқалик йўл радиусдаги майдонини назардан ўтказишимиз лозим. Дастлаб, дарахтлар чириндиси топилган ерга бошласангиз.

Етти-саккиз дақиқада ўша ерга етиб боришди. Ўрмон сийрак бўлса-да, бу ерда озроқ майдон очилиб қолгани сезилиб турарди, яъни кичик айлана майдон дарахтлардан холи эди. Ҳаркер каттароқ сўйилни олиб, эгилганча бир ерни қордан тозаллади. Сўнг ердан намикқан чириндини олиб, хидлаб кўрди. Бир чириган тўнка орасига сўйилни куч билан суқиб кўрди. Тўнканинг ер ости қисми ҳам чириб, ундёк бўлиб қолган эдики, Ҳаркер катта қийинчиликка учрамасди. Қўл билан

ушлаганда бутундек кўринган парчалар урвокланиб кетарди. Ҳаркер ўзи очган тешикдан қўл сукиб, чириндини ховучлаб ола бошлади. Ахийри, илдишлар ҳам чириб адо бўлганига гувоҳ бўлди. Унинг қилиқларини бир четда энсаси қотган майор Уорсон кузатиб турар, ўзининг совук қотганида шеригининг иши унга эриш бўлиб туюларди. Ниҳоят, унинг тоқати-тоқ бўлди.

– Нима бало, олдин археолог бўлганмисиз? Оёғимни сезмаяпман. Бу туришда ётиб қолишми аниқ. Тезроқ кишлоққа бориб, каминга оёқ узатиб, иссиқ қаҳва ичгим келяпти. Адашмасам, сизнинг ҳам аҳволингиз яхши эмас.

– Тўғри, шамоллаганим аниқ, – деди Ҳаркер кўлидаги чириндиларга зўр иштиёқ билан боқаркан. – Бироқ мана шу чириндиларни кўрганим учун, қолган умримдан воз кечиб юборишга ҳам тайёрман. Мен Африкада олмос қонида бўлганман, у ердаги хазина мана шу чириндилар билан беллаша олмайти.

– Ҳаркер, – деди майор унга ҳавфсираб боқаркан, – сиз мени чўчитяпсиз. Сиз менга собиқ ҳамкасбим Пейнкрофтни эслатяпсиз.

– Бу манзара ҳар қандай одамни жинни қилиб кўяди. Доҳиёна ихтиро... Майор, яхшилаб эътибор беринг. Дарахтнинг илдишидан то учгача бирдек чиринган. Аввал дарахтнинг усти чириб тўкилиб тушиши мумкин. Аммо тўнқанинг ер остидаги қисми чириб битишига анча вақт кетади. Унга қадар йиқилган устки танасидан асар ҳам қолмаслиги керак эди, – Ҳаркер ўрнидан туриб, майорга юзланди. – Афтидан, жаноб Андерсон янглишмаган. Бу дарахтлар бирданига чириб тўкилиб тушган, худди жаноб Ҳилберт жасади сингари.

– Нималар деяпсиз? Жаноб Ҳилбертнинг жасади топилмаганди. Сиз унинг қаердалигини биламан, демокчимсиз?.. Унинг жасади шу ердами?

– Йўк-йўк, жуда адашиб кетдингиз. Майли, бу ҳақда кейинроқ сўзлаб бераман. Ҳозир яна бир жойни топишимиз керак... Ўрмон сийрак ва уни яхшигина қор босган. Излар кўринмаяпти, афтидан, у эски маконига келмаган. Гун бўлишини иссиқ бир уйда кутиб ётгандир? Аммо биз унинг эски қароргоҳини топишимиз керак.

– Нималар деяпсиз? Бирон нимани тушунтириб гапира оласизми, ўзи?

– Нима десам экан. Форга ўхшаш яширин жойни қидириб топишимиз керак.

– Бу ер ўрмон. Фор нима қилсин?

– Бута босган кичик тепаликми ёки коваги бор улкан дарахт. Қисқаси, бирон нима яшириш мумкин бўлган кичик жой.

Майор ўйланиб тургач, секин тилга кирди:

– Бир ерда кичик қояга ўхшаш харсангтошлар уюми бор. Бироқ у ерда, фақат, қўл сигар кичик тиркичлар бор, холос. Ўтган йили у ерни ҳам текширишган, аммо ниманидир яшириш мумкин бўлган жой топилмаган.

– Текширувда ўзингиз ҳам қатнашганмисиз?

– Йўк, албатта. Буни йигитлар бажаришган.

– У ҳолда биз ҳам ўша ерни бир назардан ўтказсак бўлар экан. У ер билан кишлоқ ораси қанча?

– Билмасам. Югурсангиз, ўн дақиқа ҳам етиб ортади, шекилли.

– Яхши. Қани, кетдик бўлмаса.

Майор яна олдинда йўлбошлик қила бошлади. Энди у югургудек лўкиллар, тезроқ кишлоққа кетишни истарди. Катта харсангтошлар Ҳаркер қутгандек, яширин паноҳ топиш мумкин бўлган жой бўлиб чиқди. Уни айлиниб чиқишди. Аксар ерларида тиканли буталар ўсганди. Ҳаркер қаттароқ буталарни қайириб, ортини текшира бошлади. Майор унга ёрдамлашиб турди. Учинчи ердаги буталарни бир амаллаб қайириб, ортига боқишганда, кичик туйнук кўринди. Ҳаркер ҳамма ери тимдаланишига қарамай, ўша ерга ўтди ва энгашиб туйнукдан ичкарилади. Сал ўтиб зим-зиё қоронғи ерга майор ҳам кирди. Ҳеч нарсани кўриб бўлмагани камдек, ўткир бадбўй ҳид анқирди. Оз ўтиб қоронғида баъзи нарсаларни сал бўлса ҳам пайқай бошлашди. Ҳаркер деворни ушлаб юрганча синиқ ишиша идишда жирканч суюкликни учратди.

– Майор, назаримда, чанг босиб ириб кетган мойни топдим.

– Бадбўйлигидан шунақага ўхшаяпти.

Ҳаркер курук кийимидан озгина мато йиртиб олиб, уни олдин таёк учига ўради, кейин жирканч суоқликка ботириб, майорнинг бурни остига келтирди. Майор қафти билан бурнини беркитди.

– Бунча сасимаса?

– Майор, тезроқ бўла қолинг. Чақмоқ тошингизни олинг. Ишқилиб, мен ўйлаган нарса бўлсин-да.

Майор машғалани ёқди ва иккисининг кўз олди ёришиб кетди. Ўн сония ўтиб горни кўздан кечира бошлади. Четдаги синиқ идиш анча қатта экан. Ичига боқиб майорнинг кўнгли озби кетди. Манзара бадбўй хид таратганича бор экан. Бошқа томонда яна чиринди уюмига дуч келишди. Ҳаркер яхшилаб боқиб, бир қанча идишлар, ўртача стол ва белкуракнинг чириндисини ажратди. Белкуракнинг учи кизил-сарғиш эди. Уни ушлаб кўрди. Кулдек урвокланиб кетди.

– Зангми? – сўради майор.

– Ҳа. Белкуракнинг ёғоч дастаси ҳам, учи ҳам чириб кетипти. Ҳозирча ҳаммаси яхши. Энди (агар бўлса) қабрни топиш қолди. Тезроқ бўлиш керак. Йўқса, яна бир бор кўнглингизни оздириб, машғала ясаймиз.

– Ҳа, тезроқ бўлинг, Ҳаркер. Яна ўн дақиқа турсам, хушимдан кетиб қоламан. Оч қоринга бундай хидлар ёқмас экан. Ошқозоним бузилиб қолса, ўлгунимча сизни қарғаб ўтаман.

Ҳаркер бир четдаги дўнгликни текшира бошлади. Аввал машғаланинг кети билан ерни ўйиб кўрди. Сўнг кўли билан тупроқни ола бошлади. Хийла ўтиб кўлига қаттиқ нимадир урилди. Атрофини тозалаб аллақандай жониворнинг бош суягини олди. Остидан ўнлаб бош суяқлар чиқа бошлади. Ҳаркер бир суякни олиб майорга узатди.

– Назаримда, итнинг бош суяги. Мана буниси мушукники бўлса керак.

– Ҳа, – майор ҳам ўрачага кўл суқди. – Буниси куёнга ўхшаяпти. Кавлайверинг. Бурундук билан ҳаққа чиқиб қолса ҳам ажаб эмас. Во ажаб, ҳали бундай қабрни кўрмагандим. Сиз буни олдиндан билганмидингиз?

– Топишни шунчалар истаётгандимки... – хурсандлигидан оғзи қулоғига етгудек жилмайди Ҳаркер. – Бир ҳафтадан сўнг қишлоқ аҳлини бу ерга олиб келиб, ўтган йили йўқотган уй ҳайвонларини топганингизни айтсангиз ҳам бўлади. Балки, алоҳида белгилари билан ўзларига тегишли ҳайвонни ажрати олишар?

– Эсингизни едингизми, Ҳаркер? Суякни бошларига уришадими?

Ҳаркер майорга тикилди. Унинг юзи ҳеч нарсани ифодаламасди.

– Асосий масала, йўқотилган нарсанинг топилганида эмасми?

Тузоқ

Қишлоқ майорнинг кўзига жаннатдек кўриниб кетди. У дуч келган биринчи уйга кириб, мезбон билан камин ёнида чойхўрлик қилишга тайёр эди. Қишлоқ аҳли оз бўлганидан бир-бирлари билан анча тотув яшашарди. Аммо Ҳаркер уни тўғри эски ибодатхонага бошлади. Улар дафнага ярим соат олдин етиб боришди. Қишлоқнинг рухонийси ҳам, роҳиби ҳам, гўрқови ҳам бир киши эди. Бу ўрта ёшли бақувват одам доктор Жейкоб билан маросимни бошлашга тадорлик кўришаётган экан. Улар саждагоҳ ёнида турган тобут қаршисида ўзаро суҳбатлашишар, четда Мери Брэдли бир неча аёл тасаллисини тинглаб жим ўтирарди. Қабр аллақачон тайёрланган бўлиб, маросимни бошласа ҳам бўларди. Аммо икки қутилмаган меҳмон доктор ва рухонийнинг эътиборини тортди. Уларнинг шимлари почаси лой, юзлари доғ, кийимлари эса титилиб кетганди.

– Ё, Худойим, сизларга нима бўлди? – сўради доктор Жейкоб.

– Саволингизни қўйинг, доктор, – мадорсиз одамдек хириллади майор ва бирдам тўхтаб, марҳуманинг биллагидан тутиб, пульси урмаётганига ишонч ҳосил қилган Ҳаркерни кузатди. Сўнг давом этди. – Ундан кўра бизни камин ёнига таклиф этиб, кўлимизга иссик нимадир беринглар.

– Бу ёққа юринглар! – дея рухоний уларни ичкаридаги кичик хонага бошлади. Меҳмонлар оловга яқинроқ ўтириб, кўл-оёқларини каминга тутишди. Майор “оҳ”

тортиб юборди. Рухоний олов устида илиниб турган човгундан чой дамлаб, уларга узатди. Икковлон иссиқ чойдан анча тетиклашишди.

– Балки, энди нима бўлганини сўзлаб берарсизлар? – деди доктор уларни кузатишдан чарчагач.

– Извош йўлда шикастланди, – майорнинг ўрнига жавоб берди Ҳаркер. – Кейин майор қишлоққа олиб келадиган йўлдан адашиб кетди.

Майор унга ўқрайиб қараб кўйди, докторнинг баттар қизиқиши ортди.

– Наҳотки? Бунга ишонини кийин... Майли, шу ерда ўтира туринглар. Кейин гапириб берарсизлар, – сўнг рухонийга юзланди. – Менимча, маросимни бошласак ҳам бўлади. Ҳадемай куёш ботади. Дафни кечиктирмаслик лозим.

Меҳмонлар камин ёнида қолишди. Майор курсига яхшилаб ўрнашиб, кўзларини юмди. Кўшни кенг хонадан рухонийнинг овози эшитилди. Кимлардир йиғлаб мархума хақида нималарнидир сўзлади. Сўнг кадам товушлари кулоқка чалинди. Шундагина Ҳаркер ўрнидан турди.

– Юринг, майор!

– Нима!? Яна қандай азоблар қолди?

– Қабристонга борамиз. Кўрайлик-чи, қахрамонимиз таваққал қилиб олдинроқ бўй кўрсатармикан? Бунга ўзим ҳам ишонмайман. Аммо ҳар бало бўлиши мумкин.

– Нима? – кўзларини очди майор. – Кимдир дафн маросимига келиши керакмиди? Нега олдинроқ айтмадингиз? Йигитларга тайинлаб қўярдим.

– Йигитлар дам олаверишсин. Уларни кейинроқ қошингизга қорлайсиз. Икkitаси қолса кифоя.

Майор ортикча гапирмай Ҳаркерга эргашди. Иссиқ хонада ўтирганлари учун энди совуқда бемалол юришарди. Тобут ўрага туширилиб, рухоний дуоларни ўқий бошлади. Дафн маросими охирига қадар Ҳаркер ёш Мери Брэдolini ўзига сездирмай кузатиб турди. Унинг кўзларида ғам-аламдан кўра ҳадик кучли эди. Ҳаркер адашмаяпманми, дегандек ўғринча қарашини тез-тез қайтарарди. Чунки, унга шундай туюлган бўлиши мумкин эди, чунки у шуни кўришни кутганди.

Гира-ширада одамлар тарқалди. Ҳаркернинг буйруғи билан пойтахтдан келган икки хуфя ҳамда майорнинг одамлари черковга келишди. Ҳаркер майорга кўрсатмаларни берди:

– Майор, одамларингизга жавоб бериб юборинг! Сизнинг кийимингиз ажралиб туради. Пальто ва шляпангизни улардан бирига беринг. У йўлда юзини имкон қадар бегона ўткинчига кўрсатмасин. Робснинг икки одами билан икки соатдан сўнг овга чиқамиз. Черков ҳам қабристон сингари қишлоқ ташқарисида эканлиги яхши бўлди. Унгача деразадан қабристонни кузатиб турамин. Сиз эса, пайтдан фойдаланиб, ҳордик чиқариб олишингиз мумкин.

Майор у айтгандек, бир одами билан кийимини алмаштириб, барча ходимига жавоб бериб юборди. Тўрт одамнинг черковдалигидан, фақат, рухоний хабардор эди. У майорнинг илтимоси билан буни сир сақлашга ваъда берди. Меҳмонларини камтарин таомлар билан сийланди. Майор бир соатча ушлаб олди. Ҳаркер қабристонга қараган дераза ёнига курси қўйиб олиб, кузатувда ўтирди. Саккиздан ошганида қоронғи кучайди. Ой юзини булут тўсгани Ҳаркерга панд берарди, ҳолос. Ракиби учун эса бу ҳол айни муддао эди. Вақт етгач, уч шеригини қошига тўплади.

– Энди энг ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Қабристонда меҳмон қабул қиламиз, қайсидир маънода мезбон, дейиш мумкин. У ёлғиз бўлмай, бир ёки икки ҳамроҳи бўлиши мумкин. Улар хавфли жиноятчилар. Эҳтиёткор бўлишни эслатишга ҳожат йўқ. Вазият тақозоси билан қурол ишлатишга шай бўлиб туринглар. Бироқ ҳеч ким ўлмаслиги лозим. Бирингиз мен билан Брэдolini хоним қабри яқинига беркнасиз. Иккинчигиз майор билан икки четда пойлоқчилик қиласиз. Ишора бермагунимча ҳеч ким кимир этмайди, чурк этиб оғиз очмайди. Унутманглар: мамлакат келажаги бизга боғлиқ.

Барча ўзига муносиб жойни танлади. Ҳаркер хуфя билан Брэдolini хоним қабри ёнидаги улкан дарахт ортидан қўним топди. Бир соат ўтди. Ҳеч зоғ кўринмади. Икки соатдан сўнг қишлоқда ҳам сукунат бошланди. Ҳаво очилиб, ой кўрингани

ишни хийла осонлаштирди. Пистирмадагиларнинг кўзи қоронгига анча ўрганиб қолди. Вақт ўтгани сайин Ҳаркернинг ўзи кўпроқ асабийлаша бошлади. У ҳалёб атрофга алангларди. Соат ўн бирдан ўтганида совуқдан ҳаммининг оёғи музлаб, тинчлантиришга қолди. Ҳаркер кўлини бир-бирига ишкаб куфларкан, ўзини тинчлантиришга уринарди.

– Қани, кўрина қолсанг-чи, – ўзига-ўзи шивирлади Ҳаркер. – Ойижонинг кутиб қолди. Наҳот, захда шунча ётишига қўйиб берсанг? – Ҳаркер сўзида тўхтади, негаки, шериги ишора қилиб ўзлари томон бир шарпа тез, аммо эҳтиёткорлик билан яқинлашаётганини кўрсатди. Иккиси ўзини панага оларкан, шарпа улар турган ерга келди. Ойнинг хира ёруғида майор Уорсоннинг юзи кўринди.

– Майор, нима қилиясиз? – норозиланиб шивирлади Ҳаркер. Уорсон ҳам паст овозда жавоб қайтарди:

– Ана у томондан икки одам яқинлашяпти. Улар ўзлари билан арава судраб келишди.

Узоқда шарпа кўзга чалинди. Қабристон ичи паст-баланд илониз йўл бўлгани учун, улар аравани кираверишда қолдиришиб, белкуракни қўлларига олишди. Ҳаркер барчани жим бўлишга чорлади. Икки одам Брэдли хоним қабри қошига келгандагина чирок ёкишди. Сўнг иккиси ҳам жон-жаҳдлари билан қабри қазий бошлашди. Ҳаркер шерикларига уларга оҳисталик билан яқинлашишни ишора қилди. Икки хуфяга бир одамни кўрсатиб, ўзи майор билан кўпроқ жон қуйдириб тупроқ олаётган одамни нишонга олди. Қабри қазийётганлар ўз ишларига шу қадар берилиб кетишган эдики, тўрт одамнинг пусиб келаётганини пайкамай қолишди. Ҳаркер ўз нишонига, хуфялар ўз нишонига ташланишди. Бир зумда уларни йиқитиб, питирлаётган қўлларини қайиришди. Ҳаркернинг нишони бақириб уни сўка бошлади:

– Лаънати, қўйиб юбор! Менга қарши чиққанлар қуйиб кул бўлади. Мен...

Шу ерга келганда банди гапира олмай қолди. Негаки, Ҳаркер унинг оғзига латта тикиб қўйди. Майор унинг қўлларига кишан солди. Ҳаркер ўз бандисининг юзини шериклари кўрмаслиги учун, унинг бошига қопчиқ кийдирди. Иккинчи банди ҳам жон ҳолатда питирлар, илтимос қилганга ўхшаш додларди. Унинг ҳам қўлига кишан тақилди. Ҳаркер хуфялардан бирига қопчиқ улоқтирди. Оғзи бекилмаган банди жазавага тушиб бақира бошлади:

– Илтимос, мени қўйиб юборинглар. Менинг айбим йўқ. Шунчаки, буйруқни бажардим.

Унинг овози ҳеч кимга ёқмади. Хуфялардан бири қуролини унинг белига ниқтади.

– Ўчир овозингни! Йўқса, танангдаги тешиқлар биттага қўпаяди.

– Ахир, мен ҳеч нарса қилмадим-ку, – силтанди банди, аммо бақувват икки жуфт қўлдан чиқиб кета олмади. – Жин урсин! Буни жиноят, деб ҳам бўлмайди.

Асирларни аввалдан қўзлаб қўйилган черков ортидаги омборга олиб киришди. Иккисини стулга ўтказиб, қўл-оёқларини маҳкам боғлаб қўйишди. Шундан сўнг Ҳаркер икки хуфяни ташқарига бошлаб, шивирлади:

– Қабристонга қайтиб, ана уларнинг ишини охирига етказинглар: Брэдли хоним жасадини тобутдан чиқариб, ибодатхонага элтинглар. Ҳазрат ҳамма гиёҳларини тайёрлаб турсин. Аёл анча совуқ еди. Уни жуда иссиқ бўлмаган ерга қўйинглар!

Хуфялар бир-бирига боқиб қўйишди. Ҳаркер овозини баландатди.

– Тезроқ бўлинглар. Йўқса, у ўлиб қолади.

Ҳаркер уларни қузатгач, ичкарига кирди. Оғзи беркитилмаган банди ҳамон бақирарди. Ҳаркер унинг юзини очди. Майор унинг келишини кутиб, ҳеч нарса қилмаганди.

– Уни танияпсизми, майор?

– Йўқ.

– Ўйлаганимдек, бу инсон биз кутган одам эмас, – Ҳаркер унинг оғзига ҳам латта суқди. Банди ғўнғиллаганча қолди. Иккинчи маҳбус ёнига келганида юзидан нур ёғиларди. Бу майорнинг эътиборидан четда қолмади.

– Энди бу одам кимлигини кўрсатарсиз?

– Марҳамат, майор. Бу одам пойтахт аҳли юрагига ғулғула солаётган ўша машъум кўзгунинг сохиби алкимёгар ёки уч аср олдин ўлган жодугар. Яна ҳам бошқача қилиб айтганда, у сизнинг якин танишингиз, – Ҳаркер қопчикни тортди. – Эрик Брэдли.

Майор сесканиб кетди, негаки, ростдан ҳам қаршисидаги одам Эрик Брэдли эди. Тўғри, анча ўзгаришти, аммо уни таниди. Брэдли қўлларини бўшатишга бир неча бор беҳуда уринди, сўнг ўткир нигоҳини қаршисидагиларга тикиб, мағрурларча жим қотди. У ўзининг оғзи очилишини кутарди.

Келишув

– Лаънатилар! – ўшқирди Брэдли оғзи очилиши билан. – Дархол мени қўйиб юборларинг! Акс ҳолда уруғ-аймоғингни куйдириб қул қиламан. Мен алкимёгар Антонио Бануччи бўламан.

Ҳаркер пинак ҳам бузмади, шу сабаб майор Уорсонга қатъий тикилди.

– Ҳой, мана буни ўлдириб, қўлимни ечиб юбор! Бўл тез!

– Қўркманг, майор, – деди Ҳаркер жилмайиб. – У алкимёгар бўлиши мумкин, аммо хақиқий Эрик Брэдли.

– Буни тушундим, жаноб Ҳаркер, – деди майор. Брэдлига яқинлашиб унга анграйганча тикилди. – Брэдли, шу гапларни сен айтяпсанми?

Брэдли нияти амалга ошмаганидан нима қиларини билмай тугилиб қолди. Бундан Ҳаркер унутми фойдаланди.

– Жаноб Брэдли, кўриб турганингиздек ёлғон афсонангиз билан энди қампирларни кўрқитишингиз мумкин, холос. Яхшиликча келишиб олайлик. Йўқса, онангиз қабрда тирикликгича қолиб кетади. Совуққа қанча вақт чидай олиши мумкин, деб ўйлайсиз? Менимча, кўпга бормади.

– Лаънатилар! Онамни тезда қазиб олинглар! Ахир, у касал.

– Ҳаддингдан ошма, Брэдли. Онангнинг сохта ўлимини кўпчилик билмайди. Ҳимоясиз синглинг ҳеч нарса қила олмайди. Майор иккимиз ёлғонингга кўз юмсақ, бечора онанг қабрида минг азоб билан ўлади. Эсингни йиғ-да, биз билан ҳамкорлик қил.

– Яхши, – деди Эрик паст тушиб. – Фақат, уни тезроқ қазиб олинглар!

Ҳаркер мамун жилмайиб, унинг қаршисига курси олиб келиб ўтирди.

– Черковга олиб кетаётган бўлишса керак. Кўзини очиши учун бирон гиёҳ керак бўладими?

– Икки кунга қолмай ўзи хушига келади. Фақат, иссиқ жой керак.

– Бу ёғидан кўнглинг тўк бўлсин... Эҳ, Брэдли, сени кўрганымдан қанчалар хурсандлигимни билсайдинг. Ҳа-я, майор Уорсонни танийсан. Мени эса йўқ.

– Изкувар Жеймс Ҳаркер, – унинг сўзини бўлди Брэдли. – Кечадан буён ғимирлаб қолганингизни биламан. Эшитишимча, мамлакатнинг энг олди изкуварларидан бўлгансиз. Бироқ кўпдан ҳукумат учун ишламай қўйган экансиз. Сизни нима иссиқ ўрнингиздан кўзгатди, тўғриси, хайрон қолдим.

– Шунчаки, бу менинг кизиқишим. Жуда кўп чигал ишларни, удлабурон жиноятчиларни кўрганман, бироқ сендақасини... Ҳали ҳеч ким сендек мутахассисни кўрмаган бўлса керак.

Танишларинг ёшлиқдан беозор бола бўлганингни айтишди. Илмга чанқок йигит. Хўш, сенга нима бўлди? Уч профессор сиғиштирмагани, қишлоқнинг зодағони туширган тарсаки сени шу йўлга бошладими? Назаримда, ўша тарсаки сенга оғир ботган. Инспектор Пейнкрофт жаноб Ҳилбертнинг дўсти эди. У ишни бости-бости қилиб юборишига кўзинг етган, айна дамда ўзинг ҳам бировга қаттиқ гапира олмасдинг, бироқ сенда ўтиш даври эди. Фанга маълум бўлмаган, энг кучли олимларнинг хаёлига-да келмаган ихтирони амалга оширганингдан ғурурланиб кетгансан. Аммо сен иқтидоринг билан бундай мухитда яшамаслигинг керак эди. Дунёнинг эътиборини тортишни истардинг. Зодагоннинг тарсақиси ғурурингни поймол этди. Ахир, пулни ҳисобга олмаганда, сен ўзингни оламда ягона, деб ҳисоблаётган эдинг. Бу, шунчаки, тарсаки эмасди. Ёшлиқ қилиб, нима

килаётганигни билмай қолгансан. Қасосни дилингда туйгансану, сиртингда аввалги беозор йигит бўлиб қола бергансан, сендан ҳеч ким шубҳаланмаслиги учун. Кейин доктор Жейкоб жаноб Ҳилбертга тайинлаган дориларни ярашиш бахонасида беморга олиб келиб, олдин уларни захарлагансан, сўнг қўшинингда бергансан. Бир неча кун ичида унинг танаси захарга тўйинган. Энди захарнинг кимёвий жараёнини бошлаб берувчи иккинчи қисми керак эди. Ўша кунлари унинг уйи атрофида парвона бўлгансан. Негаки, тажрибангни илк бор одам танасида ўтказишинг эди. Яқшанбаларнинг бирида инспектор Пейнкрофт кекса дўстини кўлга балиқ овлашга таклиф этади. Сен уларни кузатиб тургансан. Ниҳоят, жаноб Ҳилберт дорини ичади ва зумда куйиб кул бўлади. Пейнкрофт қаттиқ кўркиб кетади. Қўрқмасликнинг имкони ҳам йўқ эди. Ўзига келгач, чошиб кетди. Сўнг у ерга Андерсон келди. Сен ўша вақтдагина бир неча хато қилганингни тушунгансан. Негаки, Пейнкрофт уй хайвонлари йўқолишида сендан гумон қиларди. Буни қараки, даҳо миянги ишлаб кетади ва ўша ерининг ўзида айбни Пейнкрофтга ағдариб йўлини топасан. Хунук хоҳолаб жасаддан кўз уза олмайётган Андерсонни кўрқитасан. Сўнг жасад ёнига келиб, Пейнкрофт балиқ тозалаётиб қолдириб кетган пичокни кўришинг режангни янада такомиллаштиради. Пичокни ўз қонингда билайсан. Кейин соҳилга қонингни оқизасан. Пичокни вақт еттунича бир четга яшириб қўясан. Аммо бу ишни қўполлик билан бажардинг. Кўп қон йўқотгансан. Боз устига, виждонинг ҳам қийналаётган эди. Шу сабаб Робс сени кўрганида оғир аҳволда бўлгансан.

Энди котиллик қунига қайтсак. Тунда Андерсоннинг уйига кириб, уни кўрқитгансан. Болаларингни жаноб Ҳилберт қўйига соламан, деб пўписа қиласан. У сен билан қабристонга боради ва эски қабрни казийди. Жасадни олиб, ишончли ерга беркитиб қўясан. У ёгини Андерсон сен қандай ўргатган бўлсанг, шундай бажаради. Робс келганида аввал ҳақиқий кўрсатмани беради. Полициячилар сен қолдирган Пейнкрофтнинг қонга ботган пичоғини топгач, Андерсон ёлғон кўрсатмасини беради. Пейнкрофт дўстини кўлга олиб келгани, уни қийма-қийма қилгани, сўнг аллақайга яширганини, бир кун олдин ўзини кўрқитиб қабристонга олиб борганини ва эски қабрни казишга мажбурлаганини айтади. Жаноб Ҳилбертгни гумдон қилгач, ўша жасадни оловга тутиб, сўнг гўё жаноб Ҳилбертнинг мўъжизакор ўлимини ўйлаб топганлигини исбот этиб беради. Жасад, дарҳақиқат, жаноб Ҳилбертники бўлган, бироқ энди Пейнкрофтга ҳеч ким ишонмасди. Шунинг билан Робс ишни ёпади. Пейнкрофт дорга осилиб, сен сувдан қуруқ чиқасан.

– Афтидан, ўйлаганимдан ҳам кўпроқ нарсани биласиз, жаноб Ҳаркер. Бироқ бир шартинми қабул этмагунингизча, ҳеч қандай кўрсатма бермайман. Мени қатл эттиришингиз мумкин, аммо “Коннорлар савдо бирлашмаси”ни талаган шерикларим сувдан қуруқ чиқиб кетиши мумкин. Бу иш шундоқ ҳам газак олиб кетди. Вақтида чора кўрмасангиз, бундан беш баттар бўлади, холос. Менсиз уларни кўлга ололмайсиз.

– Бироқ сен биз билан ҳамкорлик қилишинг лозим. Ноинсоф шерикларинг қаҳрамонларча ўлиб кетганингни қадрлашармикан?.. Кўриниб турибдики, ундай эмас. Шартинг онанг ва синглинг бахтли келажаги борасидами?

– Ҳа.

– Ўзинг учун ҳеч нарса сўрамайсан, негаки, касалинг сени адо қиляпти. Дорга осиласанми, ўсал бўлиб ўласанми, сенга фарқи йўқ... Яхши, келишдик. Онанг билан синглинг ўзинг режалаштирган ерга жўнаб кетади. Улар ишга аралаштирилмайди.

– Билиб қўйинг, агар мени лақиллатсангиз, нариги дунёдан бўлса ҳам, қайтиб келаман, етти ухлаб тушингизда кўрмаган мусибатларни бошингизга соламан.

– Мен ҳақимда яна нималарни эшитгансан?

– Қатъиятли ва бир сўзли эканлигингизни. Шу сабаб сиз билан келишмоқчиман. Ҳаркер ёнидан пичоғини олиб, кафтини кесди ва ваъдасига вафо қилишга қони билан онт ичди.

– Бўлдимми ёки яна нимадир қилишимни истайсанми?

– Етади.

- Сенга қанча ваъда қилишган эди?
 Брэдли озрок ўйланиб турди.
 – Эллик минг.
 – Демак, юз минг. Ўттиз беш миллион олдида бу ҳеч нарса эмас. Аммо онанг билан синглинг умрлари охиригача ҳам тугата олишмайди.
 – Пуллар онамда қолади.
 – Факат, ярми.
 – Бунақаси кетмайди.
 – Онангни кўйиб юбориб, қонунни бузаман. Агар келишувимизни барча биладиган бўлса, ўша эллик минг ҳам ҳавога учди, деявер. Бошқа илинжинг йўқ. Ўзинг айтгандек, эллик минг. Маҳкамага нимадир топширишимиз керак-ку.
 – ...Розиман.
 – Вой, сен ит эмган, – деди шу пайтгача базўр чидаб турган майор Уорсон. – Сен энг яхши ходимимни жувормарг қилдинг. Бир қанча яхши одамни минг азобда ўлдирдинг.
 – Ўзингизни босинг, майор, – деди Ҳаркер, сўнг яна Брэдлига тикилди. – Ўтган йилги жиноятингни тўғри ёд этдимми?
 – Ҳа. Баъзи кичик деталларни инобатга олмаганда.
 Ҳақиқатда ҳам, дастлаб, айбни инспектор Пейнкрофтга тўнкаш ниятим йўқ эди. Жаноб Ҳилберт уйи ортидаги омборга кўпчиликка маълум заҳардан яшириб, ҳовли четига ўшандай заҳардан ўлган бир неча итни кўмиб қўйгандим. Жаноб Ҳилберт режам бўйича уйда ўлиши, айб уй хизматчилари гарданига тушиши лозим эди. Жиноятга сабаб, жаноб Ҳилберт васиятида уларга қолдирган мўмай пул бўлиб қўриниши лозим эди. Инспектор Пейнкрофт жаноб Ҳилбертни қўлга бошлаши, жаноб Ҳилберт мен ихтиро қилган заҳарнинг иккинчи қисми яширилган капсулани ўша ерда ичиб, вафот этиши режаларимни ўзгартириб юборди. Бирок ўзингиз айтгандек, даҳолимиз қўл келиб, бошқа режани қиска муддатда тузиб чиқдим. Жаноб Андерсонни тунда қўрқитганим ҳам рост. Бунинг учун кўз ўнгида бир итни қуйдириб ташладим. Бечора бунақасини кўришни хаёл ҳам қилмаган бўлса керак. У айтганларимни сўзсиз бажарди. Кўпчиликка маълум оддий заҳардан эса ола-тўплар вақти инспектор Пейнкрофт уйига ҳам ташлаб қўйдим. Инспектор Робс уй хайвонлари Пейнкрофт томонидан, айнан, ўша заҳар ёрдамида ўлдирилганига ишонди. Шунинг билан барчаси ҳамирдан қил сугургандек осон кўчди.
 – Кейинчалик жаноб Андерсонни ҳам барибир ўлдирдинг.
 – Буни жаноб Жонсон ва Остин иккиси амалга оширди. Улар билан ишни пиштитганимизда бундан хабардор одам бўлмаслигини айтишди. Мен бир одам ихтиройим натижасини ўз кўзи билан қўрганлигини, бироқ ҳеч қачон бировга чурқ этмаслигини айтдим. Уни кўзгу ромини ясаган уста сингари заҳарлашди. Озгина пулни олган мурда текширувчи ўлимни юрак хуружи, дея қайд этган.
 – Демак, шерикларингдан бири жаноб Жонсон?
 – Биринчи бўлиб у билан танишганман. Жаноб Остин иккиси билимдон ёшларни қўллаб-қувватлар экан, агарда ўша билимдонларнинг ғояси уларга иш берса. Мен буни бир танишимдан эшитиб, пойтахтга йўл олдим. Лаънати касаллик мени емирар, ортикча вақт қолмаганди. Уларга ихтиройимни кўрсатдим. Мўмай пул беришса, исталган рақиблирини йўқ қилишимни билдирдим. Биламан, бу ёвузлик, аммо инсоф сақлаб ўтирадиган аҳволда эмасдим. Онам билан синглим ўзимдан сўнг ювинди учун тиланчилик қилишларига кўз юмиб ўлиб кетолмасдим. Шўрлик онам бу дунёга келиб нима бахт кўрди?.. Ҳеч нарса. Ҳар бир одамнинг бурчи оиласи келажagini таъминлашдир. Бирок менда вақт қолмаётганди. Энг тўғри йўл жиноят бўлиб қолганди.
 – Шунчаки, курашишни истамагансан. Биринчи қурбонингдан ёрдам сўраганинда, у сенга кўмак бериши мумкин эди.
 – Кураш!? – ўшқирди Брэдли. – Мен бундан чарчаганман. Касалимга даво топишни ўйлардим. Тажрибаларим ниҳоясига етиши учун ёрдам сўраб университетдаги энг номдор профессорлар ёнига бордим. Бирок улар мени мазач

килишди, тахкирлашди, кўчага иткитишди. Жиноятим жазосиз колмаслигини, номим тавқи лаънат остида қолишини билардим. Аммо яна бир бор айтаманки, оилам кашшоклигига чидаб тура олмасдим.

Қари эшак бўлса, бировларга мактаниш учун, одамлар орасида бўйни бир қарич балинд туриши учун ёрдам берарди. Ягона ишончли одам инспектор Пейнкрофт, деб ўйладим. Тажрибаларим учун маблағ ажрата оладиган ҳомий зарур эди. Унинг ўзи илгарилари ҳомий топиб беришни ваъда қилар, фақат, меҳнат қилишдан тўхтамаслигимни тайинларди. Бироқ озрок пул, тажриба учун жониворлар топишда сўраган ёрдамим ёдидан кўтарилиб кетди. Фақат уй ҳайвонларини ўғирлашни бошлаганимдагина буни эслаб, ёнимга келди. Бироқ энди кеч бўлганди.

Мен ўзимни, ўзимга ўхшаганларни қутқаришни мақсад қилгандим. Аммо тажрибаларим маҳсули хавфли қуролга айланди. Яна ҳам тушунарлироқ қилиб айтганим бўлсам, инсон танаси миллионлаб кўз илгамас митти хужайралардан ташкил топган бўлиб, бир хужайра ўлимидан олдин ўзидан бошқасини қолдиради. Бироқ кейинги хужайра аввалгисидек яхши бўлмайди. Вақт ўтгани сайин ҳар янги хужайра сувлашиб боради ва шу сабаб одам қарийди. Сўнгги хужайралар ўзидан бошқа хужайра қолдиришга-да ноқобил бўлиб қолади, сўнг инсон ўлади. Мен янги дори билан хужайраларнинг давомийлигини узайтирмоқчи, янгиларининг ҳам аввалгидек яхши бўлишига эришмоқчи эдим. Бу дунёдаги кўплаб хасталар учун даво бўлар, одамларнинг ҳаёти бир неча баробар узайган бўларди. Афсуски, эришганим буткул тесқари натижа бўлиб чиқди. Жониворлар ҳар гал қуйиб кул бўларди. Ҳатто дарахтларни ҳам илдизидан то учигача қиритиб юборарди.

Ўтмишда бундайин барҳаёт сувни ихтиро қилишни кўзлаб, умрини фанга бағишлаганлар кўп бўлган. Бироқ улар ҳам эзгу мақсадларига етмаган. Эҳтимол, келажакда кимдир бунга эришар?..

– Ниятинг ҳолис бўлганига ишонаман, бироқ шунга айтишим мумкинки, қайсидир маънода жаноб Ҳилберт ҳақ эди. Сен унинг ҳам итини қуйдириб ташлагансан. Кейин муносиб жазони кўтара олмагансан. Бу ўз иқтидоридан ортиқча мағрурланиб кетишдан бўлак нарса эмас. Мана шу такаббурлик сени шу кўчага бошлади. Нима ҳам дердим, бошқа муҳида ўзгача одам бўлиб етишармидинг?..

Ишоният пайдо бўлиптики, ўз гуноҳини ҳеч вақт тан олган эмас. Бу одамзоднинг қон-қонига сингиб кетган нарса.

Брэдли ҳам унга ўқрайиб боқди-ю, тилига сўз келмади. Ҳаркер эса чўнтак соатига боқиб, тезлашишни маъқул кўрди.

– Ҳай-майли, энди ишни аяқлаб қўйсак. Жаноб Жонсон, Остин ва Бойл хонимдан бўлак шерининг борми? Кичик Остин бу ишлардан қанчалар хабардор?

– Асосан Жаноб Жонсон ва Остин билан суҳбатлашардим. Режани бирга тайёрлаганмиз. Соҳибжамол Бойл хоним жаноб Жонсоннинг машуқаси. Жаноб Остиннинг ўғли эса бетайин бир йигит. У, шунчаки, отаси буйруқларини бажармоқда.

– Пулни қўлга киритишгач, мамлакатдан чиқиб кетишмади, акцияларни сотиб олиш...

– Асосий мақсад эди, – унинг сўзини бўлди Брэдли. – Ўша Италиядаги компания сингари ўттиз беш миллионнинг янги соҳиби ҳам аслида йўқ. Қари туллақлар узоқни кўрадиган одамлар. Улар пулни ўзлари яхши билмайдиган одамнинг номига ўтказиб, сўнг ундан пулни қандай оларди? Бундан нима фойда? Улар компанияни эгаллашмоқчи. Эгаллаб бўлишди ҳам. Иш битгач, жаноб Остин банкда расмийлаштирган ҳужжатлар ҳам кўзгу сингари ғойиб бўлади. Ундан олдин жаноб Коннор ҳам ўлади ва оиласи мерос қолган акциялардан қутулишни ўйлаб қолишади. Акцияларни жаноб Жонсон ва кичик Остин сотиб олади. Улар жаноб Остин раҳбарлар ҳисобидан ечиб олган пул билан ҳисоб-китобни амалга оширишмоқда. Қолаверса, ҳукумат улкан компанияни асраб қолиш учун уларга муддати чўзилган, фоизи кам қарз беради.

– Кейин сен, – гапни илиб кетди Ҳаркер, – аҳоли қаршисига ёвуз

алкимёгар кўринишида чикиб, тинчингни бузганларни жазолаганингни, ором олмоқчилигингни, кимдир яна тинчингни бузгудек бўлса, бундан ҳам дахшатлироқ кулфатларни унинг бошига солишингни айтасан, сўнг оломон қаршисида куйиб кул бўласан. Сенга барибир, шундоқ ҳам ўласан. Вақт ўтиб аҳоли жодугар ростдан ўзларини тинч қўйганига ишона бошлайди. Одамлар яна компания атрофида жипслашишади. Асосийси, бор пул ҳамон банкда турипти ва шу ерда қолади.

– Бир сўзингдан фикрингни тушуниб оладиган одамлар бўлгани қандай яхши. Жейсон Коннор анчайин инсофли одам эканлигини тан олмай иложим йўқ. У ўз мавқеидан фойдаланиб, ҳукумат ишларига аралашши мумкин, аммо ортиқча нарсани истамайди. Унга ўз пуллари ҳам етади. Бироқ Жаноб Жонсон билан Остин ундайлардан эмас. Келажакда Жонсон ва Остин исмли кишилар мамлакат тақдирини белгилловчи асосий одамларга айланишади.

– Ҳа, жуда ажойиб... Хўш, энди айт-чи, Жейсон Коннор ўлими қачонга белгиланган?

– Рост билмайман. Аммо учун тўртинчи кўзгу шай қилиб қўйилган. Мендан бу босқич учун жуда кўп кукун олишган. Бу иш энг дахшатли саҳна бўлиши кўзда тутилган. Бундан сўнг биров компания биносига яқинлаша олмай қолади.

– Бунақаси кетмайди, Брэдли. Ҳозирок биланларингни айт!

– Айтдим-ку, икки тулки режанинг мазкур қисмини ўзлари тузишган. Ёрдан тариқасида мендан жуда кўп кукун олишганини айтишим мумкин, холос. Бу йигирмата одамга етадиган кукун.

Заҳарнинг биринчи қисми одам танаси ёки буюмга сепилади, сўнг иккинчи қисми суюкликка аралаштирилиб, бир томчи томизилса бас. Шу заҳоти ўша одам ёки буюм куйиб кул бўлади. Ишни бошлаш олдидан ягона орузиймга етишишни дилимга туғиб қўйдим, зеро, менда бундан ортиқ қулай фурсат бўлмасди. Улар қанчалик шошишмасин, мен уларнинг ҳисобидан Мисрда саёҳат қилмоқчилигимни айтиб тура бердим. Уларга оғу қандай тайёрланишини ўргатмагандим. Кўзгу ҳақидаги афсона тайёр бўлгач, мохир уста топишларини, қалбаки кўзгуларни аслагидек қилиб ясатишларини тайинладим. Уста тўртта катта, битта кичик кўзгу ромини ясаган. Сўнг уларга оғунинг бир қисмини қаердан олишларини хабар бердим. Ромлар заҳарли кукун солинган сувда яхшилаб бўқтирилган. Тайёр бўлгач, бири қисмларга ажратиблиб менга юборилди. Кўзгу ортидаги махсус коғоз икки қават, уларнинг орасида ҳам оғунинг биринчи қисми бор эди. Барчаси тайёр бўлгач, улар оғунинг иккинчи қисмини ҳам олишди. Мен Мисрдан йўлга чиқдим. Кўзгу солинган қути остида бир чиптасиз ҳамроҳим бор эди. Унга мана бу кукундан танангга сепсак, сени пайкашмайди, дедим. Тунларнинг бирида устига заҳарнинг иккинчи қисмини сепдим узим кўрқиб кетдим. Жараён одам устида бўлишини илк бор яқиндан кўришим эди. У шунақанги бақирдики, сирим очилиб қоладими, деб кўрқиб кетдим. Бироқ эшигимни тақиллатган матрос “босинкираганим”га ишонди. Кейин жасадни шкафга яширдим. Зиёфатга боргач, барчага кўрқинчли афсонани сўзлаб бердим. Кимлардир ишонди, кимлардир йўқ. Аммо жаноб Норман ўлими бутун шаҳарни ларзага солди.

Менимча, буларни сизга гапиришдан маъно йўқ.

– Менимча ҳам шундай. Эртага пойтахтга қайтамыз. Онангни ишончли ерга яширамыз. Синглинг қулай вақт етгунча уйда қолади. Унга ўзинг тушунтирасан. Шерикларинг айбларини тўлиқ бўйинларига олмагунча, ҳеч нарсадан шубҳаланмай турганлари маъкул. Улар кўлга олингач, барча далилларни топширамыз. Сўнг мамлакатдан эркин чиқиб кетиш мумкин бўлади. Оилангни...

– Швейцарияда уйим бор. Меники эканлигини уйнинг эски соҳибидан ўзга ҳеч ким билмайди.

– Яхши. Эллик минг билан оилангни ўша ерга олиб бораман. Унгача онангни полициячилар ҳам билмайдиган ерга олиб борамиз. Мен ўз ваъдамда тураман. Ҳозир сени иссиқроқ хонага олиб ўтамыз, синглингни олиб келаман. Дийдорига тўйиб, хайрлашиб ол. Бундан бошқаси қўлимдан келмайди, – Ҳаркер ўрнидан турди. Чирокнинг хира ёруғида унинг кўзида ёш қалқкани кўринди.

– Шуниси ҳам етади, жаноб Ҳаркер. Сизга ташаккур изҳор этмоқчиман.

– Айтишга арзимади. Қанийди илгарирок сен билан танишганимда, бу кунларга тушиб юрмасмидинг.

– Ҳа-я, уни ҳам қўйиб юборсангиз, – ёнидаги махбусга ишора қилди Брэдди. – Бечоранинг ҳеч гапдан хабари йўқ.

– Албатта, қўйиб юборамиз. Бироқ у қўп нарсани эшитиб қўйди. Шу сабаб иш ёпилгунча маҳкамада ювинди ичиб ётади... Ҳа-я, бир нарсани сўраш ёдимдан кўтарилаёзибди. Уй ҳайвонларини қандай қилиб ҳеч кимга сездирмай ўғирлардинг? Ахир итлар ўзига ёмонлик қилмоқчи бўлган одамнинг ниятини ички туйғуларни билан илгаш қобилиятига эга. Уларни тажриба учун ўғирлаётганимда хуриб қаршилиқ кўрсатишмасмиди?

– Бу ҳол ўзимга ҳам қизиқ. Ҳоҳ ишонинг, ҳоҳ ишонманг буни, фақат, бир нарса билан изоҳлаб беришим мумкин. Мен касалимни тузатиш илинжида тажрибаларимни бошлаганман. Натижаси эса буткул ўзгача бўлиб чиқди. Мен итларни ҳам, мушуқларни ҳам яхши кўрардим. Улар мен билан ўйнашарди. Ўғирлаётганимда эса тажрибам орқали эзгу ишни адо этишни ўйлардим, яъни ўзимга ҳам, уларга ҳам яхши бўлишини истардим. Эҳтимол, шу сабаб мендан қочишмагандир? Бироқ жаноб Андерсонни кўрқитиш учун бир итни қурбонликка етаклаб бориш осон бўлмаганди. У мендан кўрқар, тинмай ингилларди. Яхшики, ғорда захира ит бор эди. Йўкса, бундай ният билан бировнинг итини ўғирлаб бўлмасди.

– Ҳа, сўзларинг чинга ўхшамокда. Ҳарҳолда текшириб кўрса, арзийди.

– Ҳаркер, – деди майор, – умрим бино бўлиб сиздек топқир одамни учратмаганман. Сиз билан қачондир яна бирга ишлаш насиб этса, жон-жон деб рози бўлардим. Аммо у билан келишувингиз қанчалар тўғри бўлди?

– Унинг ёрдамисиз одамларнинг пулини қайтара олмаймиз. Эллик минг жиноятчилар учун ҳеч гап эмас.

Майор унга ортиқча қаршилиқ кўрсатиб ўтирмади. Махбусларни ибодатхонага олиб киришди. Икки хуфя ҳам Брэдди хонимни шу ерга келтирганди. Брэдди қўли кишанланган ҳолда онасига термилиб қолди. У сўзламас, фақат, маъюсланиб кўзёш тўқарди. Ҳаркер Мерини етаклаб келди. Қиз акасини кучиб, у ҳам йиғлай бошлади. Ҳаркер Брэддининг қўлини бўшатди. Эрик синглисини кучиб, сочларидан силади.

– Мери, сен ажойиб қизсан, ироданг ҳаммаминикидан кучли. Бу ёғига онамга ўзинг ғамхўрлик қилишингга тўғри келади. Йиғлашни тўхтат. Бу ҳеч кимга фойда бермаган.

Ҳаркер уларни ортиқ кузата олмади. Қўшни хонага йўл олди. Майор уни останада тўхтатиб қолди.

– Нега қўлини бўшатдингиз? Қочиб кетса, нима бўлади?

– Қочиб қаерга боради? Ишона беринг, ҳеч қаерга қочмайди. Озгина ҳордик чиқариб, йўлга тушамиз. Тунги соат учдаги поездга улгуришимиз керак. Шу тариқа тонгда пойтахтга етиб борамиз. Жаноб Жейсон Коннор ўлимининг олдини олишимиз лозим.

Жиноятчилар қўлга тушди

Ички ишлар вазири неча кундирки, тонгни бугунгидек шодон бўлиб қарши олмаган эди. Инспектор Робсон келганида беҳафсала нонушта қилаётганди. Эҳтимол, Ҳаркердан хабар бордир, деган ўйда даҳлизга шошиб чиқди. У адашмаганди. Робсон юзидан нур ёғилиб, унга жилмайиб турарди.

– Жаноб вазир, Эрик Брэдди ҳибсга олинди.

– Ростданми?!... – жаноб вазирнинг хурсандлигидан тили айланмай қолди. Робсоннинг елкасидан маҳкам ушлади. – Ҳозир қаерда? Уни кўришим керак.

– У ишончли ерда. Бироқ ҳозир ундан муҳимроқ ишларимиз бор. Жаноб Коннорнинг ҳаёти хавф остида.

– Нима!? Қанақасига?

– Ҳаркер фойтунда бизни кутиб ўтирипти. Унинг ўзи йўл-йўлакай барчасини тушунтириб беради.

– Мен ҳозир... – вазир хонасига кириб, шоша-пиша кийиниб чикди.

Робсон унинг бетартиб кийинганига биринчи бор гувоҳ бўлаётганди. У даҳлизга шошиб чиқаркан, Робсонга имо килди.

– Юринг, Робс!

Ҳаркер фойтунда ортига суянганча кўзини юмиб ўтирарди. Эшик очилиши билан у бошини кўтариб, қизарган кўзларини очди. Вазир бир кўришдаёқ унинг чарчаганлигини пайқади, бироқ ўзини тўхтата олмай, отлар йўлга тушмасидан биринчи саволини берди:

– Брэдлини қандай тутдингиз?

– Онаси ўлимини эшитиб, дафн маросимига келса керак, деб ўйлаган эдим, – хорғин овозда сўз бошлади Ҳаркер. – Бироқ Нилскид маҳкамасида майор Уорсондан баъзи нарсаларни эшитиб, фикрим буткул ўзгариб кетди. Мархуманинг қизи оймақиз Брэдли онаси дафн маросимини имкон қадар кечроқ ўтишини истаётган экан. Бунга онаси дийдорига тўйиб олмоқчилигини важ қилиб кўрсатишти. Иккинчи ҳол эса буткул ошиб тушди. У онасини тобутга иссиқ кийимлар билан жойлашларини сўрапти. Мурдага иссиқ кийим нега зарур бўлиб қолди, деб кўпчиликнинг боши қотишти. Сўнг кизнинг қўпдан кийналаётганини ҳамда онаси вафоти унга оғир таъсир қилганлигини ўйлаб, бунга ортиқча эътибор беришмапти. Бироқ мен тушундимки, Эрик Брэдли яна хийла ишлатмоқчи. Қишлоқ ибодатхонасида мархуманинг билагини ушлаб кўрдим. Унинг пульси урмаётганди. Бироқ тунда кутганимдек, Эрик Брэдли онасини олиб кетиш учун қабристонга келди ва тузоғимга илинди.

Биз Брэдли етарлича пул ишлаб олганидан сўнг онасини бошқа ерга олиб кетишини кутгандик. У бу гал ҳам барчани лақиллатмоқчи бўлди. Онаси юрак мушакларини вақтинча шол қилувчи оғу ичган. Ҳамма унинг ўлганига ишонгач, Брэдли уни қабристондан осонгина олиб кетишни кўзлаган. Синглиси шу сабабдан, онасини тобутга иссиқ кийимлар билан қўйишларини сўраган. Яъни онаси совуқда музлаб қолмаслиги учун. Агар Эрикнинг бу режаси ҳам осон амалга ошганида, кейинроқ синглиси ҳам шундай йўл билан ўзининг сохта ўлимини уюштирарди. Бу гал одамлар қизча айриликни кўтара олмай вафот этганига ишонишарди, Эрик уни ҳам қабристондан олиб кетарди. Шунинг билан у сувдан буткул курук чиқарди.

– Зехнингизга офарин, Ҳаркер, – деди жаноб вазир. – Яхшики, у ерга ўзингиз бордингиз. Акс ҳолда Брэдли яна қўлимиздан балиқ мисол чиқиб кетган бўларди.

– Бу ҳали ҳаммаси эмас, – дея Ҳаркер жаноб вазирга бошқа билганларини ҳам сўзлаб берди. Жаноб вазир уни кулок қокмай тинглади. Гапи сўнггида Брэдли билан шартнома тузганлигини, онаси билан синглиси бу ишлардан мутлақо беҳабар бўлишганини айтди.

– Бунга аминмисиз? – сўради вазир.

– Албатта, – катъий жавоб берди Ҳаркер. – Бечора Брэдли хоним умрида рўшнолик кўрмаган аёл. Уни қилмаган гуноҳи учун ўғлига шерик сифатида ҳибсга олиниши адолатдан бўлмайди. Уни шаҳсан ўзим мамлакатдан чиқариб юбораман. Ҳеч қачон ҳеч кимга зарари тегмаслигига қафолат бераман. Брэдли бор билганларини айтиб берди. Асосий далил – ўзи яратган оғуни ҳам берди. Ҳатто хизмати эвазига олган эллик мингги ҳам.

– Яхши. Истаса, ўша эллик мингги онасига беришимиз ҳам мумкин. Бироқ Брэдли дорга осилади.

– У бунга тайёр. Барибир ҳадемай ўлади.

– Энди жаноб Коннорни ўлимдан асраб қолиш ҳақида бош қотирайлик. Сизга нималар аён?

– Брэдлига бу иш тўлиқ маълум эмас.

– Уни яхшилаб сўроқ қилдингизми?

– Сўзлари чинлигига аминман. Ундан йигирма кишига етадиган оғу олишган. Битта кўзгуни ҳам тайёрлаб қўйишган. Бу галги қотилликни, фақат Жонс амалга ошириши мумкин. Остин банкдаги пулларни сохта битимга сарфлаган куни Жонс ўз хўжайинига тинчлантирувчи дори берганига кўзим тушганди. Афтидан, жаноб Норман ўлимидан буён у жаноб Коннорни захарлаб келмоқда.

– Ё, Худойим!

– Хавотир олманг, жаноб вазир. Оғунинг бир қисми танага сингиб кетганида ҳам, иккинчи қисмисиз зарар этказ олмайди. Брэдлининг айтишича, захарни қондан бир неча ой мобайнида ювиб ташлаш мумкин, унгача захарнинг иккинчи қисми истеъмол қилинмаса бўлгани.

– Қотил қимлиги тайин бўлса, нега Жонсоннинг уйига одам юбормадинглар?

– Уни ҳибсга олиш муаммо эмас. Аммо уйига бостириб борсак, шериклари хабар топиб, жуфтақни рослаб қолишлари мумкин. Яхшиси, уни жаноб Коннорнинг ишхонасига ёлғиз келганида қўлга оламиз. Тахминан, бир соатлар кутсак бўлгани. Унга қадар унинг режасини ҳам билиб ололсак керак. Робс баъзи нарсаларни гапириб берди, – Ҳаркер Робсонга имо қилиши билан у сўз бошлади:

– Жиноятчилар сўнгги ишлари билан жаноб Коннорни бутқул хонавайрон этиб, уни ўлдиришмоқчи. Шунда унинг фарзандлари ўзларига қолган меросдан, яъни компания акцияларидан қутулишни ўйлаб қолишади. Ҳозирда компания акцияларини, фақатгина, Жонс ҳамда Остиннинг ўғли сув текинга сотиб олмақда. Режага кўра, улар барча акцияларни сотиб олганларидан кейин Брэдли оломон кўз ўнгида алқимёгардек намоён бўлиб, ўзини безовта қилганларни жазолаганлигини ҳамда энди ором олмақчилигини, қимда-қим яна тинчини бузса, ҳозиргидан ҳам даҳшатлироқ ишлар бўлишини эслатиб, сўнг ўзини қуйдириб юбориши лозим бўлган. Остин ҳам сохта олди-берди шартномани йўқ қилгач, Жонс ва кичик Остин компаниянинг янги эгалари бўлиб қолади. Энг муҳими, пуллар шу ерда компания маълум вақт ўтиб аввалги мавқейини тиклаб оларди. Ҳамма кўнгалсизликлар тинчигач, одамлар яна пулни ўйлаб компания акцияларини қиммат нархда сотиб олишни бошлаб юборишларига шубҳа қилмасак ҳам бўлади. Шу тариқа жиноятчилар пулларини икки баробар кўпайтириб олишади. Остин ва Элиссон Бойл доимо панада юришса-да, катта бойликнинг хўжайинларидан бўлиб қолди. Эҳтимол, янги ҳужжатлар билан бошқа мамлакатда ялло қилиб яшашни кўзлашгандир?

Энди компания бош биносига тўхталсак. У беш қаватдан иборат. Биринчи қават кабулхона вазифасини ўтайтиди. Кичик лавозимли ходимлар ҳам ўша ерда. Иккинчи ва учинчи қаватларда ҳам ходимлар бор. Катта лавозим эгалари тўртинчи қаватда. Бешинчи қаватнинг бир қисмида Коннорлар оиласи истикомат қилади. Бир қанотида эса кенг хона улкан сейф вазифасини ўтайтиди. Биржада тез-тез найранглар бўлиб тургани учун, жаноб Коннор пулларининг бир қисмини ўша ерда сақлайди. Қолаверса, маълум доирадаги ишлар учун зарур вақтда нақд пул керак бўлиб қолади. У ерга фақатгина, бош ҳисобчи Жонс қира олади. Эҳтимол, жаноб Коннорга қўшиб унинг қолган охириги пулларини ҳам қуйдириб йўқ қилиш жиноятчиларнинг охириги режаларидир? Кўзгу ҳам ўша ерда тургандир? Негаки, кўзгу битта ва у жаноб Коннорга аталган. Оғу эса бу жиноят учун кўп сарфланган. Эҳтимол, кўп оғу пулларни қуйдириш учун керакдир? Агар иш ростдан ҳам шу алфозда амалга оширилса, одамлар компания биносини аниқ четлаб ўтадиган бўлишади. Бу Ҳаркернинг тахмини. Аммо ҳақиқатга яқин, деб ўйлайман. Зеро, Ҳаркер хали янглишгани йўқ.

Ҳамма жимиб қолди. Жаноб вазир кучерга тезроқ юришга буйруқ берди. Бошида камчи ўйнаган отлар яна ҳам тезлашди.

Жаноб Коннорни соғ-омон кўрибгина вазирнинг елкасидан тоғ ағдарилди. Мезбон уларни қўриб хурсанд бўлди. Бирок юз бераётган қулфатлар уни руҳан синдиргани кўриниб турарди. Кўзлари киртайиб, озиб кетганга ўхшарди.

– Бирон янгилик борми, жаноблар? – барчага ичимлик қуйгач, сўради мезбон.

– Жаноб Коннор, айтинг-чи, сейф-хонангизга ўзингиздан бўлак яна қим қиради? – саволга савол билан жавоб берди Ҳаркер.

– Фақат, жаноб Жонсон билан марҳума Бойл хоним қиради. Ўзим у ерга камдан-кам ҳолларда бўламан. Йилда икки бор жаноб Жонсон билан у ерга кириб, олти ойлик тушум ва зарарни ҳисоблаймиз. Бугун ҳам у билан ўша хонага қирамиз. Буни нега сўраяпсиз?

– Шунчаки, қизиққанымдан, – жилмайди Ҳаркер. Қолганларнинг ҳам

кўриниши ўзгариб қолганди. Мезбон буни пайқади. – Жаноб Коннор, сизга бир неча илтимосим бор.

– Марҳамат.

– Биринчидан, нега деган саволлар бўлмайди. Иккинчидан, Робс ўша хона ёнида яшириниб туради. Учунчидан, жаноб вазир иккимиз ҳозирок ўша хонага кирамиз, соқчилар устимиздан кулфлаб қўйишади. Тўртинчидан, жаноб Жонс келиши билан уни ўша ерга бошланг. У берган ҳар қандай дорини бирон бахона билан истеъмол қилмасликка ҳаракат қилинг. У бизнинг шу ердалигимизни билмаслиги лозим.

– Розиман, – деди мезбон атрофидагиларга синчков боқаркан. – Бирок кейин буни тушунтириб берасизларми?

– Сизга ўзим ҳаммасини ипидан игнасиғача гапириб бераман, – Ҳаркер ўрнидан турди. Унинг кайфияти яхши эди. – Хўш, жаноб вазир, жиноят устида қўлга олиш завқини туйишга тайёрмисиз?

– Ишқилиб, ўйиндан ўт чикмаса бўлгани.

Ҳаркер билан жаноб вазир сейф-хонага кириб кетишди. Соқчи уларнинг ортидан эшикни ёпиб қўйди. Робсон керак вақтгача яшириниш учун жой топди. Ҳаркер бўлса ичкарига кира сола пулларга ёпишди. Улар хонанинг бир четига тахлаб қўйилганди. Баъзи муҳим ҳужжатлар ҳам шу ерда экан. Ҳаркер пулларни силаб кўраркан, қўли уларнинг устидаги кукунни сезди. Жилмайиб вазирга ҳам тутди. Вазир буни дарҳол пайқади. Дахшатли захар парчаларини ушлаганидан эти жунжикиб кетди. Бирок бу ҳали ҳолва экан. Юқорида ҳақиқий пуллар бўлса, остидаги анча қисми қалбаки, оддий қоғоз пул бўлиб чиқди.

– Жаноб Коннорнинг шўри қуриб бўлган экан-ку, – деди Ҳаркер. – Жонс анча олдинок пулнинг асосий қисмини сохтаси билан алмаштирган. Биров сезиб қолмаслиги учун юзада озгина ҳақиқий пул қолдирган. Акцияларни қайси пулга сотиб олаётгани энди маълум бўлди. Бу ерда бир миллионча пул бор, шекилли?

– Шунақа, шекилли, – жаноб вазирнинг овози базўр чиқди.

– Ахволингиз яхшими, жаноб вазир?

– Ҳа... Давам этаверинг.

Кўлидаги захарли кукун вазирни дахшатга солган бўлса керак, ранги кув ўчганди. Ҳаркер уни четроққа ўтишга таклиф этиб, ўзи пуллар остидаги тўрт футлик кўзгуни чиқарди. У аввалгиларидан кичикроқ, бироқ Рожерс ва Уотфорд ўлган кундаги нусхасидан анча катта эди. Ҳаркер бир четда тиззаси қалтираб кетаётган вазирнинг кўнглини кўтарди. Захар кучли эмаслигини, бу ердан чиқишлари ҳамано қўлини ювиб юбориши билан ҳеч қандай хавф қолмаслигини тушунтирди. Улар бир четда ўн дақиқача кутиб ўтиришди. Эшик очилаётганида Ҳаркер ўрнидан туриб, тўппончасини чиқарди. Қалин эшик очилиши билан жаноб Коннор, Жонсон ва соқчи кўринди. Шу заҳоти Робсон уларнинг ортида пайдо бўлди. Нима бўлаётганини кўриб анграйиб қолган Жонсоннинг орқасидан тўппонча тираб, олдинга юришини буюрди. Жонсон титилган пуллар ва деворга суяб қўйилган кўзгуни кўриб, барчасини тушунди. Аммо Робсон уни кимир этмасликка, фақат, олға юришга ундарди. Хонага киришгач, тўхташди. Ҳаркер жаноб вазирга гапирасизми, дегандек қаради. Жаноб вазир Жонсон қаршисига келди-да, бўғик овозда сўз бошлади:

– Жаноб Жонсон, сиз бир қатор дахшатли жиноятларда, хусусан, мамлакт тинчини бузиб, миллатга хиёнат қилишда, бир неча одамнинг жонига қасд қилишда айбланиб, ҳибсга олиндингиз. Адвокат ёллашга ҳуқуқингиз бор, бироқ бу ёрдам бермайди. Бошқа томондан, энди сизни ким ҳам ҳимоя қиларди? Шерикларингиз яширинган манзилни айтсангиз жиноятингизни енгиллатиши мумкин.

– Мени барибор ўлим қутмоқда. Нега сизларга ёрдам беришим керак?

– Жаноб Жонсон, бу мамлакат олдидаги, ҳеч бўлмаганда, сўнгги бурчингизни адо этиш бўлади.

Жонсон хоҳолаб кулиб, жаноб вазирга нима эсингни едингми, дегандек қаради. Ҳаркер ҳам жаноб вазирнинг сўзларини эшитиб, кўзларини хафсаласи пир бўлгандек озгина вақт юмиб турди, сўнг секин орага қўшилди:

– Жаноб вазир, кимга қандай гапиришни ҳеч ўрганмадингиз-да. Шу одамда ватанпарварлик бўладими? Инсофсизда-я? Унинг учун ватан ҳам, миллат ҳам бойлик манбайи. Масалага бошқача ёндашиш керак. Шеригининг сирини яшириш учун одамда инсоф бўлиши лозим. Бунда инсоф нима қилсин, – Ҳаркер Жонсонга юзланди. – Сени дорга осишади. Дўстларинг эса бу ердан ўғирлаб чиққан пулларингдан қолгани билан мамлакатдан чиқиб кетиб, бирон тинч жойда ялло қилиб яшашади. Наҳотки, шунга рози бўлсанг? Сен минг бир азобда қийналганингда улар жаннатда сайр қилишса, шу адолатданми?

Жонсон ғазабдан бўзариб кетди. Ҳаркер вақт ғанимат эканлигини эслатди, шундан сўнг у дўстлари яширинган манзилни айтди. Жаноб вазир билан Робсон дарҳол ўша ерга одам юбормоқчи бўлишди. Аммо Ҳаркер уларни озрок ушлаб қолди. Жонсонга кишан уриб, қўйин чўнтақларини тинтиб чиқди. Учта капсула (улардан бири жаноб Коннорни қуйдириб кул қилиши лозим эди), кичик шишада қуқун (бу пулларни қуйдириш учун мўлжалланганди) ва кичик сувдон тўла коньякни топди. Ҳаркер пуллардан бир қисмини олиб, полга ташлади. Қуқун тўла идишни Робсонга берди. Ўзи коньяк оғзини очди.

– Жаноблар, наҳотки, шундай томошани кўрмай кетсангизлар?

Унинг имоси билан Робсон шишадаги қуқундан пуллар устига сепди. Сўнг Ҳаркер коньякдан озгина қуйди. Шу заҳоти пуллар қуйиб қулга айланди.

– Жаноблар, энди ишни тамом бўлди, десак ҳам бўла беради. Робс, сиз Остин билан Бойл хонимни ҳибсга олинг. Жаноб вазир, сиздан илтимосим, ҳисоботни эртага топширсак. Унга қадар асл ҳақиқатдан ҳеч ким воқиф бўлмасин.

– Нима учун, Ҳаркер? – сўради вазир. – Ахир, барча далилу жинойтчилар қўлимизда. Тезроқ компания ишларини тўғрилашимиз, акциялар билан жаноб Коннорнинг пулларини ўз эгаларига қайтаришимиз лозим.

– Ёдингиздан чикмасин, жаноб вазир, менсиз буни кейинги йил ҳам аниқлай олмадинглар.

– Буни баламан. Бутун мамлакат олдингизда қарздор...

– Гапимни бўлманг. Буни миннат учун айтаётганим йўқ. Брэдлининг қуроли энди баъзи амалдорларни ҳам қизиқтириб қолади.

– Тўғри, – ўйлаиб қолди жаноб вазир. – У мамлакат мудофааси йўлида тўғри ишлатилса, юртимиз тинчлиги яна ҳам мустаҳкамланган бўларди.

– Буни қарангки, қурол ҳар не бўлганида ҳам, қурол-да. Уни босқинчилик юришларида ҳам ишлатиш мумкин. Брэдли ҳам буни ўйлаб, қуроли мислсиз офатга айланиши мумкинлигини айтганди. Мен Африкадан қайтганимда бир ой терговда бўлганман. Бу ёдингиздан кўтарилмагандир?

– Ҳа, ўша қурол ҳам жуда дахшатли эди. Бахтга қарши ёки бахтимизга уни сиздан бўлак ҳеч ким кўрмаган. Одамларимиз унинг нималигини билишмасди, аммо дахшатли натижасини кўрганлар бўлганди.

– Ҳай-майли, бу эски гаплар. Энди Брэдлини ҳам шундай тергов қутяпти. У ҳеч нарса демокчи эмас. Табиийки, уни гапиртириш учун онаси билан синглисидан фойдаланишади. Мен эса лафз қилиб қўйганман. Брэдлининг оиласини бугун мамлакатдан чиқариб юбораман. Эртага ҳисоботим қўлингизда бўлади. Сиз ватанпарварсиз, жаноб вазир. Ҳеч ким ватанини сиздек ардоқламайди. Шуни ҳам ўйлаб кўринг, Брэдли оғуси душманлар қўлига тушса, бу билан мамлакатимиз чегарасини хавф остига қўйган бўлмаймизми? Оғу қандай қирғинбаротлар келтиришини ўйлаб кўринг!

– Сиз ҳақсиз, Ҳаркер, – деди жаноб вазир узоқ ўйлаб олгач. – Сизга бир кун муҳлат... Робс, кетдик. Қолган жинойтчиларни ҳибсга олишимиз керак.

Улар Жонсонни олиб кетишди. Ҳаркернинг эса иши битганди. Энди сўнгги вазифаси қолганди. Уни жаноб Коннор тутиб қолди.

– Янглишмасам, сизга раҳмат айтишим керак. Сиз мени муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолдингиз. Сизга миннатдорлигимни қандай изҳор этайин?

– Менда ўзим учун керакли барча нарса бор. Бирон нима билан ёрдам бера олишингизга кўзим етмайди, – Ҳаркер полдаги қулга ишора қилди. – Янглишмасам, уч юз наตาลча зарар келтирдим.

– Хижолат чекманг, жаноб Ҳаркер. Айтишга арзимаиди. Бор бойлигимни берсам ҳам, қарзимни уза олмайман. Сиз ҳаётимни асраб қолдингиз.

– Шунчаки, ўз бурчимни адо этдим. Капсулалардан бири сизни ўлдирishi керак эди.

– Буни пайкадим.

– Пулларингизга келсак, уларни аллақачон сохтаси билан алмаштириб кўйишган экан. Бирок ҳукумат пулларингизни, албатта, жиноятчилардан қайтариб олиб беради. Банкдаги пуллар ҳам ўз ўрнида. Қисқаса руҳий зўриқишни инобатга олмаганда ҳеч бир зарар кўрмадингиз. Аксинча, кўйингиздаги илонлардан қутулдингиз. Сизга маслаҳатим, энди одам танлашда эҳтиёткор бўлинг.

– Бунга ҳаракат қиламан.

Жаноб Коннор қанчалик бирга виски ичишга таклиф этмасин, Ҳаркер ишлари кўпчилигини важ қилиб, чиқиб кетди. У бинони тарқ этаётганида полициячилар кўзгу билан бошқа далилий ашёларни олиб кетишаётган эди. Ҳаркер извош ёллаб, эски кадрони Томсоннинг ёнига борди. У қоронғи, совуқ хонада ўтирарди. Хонанинг тирқишлари етмагандек каминдаги сўнгги чўғ ҳам ўчиб бўлганди.

– Хонангдан ташқари иссиқ, – деди Ҳаркер бўш стулга ўтираётиб.

– Хизматкор болага, адашмасам, бир соат олдин ўтин олиб келишни буюрган эдим. Энди терисини шилиб олишим тайин.

– Айб ўзингда. Зикна одамсан. Тўғри, ҳалолсан, аммо буйруқларингни дўқ билан бажартирасан. Шўрлик йигитча сенга ўтинни қайси пулга олиб келади. Ҳа, майли, сенга янги топширик бор. – Ҳаркер столга тўрт юз натал солинган ҳамён ташлади. Пулларнинг жаранг Томсонни жонлантириб юборди, дарҳол ҳамёнга ёпишди. – Юзи эски топшириқнинг қолгани. Уч юз янги иш учун.

– Нима қилишим керак?

– Икки хонимни Швейцарияга олиб борасан. Мен ортингдан етиб оламан. Унга қадар хонимларнинг бошидан бир тола соч тўкилмаслиги лозим.

– Қачон йўлга тушамиз?

– Бугун.

Маҳкумнинг сўнгги истаги

Ҳаркер анчадан буён тўйиб ухламаганди. Агар хизматкор эшик қокмаганида, тушгача ухлаши мумкин эди. Робсон билан жаноб вазир уни Дауглиш хоним мезбонлигида кутишаётганди. Ҳаркер ювиниб, кийимларини алмаштиргач, ташқарига чиқди. Совуқ шамол эсар, ерни тизза бўйи қор қоплаганди. Мехмонхонага кириши билан Дауглиш хоним чиқиб кетди. Ҳаркер иссиқ қаҳвани олиб, бўш ўринга ўтираркан, вазир сўз бошлади:

– Ҳаркер, тонгда шахсан зоти мунавварлари қошида ҳисоботингизни ўқиб эшиттирдим. У киши тунги зиёфатда ўзингизни ҳам қўрмоқ истагидалар. Очиғи, бутун сарой аҳли чигал ишни очиб берганингиздан хайратда қолди. Қирол зоти олийлари сизни тақдирламоқчи. Ул зотга кечаги илтимосингизни етказдим. Бирок сарой аҳли Эрик Брэдлиннинг қолган умрини тинчликда ўтказишига қаттиқ қаршилиқ қилишди. Шунинг билан баъзи аъёнлар Брэдли оғусини ҳарбий соҳада тадқиқ этиш кераклигини билдирди. Бирок зоти олийларига мазкур қуролнинг қанчалар дахшатли натижалар келтиришини айтиб ўтдим. Якуний қарор оғуни унинг муаллифи билан бирга дафн этилиши бўлди. Тушдан сўнг маҳбус дорга осилади. Брэдли ўлими олдида сўнгги илтимосини билдирди. У сиз билан учрашмоқчи. Келишимнинг биринчи сабаби шу.

Энди иккинчи сабабга келсак. Кеча жаноб Жонсон айтган манзилдан жаноб Остин ва Бойл хонимни топдик. Яна ҳар эҳтимолга қарши ясалган икки кўзгуни ҳам. Улар маҳкамага олиб борилган эди. Бирок тунда бири ғойиб бўлипти. Буни қарангки, айнан, ўтган окшом бир вақтлар сизнинг ковурағаларингизни синдирган қариндошим ўз хонасида ўша кўзгуни кўрипти. У қаттиқ қўрқиб кетган ва ҳамон шифохонада оғир аҳволда ётипти, – вазир сал олдинга энгашиб, Ҳаркерга қатъий тикилди. – Ҳаркер, шу шартмиди?

– Нимани айтяпсиз, ўлай агар тушунмадим.

– Нима, кўзгуни маҳкамадан олиб чиқиб, қариндошим хобхонасига олиб кириб қўйганингизни тушунадиган даражада ақлим йўқми?

– Нималар деяпсиз, жаноб вазир? Ахир, у ўтмишда ўтган буюк алкимёгарга тегишли кўзгу. Бир неча маротаба бир ерда йўқолиб, бошқа ерда пайдо бўлганига гувоҳ бўлдик.

Жаноб вазир нима деярини билмай озрок жим қотди.

– Робс маҳкамадаги кўзгу қаерга ғойиб бўлиб қолганлигини билмайман, деб туриб олди. Бирок у сизнинг қилмишингиз учун жазога тортилиши мумкин. Ахир кўзгуни қўриклаш унга юклатилганди.

– Робс мамлакат олдидаги бурчини адо этди. Бу хизматлари учун олтин захирамининг ярмини беришса ҳам кам. Уни кечирипади. Олдин ҳам икки маротаба кўзгу у ердан ғойиб бўлганди. Робс изкувар, сеҳрли буюмлар қўриқчиси эмас.

– Амакимни базўр тинчлантирдим. Бирок бу ишингиз билан арининг инига чўп суқдингиз.

– Жаноб вазир, – дадиллашди Ҳаркер, – мен Африкада қандай қуролни баргараф этганим ҳақида ҳозир ҳам миш-мишлар юради. Уни йўқ қилганман, дея баёнот берганман. Бирок у ҳозир ҳам мавжуд бўлса-чи? Камига Брэдли қилган яхшиликларим учун менга оғусидан анчагина васият қилиб қолдирди. Қариндошларингиз кизимга яқин йўлагудек бўлса, жим ётган илоннинг бошини эзган бўлишади, холос. Шунга айтиб қўяйки, менга ҳеч ким тегмаса, мен ҳам ҳеч кимга тегмайман.

– Африкадан қайтганингизда мен сизни қамоқдан сақлаб қолгандим. Ўшанда хато қилмадимми, деган ўй ҳамон қийнайди. Ишқилиб, сизга ишониб адашмаган бўлайин-да.

Вазирнинг кўзи ўйчан қотиб қолганди. Ҳаркер эса катта ишни қойиллатгани учун ўзини эркин қўйиб ўтирарди. Шу чоккача жим турган Робсон дарҳол мавзунга ўзгартирди.

– Балки, шошилармиз? Соат учда қатл ижро этилади.

Соат ўн иккига яқинлашиб қолганди. Таклиф қолганларга ҳам маъқул тушди. Дауглиш хоним тушлик учун тадорлик кўраётган экан, мехмонлар уйдан зўрға чиқиб олишди. Ҳаркер уйига кириб, анча қолиб кетиб, тугунчада нимадир олиб чиқди. Йўл-йўлакай янги рўзномалардан олишди. Ҳар бир бош мақолада Ҳаркер ва шерикларининг уддабуронлиги, жиноятчилар жазога тортилиб, чув тушган акционерларнинг пуллари ўз эгаларига қайтариб берилаётгани хусусида сўз борарди.

Брэдли маҳсус бинода сақланаётган эди. Бино ичкарасига киришлари билан бир неча башанг қийинган одамлар уларга пешвоз чиқишди. Улар жаноб вазирга енгил таъзим қилиб, Ҳаркерни тўхтатишди.

– Жаноб Ҳаркер! – деди улардан бири. – Бир дақиқа вақтингизни ажратсангиз, деган эдик.

– Нима гапингиз бўлса, гапираверинг.

Нотаниш озрок жим турди-да, ўзини жилмайнишга мажбурлаб давом этди.

– Сиз билан Брэдли оғуси ҳақида суҳбатлашмоқчи эдик.

– Зоти олийлари бу ҳақда яқуний тўхтамга келдилар, – деди жаноб вазир.

– Қиролнинг фикрини ўзгартириш мумкин, агар масалага тўғри ёндашилса... Жаноб Ҳаркер, наҳот, мамлакатимиз келажакда мустаҳкам ҳимояга эга бўлиши сизни қизиқтирмас?

– Ўлай агар, қизиқтирмайди, – Ҳаркер шундай дея шериклари билан ўтиб кетди.

Нотанишлар ординан кузатиб туришди-да, автоилари бузилиб, бинодан чиқиб кетишди. Жаноб вазир бир соқчига Брэдли билан учрашишларини айтди. У маҳбусни олиб чиққани кетди. Бошқаси Ҳаркернинг қўлидаги тугунга ёпишди. Аммо Ҳаркер дарҳол унинг қўлини ушлаб қолди.

– Ўғлим, бунга тегмаганинг маъқул.

Соқчи нима қилишини билмай атрофидагиларга аланглади. Вазир унга

кўйиб юбор, дегандек имо килди. Хонага киришгач, маҳкумни озроқ кутишди. Уни кишанбанд ҳолда олиб киришди. Брэдлининг ранги ўчган, юзидан ҳолдан кетаётгани билиниб турарди. Улар стол атрофига жойлашишди.

– Хўш, Брэдли, ахволлар қалай? – сўради Робсон.

– Жуда расво жой экан. Совук, егани музлаган ювинди беришади. Умуман олганда, хизматларим учун товук шўрва беришади, деб умид қилмагандим. Аммо ухлаш қийин экан. Жуда шовқин жой, – у бўйини укалаб Ҳаркерга юзланди. – Оиламни мамлакатдан чиқариб юбордингизми?

– Ҳа.

Брэдлининг юзига маъюс табассум югурди. У оиласи озод бўлганидан хурсанд бўлса, ўзи улардан айрилганидан қайғуда эди.

– Сизга миннатдорлик тариқасида, фақат, раҳмат айта оламан.

– Мен ваъда бергандим, уни бажаряпман, холос. Жаноб вазир маҳқамага топширилиши керак бўлган эллик мингги ҳам онанг олиб кетишига розилик билдирди.

Брэдли кўзларига ишонмагандек вазирга тикилди.

– Бундай марҳаматни кутмагандим. Вазирларни бундай кўнгли бўш бўлади, деб ўйламагандим.

– Бундай ишни, фақат, бир киши қилиши мумкин, – деб Ҳаркер тугунни очиб, юмшоқ ширинликни Брэдлига узатди. – Синглинг икки соат кўзёш тўкиб тайёрлади.

Брэдлининг ҳам кўзига ёш келди. Қўлидаги митти мўъжизани узоқ томоша қилди. Бурнига яқин келтириб ҳидлади. Сўнг тўртга бўлиб, бир бўлагини ея бошлади. Томоғига нимадир тикилиб қолганидан ютиниши қийинлашар, кўзёши ҳам кўшарди. Бундан қолганларнинг ҳам кўнгли бузилди. Ҳатто унга қараёлмай қолган бўлаклари атрофидагиларга берди.

– Бу сўнгги таоминг, – деди Робсон тилиб. – Яна синглинг тайёрлаган.

– Синглимнинг қўли гул. Унга баҳо беришларингни истайман, – жилмайди Брэдли. – Емасангизлар, кўп нарса йўқотасизлар.

Робсон билан вазир ширинликни қўлга олишди. Аммо Ҳаркер Брэдлига жим тикилиб турарди.

– Кўркманг, жаноб Ҳаркер. У сиз учун безиён.

– Фақат, биз учун безиён.

Брэдли айби очилган боладек ерга қараб жилмайди.

– Буни ҳам сездингизми?.. Буни раво кўргангиз учун раҳмат, жаноб Ҳаркер!

– Нималар бўляпти, Ҳаркер? – сўради баъзи нарсаларни ўйлай бошлаган Робсон.

Аммо гапи тугамасидан Брэдлининг аҳволи оғирлашди. Кучли оғриқдан суллайиб қолди. Полда инграб ётаркан, қолганлар нима қилишини билмасди. Ҳаркер эса юзи ҳеч бир маъно ифодаламай унга жим қараб турарди. Оғриқ кучайиб Брэдли долдай бошлади. Танаси тиришиб қуйишни бошлаганида жазаваси кўзигандек яна ҳам кучлироқ типирчилади. Энди ҳамма жимиб қолганди. Брэдли секин-аста ҳаракатдан тўхтаркан, танаси ҳам бошдан-оёқ куйиб, чириб кетди.

– Сиз буни билармидингиз? – деди вазир Ҳаркерга анчадан кейин хонадан чиқишаётганларида.

– Ҳа.

– Уни оломон қаршисида қатл эттириш лозим эди. Барча жиноят жазосиз қолмаслигини ўз кўзи билан кўриши керак эди.

– У йўлдан адашган ёш бола эди. Итдай ўлиб кетишдан шуни афзал билди. Бу менинг унга қилган охириги ёрдамим бўлди.

Ҳаркер ташқарига чиққач, извош ёллади-да, бандаргоҳга элтишини сўради. Йўлга чиққанида уни бир фойтун қувиб етди. Бир неча салобатли одамлар тушиб, унга тўхташни буюришди. Кучер ноилж тўхтади. Нотаниш одамлар арава эшигини очишди-ю, ичкари бўшлигини кўриб, ғазаб отига минишди. Бири кучернинг ёқасидан олиб, Ҳаркер қаерда тушиб қолганлигини сўради. Кучер

йўл бўйи ҳеч ким тушиб қолмаганлигини, мижоз аравада йўқлигига ўзи ҳам хайронлигини кўрканча гапириб берди. Аммо ёқасидан олган одам уни бўшатиб юбормасди. Шунда шериги уни тўхтатди.

– Ҳаркер айёр. Кучерда айб йўк. Ахир, уни йўл бошидан қузатиб келяпмиз. Тушиб қолганини биз ҳам сезмадик.

Шундан кейин нотанишлар кучерни тинч қўйишди. Улар ғойиб бўлганида ҳам кучер нима қилишини билмай турарди. Ҳаркер ойнадан бош чиқарганида у чўчиб тушди.

– Ошна, нима қилиб турисан? Вақт кетаяпти.

– Қаерда эдингиз, жаноб?

– Гапни йиғиштир-да, жойингга ўтир! Икки ҳисса тўлайман.

Кучер пулни эшитиб, жойига чиқиб ўтирди ва отга қамчи босди. У ҳамон жумбоқни еча олмасди. Бандаргоҳга етишгач, Ҳаркер унга пулни берди-да, одамлар орасида кўздан ғойиб бўлди.

Хотима

Банк ходими янги мижозларни қабул этди. Олдин бу эркак, кекса аёл ва ёш қизни ҳеч қаерда кўрмаган эди. Улар Натландиядан бўлишса керак, ўша мамлакат пули билан янги ҳисоб очтиришди. Ҳисоб Даусон хоним номига расмийлаштирилди. Шундан сўнг эркак ғамгин аёлни қўлтиклаб, бинодан чиқиб кетди. Усти очик арава шаҳардан чиқиб, икки соатча юриб, қишлоқдаги кичик уй ёнида тўхтади. Эркак билан хонимлар секин аравадан тушиб, уй томон юришди. Ҳаркер атрофга аланглади. Кенг адирлар баҳорда ям-яшил чаманга айланишини ўйлаб, хаёлга толди. Брэдли оиласи учун яхши жой топганди. Табиати мусаффо, аҳолиси тинч-тотув. Ҳар қандай тинчликни ўйлаган оғир беморлар учун аини муддао. Ойимқиз Брэдли дастурхон ёзиб, барчага қаҳва дамлади. Энди Ҳаркернинг вазифаси битган, хайрлашишга тарадуд кўрмоқда эди. Бироқ Брэдли хоним уни имкон қадар кўпроқ олиб қолишга тиришарди.

– Сиздан умрбод миннатдоримиз, – деди Брэдли хоним. Сўнг у хаёлга толиб, Ҳаркер иккиси ярим соатча сукут сақлаб ўтиришди. – Энди бизни ташлаб кетасиз қизим иккимиз ёлғиз қоламиз. Мен кўпдан буён шунга ўйлаб кўрқардим. Эрик олис сарфалдагида ҳам биз ёлғиз эдик. Бироқ жигаргўшам қаерда бўлса ҳам, омонлиги юрагимга далда бўларди... Афсуски, неча йиллар бирга яшаган қўшниларибдан ҳам айрилдим. Она қишлоғимга қайтиб, ўша ерда жон бериш учун боримни берган бўлардим.

– Хафа бўлманг, хоним. Хадемай бу ерда ҳам аҳил қўшнилариб билан тил топишасиз. Ҳаёт ўз измига тушади. Мен ҳам хабар олгани келиб тураман. Қизингиз муносиб куёв топади, бир-биридан ширин невараларингиз бўлади. Ўшанда ҳаммаси яхши бўлганига ўзингиз амин бўласиз. Агар Натландияга қайтмоқчи бўлсангиз, бир йил ўтиб ҳаммаси тинчигач, сизларни бошқа ном билан қайтариб олиб боришим мумкин. Бироқ ўз қишлоғингизга қайтиб бора олмасангиз керак.

– Сиз олиёжаноб инсонсиз, жаноб Ҳаркер. Илтимос, бизни узок қуттириб қўйманг.

Ҳаркер улар билан хайрлашиб, ташқари чиқди. Ёш йигит араваси ёнида уни кутиб турарди. Бу ёқимтой йигит Ҳаркерга ҳам, Брэдлиларга ҳам манзур бўлганди. У Брэдлиларга керакли нарсаларни олиб келишига, Брэдли хоним унга ҳақини ўз вақтида бериб туришига келишиб олишганди. Ҳаркер аравага чиққач ҳам, анча вақт Брэдлиларни қузатиб, ҳар замонда улар сингари қўл силкитиб турди. Улар кичрайиб қолгач, олдинга қаради. Бу ернинг киши Натландияники сингари совук бўлмаса-да, ҳаво анча салқин эди. У узок йўлни ўйлаб яхшилаб ўрнашиб олди-да, пальтоси ёқасини кўтарди. Кўзларини юмиб, кизи билан жажжи Дауглишларни кўз олдига келтирди. Болаларни жуда соғинганди. Араванинг бир маромдаги чайқалиши ва ширин хаёллари уни тез орада уйкуга элтди.

Тамом



Учаётган улкан тош

Эссе



Ҳол Муҳаммад
ҲАСАН

*Мен келдим. Тош бўлиб йиғлар эди тош –
соғиниб юксакнинг ҳаволарини.*

Буюклардан бири, “Ҳар нарса-ҳодисага шубҳа билан қара”, деган экан. Талабалик давримизда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанидан кирган жухуд домла конспектимга алоҳида урғу бериб ёздирган бу жумла, кейинчалик бутун туриш-турмушимга шиор бўлиб сингиб кетди, шекилли. Эшитганларим воқелик, ҳикоя-саргузаштларга аксарият ҳолларда ишонмайман, ишонқирамайман. Ошно-улфатлар ҳам кўзимга сал лофчирокдай, атрофдагилар мақтанчоқроқ, ёлғончирокдай бўлиб туюлаверади, негадир. Шу биргина гапнинг ўтган ҳаётим давомида менга икки хил таъсири бўлди. Яхши томони – иш фаолиятимда, оилавий муносабатларда кам адашдим, кам алдандим. Деярли йиқилиб-суринмадим, яъни унча чув тушмадим. Ёмон томони эса – топганимдан йўқотганим кўпроқ бўлди. Ҳар қадамда ёлғизлик хисси кийнади. Яқин дўст, маслақдош тополмадим. Дарҳақиқат, “суянганим – элфуруш, суйканганим – эрфуруш” ва ҳақозо “фуруш”лар бўлиб чиқаверди. Тинмай одам изладим. Робинзон каби ўзимни ёлғиз, овлоқ жойда ҳис қилдим, ёввойи “Жумавой”га бўлса-да талпиндим. Зеро, аҳли “дониш” танишим, олиму фузалолар, шоирлар даврадошим бўлди. Бирок, ҳамон ҳалиги гап: ботинга зоҳир, сувратга сийрат масаласи мос эмас, доимо шубҳа остида қолаверди. Тўхта, дейман баъзан ўзимга-ўзим, балки, ўша Буюк бундай демагандир. Балки, унинг ўзи аслида Буюк эмасдир. Ҳар қалай бу ҳам бир тасалли-да...

Рухшуносликка даъвоим йўқ, аммо қонимда озроқ синчилик бўлиши керак. Боиси бир бобом Вали ўтган, яъни қароматгўйлиги сабаб исмига шу нисба кўшиб айтилган. Она томондан аждодимиз – авлиё Марқай сўфи: “Етти пуштингни қўллаيمان”, деб ваъда берган эканлар. Негадир, бу гапга шубҳа қилгим келмайди. Мен олтинчи пуштман. Отам ҳам отбоз эди – тулпорни тойлигидан танирди. Чобогон амаки акамга қайси от қачон тайёр бўлишини бехато айтарди. Узоқ-яқин теваққадгилар ҳам отларини кўрсатиб, маслаҳатлашиб туришарди.

Мендан ҳеч ким бу ишни сўрамаса ҳам кимнинг нимага қизиқиши, “маърақада ўтириб туриши”, нима еб, нима ичиши, ҳатто, қандай тушлар кўришига қараб (суриштириб) ўзимча (ичимда, албатта) таниш-билишларимга “рейтинг”

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН – 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. “Оҳува”, “Қадимий қўшиқ”, “Ул қуни устоз дедилар...” каби шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

белгилаб юриш одатим бор. Қуйидаги қайдлар, аини синчилигимга тегишли – рейтинг баланд, балки, бошқалардан анча юкори бўлган бир хос Одам хақида. “Тушларимда кўп учаман, узо-оқ учаман. Ерга умуман кўнгим келмайди”. Рост-да, ерда нима бор. Осмон – жуда кенг: Хаёлдай, туйғудай, дostonдай. Отлар дупури, чанковуз чорлови, сибизға нолаши, дўмбира дардига ер ниҳоятда торлик қилади. Унинг дезрли ҳар битигида ҳайбат билан ҳавосот солиб, гоҳ эшитилиб, гоҳ кўриниб турган ка-ат-та Юрагига ҳам фақат Осмон мос. Ажабки, исми ҳам уйқаш. Юракдан кейинги сўзлар: Одам, Ёр, Тош, Ор, Қуш, Жон, От, Куй (*Қўшиқ*), Ўлим... Ҳаммаси улкан, ҳаммаси қанотли, қувватли, ғужурли. Туш таъбири эса тахминан бундай: У майда нарса, нимарсаларни ёқтирмайди. Қўрқок, локайд, хиёнаткор кимсаларни айникса, ёлғончиларни ёмон кўради. Ватаннинг тўрт мучасини соғ кўришни истайди. Оғзи тўла қон бўлса-да ғанимига билдирмаган мардни, севганлигини сездиришга андиша қилиб, ортга қайрилмаган, туянинг устида музлаб, йиғлаб кетаётган иболи-хаёли сулувни суяди. Ўз оёгини ғажиб, узиб ташлаб, қопқонда қолдирган озод жондорни алқайди, қуйлайди. Толе суқмоғини қидиришда акалари Тўнғич ва Ўртанча ботир изидан юрмай, “Борса келмас”ни танлайди.

Унинг ўз йўли бор.

Зовлар, қосага қатовлардан ўтган бу йўл донғил эмас. Жуда мухташам, улкан, аммо баъзан бир уллов, ҳатто қил ҳам сиғмас даражада инжа бу йўл. Кўнгилинг бир неча сўқмоқлари гоҳ қўшилиб, гоҳ айрилиб борадиган бу йўлда по-ю пиёда юриш кулли машаққат. Шунинг учун учиш қулайроқдир, балки. Унинг изидан юраман деб кўплар сарсон-саргардон бўлганини биламан. Ёзиш майли, ўқиш усули ҳам ўта юқумли, жозибали...

Йўл излаб юрган пайтларимиз “Шуъла” деган тўғарагимиз бўларди. Расман етмишдан зиёд ҳаваскор қаламкаш ҳафтада бир марта йиғилардик. Номдор иждоқорлар тақлиф қилинар, ҳозирги таъбир билан айтганда “мастер класс” дарслари тингланар, мушоира, баҳс-мунозара авжига чиқар эди. Дунё адабиёти бир-бир “майдаланар”, “обдон тузланар”, беаёв “муштланар”, “оқ”, “кўк”, “қизил” шеърлар янграар эди. Қунларнинг бирида тўғаракка Шоир ташриф буюрди. Катта байрам! У шеър ўқимади. Танлаб-танлаб беш-олтита ёш шоир – шоираларни тинглади. Катта авлод вакилларига тақлид қилиб ёзилган машқлардан мазза қилгандай туюлди. Айникса, ўзининг услубида ўқилган бир қатор “маяковскийча”ларга қойил қолди, деб ҳам ўйлади, ҳатто.

– Раҳмат, оғаларим-иниларим, эгачилар. Тақлид, ҳавас, майли яхши. Аммо бу вақтинча – ҳозирча. Вақтида биз ҳам сизга ўхшаб билиб-билмай ўзимиздан ёши улғларнинг таъсирида юрганмиз. Қийин бўлган, жуда қийин бўлган. Майдонга кимсан Абдулла Ориф, Эркин Воҳид, Рауф Парфи... Улардан айро кўриниб, шеърпарастрлар назарига тушиш, исм-шарифли, таҳаллусли бўлиш азоб эди. Давраларда уларни кўр-кўрона (*ёлгондан*) ёмонлаб, кечаси билан йиғлаб шеърларини ўқиб чиққанмиз. Хуллас, ўз йўлимизни тинимсиз излаганмиз. Айтиб қўяй, тезда тақлиддан кечмас экансиз, биронтангиз одам-подам бўлмайсиз, шоир бўлмайсиз. Ҳеч ким айтмаган гапни, босмаган йўлни топмасангиз, овора бўлиб сўзларни қофия қилиб юрманг.

Бошқаларни билмадим, шаҳсан мен биринчи фойдали сабоқни ўша қуни олдим. Кескин фикрлар ҳозиргача эсимдан чиқмайди. “Ватан, миллат, ҳақиқат деб ёзавериш билан шоир ватанпарвар бўлиб қолмайди. Гап агар мавзуда бўлса, энг яхши шеър ўз-ўзидан Ватан ҳақида ёзилган ҳисобланади”.

Шоирликдан нима фойда ўзингни фош этмасанг? Покламасанг дилни айтиб, Сўз қилдирмас зиёрат. Ҳар кимсага кимлигини очик айтиб кетмасанг, бу – онангта хиёнатдир – Ватанингта хиёнат.

Учин ватанпарвар ва миллатпарвар. Футболни яхши кўради. Футболни бир мутахассис даражасида тушунади ва таҳлил қилади. Жиддий ўйинларнинг деярли бирортасини ўтказиб юбормайди. Юртдошларимиз ютганда ўзида йўқ қувониб, ютказганда қайғуради. Ўйинчиларнинг ёши, келиб чиқиши, ҳатто айримларининг оилавий шароитигача билишини эшитиб хайрон қолганман. Телевидениянинг “Спорт” каналида футболни шарҳлаганини, спорт журналистлари билан мулоқот ўтказганини кўрганман. Футбол ҳақидаги шеърларини ўқиганман.

Футболни миллионлар ўйини дейишади. Миллионлаб мухлислар орасида қанчадан-қанча фанатлар бор. Фанатлик асли касаллик. Сўзни сал миллийлаштириб “жиннилик” деса ҳам бўлади. Масалан, ота-боболаримиз кўпкарини “жин ўйини”, чавандозларни (*чобогонларни*) – “улоқ жинниси” дейишган. Ҳатто, кўпқарида отдан йиқилиб ўлганларга жаноза буюрмайди деган гапларни ҳам эшитганман. Ўзим гувоҳи бўлган воқеа эсимга келади. Кўпқарида акам (*амаким*)нинг бир оёғи синиб, хушидан кетди. Отнинг босилдириғига ўраб қўшхона (*томошажой*) га олиб чиқиб, юзига сув-пув сепаиб, бир нималар ичириб, ўзига келтиришди. Отдан чобогон йиқилиб хушидан кетса, “Полвон, улоқни сиз айирдингиз, мана зотингиз”, дейилса, дарҳол ўзига келар экан. Бир пайт Баковул қийқириб, бош зот айтилиб қолди. Бош зот бу – охир така, яъни чопилаётган улоқнинг ўзи дегани. Акам ўрндан ирғиб туриб, “Отни обкенглар”, деди. Одамларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, синган оёғини хўржуннинг бир кўзига солиб, тўдага кириб кетди ва зотни айирди. Бу “жин”нинг иши эмасми, жиннилик эмасми. Жин кўтарганда куч келади, оғрик йўқолади, дейишади. Футбол стадионидаги хайқирикларда, сўқиниш ва кучоклашишларда ҳам айнан ўша “жин”ларнинг кўли бормикан деб қўяман. Аммо, футбол ишқибозларининг аксаридея ватанпарварлик туйғуси яққол жўш уриб туради, бу аниқ. Чунки футбол, элнинг, миллатнинг донгини чиқаради. Ўша худуд, ўша юртни атрофга, дунёга танитади. “Пахтаҳор” командаси осмонда ҳалокатга учраганда, биз Тюмень шаҳрида, студент қурилиш отрядида эдик. Палаткалардан бирининг олдига скамейкалар қўйиб, ҳалок бўлган ўйинчиларнинг суратларини тахтага қатор қилиб ўрнатиб, уч кун ишга чиқмай “азадор” бўлганмиз. Шаҳардаги кўпчилик миллат вакиллари – ўрис, қозок, татардан тортиб, то чуқчагача келиб таъзия билдиришган, ғамимизга шерик бўлишган. Ўшанда улар ягона футбол командасидан, суюкли спортчиларидан айрилиб қолган бутун ўзбек халқига чинданам ачинганларини айтишган. Сиз нима деяпсиз?!

У гужурли одам. Гужур соф ўзбекча сўз бўлса-да, хозир маъносини кўпчилик тушунамайди. Негаки, ор-номусли одамнинг ҳамиятига, қавмининг шаънига тегилганда бор вужуди исён қилиб, бадани тиришиб, ич-ичидан келган қалтироқни босиш учун ишга солинадиган кучни ифодаловчи бу сўзнинг аини пайтда жамяятга зарурияти йўқ деган тўхтамга келинган бўлса керак. Яна билмадим.

Бир-икки йил бурун “Бунёдор” стадионидан “арабча футбол” фирромликларидан хафа бўлиб, кечрок чиқдик ва тамадди қилиш учун яқин орадаги чойхонага бордик. Ариқ устидаги қатор териб қўйилган чорпояларда турли тоифа гап-гаштакчилар ўзаро улфатчилик қилиб ўтиришибди. Чеккароқдаги чорпоялардан бирини банд қилиб, камтарона дастурхон буюрдик. Ҳали таом тортилгани йўқ. Кўшни “калават”да, шоҳона тузатилган хонтахта атрофида ўтирган ўн-ўн беш нафар сархуш ошхўрлар қочирим гаплар қила бошлашди. Биз тўрт ишқибоз яқунланган футбол вазиятларини муҳокама қиляпмиз. “Кўшни”лардан бири, халидан бери кучаниб, мактаниб, улфатларини оғзига қаратиб ўтирган, елкаси бир метрлар келадиган, мўйлаби бакенбардига улашиб кетган, кўзлари кип-қизил говқалла, қўлидаги қадахини чўзган қўйи, бизга, тўғрироғи, қаттиқ-қаттиқ гапириб, уларга беписанд муносабатда бўлаётган Шоирга юзланди ва “Бу ёққа келиб биз билан

ич!” деди. Олтимиш ёшдан ўтган, ўзимизнинг жангари “навқирон”ни аранг ушлаб қолдик. Унинг қирчиллама пайтлари не-не катта йиғинларда, шўро ҳукуматининг катхудолари нутқини бузиб, адабиёт ва миллат масаласидаги чиқишларини, бошини кундага кўйиш даражасидаги ҳаракатларини хўп эшитганмиз. Ғужур ҳамон ўша-ўша.

Бошқа бир ҳолат (*Бу ҳам футбол билан боғлиқ*). “Пахтакор”га киришда миршаблар ҳаммани синчковлик билан текширмоқда. Ундан чўнтагидаги сигаретни ташлашни талаб қилишди. Нега деди у, қаерда ёзилган? Эълон йўқ, чиптада сигарет олиб кирилиши тақиқлангани тўғрисида қайд этилмаган. Қолаверса, чиқишда қайтариб берилиши кўзда тутилмаган, яъни ахлатга ташлаб юбориш керак.

– Олиб қирмайсиз, вассалом, гап тамом. Буйруқ шундай. Ёки ўзингиз ҳам қирмайсиз...

Кўриқчилар кўпайлаша бошлашди.

– Ҳов, биродар! Мен чипта билан қираяпман. Ёнимда жамоатчилик учун хавфли бўлган, қонун билан тақиқланган нарса йўқ. Аммо сигаретимни ахлатга ташламайман, тушундиларингми?

– Устоз, ташлай қолинг, янгисини оламиз дедим, мен стадионга киришга шошилиб.

– Йўқ, – деди У, – қонун-қоида ни мен эмас булар бузаяпти. – Нариги секторда турган бир зобит Уни таниб қолди ва можарога аралашди. Ходимларига дакки берди:

– Санлар китоб ўқимайсанлар. Халқ шоирини танимадингларми? Ҳурматини сақлаб, кечирим сўраб кўйиб юборинглар.

Ўтиб кетдик. Пачқада атиги икки дона сигарет бор экан, кейин кўрсам.

Утанти – мард. Юбилейи муносабати билан жойларда учрашувлари бўлиб ўтди. Сахналаштирилган асарлари театр актёрлари томонидан гастроль сафарларида ижро этилди. Бизнинг вилоятга – Қашқадарёга ҳам бир гуруҳ, актёр – артистлар ҳамроҳлигида ташриф буюрди. Туманларга, катта-кичик ташкилотлар, хўжаликлар ахли билан уюштирилган тадбирлар зўр ўтди. Шоирнинг ашаддий мухлислари, корхона мутасаддилари чиройли эсдалик совғалари билан табриклашди. Чамамда бир юк машинасини тўлдирадиган нарса йиғилди-ёв. Кечқурун улар тўхтаган “Hotel”га хабар олишга бордим. Устознинг “люкс”и эшигигача йигирма чоғли “мехмон” қатор турибди. Тушунмадим. Хонасига кирдим. Кўрдим-ки, Ака ҳар бир навбатда турган актёр, актриса, чирок ёқувчи, ҳайдовчи, кўйинги, бутун ҳамроҳларига ўзига тушган совғани улашмоқда. Кимга гилам, кимга телевизор, ДВД, сервис идишлар, зар чопонлар, қўйлак ва ҳақозо. “Сизники табаррук, Сизнинг ёшингизни берсин. Йўлингизни берсин. Сиз зўр одамсиз”, деб юзидан бир-бир ўпиб, чиқиб кетишмоқда.

– Устоз, бу нима деган гап? Совға қилинган нарса яна бошқага совға қилинмайди, ахир. Ҳотамтойлик ҳам эви билан-да...

– Биринчидан, бунча нарсани қандай олиб кетаман. Домда яшайман. Тикиштираверсам ўзим қаерда тураман. Ҳаво камайиб қолади. Қолаверса, булар ҳам неча кундан бери мен билан бирга...

Аввал ҳам шунга ўхшаш ҳолатларни эшитган эдим. У шоғирдларидан бирининг тўйига келганда, “янги бой”лардан бирининг дала ховлисидаги меҳмонхонага жой қилинади. Устозга иззат-икром кўрсатишиб, бухорочка зартўн кийдиришади. Шоғирдининг мунғайибгина айтишига кўра, эрталаб устозни кузаттали меҳмонхонага боришса, ҳалиги кимматбаҳо тўнни дала ховлида хизмат қилиб юрадиган чўпон йигит кийиб юрган эмиш. “Уч-тўрт марта чой дамлаб берди, сигарет келтириб берди – яхши бола экан. Усти юпун, пойафзали ҳам йиртилиб кетибди, раҳмим келди” дейди У.

Бошқа бир воқеа. Устознинг “Огоҳ бўлинг, одамлар!” номли сахна асари республикамизнинг ҳар бир гўшасида қўйиб чиқилган. Ўшанда театр актёрлари туманларда учрашувлар ўтказиб, байрам муносабати билан элнинг руҳини кўтариш, ҳар хил экстремистик оқимларнинг қора кирдикорларидан одамларни огоҳлантириш, таништириш, ёшлар тарбияси билан боғлиқ чиқишлар қилиб катта тарғибот ишларини амалга ошираётганлари боис ҳокимлик эсдалик совғалари улашади. Артистлардан бири “Hotel”даги хонасига бориб совға қутичасини очиб қараса, ҳоким берган соат йўқ. Суриштиради ҳамманики бор, уники йўқ, тамом. Артист “S.O.S.” кўтаради: “Соатни кимдир ўғирлаган!” Энди албатта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари етиб келиб, бинони ўраб олади ва ҳар бир хонага қўйилган видеокамералар ёрдамида барча меҳмонхонадагиларни (гостролдагилардан бошқаларни ҳам) чиғирикдан ўтказди. Вазиятни тўғри баҳолаган, тўғрироғи ҳамроҳининг паст назаридан ғажури кўзиган Устоз (*У ҳам драматург сифатида гуруҳ таркибида бўлган*) хонасига кириб, ўзига берилган соатни олиб чиқади ва “Мана топилди, диваннинг тагига думалаб кетган экан”, деб Артистга узатади. Бу билан жиноят қидирув ходимларининг тадбирини тўхтатиб қолади ва пойтахтдан келган санъаткорларга дахлдор шармандалиқнинг олдини олади. Бу воқеадан саросимага тушиб қолган ва ушбу тантилиқдан қойил қолган “Hotel” соҳиби жуда миннатдор бўлади, Шоир билан қиёматли ака-ука тутиниб, тўн ёпади ҳамда яқиндагина Париждан олиб келган тилла соатини унинг кўлига тақиб қўяди. Кейинчалик маълум бўлишича, меҳмонларга бериладиган совғалардан бирини ҳоким ёрдамчиси кўздан кечириш учун қутичадан чиқариб кўрган ва раҳбарига “доложит” қилганидан сўнг ҳаёли фаромуш бўлиб, кайтариб қўйиш эсидан чиққан.

Шунда беихтиёр устознинг узоқ йиллар аввал ёзган “Чумоли ҳақидаги нутқи” ёдимга келди:

*“Меҳнаткаш” деб олганинг унвон
Шоирларнинг гариб ҳаёли.
Менинг эса, азалдан аён
Нафратим бор сенга, чумоли.
Гивирлайсан... терга ботасан
Тирикчилик солмас не қўйга,
Нима кўрсанг уйга тортасан
Уйга... Уйга... қоронғу уйга.*

У адабий ҳаётда ўта жиддий. Китобларида ҳазил шеър ёки ҳажвий маънодаги наср деярли учрамайди. Балки, адабиётга фақат жиддий мезонда қарар. Аммо даврасида бир бор бўлган киши унинг дилкаш, дилбар ҳазилкаш инсонлигини дарров англайди. Ҳар қандай аудиторияни осонлик билан “қўлга олиб” оғзига қаратиши, тағдор, кулгили латифалари билан “қизиқчи”ларни-да ортда қолдириши мумкин. Сўз берилганда бошқаларга ўхшамаган усулда, илгари ҳатто ўзи ҳам гапирмаган, янги “тост” топишига қойил қоласиз. Аксар ҳолатда ҳазилга ўхшаш, аслида кинояли, қочиримли вазият яратиб, давранинг диққатини жалб этади. Кейин эса... Кейин нима деса Унга ишониб ўтираверасиз ёки эргашиб кетаверасиз.

Олтимиш ёшлик юбилейи ўзи туғилиб ўсган вилоят марказида, катта театрда ўтган эди. Пойтахтдан кўшлаб иззатли меҳмонлар ҳамроҳ бўлиб келишган. Вилоятнинг раҳбарлари, обрўли одамлари бир-бир сўзга чиқишди. Ҳар бири фахрланиб, ғурурланиб, тўлқинланиб гапиришди. Мамлакатга таниқли, хурматли ёзувчи-шоирлар, олимлар, санъаткорлар табриклашди.

“Бадий кисм”дан олдин унинг ўзига навбат берилди. “Юбиляр”нинг меҳмон-мезбонларга нима дейиши одатда бир хил, бир тартиб асосида кечади. Ва бу ҳолатга ҳамма ўрганиб қолган. Ҳатто, айнан шундай бўлиши керак, деб ўйлашади ҳам. Яъни, “Билдирилган тилаклар учун қуллук”, “Қимматли вақтларингизни аямай ташриф буюрганларингиз учун ташаккур” ва ҳақозо. Унинг эса бундай демаслигини ҳар ҳолда мен сезиб турган эдим. Шундай бўлди: саҳнага чиқди. Кўзойнагини қўлига олиб, залда йиғилган минглаб томошабин – тадбир иштирокчиларига, меҳмон-мезбонларга разм солди, саломлашган бўлди ва иккинчими-учинчими қаторда – бурчақда ўтирган турмуш ўртоғини кўзи билан излаб топди.

– Раъно! Шу ердამисан? Кўрдингми менинг кимлигимни? Нукул кўп мактанасиз, мактанчоқсиз, дейсан. Эшитдингми одамлар нима дейишди? Сўнг бошқаларга қараб: – Раҳмат-ей, сизларга. Мен бир умр зўрлигимга хотинимни ишонтира олмай келаётган эдим, – деди.

Залда гулдурас қарсақ ва кулги янгради.

(Айтмоқчи, ўша юбилейда мен манави бағишловни ўқиган эдим)

*Кетган эмас Бойсундан Бойсун,
Шу сатрнинг сал “Ёлгон”и бор.
Баҳиши бобо Шоберди айтсин
Қанча кўшиқ, куй, достони бор.
Бойсун асл бой юрти бўлган,
Отарларга ўраси тўлган,
Ҳар ўрқачи булутни тилган
Қирли дашти, нор қарвони бор.
Бир ён туташ Шўрчи, Шеробод,
Дарбанд Олтинсойли оқ работ,
Деҳнав Сариосиёдан то
Қумқўрғони, Бандихони бор.
Оқтошдан хув Сангардакча,
Қўнғиртовдан Боботоққача,
Қўкбулоқдан Ойбулоққача
Добонбийнинг киндик қони бор.
Бунда қушлар гозланиб учган,
Бойчиборнинг тақаси тушган,*

*Саноч-саноч қўйруқ мой ичган,
Қултойқулдан зўр чўлони бор.
Осмонида ой парча-парча,
Сулувлари сут соғар чарчаб...
Айтсин анов минг яшар арча
Минг ҳулқари, минг чўлони бор.
Баҳорланиб қутар бунда ёз,
Оққуврайдан тўшаб поёндоз.
Эли ширинсухан, шарондоз
Йил ўн икки ой меҳмони бор.
Одамлари Алпомиси келбат,
Эл ори деб жон тикар албат,
Ижод сиррин забт айлаган мард
Ака Эркин ва Усмони бор.
Чинор бўлар бунда ҳар майса,
Шоирлари довруғин ёйса,
Кетмас сира Бойсундан Бойсун
Ахир унинг не армони бор.*

Бошқа бир сафар Тошкентдан Қаршига кетяпмиз. Йўл узун. Гурунг мавзуи бир неча марта янгиланиб, “Қарвон кўрдим”дан “Ўтов”га бориб такалди. Мен “Қора уй”ни яхши билмайдиган учинчи ҳамроҳимизга тушунтириб боряпман:

– Уйнинг суяқларини чанғороқ тутиб туради. Суяқ деганимиз толдан ясалган, таги керагага боғланиб, учи чанғороққа тикиладиган узун чўп. Увуқ деб аталади. Сони ўттиз саккизтадан қирқ бештагача, Увуқ маҳкам боғланса, уй мустаҳкам...

– Шу ўринда бир байт, – деб гапни бўлади Шоир: “Синдими бир увуғим, бўшаб копти қувуғим”.

Куламиз. Зийрак шопир эса қулайроқ (овлоқроқ) жой топиб, машинани тўхтатади.

Вилоятга бормаганимга бир йилча бўлиб, фотиҳа лозим хонадонлар анча-мунча йиғилиб қолган экан. Қарзни узиб кетай деб йўл-йўлакай кириб ўтмоқчи бўлдим. Бешинчими-олтинчи уйга кириб чиққанимизда Устоз лутф қилдилар:

– Фалончибой, танишларингиздан тириклари ҳам қолганми? Орамизда ўтқошини олдирганлар бор, тамадди қилиш керак...

Ҳазилнинг бу кўринишини элда зарофат дейишади.

Ўшанда Шахрисабз, ундан ўтиб Самарқандга кирдик. Соҳибкирон бобомизнинг кадамжоларини, макбара ва марқадларини зиёрат қилдик. Сафаримиздан бир-икки кун олдин Дўрмонга Абдулла Ориповнинг ҳовлисига ҳам Ака билан биргаликда борган эдик. Кейин билсам, Ака Амир Темур ҳазратлари ҳаёти билан боғлиқ бир асарга қўл урмоқчи бўлиб, аввало, “Соҳибкирон” шеърый драмаси муаллифи – устозининг олдида ўтган, сўнг эса Жаҳонгир бобомиз мангу кўним топган гўшага бориб, У кишининг руҳларидан ёзишга изн сўрашни лозим топган экан. Бу гапни эшитган Абдулла ака: “Ичида Худоси бор, бутун одам шундай қилади”, деган эди. Кейинчалик саломатлигини тиклаш муносабати билан Америка Қўшма Штатларида юрган пайтлари Улуғ шоиримиз Унга бағишлаб ўшбу шеърини интернетда эълон қилди.

*Усмон шоир, ёш бўлсанг ҳам қўллаб юбор,
Баҳишён шеърга мени йўллаб юбор.
Бу дунёда нима кўндир – ташбеҳ кўндир,
Ажабтовур образларни мўллаб юбор.
Баъзи биров, сену менга кумсан дейди,
Мен гапирай, ўтирабер, жим, сан дейди.
Устозни-ку назар-писанд қилмас улар,
Ўрни келса, отасига кимсан, дейди.
Йўлда ногоҳ учраб қолса бирор раҳбар,
Содиқ итдай эргашади Балхга қадар.
Керак бўлса, кузатади ҳаммомгача,
Тиз чўқади буйругини берса агар.
Бой зотини кўрганда-ку учар ҳуши,
Қолиб кетар қариндошу тенги тўши.
Дунё топган тентак каби қувонади,
Сарқитидан кўз узолмас кўнгил қуши.
Шоирман, деб чиққанларнинг ярми тўқдир,
Хўрозчадай қичқиради, қорни тўқдир.
Рамазонда равган айтган болалардан,
Ўлай агар, тирноқча ҳам фарқи йўқдир.
Бир мактабда ҳаммамиз ҳам сабоқ олдик,
Ёлгон-яшишқ мақтовларни ишга солдик.
Во ажабо, илжайишиб, тиржайишиб,
Ўзимиз ҳам ўшаларга ўхшаб қолдик.
Усмон шоир, умрим ўтди, энди нетай,
Пайти келди, пушаймоним баён этай.
Энг яхшиси, Бойсун тоғдан бирор гор топ,
Чоригимни судраб унга кириб кетай.*

“Баъзи биров, сену менга кумсан дейди...” У ҳеч қачон кум бўлган эмас. Бўлса, тош бўлиши мумкиндир. Қояларга урилиб, дарё селларида ювилиб, кирралари қайралган учиб бораётган Харсангтош. Синчилигим тутиб, ўзимча: “Бу қачондир, қайсидир бир сайёрага бориб тўкнашади. Ерликлар шуурида ҳали катта ёруғлик – олов ҳосил қилади бу – Улкан Тош”, деб қўйдим.



Низомжон ПАРДА

Олис-олис юлдузларда янграб қолур овозим

* * *

Гоҳ текису гоҳ нотекис
Ҳаёт оқар уммондай.
Шамолларнинг оғушида
Шовуллаган ўрмондай.

Набототда турфа гиёҳ,
Минг товланар катқати.
Зарраларда жон ғимирлар,
Турфа-турфа шиддати.

Кимнинг умри тутаб ёнди,
Кимдан қолди аланга.
Қай бир изда қора чизик,
Ким нур сочди оламга.

Ким дилозор, ким беозор,
Кимнинг ўкли адоғи.
Ҳайхот, бу хил келишларнинг
Қачон тугар адоғи.

* * *

Ойдин тун.
Соҳилда ошиқ ва маъшук.
Қуш хайкалдай бўйлар бўйга ярашиқ.
Ўйигитнинг қўлида ўйнар майда соч,
Ҳиссин яширолмаи қиз ҳам ноилож.

– Вуй, жиминг деяпман, – дейдию ўзи,
Ўйигитни чимчилаб жовдирар кўзи.
“– Ҳов-вв-в, оҳо-о-вв!” – аллаким саси.
Тасир, тасир, тасир...

Низомжон ПАРДА – (1937–2019) Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тамомлаган. Шоирнинг “Тоғлар оралаб”, “Дашт армуғони”, “Камалакранг водий”, “Олтин маъбуда”, “Муҳаббат-муҳаббат”, “Ҳайрат” каби шеърӣй китоблари чоп этилган.

Отнинг чопкилаши келар йироқдан,
Тошлар қарсиллатиб учар туёқдан:

– Кимдир, бир бегона сохилга қўниб,
Сувни бошқа ёққа ағдардимиз? – деб.
Мироб келаётгир оралаб сойни,
Кетмонин сиртига қўндириб ойни.

Етиб келди, лекин, тўғон тинч, холи,
Қўш каптар жойидан қўчган мисоли.
Ошиқлар бир зумда кўздан йўқолди,
Сохилда шаркирок кулгилар қолди.

* * *

У кеч чарақларди юлдузлар минг-минг,
У кеч обод эди юлдузи билан.
Обод бўлганидай кўнглим ҳам менинг,
Ўзининг сен каби ёлғизи билан.
Мажнунтол шохларин қайириб, букиб,
Сувлар жимир-жимир оқдилар пастда.
Нозли карашлардан тузоқлар тўқиб,
Қўлларинг бўйнимдан оширдинг аста.
Биламан, йўл бергинг йўқку бир қадам,
Кўнглим учун дердинг, оғирмасми юк?
Юк эмас, айрилиш оғирдир, санам,
Найлай, зиммамдаги бурчим ҳам буюк.
Ипсиз боғлагансан ўзинг, чилвир соч,
Мен-чун бўлиб қолдинг танҳо, илоҳа.
Маъзур тут, юрт чорлар, бормаи йўқ илож,
Ёнингга соғиниб қайтарман яна.

* * *

Кўк-кўк,
Гўё кўм-кўк шуъла қўйнида
Паст-баланд уйларнинг томию
Адр-кир бошиндан этаклари ҳам.
(Рости,
Келиб кўрсанг,
Қолиб кетар –
Чинор таги,
Денгиз бўйида
Пушкиннинг ғаройиб эртаклари ҳам.)

Кўм-кўк,
Гўё кўм-кўк шуъла қўйнида
Бутун атроф
Соф
Нафас олади.
Чуваланган ипдай
Илинг-билинг оқ тўлқин
Сайхонликлар аро дам кўриниб,
Дам йўқолади.

Ўша тўлкинда
 Қалкиб,
 Бораётир, хув, олис зарра.
 Ахён-ахён,
 Атрофида митти-митти
 Қизил,
 Сарик,
 Кўк гоҳ нимпушти,
 У сочган ранглардан
 Турфа манзара.

* * *

Бизни бу кеч шайдо қилмиш бир туйғуки, афсунгар,
 Жон оғалар, қиркин қизлар, даврани кенг ёзинглар,
 Жиндай ором олсин энди, четга чикиб бозингар,
 Товус каби кўчишингни сен ҳам кўй, сарвинозим.

Қаранг, ял-ял гулхан ёнар, гулхан бу кезлар –
 Гулхан каби қизитмоқда ичим-тошимни ҳислар,
 Андаккина ҳовуримни ёзмок учун, азизлар,
 Беринг кани, сайроқ созни, тўлиб куйлашим лозим.

Шундай куйлай, кўзларимдан ёш келса ҳам майлига,
 Юрагимнинг томирлари ситилса ҳам майлига,
 Томоғимнинг пардалари йиртилса ҳам майлига,
 Кўринишда бир кушману юксак эрур парвозим.

Дилга ётган бир армонни мен опичлаб куйлайин,
 Не бўлсам ҳам ўзим, майли, уни хушлаб куйлайин,
 Қон талашган лабларимни тишлаб-тишлаб куйлайин,
 Хайхот, дўстлар, шу куйларда ўтиб борар киш, ёзим.

Тирикликда дарду шавқнинг тузоғида мен мастман,
 Умрим битгач, вужудимга бир газ ер бўлур маскан,
 Айтинг, нечун, бу заминга ўзим сиғиб-сиғмасдан,
 Олис-олис юлдузларда янграб қолур овозим!

* * *

Қайда ёмғир сепалаб ўтган,
 Қайлардадур зарра намлик йўк.
 Сарҳадларда тўкилган қондай
 Алвон бўлиб қизарган уфк.

Оппоқ танли бўйчан тераклар
 Тизилишиб турар соқчидай.
 Қалдирайди юксак-юксаклар
 Кунни ерга тушурмоқчидай.

Хув, шудгорга дон сепар дехкон,
 Тупроқ бўйи анкиб ётар хуш.
 Чексизликни айлаб бир макон
 Бўшлиқларга сингиб кетар куш.

* * *

Хой,
Кенгликка,
Жовдираб, кулиб,
Назар солган
Ўртоқ,
Қалайсан?
Оқ, паркувдан,
Юмшок йўргакдан
Хайронгина,
Мўлт-мўлт
Қарайсан.

Замин арқоғида бормадинг,
Урвоқмидинг,
У кун
Аралаш.
Нурми,
Хаво,
Зарра конмидинг –
Хужайралар аро жон талаш.

Қайтгайсану олисдан энди,
Осудалик туйгандек ҳушинг.
Йўқ,
Насибанг,
Йўлинг бошланди –
Бошланмоқда
Энди ташвишинг.


* * *

Бунда яна аччик шамол гоҳи-гоҳида,
Кавакларда курт-кумирска мудроқлар тин.
Баланд-баланд дарахтларнинг айри шохида,
Сўфиларнинг салласидай чуваланган ин.

Эртаю кеч бир хил куйни этмасдан канда
Илинг-билинг оқиб ётар нуқра ирмоқлар.
Сувга тушиб, бошпана жой излаб қолгандай,
Қайларгадир йўл олади тилло япроқлар.

Булутларнинг соясида қораяди ер,
Ёмғир куйиб ҳазонларнинг ювар ғуборин.
Шундоқкина юпун ҳол ҳам ўрмон файзlidir,
Оқ қалпокли шолитордай мўл кўзикорин.

...Ўйчангина ўрмондан ҳам чиқиб қоласиз,
Ортда ҳамон бир ойдинлик сизни банд этган.
Зич ўсишган қайинларнинг оппок танаси,
Оқ тутундай мовий кўкка сингишиб кетган.



Хуршид
БЕКНАЗАРОВ

Касбий маҳорат манбаи

Яқинда гўзал адибимиз Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” асарини мароқ билан ўқиб чиқдим. Ўтган асрдаги ижтимоий ҳаёт, халқимизнинг бугунги турмушида мазкур асарнинг эътиборга молик жиҳатлари кўп. Диққатимни тортган жиҳат, китобда қарийб бир асрдан кўпроқ вақт олдинги пойтахт ҳаёти, одамлар ҳаётини ёзувчи жонли ва табиий тасвирлар билан ифодалаган. Камина хаёлан бугунги замоннинг шиддати, тараққиётга юз тутган Тошкентнинг бутунлай янгича манзарасини беихтиёр асрдаги ҳаёт билан қиёслашман...

Бизга қиёслаш, фикрлаш имконини китоблар, адабий нашрлар тақдим этади. Шу маънода “Шарқ юлдузи” журнали ҳам ҳар бир сониди мана шундай устозлар, асарларидан намуналар бериб бораётгани айни муддаодир. Педагогик фаолиятимизда адабиётга ошuftа бўлиш, мумтоз ва замонавий шеърятдан, асримиз адабиётида ўз ўрнига эга ҳикоя ва қиссалардан бохабар бўлиш касбий тажриба ва малакамизни оширишга, уни бойитишга хизмат қилади.

Журналнинг 2019 йил 6-сониди берилган Лола Сайфуллинанинг Чўлпон таржимасидаги “Ичкари” сочма ҳикоялар тўпламини ўқиб, даврнинг одамлар ҳаётидаги роли, турмуш иқир-чиқаридаги ғайритабиий одатлар, ноқерак ирим-сиримларнинг оқибатлари ҳақида маълумот олдим. Таржиманинг ғоят нафис, миллий руҳ ва тилда қилинганлиги ўша давр қиёфасини ҳис этишда кўмак беради. “Қаромат билан Назокат” номли ҳикояда таржимон “Бу байтларни эшитган вақтида Қароматхоннинг кўнгли бузилиб кетади-да, кўз қораларида қаттим хафаликнинг майда учкунлари пилпиллай бошлайди”, деб айтади. Шу жумладаги “қаттим” сўзи бугун айрим шеваларда, хусусан, Тошкент лаҳжасида яшаб келаётганлиги бирдан хаёлга келади. Ҳикояда XIX аср хотин-қизларининг ҳаёти, ўй-фикри, орзу ва ҳасрати, иқболга соя солмиш одат ва анъаналар табиий чизгиларда кўрсатилади. Илмсизлик, кўпхотинлилик иллатлари одамлар ҳаётидаги укубатларга сабаб бўлаётганлиги кўрсатилади.

Яна бир адибимиз Абдурауф Фитрат шеърларини дарсликларда қисман ўқиганмиз. “Юрагимнинг энг қиммат армони” номли сарлавҳадаги шеър

Хуршид БЕКНАЗАРОВ – 1983 йилда туғилган. Тошкент давлат маданият институтини (ҳозирги ЎзДСМИ) тамомлаган. “Илҳом учкун” шеърый тўплами ва “Дутор тўғараги” номли услубий қўлланмаси чоп этилган. Мақолалари республика ва халқаро газета ва журналларида чоп этилган.

мажмуани ўқиб, (“Шарк юлдузи” 2020 йил 1-сон) шоирни яна бир карра чин истеъдод эгаси эканлигини ҳис этдим. Пок мухаббатга йўғрилган шеърий парчалар билан бирга, ўша машҳур “Миррих юлдузга” номли шеъридаги озодликка интилиш, кўкда хур турган юлдузга ҳавас, ерда бўлаётган хунрезликларга ўқинч ва ситам ҳақидаги сатрлари адибнинг бугунгидек тинч ва эрк туйғуси барк урган кунларни умр бўйи қўмсаб яшаганлигини кўрсатади.

*Бизнинг ерда бўлиб турган тубанликлар, хўрликлар,
Сўйла, юлдуз, сенинг дағи қучоғингда бўлурми?*

деган сатрлари мустабид тузумда она Ватанимиз ва унинг зиёлиларига, бутун халққа қилинган жабр-ситамлар, тарихий ҳикиқатларни яна бир карра кўз олдимизга келтиради.

Журнал саҳифаларида мунтазам бериб борилаётган “Талқин”, “Таҳлил”, “Унутмас мени боғим”, “Булоқ кўз очди” сингари рукнлар қаторида “Дурдона” саҳифасини ҳам севиб ўқийман. Мумтоз адабиётимиз намояндалари ижодидан баҳраманд этадиган бу саҳифада Алишер Навоий, Бедил, Бобур, Машраб, Нишотий сингари аждоқларнинг ижодий меросини, уларнинг ғазалларини ўқиб, бу асарларнинг асрлар оша яшаб келаётганлигининг асрорини англайман. Яна бир томони, бу ғазаллар ҳофизлар томонидан қуйланиб келаётганлиги ҳам уларга умрбоқийлик бағишлаб келмоқда. Хусусан, институтимиз ўқитувчи ва талабалари томонидан байрам дастурларида мазкур ғазалларга басталанган кўшиқлар ҳамма вақт маҳорат билан ижро этиб келинади.

Дарс жараёнларида адибларимиз ижодини ёшларга чуқурроқ аниқлашда пойтахтимиз марказида Адиблар хиёбонининг барпо этилганлиги айни муддао бўлди. Ҳозирда халқимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг энг сеvimли масканига айланаётган мазкур мажмуада йигирмадан зиёд шоир ва ёзувчиларнинг ҳайкаллари қад ростлаган бўлиб, уларнинг ҳар бири олий ўқув юртига бириктирилди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтига Адиблар хиёбонида қад ростлаган Ўзбекистон халқ шоири, элимизнинг суюкли фарзанди Муҳаммад Юсуф монументи бириктирилган. Шоир ҳаётлик чоғларида ҳам институтга кўп бора келган, байрам тадбирларида, ўқув юрти саҳнасида тўлиб-тошиб шеърлар ўқиганини биз яхши эслаймиз.

Хиёбонда ҳайкалтарошлик ва адабиёт уйғунлиги ҳар бир монументни санъат асари даражасида ифодалаш имконини берган. Бу жойда сўз ва соз, шеър ва оҳанг бирлашгандек таассурот қолдиради кишида. Устозлар, талабалар, адабиёт ихлосмандлари, ота-оналар ва ёшлар бу ерда сайр этишар экан, суҳбат ҳам, ўзаро мулоқот ҳам адабиёт борасида бўлишига шубҳа йўқ. Бу эса қалбларимизни янада кўпроқ китобларга ошно этади.



Azamat SUYUN

Gaplarimga yo‘q dema

O‘rik

Eshitingmi, hoy Nurik,
Yurakka quvvat o‘rik.

Ba‘zan derlar zardoli,
Yesang g‘oyat shifoli.

Turshagin suvin ichsang,
Taningga quvvat bo‘lar.

Me‘yorda ichib tursang,
Yurak baquvvat bo‘lar.

Aytay, senga bir sirin:
U xoh achchiq, xoh shirin.

Foydali danagi ham,
Qurigan bargagi ham.

Aytdim, senga shularni,
Yodda saqla bularni.

Shaftoli

Bilasanmi shaftoli,
U ham juda shifoli.

Yeb tursang u darmon-da,
Yemaganlar armonda.

Qishda qoqisin yesang,
G‘oyat naf bo‘lar bilsang.

Do‘lana

Toqqa qara, huv ana,
Ko‘rinyapti do‘lana.

To‘kilar duv-duv, ana,
Pishgan chog‘i do‘lana.

Yur, ozgina teraylik,
O‘rtoqlarga beraylik.

Shifosi ham yo‘q emas,
Gaplarimga yo‘q dema.

Bo‘laqolgin, bo‘l, ana,
Teraqolgin, do‘lana.

Pomidor

Navbat kutib xaridor,
Sotib olar pomidor.

Foydasi juda yaxshi
Ayniqsa, qizil naqshi.

Sharbatin ichsa bo‘lar,
Shundog‘am yesa bo‘lar.

Tayyorlab, ichsang tomat,
Chiroyli bo‘lar qomat.

Azamat SUYUN – 1959 yilda tug‘ilgan. Toshkent davlat universitetining (hozirgi O‘zMU) jurnalistika fakultetini tamomlagan. Uning “Yurtim qo‘shig‘i”, “Ogoh bo‘lgin, bolajon!” she‘riy to‘plamlari hamda “Ajib savdolar”, “Maftuningman, ona tabiat!”, “Umr mazmuni” (adabiy-badiiy, publitsistik va ekologik mavzularga oid) kitoblari nashr etilgan.

Karam

O'zi tuzuk sabzavot,
Kiyinar qavat-qavat.

Bilasanmi Muharram,
Uning otidir karam?

Ovqatga solsa bo'lar,
Ham tuzlab qo'ysa bo'lar.

Sog'liqqa asqotadi,
Zararni yo'qotadi.

Turp

Qirg'ichda qirsa bo'lar,
Sharbatin ichsa bo'lar.

Ta'mi ham shirin bo'lar,
Tishlab yesa ham bo'lar.

Lag'monga solsa bo'lar,
Osh bilan yesa bo'lar.

Uni yegan mahali,
Ochadi ishtahani.

Rangi ko'k, emas sariq,
Makoni Oltiariq.

Nechun topmassan hayhot,
Nimadir bu sabzavot?

Ramz o'ylab turib edi,
Sekingina "turp" dedi.

Oshqovoq

Senga aytaman faqat,
Gaplarimga qil toqat.

Dunyoda tansiq taom –
Bu oshqovoqli ovqat.

Oshqovoqning turi ko'p,
Bir-biridan zo'ri ko'p.

U poliz mahsuloti,
Forsiyda kadi – oti.

Bizlar oshqovoq deymiz,
Ishtaha bilan yeymiz.

Behi

Pishmagani ko'k bo'lar,
Pishgani sariq bo'lar.

Senga aytdim begidir,
Uning nomi behidir.

Yesang, juda totimli,
Hidi biram yoqimli.

Yumshoqqina tukini,
Bir-ikki donasini,

Artib yesa bo'ladi,
Oshga solsa bo'ladi.

Jiyda

“Bor qop ichida bir ustun,
Uning atrofi to'la un”.

Bu jumboqni top, Sojida,
Topolmadingmi bu – jiyda?

Yeb turish kerak jiydani,
U mustahkamlar me'dani.

O'sar adir, tog'larda ham,
Dala-yu dasht, bog'larda ham.

Uning guli g'oyat xushbo'y,
Har yon taratar ifor-bo'y.

Sadarayhon

Bilasanmi, sen shuni,
Nimadir jannat guli?

Topolmay, bo'lma hayron,
U bo'lar – sadarayhon.

Bo'y-ifori o'zgacha,
E'zozlashgan bizgacha.

Opajonim Mavluda,
Yuz tup ekdi hovlida.

Bo'yi tutdi olamni,
Xursand etdi onamni.

Адабий ҳаёт

* * *

3 июль. Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Ёшлар марказида карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда гарнизон ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари ўртасида “Ёш ҳарбий ижодкор” кўрик-танлови бўлиб ўтди.

* * *

6 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Жиззах вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ёш ижодкорларнинг анъанавий “Зомин қалдирғочлари” семинари “ZOOM” дастури орқали онлайн тарзда ташкил этилди. Семинар аввалида бир гуруҳ ёзувчи-шоирлар Адиблар хиббонида бўлди. Улар Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиб, шоир руҳига ҳурмат бажо келтирди. Очилиш маросимида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид ва Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев “Зомин қалдирғочлари” семинари қатнашчиларини масофадан туриб табриклади. Зомин семинарида илк бора Марказий Осие мамлакатлари, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Афғонистондан ҳам ёш ижодкорлар иштирок этишди.

* * *

8 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан “Сўз чамани” туркум китобларининг навбатдаги туркман халқининг оташин шоири, барча туркий халқлар учун ардоқли ва севимли бўлган ҳазрат Махтумқули шеърларидан тузилган рисола “Akademnashr” нашриётида чоп этилди.

Шоира Хосият Рустамованинг “Шамолнинг вазоҳати” деб номланган китоби Ветнам Ёзувчилар уюшмаси томонидан вьетнам тилида нашр қилинди.

* * *

13 июль. Тошкентда “Donishmand ziyosi” нашриётида Наманган давлат университети профессори Қодиржон Носировнинг “Мудрое слово Абая” (“Абайнинг доно сўзи”) номли китоби босмадан чиқди. Юбилейга бағишланган ушбу нашр Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси ва “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида амалга оширилди.

Эркин Воҳидов, Ибраҳим ҳамда Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабларида хорижий олий ўқув юртлири ўқитувчилари, таржимонлар иштирокида онлайн дарслар ташкил этилди. Сабокларда турк таржимонлари Эмине Бакар, Саваш Елок иштирок этди.

* * *

16 июль. Болгариялик таниқли ёзувчи Мария Филипованинг Ўзбекистонга бағишланган “Тўртинчи устун” номли китоби нашрдан чиқди. Китоб болгар тилида Пловдив шаҳридаги “ИМЕОН” нашриётида чоп этилди. Мария Филипова Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган адабий кечаларда фаол

иштирок этган. Бир қатор ўзбек шоир ва ёзувчиларининг асарларини болгар тилига таржима қилиб, нашр эттирган.

* * *

17 июль. Қуролли Қучлар тизимидаги ҳарбий қисмлар ҳарбий ва ноҳарбий хизматчилари ўртасида, атоқли адиблар номи билан аталадиган ижод мактаблари, Президент мактаблари, ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари орасида бадиий ижод билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳарбий қисмлар, турдош мактаблар, жойлардаги тўғарақлараро “Ижод завқи” номли беллашув ўтказилди. Ғолиблар ҳамкор ва ҳомий ташкилотларнинг сертификатлари, эсдалик совғалари ва китоблар билан тақдирланди.

* * *

21 июль. Ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг маънавий интеллектуал салоҳияти, онги тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, уларнинг китобхонлик маданиятин ошириш мақсадида билим юрти ҳарбий хизматчилари ва оила аъзолари ўртасида “Энг яхши китобхон ҳарбий оила” танлови ўтказилди.

* * *

22 июль. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан чоп этилаётган “Сўз чамани” туркум китобларининг навбатдаги рисоласи озарбайжон халқининг оташин шоири Муҳаммад Фузулий шеърларидан, яна бири шоир Абдували Қутбиддин шеърларидан, навбатдагиси шоира Бахтинисо Маҳмудова шеърлари асосида тайёрланиб нашрдан чиқди.

* * *

24 июль. Қуролли Қучлар академиясида Искандар Раҳмоннинг ҳарбий-ватанпарварлик мазмунида ёзилган “Дилбандингман, Ватаним”, “Тандирвой – оловли йиллар боласи” номли китобларининг тақдими ўтказилди.

* * *

29 июль. Марказий ҳарбий округ тасарруфидаги Жиззах гарнизони ҳарбий қисмларида муддатли ҳарбий хизматчилар ўртасида “Темур тузуклари” билимдони танлови ўтказилди. Танлов ғолиблари ҳамкор ташкилотлар, Ёшлар иттифоқи томонидан тайёрланган эсдалик совғалар билан рағбатлантирилди.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

Теша САЙДАЛИЕВ. Ҳаёт кўрки бўлиб қолар борлиғи.4

БИЗНИНГ МУЛОҚОТ

Тўра БОБОЛОВ, Тоштемир ТУРДИЕВ.

Ислохотларда юксалаётган диёр.8

НАЗМ

Усмон АЗИМ. Ним шўғлам милтирар туннинг қаъридан. ...15

Менгнор ОЛЛОМУРОД. Камалак рангида ҳаётим борур.37

Гуландом ТОҒАЕВА. Дил тубида қолган бир сўз бор.42

Ҳосният РУСТАМОВА. Ғамгин новдаларга куз берар сабоқ.93

Сафар ОМОН. Навоий нафаси теккан заримсан.98

Шухрат АЗИЗОВ. Рухимда бир бодом гуллади.124

НАСР

Эркин АЪЗАМ. Нов бошида икки момакалоним. *Эссе*.22

Дилфуза ЎРОЛ. Юр, настарин кўчасига. *Қисса*.46

Нортўхта ҚИЛИЧ. Устоз. *Муноқаша*.75

Чоршанби ДЕҲНАВИЙ. Сўнгги ўк. *Ҳикоя*.109

Эркин НОРСАФАР. Тўлғоқ. *Ҳикоя*.113

Шодмонкул САЛОМ. Арслон ва куралай. *Ҳикоя*.127

Даврон СУЛТОНОВ. Афсонавий кўзгу сири. *Саргузашт-детектив қисса*. *Давоми*. *Боиланиши ўтган сонларда*.134

МУНОСАБАТ

Асқарали ЖўРАЕВ. Куёш қулган гўша.115

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Шермуҳаммад АМОНОВ.

Аҳмад Табибийнинг туркий девонлари.101

Шерхон ҚОРАЕВ. Алишер Навоий ҳузурдаги мажлислар.106

ЁШЛАР ДАФТАРИДАН

Олисларда порлар бир ёлқин.118

АДАБИЁТ ВА ШАХС

Ҳол Муҳаммад ҲАСАН. Учаётган улкан тош. *Эссе*.159

BOLALAR DUNYOSI

Azamat SUYUN. Gaplarimga yo'q dema.172

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Низомжон ПАРДА. Олис-олис юлдузларда

янграб қолур овозим.166

МУТОЛАА

Хуршид БЕКНАЗАРОВ. Касбий маҳорат манбаи.170

Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2020

7-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри таҳририят ижодий жамоаси нуқтаназаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обун даврий нашрларни етказиб бериш билан шугулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилими:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шохкўча, Адиблар хиббони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

25.12.2020

Қоғоз бичими 70x108 1/16

Офсет босма усулида офсет қоғозда

босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 2900 нусха.

Буюртма №29

Эслатма: Журнал пандемия шароитида танаффуслар билан чоп этилганини эътиборга олиб, маълумотлар аниқлигини текшириш учун журналнинг босмаҳонага топширилган санасига қаралсин.

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ

матбаа қорхонасида чоп этилди.

Қорхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмасор тумани,

Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххиллар:

Дилфуза Маҳмудова

Маҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Шаҳриёр Ибрагимов

Copyright © «Шарқ юлдузи»

Унутилмас лаҳзалар




Шуқур ХОЛМИРЗАЕВ ҳаётидан лавҳалар

28 002
Ўзб-и



«Армон бўлган анорлар»



«Сукунат бағрида»
Турсунқул ШАЙМАРДОНОВ асарлари